

1037699  
2/2

СЕВІР АСЫРЛАРЫ



Хабиб Темиров

# ҚОРА ҚАСР АСЫРЛАСИ

2

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

# ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ

## 2

ИККИНЧИ КИТОБ


Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2010

84(59)6 Ўзб асаৰ

“Қора қаср асираси 2” – ўқувчи томонидан кутилаётган китоб. Биринчи китобни мутолаа қилған китобхон беихтиёр асар қаҳрамонларининг қисмати ҳақида ўйлады. Ҳаёлида туғилған фикрлар ва саволларга жавоб излайди. Субут, Афиға, Абди, Муқимхонов, Зоҳидийлар тақдирни билан қизиқади.

Иккинчи китобни ўқиб эса кутилған ва кутилмаган воқеалар гирдобига тушадики, инсон тақдирни, қисмати ҳақида нималарни дир англағандай, ҳис қилғандай бўлади...

1034699  
2/2



ISBN 978-9943-08-268-7

© «Қора қаср асираси 2». «Янги аср авлоди», 2010 йил

Субут Сокин шифохонадан чиқиб, қаёққа боришни билмай кўчада анча ўйланиб ўтирди. Хотинига, бинобарин эри бўлганлиги боис унга ҳам тегишли ҳисобланмиш «Қора қаср» мудҳиши бир вайронага айланган. Ажаб?! Шоҳона ҳаёт билан дарбадар гадолик ораси нақадар яқин. «Ишонмагин молингга, бир кун қўлдан кетаро...» Бирорнинг ўғрилик моли бирорвга буюрамиди? Буюрмади. Афиға ҳам-ми? У ҳам бирорнинг «моли» эдими? Йўқ. У ҳақда Субут ёмон хаёлларга бора олмайди. Нима бўлганда ҳам... Куйиб кетган жасадларнинг иккинчиси чиндан ҳам Зоҳидийми? Ишониш қийин. Субутнинг кўнглида чуқур бир ички сезги, савқи табиий бор. «Қора қаср»даги ёнғин тасодифий эмас. Ундаги қазо, аниқроғи қатл ҳам... Бу ерда катта бир сир бор. Шу сирнинг тагига етиш керак. Бунинг учун Субут ҳаммасини бошқатдан бошлаши керак. Кучи етармикан? Етади!.. Ҳозир эса бир муддат дам олиб фикрларини йиғиб, мулоҳаза юритишга холи жой керак.

Кечакуни кўргани терговчи Арслон Ҳакимов келганди. Ёнида 40 ёшлардаги яна бир жиддий қиёфали одам.

– Бу киши хавфсизлик идорасидан майор Йўлчиев, – деди терговчи. – Биз сизни хурсанд қилгани келдик. Сизга нисбатан очилган жиноят иши тўхтатилди. Гиёҳвандлик моддасининг асл эгалари қўлга тушган. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларини аниқлаш мақсадида тергов олиб борилмоқда. Улар сизга қилган туҳматлари учун ҳам жавоб беришади.

– Раҳмат, – деди овози титраб Субут. Хўрлиги келганини яширишга тиришди. Чуқур тин олди.

– Майор Йўлчиевнинг сизга бир-икки саволи бор, агар қарши бўлмасангиз, – деди терговчи. – У киши мазкур воқеанинг сиз билан боғлиқ айрим жиҳатларига аниқлик киритиб олмоқчи.

– Марҳамат, – деди Субут.

Майор ундан Сайхондаги ўта құммат дала-ҳовли қандай қилиб Афифаники бўлиб қолганлиги ҳақида сўради. Субут ҳовли аслида унинг холаси Шаҳина хонимга тегишли бўлганини айтди.

– Буни биламиз. Дарвоқе, Шаҳина хоним деб аталмиш ўша аёл жанжал-тўполон билан турли идораларга арз қилиб, Афифанинг жасади қолдикларини олган ва қишлоғига олиб бориб, дафн эттирган. Хабарингиз бордир?

– Ҳа, келиб менга айтганди. Лекин розиллик бермаганман. Дарвоқе, у «Ҳовли аслида менини эканлигини тасдиқлаб, ёзиб берсангиз», дэя илтимос ҳам қилди. Бунисига рози бўлдим. Чиндан ҳам ҳовли уники эканлигини Афифанинг ўзи айтган. Биз шунчаки ижарачи эдик, холос. Гарчанд ўша ҳовлини сотиб олиш учун Шаҳина хонимнинг ҳам маблағи етишига... одам ишониши қийин.

– Ҳужжатларга биноан ўша дала-ҳовли илгари «Фуар» фирмасига тегишли бўлган. Сўнгра фирма томонидан сотилган. Олди-сотди шартномаларида Афидахоннинг исм-шарифи акс этган. Гўёки ҳаммаси қонуний. Бироқ ҳовлининг амалдаги асл қиймати ҳисоб-китоб қилиб кўрилганда... чиндан ҳам уни сотиб олишмаган. Шунчаки... хотинингизнинг номига ўтказишган. Айтинг-чи, Афида Зоҳидий билан илгари танишмиди? Шундан хабарингиз бўлганми?

– Йўқ . Эҳтимол... Шаҳина хоним таништирган бўлса ҳам... мен хабар топмагандирман...

– Майли, демак... Шаҳина хоним... Зоҳидий... Узр, сизга яна бир оғриғли савол бераман... Афифанинг бошқа... пулдор танишлари... бўлганми?

Савол чиндан ҳам Субутга малол келди.

– Билмадим... Йўқ, бўлмаган, – деди Субут гарчанд миясида «Муҳимхонов-чи?» деган фикр айланиб турган бўлса-да.

– Ҳўп, майли, раҳмат, – деди майор. – Менинг бошқа саволим йўқ.

– Менинг ҳам, – деди Арслон Ҳакимов. – Эртага шифохонадан чиқиб, бемалол уйга кетаверишингиз мумкин. Мана, паспортингиз.

– Менинг ҳам сизга бир саволим бор эди, – деди Субут. – Агар мумкин бўлса...

– Марҳамат, тортинманг.

– Ўша... жасадлар Афифа ва Зоҳидийга тегишли экани аниқми?

– Энди... биласизми, жасадлар куйиб кўмирга, кулга айланиб кетган... Экспертизанинг дастлабки ҳулосаларига кўра шундай, – деди Арслон Ҳакимов майорга бир қараб олиб. – ДНК таҳлили асосида иденификация қилинган...

– Майли... Раҳмат, сизга – деди Субут. – Лекин мен унга... ўзим ишонч ҳосил қилиш учун... журналист текшируви ўтказаман.

– Ихтиёрингиз, – деди Арслон. – Қонунан бунга... ҳақлисиз, албатта. Бироқ мен маслаҳат бермаган бўлардим. Сиз олдин соғлигингизни тикланг, ишга киринг... Текширувни эса мана майор билан бизга қўйиб беринг.

– Ҳар ҳолда... баъзи нарсаларга аниқлик киритишм керак. Хотинимнинг... ўз ихтиёрига кўра Зоҳидий билан алоқа боғлаганига... ишонмайман. Унинг шаънини оқлашим керак.

– Албатта, албатта, – деди майор Йўлчиев Арслонга қараб бош иргар экан. – Сиз соғайиб, иш бошлаганингиздан сўнг биз билан хабарлашиб туринг. Билган, аниқлаган маълумотларингизни ўртоқлашинг. Ана шунда ҳақиқатнинг тагига етиш осон бўлади. Мана бизнинг телефонлар.

– Майли, – деди Субут маъюс жилмайиб...

Бугун уйқудан туриб, чой ичгач, ижаҳаҳонага нарсаларини жойлаштирас экан ўша телефон рақамлар ёзилган қофозга кўзи тушди. «Ҳозирча унга эмас, Муқимхоновга қўнгироқ қилиш керак», деб ўйлади. Кўчага чиқиб, автомат телефондан унинг рақамини терди.

– Э-э, салом, салом, азиз дўстим, – деди Муқимхонов. – Сиз менинг самимий ҳамдардигимни қабул қилинг. Лекин... энди фақат ўзингизни ўйланг, дўстим. У фожиани энди... буткул унучиш керак. У бир... бемаъни туш бўлиб қолсин. Увол-савоби... ўзи билан кетди.

– Тўғри, раҳмат... Мен ҳозир... бошқа масала бўйича қўнғироқ қиласапман.

– Хўш, хўш?!

– Прокуратуранинг адолатли ва ҳалол терговчиси Арслон-жон мени оқлади. «Мутлоқ айбисиз экансиз, энди ёруғ юз билан ишга чиқинг», деб айтди. Қаерга ишга чиқишни билмай бошим қотиб ўтирибман.

– Э-э, ишми? Ишни ўйламанг-э! Иш топилади. Дарвоҷе, сизни ишга жойлаган эдим-ку? Ўша... табиат газетаси қалай эди?

Бўлмайди-а? Сиз ҳуқуқшуноссиз-ку. Шошманг-шошманг, «Оқловчи» деган янги бир газета очилган. Номини қаранг. Ваҳима. Адвокатларникими, дейсизми, йўқ, мустақил ҳуқуқшунослар уюшмаси таъсис этган. Бош муҳаррири ҳам тажрибали ҳуқуқшунослардан. Ўшанга айтайми? Хўпми? Ҳозироқ қўнғироқ қиласман. Сиз эртагаёқ бориб учрашинг.

\* \* \*

Эртасига Субут Сокин «Оқловчи» газетасининг маҳсус мухабири сифатида иш бошлади. Унинг муҳаррири Субутни аввалдан орқаворатдан биларкан. Субут ҳам уни танирди. Суд, адлия, адвокатлик соҳаларида ишлаган анчайин таниқли одам. Ҳали унча кекса эмас. Лекин анчайин эҳтиёткор.

– Эҳтиёткорлик қўрқоқлик эмас, – деди у Субутта йўл-йўриқ кўрсатиб, вазифаларини тушунтирас экан. – Чигал масалаларда шахсан мен билан маслаҳатлашсангиз, дар қолмайсиз. Маъқулми?

– Маъқул! – деди Субут. Лекин битта илтимос. Мен... маошибиз... яъни шартнома асосида ишласам. Яъни тайёрлаган, ёзган науқса пуримга ҳақ тўланса. Бошқа пайт эркинроқ бўлсам...

– Майли, – деди муҳаррир. – Бу бизга маъқул.

– Лекин мен сизнинг барча буйруқларингизни сўзсиз бажараман, – деди Субут.

Унинг ўзини бу қадар сомеълнк билан тутиши муҳаррирни тўлқинлантириб юборди.

– Сиз... анча бетобланиб, толиқиб қолгансиз. Шу боис таҳририят ишини йўлга қўйгунимизга қадар бир ой, бир ярим ой дам олсангиз ҳам бўлади. Буйруқни ёзиб, маҳсус мухбир деган гувоҳнома берамиз, маъқулми?

– Маъқул, – деди Субут.

Ҳар ҳолда Субут ўзи бошлаётган чигал ва қалтис текширувда Муқимхонов муҳим ўрин эгаллаши, яъни кўп нарсани аниқлашга ёрдам бериши мумкинлигини билар, шу боис «У билан алоқани мустаҳкамлаш зарур», деб ҳисобларди.

– Ишга жойлашиб олдим. Раҳмат, сизга, – деди у ўша куниёқ қўнғироқ қилиб.

– Арзимайди. Бирор муаммо бўлса қўнғироқ қилинг. Ҳар ҳолда биз бегона эмасмиз.

– Албатта, – деди Субут. – Дарвоқе, менга ҳозирча таътил беришди, бироз даволанишни давом эттиришим керак экан.

- Жуда яхши! Қанча керак бўлса, шунча даволанинг.
- Агар... Хорижда даволанишга тўғри келса... рухсатнома олишга...
- Ёрдам берамиз, гап йўқ, – деди Даврбек.
- Бўйтни. Мен... кўнғироқ қиласман.

Субут Муқимхоновнинг шашти пастроқ эканини сезди. «Шу боис гапни калта қилмоқчи бўляпти», деб ўйлади. Акс ҳолда «Хорижга қачон кетмоқчисиз, қайси мамлакатга», деб сўрамасмиди?

Хорижга бориш фикри унда бутун туғилди. Ҳамонки, терговчида ёнғиннинг асл сабаби ҳақида тузукроқ бир маълумот йўқ экан, демак бу – жуда пухта уюштирилган ёнғин. Унинг сирини Зоҳидийга қарши курашаётган томон – унинг хориждаги собиқ устози билиши мумкин. Улар Зоҳидийни Субут ёрдамида матбуот орқали фош этишнинг удласидан чиқолмагач, ана шу қалтис ва ҳал қилувчи йўлни танлаган бўлишлари мумкин. Ҳар қалай калаванинг бир учи ўша ёқда. Субут қофоз олиб, унга бир неча исмларни ёзди: Шаҳина хоним, Муқимхонов, унинг муҳожир қайнотаси ва...

«Яна ким? Яна кимлар?» деб ўйлади у. Бу одамлардан ташқари ана шу воқеага боғлиқ яна кимdir, кимлардир борлигини у ички бир сезги билан ҳис этарди. «Кимлар?»

Шу таҳлит унинг эсига терговчи Арслон Ҳакимовнинг сўроқ «суҳбат» орасида айтган бир гапи тушди.

– Дунё тор, деганлари тўғри экан, – деганди ўшанда Арслон Ҳакимов. – Тасодифми, қонуниятми, қарангки, хотинингиз Афиғахон билан бизлар... асли бир туманда туғилган эканмиз. Кўшни қишлоқда. Кейинроқ биз шаҳарга кўчиб келганимиз-да, шунинг учун мен уни танимаганман. Лекин бир ошнам у ҳақда икки марта гапирганди.

- Нима деб гапирганди? – деб сўради қизиқиб Субут.
- Аввал... анча йил олдин – ўқиш йиллари бир гапирди: биз томондан Афиға исмли жудаям чиройли бир қиз ўқишга келган. Ўшани бир излаб топайлик, деганди чамаси, у қизни менга таништироқчи эди. Мен эътибор қилмадим. Кейинроқ 5-6 ой олдин кўришиб қолганимизда, Афиға эсингдами? деб сўради. Чунки кўрмаганман-да. Ўша қиз хор бўлибди, афсус, деганди. Демак, у таниган, кейин ҳам кўрган.

– Ким ўша танишингиз? – деб сўради Субут «Хор бўлибди», деган гап малол ботгани учун қуруқроқ, бепарвороқ оҳангда...

— А-а, бир дарвеш. Суратчи. Фотограф. Исполнитель — Абди. Галатироқ йигит. Яқында шаҳардан кўчиб кетиб қолибди. Қаергалигини ҳеч ким билмайди. Илгари бир-икки марта Россияга бориб ишлаб келган. Эҳтимол, яна ўша томонларга кетгандир. Қишлоқда қари онаси бор эди. Бултүр ўлди. Бир-икки қариндошлари қолган. Ўзи сўққабош. Ёлғиз. Сурат ишлаб журналларда чиқариб юради. Балким... Куни ўтмай қолиб, пул ишлагани кетгандир.

Субут бирдан эслади: «Аҳа, бу ўша», Афифа қисқа муддат таҳририятда ишлаган кунларда Субут унинг столида фотоқоғозга ишланган рангли бир ташрифномани кўриб, беихтиёр зътибор қилганди.

— Кимники бу телефон? — деб сўраганди Афифадан.

— Бир одамники, — деди Афифа. — Қишлоқдошим экан, мен илгари танимаганиман. Шу атрофда суратчи бўлиб ишларкан. Тасодифан кўришиб қолдим кўчада.

— Тасодифан кўришган ҳар одамнинг телефонини олавераркан-да киши? — деда жаҳл қилганди Субут.

— Хоҳласангиз, ташлаб юборинг, — деди Афифа ташрифномани учатиб.

— Ҳали аниқлашимиз керак, айтган гапингиз ростми-ёлғонми, — деди Субут ташрифномани чўнтагига солиб. Афифа аразлади. Субут ўшанда ташрифномани қайга қўйганини эслолмади. Ташлаб юборганди, шекили. Чунки кейин ўша воқеани хаёлидан чиқариб юборган, суратчи ҳақида ҳам умуман ўйламаган, эсламаган. Зоро, Афифа чиндан гўзал бўлгани боис унга турли эркакларнинг гап отиши, танишишга интилишига кўнишиб қолган, зътибор қилмасди.

Арслон Ҳакимов билан бўлган суҳбатни ҳам хаёлидан чиқариб юборганди. «Нима бўпти, бир қишлоқдан бўлса, шаҳарда кўриб қолиб: «Шундай гўзал қиз хор бўлибди», деган бўлса... У ҳам... Муқимхоновга ўхшаган кишилардан бири эканми?» деганди...

Шу топда оқ қоғозга тикилиб ўтириб, фикри ўзгарди. Ички сезими ёки Афифани яхши билган, унинг тақдирни ҳақида куйиниб гапирган, ўша одамни, албатта, топиб, қўлинин олиб қўйишга шунчаки инсоний бир эҳтиёж ҳис қилдими, ҳар қалай, астойдил қизиқсинди. Қоғозга унинг исмини ҳам ёзди: Абди.

Абди... Бу исмни ёзишга яна бир сабаб — Субут эртага Афифанинг қишлоғига бориб, ота-онасидан кўнгил сўраб, ўша номаъ-

лум сүяклар кўмилган «қабр»ни зиёрат қилиб, дуон фотиҳа қилиб қайтмоқчи. Бир йўла Абди ҳақида ҳам суриштиради...

Энди биз мұдтарам ўқувчи билан биргаликда лирик ческиниш қиласмиз. Воқеаларимиз оқимидан анча орқага қайтиб, Субут астойдил қизиқиб қолган ана шу одам ҳаёти ҳақида бир мунча муфассал сўз юритамиз. Шу аснода у ҳақда Субут кейинроқ аниқлаған маълумотлар, Абдининг ўзи сўзлаган ёки кундалик дафтарида ёзган мулоҳазаларни кўздан кечириб, бу воқеага нечоғлик алоқадор эканлигини аниқлашга уриниб кўрамиз.

## 2

Абди ёлғиз фарзанд эди. Самад буқри деган ёши ўтиброқ қолган қоровул ва Гулшан исмли фаррош хотин бу қишлоққа қачон келиб қолгани кўпчиликнинг эсидан чиқиб кетган. Фақат бир нарса анча-мунча одамни ҳайратга солган ва мудом таажжублантириб келарди. Бу – шаҳар лаъжасида сўзловчи ғоят ёш ва сулув жувоннинг қари, устига-устак буқри одамга теккани эди. Гулшан фаррошлиқ қилса-да, ёш-ялангларнинг тўйларида зимдан қилинган имо-ишораларини қаҳр билан қайтариб ташлагач, унга ҳеч ким гап отмайдиган бўлди. «Бу ўша пиёниста, буқри чолга қаттиқ муҳаббат қўйган», деб заҳарханда қиладиган бўлишили. Самад буқри эса қари, буқрн бўлгани етмагандек, пиёниста ва одамови ҳам эди. У деярли ҳеч кимга қўшилмас, тўймаъракаларга бирров кириб-чиқиб кетар, бунн «Постга бориш керак», деб изоҳлар, бекор кунлари эса тўйиб-тўйиб ичар, ичгач уйида жанжал қилиб, гоҳ хотинини, гоҳ Абдивой исмли беозор йигитчани аямай уради. Шунинг учунми у тенгқурларига унча ўҳшамайдиган, ғалатироқ бўлиб ўсли. Ҳамма болалар бедазорда тўп тепиб юрса, у молларга ўт юлар, тандирга ғўзапоя йигар, тапли ёпар, иш билан банд бўларди. Кўп ишласа ҳам кучли, тавдали эди. Бошида у анча ўйинқароқ бўлган, аммо отасидан икки марта қаттиқ калтак еганидан кейин, гўё онасидан қайта туғилди. Фақат буюрган ишни қиладиган, онасининг чизган чизнингдан чиқмайдиган бўлиб қолди. Онаси бундан бошида суюнди: «Вой, одобли бўлиб қолган боламдан ўзим айланай», деб эркалатди. Абдивой эса бунақа эркалатишлардан завқ ҳис этмас эди. «Яна нима иш қиласай, эна?», деб буйруқ кутиб турар эди. Эна шўрлик ўжар ва меҳнатсевар ўғлига иш буюриб чарчаб кетар:

«Хой, сен ҳам мундай болага ўхшаб күчага чиқиб ўйнаб келсанг-чи», деда жавар, Абдивой бўлса, кўзини лўқ этиб: «Кўчада нима қиласман, эна?», дер ва дарвоза томонга қўрқа-писа кўз ташлаб қўяр, бу эса «Отам келмаяптими, бекор ўтирганимни кўрмаяптими?», деган хавотир эди. Чунки отаси бир сафар ёмон урган. Аямай, шафқатсизларча урган. Абди: «Отажон, раҳм қилинг, ўлдириб қўясиз-ку», деда чинқирганида ҳам қулоқ солмаган. Қўлидан шу қадар қаттиқ тортган ва улоқтириб юборганки, кейин билса қўли билагидан чиқиб кетган экан. Боши эса ўшанда де-ворга қаттиқ урилган. Шу боисданми у жаҳли тез чиқадиган, жаҳли чиққанда кўзига ҳеч нарса кўринмай, ёввойилашиб, ваҳшийлашиб кетадиган бўлиб қолди. Кўринишдан ювош, мулоим, бироқ жаҳли қўзиб кетса, ҳеч кимни аямайди. Буни билган тенгқурлари ундан ҳайиқишиб, четроқ юришади. Бир-иккиси Абдидан ёмон калтак еган. Бир гал... Абди отаси Самад букрини ҳам урмоқчи бўлган. Зўрга ажратиб олишган. Онасини ҳақорат қилганди ўшанда отаси. Отаси ёмон одам эмас, ичувчи ва оғзи шалоқ бўлса ҳам. Бунга Абди мактабни битириб, ўқишга бормоқчи бўлганида яна бир марта ишонди. Абди бошида «Кўнмайди, юбормайди», деб қўрққанди. Ҳайтовур отаси хўмрайнб, ўйланди-ю, кутгилмаганда: «Майли, борсанг бор, лекин сени пора бериб, ўқишига киритишга пулим йўқ», деди.

– Ўзимнинг кучим билан кираман, – деди Абди. – Киролмасам, дарров орқага қайтаман.

– Қаерга қўнмоқчисан шаҳарда? – деб сўради Самад букри бир Абдига, бир хотини Гулшанга қараб. Гулшан нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, индамади.

– Арслон ўртоғимни кига тушаман, – деди Абди. – Ўзи айтган: «Шаҳарга ўқишга борсанг, менинида турасан», деб.

Бу гапдан сўнг ота-она хотиржам бўлишиди. Чунки Арслон асли шу ерлик Султон Ҳакимов деган ўқитувчининг ўғли эди. Улар бир неча йил бурун шаҳарга кўчиб кетишган. Абди Арслон билан болаликдан ўртоқ бўлиб, шаҳарга кетганларидан сўнг ҳам алоқасини узмаганди.

Ўша Арслоннинг синглиси Зарифа еттинчи синфдалигига Абдига хат ёзган. «Сиз акамнинг ўртоғисиз. Менга ёқасиз. Мен сиз билан севишишни истайман», қабилидаги содда бир мактуб. Абди унга жавоб ёзмади. Ҳоҳламадими ёки ботинолмадими?..

Шундай қилиб, Абдивой Самадов шаҳарга ўқишига жүнади. Йўлда, автобусда кетаётганда: «Арслонларнинг уйини қийналмай топармиканман?», деб ўйлади. Сўнгра Арслоннинг синглиси Зарифани эслади. Ширин жилмайиб қўйди. Сабаби... Аслида... Абди Зарифадан ҳам кичик, бешинчида ўқиидиган бошқа бир қизга ҳавас билан қараб юрар эди. У қиз жуда чиройли эди. «Бўйи етса... гўзалликда танҳо бўлади», деб ўйларди Абди. Сутга чайилгандек оппоқ эди ўша қизалоқ. Юввош ва тортиночқоқ эди...

Зарифанинг мактуби Абдининг бошини айлантириди. Зарифа хатни жуда чиройли қилиб ёзган эди. Шундай бўлса ҳам Абди дабдурустдан унга ошиқ бўлгани йўқ. Катта бўлайлик-чи, кўрамиз-да, деб қўйган. Абди совуққон ва мулоқазали бўлишга уриниб юрарди ўша кезлар. У қизиққонлигига «касаллик», деб қарап ва «Мен бу касалликдан кутулишим керак», деб ўйларди. Зарифа эса шўх эди. Шўхлиги ўзига ярашарди. Чунки шўхликни одоб билан қиласарди. Хат ёзишга келсак, ўша пайтда кўп қизлар хат ёзарди. У ҳам ўшаларга эргашган-да. Ўзи қизиқ, қизлар еттинчи синфдан бирдан бўй етиб қолади. Кўплари ўшанда илк бора йигитларга зимдан разм сола бошлайди...

Зарифа хатига жавоб олмагани учун анчагача маълул бўлиб юрди. Буни Абди сезган. Ўзи ҳам Зарифани зимдан кузатар, кўрмай қолган кучи бир азиз нарсасини йўқотгандек бетоқат бўлар, бироқ юраги ботиниб гап очомасди унга.

Яна Зарифанинг ўзи дадиллик қилди. Кўчиб кетаётгандарида Абдининг олдига келиб: «Хайр, Абди ака», деди. «Хайр!», деди Абди ҳаяжонланиб. «Йўлингиз тушса, шаҳарга боринг», деди Зарифа. «Худо хоҳласа, албатта, бораман», деди Абди.

Мана, боряпти. Шаҳарга етиб келгач, «1» рақами автобусга ўтириб, темирйўл вокзалига борди. «Бекатдан 100 метр юрсанг – уйимиз», деганди Арслон. Тез топди. Улар энди кечки ноңуштага ўтиришган экан. Абди шерик бўлди. Арслон суюнди. Ўртоғини қучоқлади. Арслон ҳуқуқшуносликка топширибди. У Абдини отасига кўрсатиб: «Бу ҳам ўқишига киришга келган», деди. Отаси: «Хўп яхши, қайсига кирмоқчисан?», деб сўради. Абди «Адабиётга кирсам...» деди. «Хўп, яхши омадингни берсин». Абди: «Институтда бирор танишингиз борми?», – деб сўради. «Танишингиз-ку бор-а, пул сўрайди-да». «Пулим йўқ эди». «Ундей бўлса, баҳтиргдан кўрасан-да, ҳамқишлоқ». Абди бироз маъюсланди. Лекин сездирмади. Нигоҳи кимнидир излади.

Зарифа күрінмасди. Арслондан сўрашга Абди торғынди. Арслон ўзи гап орасида айтиб қолди: «Хоразмга мусобақага кетган. Стол тенниси бўйича мамлакат чемпионатида қатнашашапти».

«Зўр-ку», деб ўйлади Абди. Зеро, ўзи ҳам спортни севар, унинг деярли ҳамма тури билан шуғулланган, нияти – ўқишига кирса, бирортасига жиддийроқ киришиб, катта мусобақаларга қатнашиш эди. Афсус...

Абди ўқишига киролмади.

Энди биз Абдининг ўқишига кира олмагани сабаби ҳақидаги изоҳимизни кейинги бобларга қолдириб, воқеамиззининг энг ижтимоий фаол иштирокчиларидан бири бўлмиш муҳтарам Даврбек Муқимхонов ҳузурига қайтамиз. Ҳикоямиздаги бундай услугуб, яъни бир воқеани ярмидан узиб, иккинчисини улаб кетаётганимиз сизга эриш туюлса, маъзур тутинг. Шундай қиласак, қизиқарлироқ бўлар, деб ўйладик.

Хуллас, энди эски танишимиз, ҳаммамиз учун анчайин қадрден ва ҳурматли бўлиб қолгаи Муқимхонов жанобларининг обрўли идоралардан биридаги ёруғ, кенг, гиламлар тўшалиб, чиройли жиҳозланған сертелефон хизматхонасига йўл оламиз. Бу кабинет нақадар гўзал ва муҳташам бўлмасин, очиги, кейинги пайтлар Муқимхоновга торлик қилиб қолган. Негаки, катта бир идоранинг катта бир бўлими бошлиғига ўринбосар бўлса ҳамки, «зам»да! «Сам», яъни ўзинг бошлиқ бўлганга нима етсин?! Дарвоҳе, Субут Сокин унга қўнгироқ қилган куни машиқи пастроқлигини сезганини биламиз. Бинобарин «Нега?» деган савол туғилиши табиийдир.

### 3

Даврбек Муқимхоновнинг кейинги пайтлар иши унча ўнгидан келмаётганди. Шу боис ҳам кайфияти йўқ эди. Кеча прокуратурадан қўнгироқ қилишиб: «Айбга буюрмасангиз, бир келиб-кетинг. Баъзн нарсалар ҳақида бир неча савол берсак», деб таъбини тирриқ қилишибди. Борди. Арслон Ҳакимов деган терговчи экан. Саволлари илмоқли. Зоҳидий ҳақида, собиқ қайнотаси, Шаҳина хоним...

«Ишқилиб Афиға ҳақида ҳам сўрамаса гўргайди», деб ўйлади Даврбек.

Хайрият, сўрамади. «Сиз хавотир олманг, бу шунчаки суҳбат», деди Ҳакимов. Бироқ Даврбек хавотирланди. Зоҳидий ва Афифанинг фожиасини... Даврбекдан ҳам гумон қилишашаётими? Қандай жазм этишлари мумкин? Салкам вазир даражасидағи одамни сўроқ қилиб ўтиришганини қаранг. Бу терговчилар жа-а ҳаддидан ошиб кетишашаётми-да. Тошпўлат Аъламович ишлаб турганда-ку ботинолмасди-ю...

Тошпўлат акамнинг ишдан кетиб қолгани чатоқ бўлди-да. Афсус... Қандай дориломон кунлар эди-я. Тошпўлат ака ажойиб инсон эди... Синглиси Манзурахон семиз ва хунук бўлса ҳам...

Айтганча, унинг қайнинакаси Тош оға ҳам бир неча кун олдин ишдан кетди. Афсус...

Даврбек беихтиёр Тошпўлат Аъламовичнинг қабулига илк бор кирган кунини, ундан сўнг юз берган воқеаларни эслаб кетди.

Хув ўша... Муқимхонов Зоҳидий билан «савдо»ни пишитгач, иккинчи қаватдаги мўъжаз хизматхонасида ўйчан ўтиради. Унинг кўнглида икки туйғу тўқнашиб, жанг қилмоқда. Бири – Зоҳидийга Афиғанн нечоғлик «қиммат» нарҳда пуллагани ва бунинг эвазига қанақа «галаба»ни қўлга киритажаги туфайли қувонч, ширин энтикиш. Иккинчиси – ўзига ишонган, содда, кўнгилчан, муштипар бир аёлни, қолаверса, кўнглига яқин, суюкли кишисини номардларча, шафқатсизларча сотиб юборгани учун афсус ва пушаймон, ачиниш. Биринчи туйғу қанчалик оромбахш бўлса, иккинчиси шуичалик азобли. «Виждонингни сотдинг-а, номард», деда унга ўшқиради ички бир садо. Даврбек бўш келмайди: «Тараққиёт қурбонлик талаб этади. Бигта қурбонлик билан ер юзида маъсума аёллар камайиб қолмайди. Кейин буни асли ўзи қурбонлик, деб аташ ҳам нотўғри. Зоҳидийдек бадавлат, қудратли одамнинг паноҳи остида бўлиш баҳт-ку».

У шуни ўйлаб кулди. Аянчли кулди. Сабаби шу топда ўзини ҳам худди Афиғадек Зоҳидийнинг «паноҳи» остида, йўқ, аниқроғи оёқлари остида, деб ҳис қилди. Алам қилиб кетди. «Мен... шундай қудратли идорада ишласаму... яна ўша одамнинг пулига муҳтоҷ бўлиб юрсам-а», деда ўқинди.

Худди шу ўй баробарида Даврбекнинг столи устидаги телефонлардан бири, аниқроғи, аинчайн мұхимни ва нозиги ҳисобланмиш – «свертушка» жиринглаб қолди. У шошиб, ҳаяжонланиб гўшакни олди.

– Мұқимхонов эшитади, – деди аскарларга хос жарангдор ва аниқ овозда.

Сим ортидаги овоз унга «фалон жойға» тезда етиб келиши лозимлигини үқтириди.

– Хүп бўлади, ҳозироқ етиб бораман, – деди Даврбек ҳаяжон, қўрқув ва ҳадикли бир қувонч оғушида. Ҳаёлидан: «У ерга бе-ҳуда-бекор чақиришмайди, бир гап бор...» деган фикр кечди. Ана шу фикр у чақирилган жойға етиб келиб, юқори қаватлардан бирининг «кремлча» алвон гилам-поёндоз тўшалган даҳлизидан юриб бораётган чоғида яна ҳам кучайди. Юраги ҳаприқди. Ҳашаматли қабулхонага кириб, чиройли, юмшоқ ором-курсида солланиб ўтирган бағоят гўзал котибанинг:

– Сизни кутишайпти, киринг, – деган ширин мулозаматини эшитгач, тамоман гангид қолди. У гўё туш кўрмоқда эди...

Узун, кенг, ёруғ, серҳашам хонага кириб, соҳибининг сех-рли овозини эшитгач, мияси тиниқлашиб, кўзлари чарақлаб очилди.

– Келинг-келинг, ваалайкум ассалом, қани ўтиринг! Яхши-яхши! Та-ак, Даврбек Мұқимхонов! Жуда яхши...

Даврбек бу зоти киромини илгари фақат улкан машваратларда узоқдан кўрган. Лоақал бирор марта ҳам саломлашмаган. Сабаби бул муҳтарам инсон мавқеи нақадар улкан бўлсада, мудом четроқда камтаргина юрар, тепакал сиймосини ҳадеб кўз-кўз қиласермас, нуқул ўзини панага тортарди. Аҳли идора эса унинг куч-қудрати ҳақида ривояту афсоналар сўзлашарди. Бу одамнинг исм-шарифи Тошпўлат Аъламович Турсунов эди.

Ана шу одам, яъни муҳташам хонанинг бароқ қошли, тақирбоз соҳиби уни оталарча меҳрибонлик билан кутиб олди ва ҳатто елкасига қоқиб қўйди:

– Сизга анчадан бери назар ташлаб юрибмиз, – деди у. – Яхши кадр бўлиб етишайпсиз. Тўғри, баязи бир ҳатоларга ҳам йўл қўйдингиз... шахсий турмуш бобида. Бироқ уларни вақтида туэтганингиз яхши бўлди. Ҳозир бўйдоқсиз-а?

– Худди шундай! – деди Даврбек «Ҳатоларингизни вақтида туэтдингиз», деган гапдан илҳомланиб.

– Жуда яхши. Ҳақиқий сиёсат арбоби ана шундай жонбоз, фидокор инсон бўлиши зарур. Ҳалқ, Ватан хизмати унинг учун ҳамма нарсадан юқори турмоги шарт. Шахсий ҳаёт – иккинчи, учинчи ўринда бўлиши керак. Дарвоқе, собиқ қайнотангиздан

узоқлашгач... доиралари билан олди-берди қилиб... шаъннингизга дод туширганингиз йўқдир-а?

— Йўқ-йўқ! — деди Даврбек шошиб.

— Ҳалиги... Зоҳидий, деган бир корчалон билан муносабати бор, деб эшитдим-ку?

— Ҳа-а... Бир масала бўйича мурожаат этганди, иш юзасидан. Ўшанда танишганмиз. Лекин яқин ошначилигимиш йўқ.

— Мабодо... бўлган бўлсаям, узиш керак. Тушунарлимни? У одамнинг сизга халақит беришини истамассиз, албатта. Тушунарлимни?

— Тушунарли.

— Бошқа... халақит берадиган жиҳатлар йўқдир-а?!

— Йўқ-йўқ!

— Жуда соз. Ҳар ҳолда... Яна текшириб кўришади. Кўзга қаранг. Энди-и... мақсадга кўчсак. Сизни ниҳоятда маъсулиятли бир лавозимга тавсия этмоқчимиз. Нима дейсиз?

— Агар... ишонч билдируларингиз... бутун куч-қувватимни сарфлаб, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиласадим.

— «Ҳаракат қиласадим» эмас, ишончни сўзсиз оқлайман, дейиш керак. Тушунарлимни? Дарвоқе, «Қаерга, қанақа лавозимга?» деб сўрамадингиз-ку. Аҳамиятий йўғ-а? Номи лавозим бўлса, шопирли машинаси, секретаркаси бўлса басда-а? Ҳе-ҳе! Шунақами? Майли, ўнгайсизланманг. Ҳозир амалдор қавмининг шунақа янги бир тоифаси пайдо бўлди. Бугун санъатга, эртага саноатга, индин тиббиётга раҳбарлик қиласеради. Универсал! Сиз... У тоифадан эмассиз. Сиз яхши мутахассисиз, маъсул идораларда етарли тажриба орттирудингиз.

— Қилган яхшилигингизни бир умр унутмайман, акахон! Отам қилмаган яхшиликни қилаяпсиз.

— Унақа деманг. Отангизнинг энг катта яхшилиги сизни бунёд этгани. Дарвоқе, «Устоз – отангдан улуғ», деган ибора нотўғри. «Устоз – отангдай улуғ» бўлиши керак. Тушунарлимни? Энди сизга жавоб. Орамизда бўлган гапни ҳеч кимга, ҳатто, хотинингизга ҳам айтманг! Дарвоқе, сизда хотин йўқ-ку! Жудаям яхши! Боринг-бораверинг! Яхши ишласангиз, хотин ҳам топилади. Белбоқча ёлчимаган бўзчи! Мен айтган гаплар эсингиздан чиқмасин! Тушунарлимни?

Даврбек муҳташам иморатдан чиқиб келар экан, уни тавсия этишмоқчи бўлаётган лавозим чиндан ҳам катта эканлигини

иچ-ичидан сөзар, қувонар, айни пайтда, «Ишқилиб текшириб кўришаётганда бирор гап чиқмасин-да», деган хавотири ҳам бор эди. Аслини олганда, қўрқадиган жойи йўқ. Фақат... «Зоҳидий билан ошначиликни узинг», деган гап унинг юрагини шувилла-тар эди. Ахир Зоҳидий билан уни боғлаб турган ришталарни узиш осон эмас... Бу ришталар унинг... жонига, хону монига туташ-ган. Қизиқ. Тошпўлат Аъламович ҳеч қанақа шаъма ҳам, имо-ишёра ҳам қилмади-ку. Ёки... бу одам олмасмикан? Ё янги лаво-зимга жойлашганидан сўнг сўрайдими? Йўқ-йўқ! Қоидаси бу-нақа эмас. Олдин ҳақи тўланиши керак-ку. Нега бунақа қилди. Лоақал гумашталари орқали айттиrsa бўларди-ку. Айттирма-ди. Балким... бошқа гапи бормикан? Ҳа, майли. Даврбек янги ишга ўтиб олсин-чи, бирор... қимматбаҳо «ҳадя» топширади. Дар-воқе, унинг ўзи Зоҳидийдан бунақа ҳадяларнинг қанчасини ол-ган... «Ҳадя», «қарз», «гуманитар ёрдам» шаклида узатилган маблағлар озмунча эмасди-да! Шунча ҳимматлар-у эҳсонлар-дан сўнг қандай қилиб Зоҳидийга кетини буриб кетиш мумкин? Эркакча иш бўлмайди-ку? Унақа қиласа... Зоҳидий уни биринчи мутолишдаёқ сотиб, фош қилиб юбормайдими? Йўқ. Зоҳидийдан тирик ажralиш мушкул. Шу боис агар у мутлақо керак бўлмай қолса... йўқ қилишга тўғри келади. «Одам йўқ – муаммо ҳам йўқ», деган экан ўтгизинчي йилларнинг уддабуронларидан бири... Йўғ-е, мен нима деяпман ўзи? Наҳотки, шундай соҳиби карам инсонга қўл кўтаришга жазм этсам. Наҳотки, уни... йўлдан олиб ташлаш ҳақида ўйлашим, шум ниятларга боришим мумкин? Ахир унга: «Қиёматли ота-бала бўлдик», деган-ку! «То тирик эканман, сиз билан бирга бўламан», деб қасамёдлар қилган-ку! Ахир «дипломат» тўла пулни олиш осонми? Эҳтимол... Зоҳидий унинг ўша қасамёд ва аҳду паймонларинн видеога олиб, овозини ёздириб қўйган ҳам бўлиши мумкин...»

Боши қотди. «Ҳеч қурса, ҳозирча кўришмай туришим керак», деган қарорга келди у охири. «Худонинг ўзи бир томонга бошқа-рар... Худо бошқармоги учун ўзингни Худо измига қўйишинг керак, шайтоннинг измига эмас...»

Ё, Раббим! Бу садо қайдан чиқди? Ичидан. Унинг ичидан гоҳ-гоҳ шунақа садолар чиқиб турар, Даврбек буни «Ўз-ўзини танқид», деб баҳолар ва унчалик эътибор қилмасди.

Ишдан уйга келиб, ечиниб ҳам улгурмагандики, телефон жи-ринглади. «Уйда дам олишга ҳам қўйишишмайди», деб тўнгиллади у.

Ҳолбуки... кўнглидан ўтган бояги шум фикрлар иблиц алайҳи лаъна қулогига етиб борган ва у Даврбекни дафъатан тугилган муаммодан халос этиш учун хатти-ҳаракат қилишга киришган эди...

Даврбек гўшакни қулогига тутди-ю, ундаги овозни эщитиб, нафаси ичига, қўлидаги гўшак эса тушиб кетди. Бу – у анчадан бери эшитмаган, ғоят таниш, ҳукмфармо, айни пайтда жудаям мулойим овоз яқингинадан, гўё шундоққина девор ортидан келаёттандек эди.

– Эш... эш... эшитаман, – деди Даврбек қалтираб. Чунки бу овоз соҳибининг ўзи, тўғридан-тўғри қўнгироқ қилиши мумкинлигини сираям ўйламаганди.

– Соғ-омон бормисиз, бўтам?

– Худога шукур, ўзингиздан сўрасак?

– Биз – яхши! Сиз сўрадингиз, энди насиб этса, яна ҳам яхши бўлажак.

– Илойим, яхши бўлсин.

– Шу тилак самимий ва бизга қилган изҳори садоқатларингиз доимиими, бўтам?

– Албатта!

– Ундай бўлса... менинг номимдан бир йигит сиз билан учрашади. Ёрдам керак бўлса... берарсиз?..

– Жоним билан:

– Раҳмат бўтам! Насиб этса... дийдор кўришиб қолурмиз...

Бу овоз соҳиби Муқимхоновнинг ҳозир ҳижратда юрган собиқ қайнотаси эди.

Даврбек собиқ қайнотасининг «вакил»и нима масала бўйича мурожаат қилиши мумкинлиги ҳақида анча бош қотирди. Тахминларга берилиди. Яқинда у хориж билан иқтисодий алоқалар кўмитасида илгари бирга ишлашган, ҳозир қайсилир Шарқ мамлакатидаги элчихонада фаолият юргизаётган эски танишидан ғалати гап эшитганди. У дабдурустдан:

– Даврбек, собиқ падар аруси бузрукворингиз билан мулокотлашиб турибсизми? – деб сўради.

– Йў-ўқ, алоқамиз узилиб кетган, – деди Даврбек хавфсираб.

– У одам билан... алоқани узманг, – деди элчихона ходими. – Ул кас... кў-ўп зоти шарифлар ила яхши муносабатларини тикламоқда... Гарчанд ҳижратда юрган бўлсалар ҳам.

«Демак, қайтиб келиш ҳаракатида эканларда бизнинг қадр-дон», деб ўйлади Даврбек. Бироқ унинг қандай қилиб қайтиб келиши мумкинлигига ақли етмади. Чунки кетишда орқадаги

кўприкларни тамоман ёндириб кетган-ку. «Эҳтимол, заҳирада бир иккисини қолдиргандир...»

Учрашув эртасига, хиёбонда бўлди. Вакил иш тугашига яқин Даврбекнинг ишхонасига қўнгироқ қилди. «Кечки нонуштани қилиб, хиёбонга, сайд қилгани чиқинг», деди. Даврбек хиёбонга кириб борганида у ҳали келмаган экан. Бир зумда пайдо бўлди. Даврбек нимқоронғуда унинг юзини яхши кўздан кечиролмади. Салом-алик қилишиб, ёнма-ён юриб кетишиди.

– Бизни аввало жаноби Зоҳидий билан муносабатларингиз қизиктирали, – деди вакил. Даврбекнинг энсаси қотди. «Нимага булар мен билан бунаقا муюмала қилишади?», деб ғижинди. Аммо собиқ қайнотаси ҳақида дипломат йигит айтган гапларни эслаб, ўзини босди.

– Яхши муносабатдаман, – деди у.

– Учрашиб, сұхбатлашиб турасизми?

– Ҳа.

– Сайхондаги... дала ҳовлини у сизга... совға қилғанми?

– Йўқ. Уни бир аёлга сотишган.

– Субут Сокиннинг хотини Афиғаҳонимга. Шунақами?

– Шунақа.

– Ўша Афиғаҳоним билан сиз... яқин муносабатдасиз-а?

Даврбек яна ғижинди. «Булар мени ким, деб ўйлаяпти ўзи-а? Бор, тошингни тер, деб юборайми ҳозир».

«Вакил» унинг ғазабланганини сезди.

– Даврбек, дўстим. Сиз асабийлашманг. Биз сизни хавфли хатолардан асрароқчимиз, холос. Ахир келажагингиз порлай, деб турибди. Шундай эмасми? Кечаги учрашув... муқаррар яхши натижалар беражак.

Даврбекнинг юраги шувиллаб кетди. «Демак, кечаги учрашувга буларнинг алоқаси бор экан-да?.. Йўғ-е...»

«Вакил» гўёки унинг фикрларини ўқиётгандек эди.

– Ҳа, ҳа, албатта, яхши ўзгаришлар бўлади ҳаётингизда. Бунга... биз кафил. Аммо сиз ҳам ўз томонингиздан айрим шартларни бажаришингиз керак. Бу ҳақда учрашув чоғида ҳам айтилган бўлиши керак? Шундай эмасми?

Даврбекнинг нафаси ичига тушиб кетди. Беихтиёр:

– Ҳа-ҳа. Шунақа гаплар бўлди, – деди.

– Демак, бир-биримизни тўғри тушунибмиз. Энди гапларимга дикқат билан қулоқ солинг. Саволларимга аниқ жавоб беринг...

Сүхбат анча чўзилди. Даврбек саволларга жавоб берар экан, собиқ қайнотаси Зоҳидийни йўқ қилмоқчилигини тушунди. «Булар қотил ёллашмоқчими? Нега менга... Ёки булар мени хабардор қилиб, кейинроқ ҳаммасини менинг бўйнимга қўйиб юборишмоқчими? Даҳшатли одамлар. Милицияга хабар қилишимдан кўрқишишмайдими? Улар қўрқишишмайди. Улар қўрқитишади...»

Чиндан ҳам «Вакил» унга ғоят мулойим оҳангда пўписа қилди:

– Зоҳидийдан... бир неча ўн, юз миллионлаб... маблағ олгансиз. Уларни қачондир қайтаришга тўғри келиши мумкин. Дунё ҳисобли... Лекин... муаммони осонгина ҳал қилиб юбориш мумкин. Сиз бизга... Зоҳидий Афифа билан холи учрашадиган вақтни аниқ айтинг. Яна шундай қилингки, Зоҳидийнинг ёнида ўша пайт бирорта ҳам соқчи бўлмаслиги керак... Билиб қўйинг, сир очилса... Сизнинг соғ қолишингизга ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Даврбек ўртанди. «Бу аглаҳлар мени ким деб ўйлаяпти? Қанақа катта лавозимда ишлашимни била туриб, қўғирчоқ қилиб ўйнатишишмоқчи. Тегишли жойларга хабар қилиб... ҳаммасининг расвосини чиқариб ташлайман...»

Йўқ. Ундан қила олмади. «Вакил»нинг навбатдаги қўнғироғи чоғида унга индин, пайшанба куни кечқурун Зоҳидий Сайхондаги дала ҳовлида Афифа билан учрашажаги ҳақида маълумот бериб қўйди...

...Кейин ҳаммаси силлиқ кечиб, Сайхондаги ёнгиндан сўнг икки жасад топилгач, Даврбек шаккокларча хурсанд бўлди. «Бир йўла икки муаммодан қутилдим. Энди орқам тоза бўлди. Энди тинчгина ўсиб кетавераман», деб ўйлади. Шу орада унга Тошпўлат Аъламовичнинг ёрдамчиси икки марта қўнғироқ қилиб, таржимаи ҳолига оид ҳужжатларни олди. «Қизик, қанақа лавозим беришаркан?», деб ўйлади Даврбек. Кейин қўл силтади. Қанақа лавозим бўлса ҳам... ишқилиб юқори доираларда айланниб юрса бас-да...

Айни пайтда Даврбек Афифага бир чимдимгина ачиниб қўйди. «Шундай покиза бир гўзални хароб қилдим-а. Бунинг учун жавоб беришга тўғри келмасмикан?.. Йўқ. Йўқ-йўқ. Мен айбдор эмасман. Ахир Шаҳина хонимникига уни мен олиб келганим йўқку... Такдири шунақа экан-да...»

Даврбек «Афифани ва Зоҳидийни қўша қилиб сотганим, яъни бир йўла икки одамга ёмонлик қўлганим учун лоақал биттагина

жазо олсам керагов». Теган ваҳимани сира күнглидан чиқараол-масди. Бинобарин, шу таҳликали фикрга фаришталар «омин» деб юбордими ёхуд нияти йўлдош бўлдими, ҳар қалай эртасигаёқ бир галати воқеа юз берди. Дафъатан қараганда бу «жазо» мукофот шаклида кўринди. Унинг ҳақиқий моҳияти кейинроқ билинди. Ҳай, майли, ўша воқеанинг баёнини кейинги боблардан бирига қолдирайлик. Чунки ҳозир ваъдамизга биноан «сирпли» қадҳрамонимиз – Абдивой шарҳи ҳолини давом эттиришимиз «ерак.

#### 4

Алқисса, Абдивой ўқишига киролмасдан қишлоғига қайтди.

Ҳикоямиз узундан-узоқ ва қуруқ баёндан иборат бўлиб қолмасин, дея ўша – Абдининг ўқишига киролмаслиги билан боғлиқ сабаб ҳамда ундан кейинги воқеаларни унинг ўз тилидан тингласак. Зоро, аслида ҳам илгари айтганимиздек, Абдининг шарҳи ҳоли унинг кейинроқ Субутга сўзлаб берган ҳикояси ҳамда лутфан тақдим этган «Кўнгил дафтари»даги ёзувлар асосига қурилган.

Демак, Абдининг ҳикояси қуидагича: биз уни Субут Соқин тоғонидан киритилган жузъий бадиий ўзгартиришлар, таҳрир ҳамда қисқартиришлар ила чоп этмоқдамиз.

«...Ўшанда бешинчи синфда ўқирдим. Қўшни қишлоқлик Соли билан яна ёқалашиб. Бу бола текканга тегиб, тегмаганга кесак отиб юрар, қишлоқ болаларининг аксарияти ундан кўрқарди. Мен шу жиккак, нимжон бола қандай қилиб, ҳаммага ҳукмини ўтказишига ҳайрон эдим. Менга бошда ботинқирамай мумала қилди. Кейин дадиллашди. Бир куни икки ўртоғи билан биргалашиб, чўнтағимдаги ўн беш тийинимни тортиб олди. Менга алам қилди. Эртасига уни ёлғиз учратиб, пулимни қайтариб олмоқчи бўлдим. Ёқалашиб кетдик. Мен гавдалироқ эдим. Уни уриб, бурнини қонатдим. Йиғлаб кетди. «Сени барибир ўлдираман!» деди. Бир пасдан сўнг онасини бошлаб келди. Мен қочдим. Онаси орқамдан: «Ҳароми, ўйнашдан бўлган бола», деб қарғади. Мен ўшанда бу гапга унча эътибор қилмагандим. Соли билан кейинроқ яна уришиб. У яна калтак еб, қочди. Қоча туриб: «Сени барибир ўлдираман, ҳароми...», деб онасининг гапини такорлади. Шунда мен бу гапда қанақадир жиiddий маъно борлиги-

ни англагандек бўлдим. Келиб онамга айтдим. Онам қарғанди: «Ўлсин ўша манжалақи», деб қўйди. Мен шу-шу Соли билан келишмайдиган бўлдим. У бир неча марта уришиди. Ҳар гал калтак ер, ҳар гал: «Сени барибир ўлдираман», дея таҳдид қилар эди. Қишлоғимиз темир йўлга яқинлиги боис унда турли миљлатга мансуб ишчи оиласлари яшар, ичувчилар, безорилар ва бояги Солининг онасига ўхшаган шаллақи хотинлар керагидан кўра ҳам кўпроқ эди. Бинобарин, росмана муштлашувлар-у, даҳана-ки жанжалларга кўнишиб қолгандик. Ана шу жанжаллар баробарида тарафлар бир-бирини истаганча сўкиб-уриб, оғзи-бурнини қонга белаши ҳам ҳеч кимни қизиқтирумасди. Маҳалламиизда ҳатто қотилликлар ҳам бўлиб тураг, мен икки ўрис йигитнинг кинодан чиқиб муштлашганини ва бирни иккинчисининг қорнига пичоқ урганини ўз кўзим билан кўргандим. Пичноқ еган боланинг исми Гриша эди. У ўлди. Пичноқ урган Володя Пономарёв қамалиб кетди... Шуларни билганим учун Соли ҳам бирон пана-пастқамда пойлаб, пичноқ урмасин, деб қўрқиб юрдим. Хайрият, кейинроқ биз муштлашмай қўйдик. У мендан узоқроқ юрадиган бўлди. Кейин Соли кўринмай қолди. Кимдир уни шаҳарга кўчиб кетган, деди. Яна бирор: «Ўғирлик қилиб, қўлга тушибди. Қамоқ-интернатида ўқиётган эмиш», деди. Кейинроқ орадан йиллар ўтгач, Солини шаҳарда кўрдим. У қамоқдан чиққанга ўхшамасди. Жуда башанг. Машинада юради. Айтишларича, хусусий ошхонаси бор экан. Майли, бу ҳақда кейин... Хуллас, мен Солини кўп калтаклаганман. Ўзим эса отамдан кўп калтак едим.

...Отам болалигида эшакдан йиқилиб букри бўлиб қолган экан. Уни «Самад букри» дейишар, мен баъзида «Нега онам шундай келишган аёл, букрига эрга теккан?», деган шаккок ўйга борар эдим. Бу шаккоклигимнинг яна бир боиси отам букри бўлгани етмаганидек, кўп ичар ва мастилик кезларида онамни уради. Онам гавдали, бақувват бўлишига қарамай, паст бўйли нимжон, ногирон одамнинг калтагига, ҳақоратига сўзсиз чидар, бу эса менга алам қиларди. Отам мени ҳам еттинчи синфгача урди. Кейин кучи етмай қолгач, урмайдиган, аксинча ҳай-иқадиган бўлди.

Бир гал кечқурун мактабдан келсам, у яна ичган ва онамни калтаклаётган экан. Uriш баробарида у онамни «суюқ», «фоҳиша», деб ҳақорат қилди. Онам индамай тураг, мен эса ўзимни қўйишга жой тополмасдим. Онамни ажратиб олиш асносида отам-

ни илкисроқ итариб юборибман шекилли, у йиқиңиб тушди: «Хе, онангни сени... ҳароми, ўйнашдан бўлган», деб сўкди. Шунда Солининг онаси айтган гапни яна эсладим. Демак, ўша гап рост экан-да, деб ўйладим. Ўзи Солини ўша гапнинг алами учун яна иски марта тутиб урганман: «Ўша манжалақи онангта айт, келиб кечирим сўрамагунча сени калтаклайвераман», деганман. Бугун ўша гапни ўз отамдан эшишиб ўтирасам-а... Шу топда онамдан сўрайдиган аҳволда эмасдим. Шартта бурилиб, кўчага чиқиб кетдим. Уч кун уйга келмадим. Мактабда бирга ўқиб, бокста бирга қатнайдиган дўстимницида ётиб юрдим. Онам мени мактабда учратиб: «Уйга қайт, болам», деди. «Йўқ», дедим. «Отангдан хафа бўлма, у бир ногирон одам бўлса...» «Сизни нега ҳақорат қиласди, эмасам?» «Эътибор қилма болам, у одамдан сен бир миннатдор бўлишинг керак...»

Хуллас, онамнинг йиглаб-сиқташи боис уйга қайтиб келдим. Отам билан анча гаплашмай юрдик. Кейинроқ гаплашиб кетдигу, бегонасирайдиган бўлдик. Энди мен бу одам асл отам эмаслигини ич-ичимдан сезардим. Онамдан қандай қилиб сўрашни билмай қийналардим. Аламимни ишдан олдим. Ўзимни чиниқтиришга, кучли ва билимдон бўлишга аҳд этдим. «Қоровул ва фаррошинг боласи бўлсан ҳам, ўқиб катта мавқеларни эгаллашим керак», деди орзу қилардим. Адабиётга қизиқдим. Кўп китоб ўқий бошладим. Арслон иккаламиз спорт билан ҳам шуғулландик. Бўйдор, бақувват бўлиб ўсдим.

Арслон ҳуқуқшунос бўлишга аҳд қиласди. Мен эсам адабиёт ёки тарихга кирмоқчи-бўлдим. «Келажакда катта шоир ёки арабоб бўлишим керак», дердим ўзимга ўзим. Агар бир кўнгилсиз ҳодиса бўлмаганида ўқишга кириб кетган бўлармидим... Лекин...

Ўқишга киравомадим. Ҳужжат тўплаб юрган пайтларимда, бир куни кечқурун барзангидек уч безори боланинг қўлига тушиб, ўласи қилиб калтакландим. Улар пулимни тортиб олишиди. Қайтириб олиш учун ҳаракат қилганимда тепкилаб кетишиди. Ҳушимдан кетиб қолдим. Шифохонада ўзимга келдим. Икки қовурғам, учта тишим синган. Ҳушимни йўқотаётib, безори-ларнинг: «Солидан салом! Сенга! Полк ўғли!» деган гапи қулоғимда янграганини эсладим. Қайси бир рус адабининг «Полк ўғли» деган китобини ўқиганман. Бироқ безорилар менга бу гапни бошиқа маънода айтишганини сезиб турардим. Ичимдан нимадир узишди. Дунё кўзимга қоп-қора бўлиб кўринди: «Ҳаммасини ўлдираман», деб онт ичдим.

Шифохонада салкам икки ой ётдим. Ўқишиларнинг имтиҳонлари ўтиб кетди. Арслон дўстим юридик институтга кирибди. Келиб кўрди. Ўқинма, оғайни, келаси йил кирасан, деди.

– Безориларни топиб, ҳисоб-китоб қиласам, ёрдам берасанми? – дедим.

– Сен яхшиси, мелисага ариза бер. Ўзлари топиб жазолашади, – деди Арслон.

– Энди сен билан дўст эмасман. Бошқа келма, – дедим Арслонга. У кулди.

– Вақти келиб тушунасан хато қилаётганингни, – деди.

Мен юзимни тескари бурдим.

Шифохонадан чиқиб қишлоққа қайтдим. «Ватанпарвар» мактабига бордим. Машина ҳайдаш, милтиқ отишни обдон ўргандим. Эндиги ниятим – армияга кетиш эди.

Кузги чақирув ҳам ҳадемай етиб келди. Менинг бўйим бир метру саксон олти сантиметр, этик билан, салкам икки метрга бораради. Спортга қатнашиб, қадди-қоматимни ҳам зичлагандим.

«Буни десантта ёзинглар», деди ҳарбий комиссарият вакили. Ёзиши. Десантда хизмат қилдим. Мерганликни ўргандим. Бизни Афғонистонга жўнатишга тайёрлашди. Энг хавфли жойлардан бири – Қандаҳорга ташлашди. Разведкачилар ротасида хизмат қилдим. Хайриятки, биз келганимиздан сўнг кўп ўтмай уруш тугади. Лекин биз ҳам анча-мунча қон кўришга улгурдик. Автомат, мерган милтифи, тўппонча, ҳаммасидан бехато отадиган бўлдим. Янаям чиниқдим. Безорилар калтагидан олган жароҳатим битиб кетди. Лекин кўнглимнинг яраси сира битмас, «Нима бўлса ҳам Солидан аламимни олишим керак», деган ўй тинчлик бермасди.

Бир куни... кечаси навбатчиликдан қайтаётсам, қисмимиз ҳарбий омборида ишловчи Хренов деган прапорщикнинг афғонларга қурол сотаётгани устидан чиқиб қолдим. Қўлимда автомат «Ёт ҳамманг, бўлмаса отаман!» деб қичқирдим. Хренов ялинди. «Земляк, мана пул, истаганингча ол, лекин буларни қўйвор», деди. Мен «Пул керак эмас», дедим. «Нима керак?» деб сўради у. «Анови... «Стечкин» тўппончасидан биттасини беринг», дедим. «Жуда соз, мана, икки қути ўқи, овоз учиргичи ҳам бор», деди прапорщик менга тўппончани узатиб. Мен уларни қўйнб юбордим. Тўппонча ва ўқларни елимхалтага солиб, бир харсанг остига кўмдим. Афғондан қайтиш чофи кавлаб олдим. Кийимларимга ўраб, сафар-

халтага солдим. Хуллас, хизмат тугагач, эсон-омон уйга... түппонча билан қайтдим. «Бу қуролни менга Худоннинг ўзи етказди», деб ўйлардим ўзимча. Чунки ҳали Соли билан яна тўқнаш келишимни, унинг тўдасига якка ўзим бас келолмаслигимни билардим. Тўппончани қишлоқда қазноқча бекитиб қўйдим.

Шаҳарга тушиб, Солининг ширкат тузгани, хусусий ошхонаси борлигини эшилдим. Манзилини қидириб, иш жойини, уйини билиб оддим.

«Холи учратиб гаплашаман, агар яна калтакласа, пешонасидан отаман», деб режа туздим. Пайт пойладим. Лекин вақт ўтиши билан қасос туйғуси сўнар эканми, ё ботинолмадимми, унга учрашишга кўнглим бормади. Одам ўлдириш осон эмас-да. Армияда, урушда бўлса, бошқа гап. Йўқ. Қўлимдан келмади. Тўппончани яна беркитдим. Бир хаёл бутунлай ташлаб юборайми дарёга, деб ўйладим. Йўқ. Керак бўлиши мумкин. Ахир барибир отолмайман-ку. Ким билсин? Одам баъзида шундай ҳолатга тушадики, етти ухлаб тушига кирмаган ишларни қилиб қўяди. Чехов деган ёзувчи айтган эканки, саҳнага осилган милтиқ, бир куни, албатта, отилиши керак. Менинг тўппончам ҳам... Йўқ. Зарурат бўлмагани яхши.

Қишлоқча қайтдим. Иш тополмай тентираф юрдим. Шу орада отам Самад буқри ўлиб қолди. Тўғрироғи, уни ўлдириб, дўкондаги молларни ўмариб кетишиди. Ўша пайтлар чой, шакар, совун камёб бўлиб, рўйхат билан бериларди. Бир қишлоқнинг насибасини бир оқшомда гум қилиб кетишибди. Милиция келди. Машина изларини кўришди. Мени қамаб, сўроқ қилишди. «Ростини айт, сен шерикларинг билан қилгансан, шу ишни», деб қийнашди. Калтаклашди. Бўйнимга олмадим. Ҳайронман, кимдан чиққан бу гумон. Терговчининг айтишича, кимдир имзосиз хат ёзибди: «Ўгай отасини ўлдирмоқчи бўлиб юарди», дебди. Ҳар куни калтаклашар, мен бўйнимга олмасдим.

Қамоқдан бир ой деганда чиқдим. Бўйнимга қўя олишмади. Лекин майиб қилишди. Яна шафқатсиз бўлиб қолдим. Энди... шу топда одам ўлдириш керак бўлса – ўлдирадим. Фақат кимни ўлдиришни билмасдим. Ҳаёлимдан «Бу ишни Соли ва унинг шериклари қилган бўлса-чи», деган гумон айланар, бироқ буни исбот қила олмасдим.

Энди онам билан иккимиз ёлғиз қолдик. Онам ҳамон ишлар, мен эса бескорчихўжа бўлганим учун унинг юзига қарай олмас-

дим. «Она, шаҳарга бориб, иш қидирай», десам, «Мени ёлғиз ташлаб кетасанми», дерди.

Милиция дўконни босган қароқчиларни тополмади. Мен «Соли деган ширкатчини бир текшириб кўришларингизни сўрайман», деб ариза ёздим. Терговчи устимдан кулди. Солини таниркан. «Солининг ширкати бор, қишлоқнинг дўконига куни қолган эмас», деди. Кейин бир воқеа бўлди. Ўша воқеа сабаб шаҳарга, кейин ундан ҳам узокроққа – Россияга кетиб қолдим...»

## 5

Ана энди ваъдамизга биноан Муқимхоновнинг хизматхонасига қайтиб, унинг хомуш хаёлларига ошно бўлишда давом эта-  
миз. У куттган «жазо» тақдирнинг навбатдаги туҳфаси шаклида келди. Тафсилоти мана бундай:

Ўша илк учрашув сўнгида «оқсоқол-устоз» Даврбекнинг ел-  
касига кўл ташлаб: «Синглим билан дўстлашганингизни тасоди-  
фан эшишиб қолдим. Бу – яхши албатта. Бироқ норасмий тарз-  
да... кўришиб юришларингиз яхши эмас. Муносабатларингиз  
қонуний бўлгани маъқул, ЗАГСдан ўтиб, никоҳ ўқитинглар, ана  
шунда муқаддас урф-одатларимизга ҳам мос ва хос бўлади»,  
деди. Даврбек нимадир демоқчи бўлди. Устоз гапиртнрмади.  
Энди кўнмай илож йўқ эди. Расмиятчиликдан сўнг, салкам 50  
ёшли келин бўлмишининг қатъий талаби ила «Шератон» рестора-  
нида кичикроқ тўй ҳам ўтказилди. «Оқсоқол-устоз» бирров қат-  
нашиб, «икки ёш»га баҳт-саодат тилаб кетди. Тўйдан сўнг қисқа  
таътил олиниб, «асал ойи»нинг гашти сурилди. Бу гаштнинг қана-  
қалигини гапириб ўтирмаймиз. Фақат ўша Даврбек «оқсоқол  
устоз», яъни Тошпўлат Аъламовичга «нимадир» демоқчи бўлга-  
ни-ю, гапиролмагани хусусида сўз юритамиз.

Гап шундаки, Даврбек «устоз»нинг синглиси Манзурахон билан атиги бир марта, ўшандаям хонимнинг ташабbusи билан учрашган здилар. Даврбек бу учрашув шу қадар жиддий тус олиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган ва шу боис Тош оғага «Бизнинг муносабатларимиз сиз ўйлаганчалик чуқур кириб кет-  
гани йўқ, мен муҳтарама синглингизнинг бели тугул қўлини ҳам ушлаганим йўқ», демоқчи эди. Зоро, қирқдан ошиб, бениҳоя се-  
мириб, тарвақайлаб кетган бу жувоннинг белига Даврбекка ўхшаган эркақдан иккитасининг ҳам қўли етмас, етганда ҳам

улар бу ишга жазм этишдан олдин ўйлаган бўлур эдилар. Аммо ҳеч нарса деёлмади. Деб бўлармиди. Тошпўлат оғанинг «Қаҳри тошдай қаттиқ, кеки пўлатдай мустаҳкам», деб эшитган. Агар жаҳли чиқиб, «Чиқ йўқол», деб юборса борми, Муқимхоновнинг «порлоқ истиқболи»га каттакон нуқта қўйиб юборилади. Хулас...

«Асал ойи»дан сўнг Даврбекни бошлиқ ўз ҳузурига чорлаб, хушхабар айтди.

– Сизни Тош оға, гўштли ва ҳатто сутли бир раҳбарликка мўлжалламоқда. Қалай, маъқулми?

– Гўшт-сут саноати бошқармасими? – деб сўради Муқимхонов. – У менга... пасайиш бўлади-ку...

– Ҳар ҳолда, мустақил раҳбар бўласиз. Ёмонми?

– Э, ака, менга мустақил раҳбарлик керак эмас. Менга... кичикроқ лавозим бўлса ҳам имкон қадар баландроқда, назорат қилувчи ташкилотда ўтириш маъқул. Мана, сизнинг қанотингиз остидаги каби. Гўшт-сут саноатда гарантим чиқиб кетади: режа деб, мажбурият деб. Юқоридан келган ҳар битта текширувчининг томогини мойлаш керак. Унга мен шунча «мой»ни қаердан топаман?

– Гўшт билан сутнинг мойини оласиз-да, дўстим, – деди кулиб бошлиқ. Кейин Даврбекка тасалли берди: – Майли, барибир чиданг. Ундан ҳам яхши варианtlар чиқади ҳали. Аслини олганда сизга ишлашнинг нима кераги бор? Манзурахоннинг топгани умрингизнинг охиригача етади.

Шу Даврбекнинг сабр-косасига томган сўнгти томчи бўлди.

– Ака, – деди у бошлиққа яқинроқ келиб, – агар мен шу Манзурахондан воз кечиб кетсан... аҳволим нима бўлади?

– Расво бўласиз, – деди бошлиқ мутлақо жиддий тусда. – Ишдан кетишингиз – ойнадай равшан. Ҳатто... қамалишингиз ҳам мумкин...

– Қайси айбим учун?

– Айбни истаганча топамиз, ука. Мен сизга «Тұясан, айбинг шуки, бўйнинг эгри», дейман. Қани, тия эмаслигингизни исботлаб кўринг-чи?

– Йўғ-е, унчалик эмасдир, – деди Даврбек, – ахир қонун бор, адолат бор...

Бошлиқнинг авзои ўзгариб, афти буришиб кетди. Ўрнидан туриб, қўлини пахса қилиб ўшқирди:

– Эй ипириски, сен менга қонунни пеш қилма! Тушундингми? Анови... аёл билан қылган ишларинг, олган пораларинг қай-

си қонунга, қайси адолатта түғри келади! А? Айт-чи! Сенинг... юрган-юришинг... турган-туришинг қип-қизил жиноят-ку! Истасам ҳозир сени турманинг түрига тиқиб қўяман. Билдингми? Бор, йўқол, чиқ! Думингни қисиб, айттан ишни бажар! Ҳа, онангни...

Даврбекнинг юраги бамисоли туфлисининг ичига тушиб кетди. Бошлигининг ғазабланган чоғида нақадар даҳшатли одам эканлигини, айтган ишини тап тортмай қилишини биларди. Айтишларича, у вилоятда ишлаган чоғи бир одамни уриб ўлдириб кўйган. Юқори билан муносабати яхши бўлгани учун бости-бости қилиб юборишган.

— Кеч... кеч... кечиринг, ака, — деди Даврбек овози қалтираб. Аммо бошлиқ унинг бетига қарамади. Қўлни супургига ўхшатиб ҳаракатлантирди. Бу: «Чиқиб кет», деган эди. Даврбек чиқиб кетди. Хонасига келиб, юраги беҳузур бўлди. Дори ичди. Ишдан барваҳроқ кетиб, ўралиб ётди. Манзурахон кечроқ келди. «Нима бўлди чавандозим, бурга тепдими?» деб эркалаб сўради. Даврбек унинг кўкрагига бошини кўйиб йиглаб юборди. Бошлиқ сўкканини айтди. Нега сўкканини эса, табиийки, гапирмади. Манзурахон уни юпатди:

— Ҳафа бўлманг жоним, асалим, — деди. Сўнгра бошлиқни қарғаган бўлди:

— Ўлсин, сассиқ така, ўзим қўнгироқ қилиб, адабини бериб қўяман, — деди. Кейин юз-кўзларидан ўпиб, бағрида яйратди. Даврбек чандон яйраб, ҳолдан тойгач, инқиллаб-синқиллаб, ўзининг ётоқхонасига кириб кетди.

Бир муҳлат мизғиган экан, қўшни хонадан хонимнинг:

— Давржон, чақиргандек бўлдингизми, — деган овози эшитилди. Даврбек ғижинди.

— Ўзим ёнингизга бораман, — деди ичиди ўзига-ўзи «Душманни ўз уясида янчмоқ керак», дэя аламли ҳазил қилиб. Унинг миясида боя сўраш эсидан чиққан бир савол айланмоқда эди: «Айтдимикан?»

Айтганча, Манзурахон билан унинг ётоқлари бўлак-бўлак эди. Хоним: «Иккита семиз одам бир хонада ётмайлик ҳавоси айниб кетади», деб унга алоҳида ётоқ тузаб берди. Даврбекни-ку у қадар семиз, деб бўлмасди, хоним билан таққослаганда. Бунинг устига ўтган қисқа фурсат мобайнида у салкам ўн кило озигетди. Бунинг асосий сабаби нимада, деб сўрасангиз, хоним шу

қадар баланд хуррак отарканки, Даврбек тонгта қадар миңжя қоқолмай чиқади. Хоним тушмагур тун бўйи ухлатмагани етмагандек, эрталаб туриб: «Ичингизда ит ўлганми, нима бало, хонани бунақ саситиб юборибсиз», дея иддао ҳам қиласди. Тағинам ўзи топафонлик қиласди: «Уйда шунча хона бўла туриб, иккимиз бир хонага тиқилиб нима қиласми, келинг, ётқуни ажратайлик», деди. Шу таклиф баробарида «Мабодо, Даврбекнинг кўнглига келмасин», дедими, «Қобуснома»ни ўқиганмисиз, ўша китобда: «Эй фарзанд, уйлансанг, хотининг билан ҳар куни бирга ётмагин», деб ёзилганини эслатди. Даврбек Манзурахоннинг зукколигини қизғин олқишилаб, бўлак хонада яшашга астойдил рози бўлди. Қувонди. «Энди сал тинчроқ ва эркинроқ бўламан», деб ўлади. Лекин... кошкийди шунақа бўлса.

Даврбек Муқимхоновнинг аҳволини жа-а бўри чангалига тушган қўзичоқдек, деб таърифласак, инсофдан бўлмасди, албатта. Амалда у ҳамишаги касби – профессионал «куёв»лик билан шуғулланар, фақат буниси билан аввалгиларидан анчайин фаол ва файрат-шижоат билан яшашга тўғри келмоқда эди, холос. Туйғун кўнгилпараст киши учун бу ўлим қадар оғир. Ҳар тугул Даврбек назокату нафосат, деган гапларга у қадар эътибор бермас, бўлмай қолган кезларда кўзини «чирт» юмиб, тақдирга тан бериб кетаверадиган йигитлардан. Айни пайтда у ичида ўзини тақдир эркатойларидан, деб ҳисоблар, бинобарин ҳали бу қийинчилклар ортидан яна омад келишига қатъий ишонар эди. Шу боис у куёвлик бурчини терлаб-пишиб, адо этиш асносида ҳар куни келин тарафидан янги бир тараҳум кутар, ўзи ҳам бот-бот эслатишни асло ёдидан чиқармас эди. Ҳозир ҳам хоним хонасига келиб, яна шижоат билан ишга киришди ва прровердида ҳансира:

- Айдингизми, ҳурматли акамизга, – деб сўради.
- Айтаман... айтаман, жоним, – деди ҳаловатли лаҳзалар оғушида кўзларини мастона юмиб, ором олаёттан Манзурахон.

«Хе, ўша аканг билан қўшилиб, қўшмозор бўл, қанжиқ», деди ичида Даврбек. У ҳозиргина ниҳоясига етган висол жараёнида чеккан жабру жафоси мукофотини ололмаганидан дарғазаб бўлди. Фазабини қандай босишининг иложини топа олмай тишини-тишига қўйди ва ўзини яна хонимнинг устига отди. Маҳбубасининг терлаб, бўғриқиб кетган йўғон ва қора бўйнидан ютоқиб ўпар экан:

– Ҳозир... Ҳозироқ телефон қилинг... Кейин хурсанд бўласиз,  
– деди.

– Хо-о, намунча бугун... Шаштингиз баланд, – деда нозланди  
хоним паҳлавондек гавдасини каравотдан кўтараолмай.

– Туринг, жоним, туринг, мана телефон, – деди Даврбек. –  
Айтингки... «Даврбек ҳозирги бошлиғи билан ишлашолмаяп-  
ти, уни ўз ёнингизга олинг...»

– Каллангиз ишлайдими? – деди хоним хумор кўзларини очиб.

– Куёвими, поччасини... қандай қилиб... ўзининг ёнига олади?  
Ахир гап бўлиб кетади-ку. Акам ҳам жа-а осмонни суяб турган  
эмас-ку. Оддий бир хизматчи бўлса... Уни ҳам юқорида сурин-  
тирадиган, назорат қиладиган хўжайнилари бор...

– Акангиз кадрлар соҳасининг шайхул-машойихи, – деди  
Даврбек. – Камтарлик қилмай кўяқолинг. У кишининг ёнида  
бўлсам... Зўр бир иш қиласардим...

– Нима қиласиз? – деб сўради қизиқиб Манзурахон.

– Айтайми? – деди кулиб Даврбек.

– Айтинг, – деди ялингган одангда хоним.

– Қулоғингизни тутинг.

Манзурахон қулоғини тутди. Даврбек айтди. Хоним:

– Э-э, кўйинг-е, бўлмайдиган гапни гапирасиз-а, – деди.

– Бўлади. Кафолат бераман.

– Ўлманг, мен учун қаниқа қилиб кафолат берасиз. Менинг  
ёшим... ўғил кўрадиган ёшдан ўтди-ку.

– Бераман-да. Сиз ишни қилинг, биз ҳам...

– Майли, – деди хоним чамаси хаёлида: «Мендан нима кетди,  
карнайчидан битта пуф-да», деб ўйлади.

Даврбекка эса шу топда қанийли бир одам айтсанки, «Эй, шов-  
воз, сен умрингда ўғил туғдириб кўрганмисан?» деб.

Хайр, майли, Даврбекники ҳам бир орзу эди-да. У ўйларди-  
ки, «Агар шу полвон хотиндан фарзанд туғилса, муқаррар ўғил  
бўлади, ўғил бўлгандаям, Алномишдек ўғил бўлади», деда. Нима  
ҳам дердик. «Орзуга айб йўқ эмиш...»

Во дариф! Ўша аламли, орзу-умидли оқшомнинг эртасига  
маҳаллий матбуотда «Тошпўлат Аъламович Турсунов қариллик  
нафақасига чиқиши муносабати билан вазифасидан озод этил-  
ди», деган қисқа хабар босилди.

Хабарни Даврбек ишга келгач эшитди. Бошлиқ айтди. Айт-  
гандага ҳам эзиз айтди. «Табриклайман», деб айтди. Даврбек уми-

дпни узмади. Тош оғадек одамлар бирданыга қулаб кетмайды, ҳали таъсири бор, деб ўлади. Бошлиғи эса унинг устидан кулишни давом эттиреди.

– Энди Манзурахондан тезроқ ажралинг, акс ҳолда «Турсуновнинг күёви» деб манови ишдан ҳам кетишингизга тўғри келади. Бошлиқнинг гапи уни бамисоли ўлдириб, кўмиб ташлаган бўлса, прокуратурага чақирув ва «суҳбат» шаклидаги сўроқ «Ўлганнинг устига чиқиб тепган» бўлди.

Ана энди гапнинг индоллюсини айтсак, Субут қўнғироқ қилган чоғда Даврбек худди ана шу ташвишлар оғушида эди. Шунга қарамасдан у Субутга яхши муомала қилиди. Ёрдам берди. Сабаби – қўрқди. «Шундан бир кўнгилсиз гап чиқмасин», деб ўлади. Қолаверса, у Субутни барибир ҳам «керақли одам», деб ўйларди.

Дарвоҷе, энди Субут ёнига қайтамиз...

## 6

Бу телефон қўнғироги Субутнинг ўй-хаёлларини, режаларини, ҳатто айтиш мумкинки, ҳаётини остин-устун қилиб юборди...

Жума куни эди. Субут таҳририятдан кечроқ чиқди. У таътил қилиб, дам олишга улгурмади. Газетанинг илк сонлари тайёрлана бошлагач, уни чақириб олишди. «Оқловчи»нинг дастлабки сонларини тайёрлаш қийин кечаётганди. Баъзи кунлар ярим кечагача ишхонада қолишга тўғри келарди. Ҳар тугул бу сон вақтироқ тайёр бўлди. Субут янги чиққан, ҳали босмахона бўғи анқиб турган газетани қўлтиғига қисиб, ижарахонасига жўнади. 8-трамвайга чиқиб, яна газетани варақлади. Бу сонда унинг «Инсон умид билан тирик» номли мақоласи чиққанди. Бутун бошли саҳифани эгаллаган ушбу мақолада у ўзининг бошидан кечган воқеалар асосида ҳар қандай шароитда ҳам ҳақиқат ва адолат ёлғон ва қабоҳатдан устун келажаги ҳақида фикр юритганди. Мақолада у ҳуқуқшунослар орасида ҳалол, вижданли одамлар кўп эканини, айнан шуларнинг ёрдами билан ўзи оқланиб, озодликка чиққанини таъкидлаганди.

– Самимий ёзибсиз, баракалла, – деди уни чақириб бош муҳаррир.

– Менга бевосита ёрдам қилган Арслон Ҳакимовнинг номини кўрсатганимизда яна ҳам яхши бўларди...

– Майли, хафа бўлманг. Биттасини кўрсатиб, бошқасинни тилга олмасак... унча чиройли чиқмасди. Шусиз ҳам прокуратурадагилар хурсанд бўлишади. Энди... навбатдаги мақолани суддан, кейин адвокатлар ҳаётидан... Хуллас, танлаган мавзу йўналишингиз мутлақо тўғри. Шу кетишда кетсангиз, тез орада номингизни тўла оқлаб, катта обрў қозонасиз...

– Сизнинг раҳбарлигингиз ва маслаҳатларингиз асосида, – деди кулимишиб Субут.

Трамвай Бештерак майдони бекатига етиб келганда тушиб қолди. Нарёғига пиёда кетди. Маҳаллага етиб келиб, дарвозани қоқди. Кулбасига кириб, човгумни газга қўйиб улгурмасидан хонадон соҳибининг ўғли кирди:

– Субут ака, сизни телефонга чақиришаётни.

– Ким экан? – деб ҳайрон бўлди Субут. Чунки у бу ернинг телефон рақамини ҳеч кимга бермаганди.

– Билмадим. Бир эркак одам.

Субут айвонга ўтиб, телефон гўшагини олди. Овоз худди жудаям узоқдан келаёттандек туюлди. Таниш овоз. Лескин бу овозни қачон эшигтганини эслолмади.

– Ассалому алайкум, Субут ака, – деди овоз.

– Ваалайкум ассалом, кечирасиз, ким бу?

– Кимлигимнинг... ҳозирча аҳамияти йўқ. Вақти келса билиб оларсиз. Мен сизга бир хабарни етказишим керак. Фақат илтимос бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга айтманг. Шундай қилсак... Сизга ҳам, бизга ҳам яхши бўлади. Хуллас, Афифа тирик. У соғсаломат. У сизнинг олдингизда ўзини жудаям айбор, деб ҳисклилади. Сиз унинг ёзган хатини ўқигансиз. Шундай эмасми?

– Ҳа-ҳа, – деди нафаси бўғзига тиқилиб Субут.

– Ўша хатдаги ҳамма гаплар рост. Самимий айтилган. Фақат...

– Ўзи... Ўзи қаерда? Ўзи билан гаплашсам бўладими, – деди Субут овозини ҳовли эгалари эшитиб қолмаслиги учун гўшакни кафти билан беситиб.

– Ўзи... Ҳозир сиз билан гапиришолмайди. Фақат сиздан ўтиниб сўрайдики, уни тўғри тушунинг. Ва унинг талогини беринг. Фойинбона бўлса ҳам. Чунки у энди ҳеч қачон... Сизнинг ёнингизга қайтиб боролмайди. Бунинг сабабларини пайти келиб тушуниб оларсиз. Хўп хайр...

– Шошманг, илтимос... Афифанинг ота-онаси аза очиб ўтирибди-ку... уларга...

– Ҳеч кимга дедим-ку! Хайр...

Овоз узилди. Субут бир лаҳза гүшакни ушлаганича лол туриб қолди. «Афиғанинг тириклигини ўзим ҳам билардим. Кўнглим сезган эди. Хайрият ўзим умид қўлгандек бўлиб чиқди. Мақола сарлавҳасини ҳам билгандек кўйган эканман. Менинг соҳибжамол Афиғам тирик. Қайда бўлса ҳам, мендан воз кечиб, кимни танлаган бўлса ҳам соғ-омон бўлсин...

Дарвоҷе, бу овоз соҳиби... ўшамикин? Ким? Мен уни шу пайтгача кўрганманми? Овози танишдек туюлди-ку? Ким у...»

Хонасига келиб, чой ичишни ҳам унугти. Хотираси қатларини титкилашга киришди. «Ўша эмасми? Арслон айтган Абди, деган йигит. Э-э, эсладим. Ахир Арслон гапирган куни ёдимга тушган эди-ку. Фотограф йигит. Сураткаш. Афиғанинг ҳам-қишлоғи. Арслоннинг ошинаси. Лекин... у қаёқдан гапиряпти? Афиғанинг ёниданмич? Шундай бўлса қандай қилиб, бориб қолди унинг ёнига?»

Ўйлаб ўйига етолмади. Гоҳ қувонди: «Ҳар қалай тирик эканку қайда бўлса ҳам», деб. Гоҳ ўқинди: «Барнибир ўргантган кўнгил ўртанса кўймас экан-да», дея. Кейин ўзини койиди: «Эҳтимол бунинг мен билмайдиган сабаблари бордир», деб. Ҳар ҳолда Субут шуни аниқ тушунди: энди у – озод. Энди у – яна бўйдоқ. Афиғанинг «вакили» ундан «талоқ беринг», деган илтимос билан, аслида унинг, яни Субутнинг эр сифатидаги жавобини берди. Ҳаётда шунақаси ҳам бўлади. Фақат эр-хотин кўймайди. Хотин ҳам эрининг «талоғи»ни бериши мумкин.

У маъюс жилмайди. «Ўзн келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр», деган хиргойи эсига тушди. «Мен уни озод этдиму, бироқ баҳтли қилолмадим», деб ўйлади. Чиндан ҳам Субут бу ҳақда кўп ўйларди. Афиғани кибор давраларга мос-моинанд соҳибжамол бойвучча хоним қиёфасида тасаввур этар, «Мен уни хор қиласяпман», дея ўқинарди. Шу топда эса: «Мана энди балким у баҳтли бўлар?» – деб ўйлади. Яна ўйладики: «Ким уни баҳтли қиласди? Фотографми? Зоҳидийми? Яна бошқа бировми?»

Айни дамда Субут Зоҳидий ҳам тирик эканлигини ич-ицидан сезиб турар, «Балким... бу ўйиннинг ҳаммасини ўша «биродари кироми» ўйлаб топгандир», деган фавқулодда тахминга бориб, бу тахминни фикран ривожлантира бошлаган эди. Яни: Зоҳидий бояги соҳта «фожиани» ташкил этади ва ёш, чиройли жувон билан кимсасиз бир оролга қочиб, ўша ерда муайян вақт ҳузур-

ҳаловат ила турмуш кечиради. Зеро, унинг дунёниг турли бурчакларидағи оффшор, яни қонун қўли етмайдиган миңтақаларда пули, уй-жойлари бўлиши турган гап...

Субутнинг тахминича, воқеа мана бундай бўлган: Зоҳидий Субутни қамоқдан чиқариш эвазига Афиғанинг «қўли»ни сўрайди. Афиғанинг мактубидан англашиладики, у ўзини қурбон қилишга рози бўлади. Фақат... бу ерда яшамаслик шарти билан. Зоҳидий ўйлаб кўриб, рози бўлади. Чунки Афиға билан шу ерда яшаб, ёки яшамаса ҳам... хушторлик қилиш хавфли эканини у билади. Зеро, Афиғага... Даврбек Муқимхонов ҳам даъвогарку. Хуллас, Зоҳидий Афиға билан қочишга рози бўлади. Қолаверса, у барибир қачондир қочиб кетишга тўғри келишини билади. Чунки гиёҳванд моддалар савдоси билан шугулланади. Бу «машғулот» эса ҳар қандай одамни: хоҳ у Зоҳидий, хоҳ у Муқимхонов бўлсин, муқаррар жарга элтади.

Сирасини айтганда, Субут Муқимхоновнинг собиқ қайноғаси Мирмаҳди Саъдиевнинг одамларидан олган маълумотларда акс этганига кўра Зоҳидийнинг герони савдоси бўйича айрим ҳамкорлари билан ҳисоб-китоб масаласида ғижиллашиб юрган жиҳатлари ҳам бор. Шу боис Зоҳидийнинг «ҳижрат мухлати» ҳам шу пайтга тўғри келиб қолгандир.

«Қизиқ, Зоҳидий ва Афиғанинг тирик эканини Арслон Ҳакимов аниқлаб улгурдимикан? Шунаقا бўлса, менга нега айтмади? Қачон айтади? Айтадими? Унинг Зоҳидий билан тили бир бўлса-чи? Унинг оҳуридан ем еб юрган бўлса-чи? У Субутни ҳам Зоҳидийнинг буйруғи билан озод этган бўлиши мумкин-ку? Субут кулди. «Мұхтарам бош мұҳаррирга манови мақоладан кейин шу гапларни айтиб, «Давомини сал бошқачароқ қилиб ёзишга тўғри келаяпти», деса нима қиларкин? Инфаркт бўлиб қолса керагов? Йў-ўқ... Чиндан ҳам Арслон виждонли, ҳалол терговчи бўлиши мумкин. Бирорга асоссиз айб қўйиш яхши эмас. Ахир ўзинг шунинг жабрини тортдинг-ку...»

Субут айни пайтда барча тахминлари бир пулга қиммат бўлиб чиқиши мумкинligини ҳам тушунарди. «Зоҳидийнинг фақат Афиға учун уйга ўт қўйиб қочиши – бўлмаган гап. Бу ерда бошқа, жиҳдийроқ сабаб бўлиши мумкин, ана шуни аниқлашга уриниб кўриш керак. Қандай қилиб? Яна... Мирмаҳди Саъдиевдан ёрдам сўраш лозим. Дарвоқе, ул зот собиқ шогирди ва ашаддий «қадрдони» Зоҳидийнинг ёниб кетганини эшигиб, байрам қилаётган-

дир...» Ҳар ҳолда унинг ёрдамида ҳақиқатнинг тагига етиш зарур. Бир йўла Афиғани ҳам топасан. Топиб... нима дейсан? Ахир талоқ талаб этибди-ку. Қизиқ, Абди Самадов нима қилиб юрибди бу воқеада? Нега Афиға айнан уни «Вакил ота» қилган? Бунда қандай сир бор? Ана шуни ҳам аниқлаш лозим. Тўғрироғи, ишни шундан бошлиш керак. Абди Самадов ким? Суриштириш, ўрганиш керак. У қаерга кетган? Арслон Россиядада деб айтди. Демак, ниманидир билади. Таҳририятлардан ҳам маълумот олиш керак. Ажабо... Фотограф. Суратчи. Қандай аралашиб юрибди... У ҳам... Арслон ҳам... Афиға билан ҳамюрт. Фалати. Дунё нақадар тор...

Тун бўйи ўйлаб чиқди. Эрталаб ҳам. Ишга келганидан кейин ҳам. Арслон қўнғироқ қилиб табриклиди.

– Зўр мақола ёзибсиз. Раҳмат! – деди.

– Сиз ўқидингизми? – деб сўради Субут. – Мен ўзим сизга бир учрамоқчи эдим.

– Келинг, – деди Арслон.

Борди. Телефон қўнғироғи ҳақида гапирмади. Абди Самадовни ҳам сұҳбат охирида шунчаки, гап орасида сўради. Арслон Абди ҳақида анча гапирди.

– Мактабда бирга ўқиганмиз. Дўст бўлганмиз... У... ҳатто синглимни яхши кўриб юрарди...

Сўнгра Субут Зоҳидий ҳақида, Саъдиев, Даврбек ҳақида гапирди. Арслон бу мавзуларда истамайроқ гапирди.

– Ўзи... Аслида бу тергов сири, ҳеч кимга айтишга ҳаққим йўқ, – деди у кутилмаганда. – Лекин сизга айтаман. Бир... ёлланма қотилнинг изидан тушганмиз. Бир аёл орқали «буюортма» оларкан. Бугун ўша аёлни ушладик. Қотил ҳам тез орада қўлга тушади. Ўшани би-ир зўр мақола қиласиз. Жудаям қизиқ, ақлга сифмайдиган ишлар қилган...

– Кимларни ўлдирган, ўша қотил, – деб сўради Субут беихтиёр «Қора қаср» ёнгинига алоқадор эмасмикан, деб ўйлаб.

– Пулдор бизнесчилардан икки кишини отган. Кейин тахминимизча, хорижга қочган. Қидирув давом этмоқда.

Субут ёлланма қотил ёнгинга алоқадор бўлмаса керак, деб ўйлади. Акс ҳолда Арслон бу ҳақда аниқроқ гапирган ёки умуман гапирмаган бўларди.

Арслон юз ифодасидан ёлланма қотил ҳақида Субутга гапирган гапидан пушаймон бўлаётгандек туюлди. У нимадандир хавотирланаётгандек эди.

— Яна бир марта раҳмат, — деди у хайрлашаётіб, — мана шу-нақа мақолаларни ўқиганингда бескорга яшамаёттанингни ҳис этасан киши. Келиб туринг, хўпми?

— Албатта, келаман, — деди Субут.

Кейин у Абди Самадов ҳақида Арслондан эшитгаи, ўзи ҳам таҳририятлардан, Абдининг тутинган отахони, машҳур суратчи Қора Қораевдан суриштириб билган маълумотлар мағзини ча-қишига уринди. Дафъатан ўйлади: бу йигит Саъдиевнинг одами-ми? Йўқ, аникроги – Зоҳидийнинг гумашталаридан бири бўлса керак. Ёки уларга умуман алоқадор эмас, яъни Афиғанинг одами. Ахир улар бир қишлоқдан экан-ку...

Энди нима қилиш керак? Афиға қайдা бўлса ҳам омон бўлсин, дея суриштирувни тўхтатиш керакми? Арслон Ҳакимов хавфсизлик идоралари билан бирга олиб бораётган тергов, қиди-рув натижаларини кутиши лозим, шекилли. Қизиқ. Арслон нега хавотирда? Эҳтимол у ҳам сўнгти дамда, яъни Субутга айтганидан кейин изланастан қотилнинг «Қора қаср» ёнгинига алоқадор бўлиши мумкинлиги хусусида ўйлай бошладими?..

«Нима бўлганида ҳам мен Саъдиев билан алоқа ўрнатиб, унинг Зоҳидий борасидаги «буюртма мақола»си ҳисоботини беришим лозим. Гарчанд энди унинг учун мақоланинг зарура-ти қолмаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин Зоҳидий тирик юрган бўлса-чи?..»

Субут яна фавқулодда, ақлга сифмайдиган таҳминларга бе-рилди: «Абди Самадов Афиғани қутқариш учун Зоҳидийни ўлди-риб, уйга ўт кўйган, кейин икковлари хорижга қочган...»

Сўнгра яна совуқёнлик билан мулоҳаза юритишга киришди: «Саъдиев билан учрашишим керак. Мен ундан қарздорман-ку...»

Худди шу қуналар Саъдиевнинг ўзи ҳам Субутни суриштириб юрганини, эрта-индин одам юбориб, учрашувга чорлашини ва учрашув чогида кў-ўп меҳрибонлик ҳамда ғамхўрликлар кўрса-тиб, яна ҳамкорликка чорлаяжагини у билмасди, албатта. Май-ли, ҳозирча ҳар иккى томонни бўлажак учрашув иштиёқи оғуши-да қолдириб, боя Арслон қисқача тилга олган ва Субутнинг кўнглида турфа фаразу таҳминлар уйғоттан ёлланма қотил во-қеаси ҳақида бирмунча муфассалроқ сўз юритайлик. Зероки, «Тасодифда қонуният бор», деганиларидек, ўша мавзунинг Арслон томонидан бенхтиёр тилга олинниши ҳамда Субутнинг кўнили-дан дафъатан ўтиб кетган таҳминлар бекиз эмасга ўхшайди.

Чүнки Арслон Ҳакимов Субут билан хайрлашгач, тергов ҳибс-хонасига бориб, ўша – ўзи айттан аёлни сўроқ қилишга киришиди. Аёлнинг исми Сурия экан. Анча ёш, анча чиройли, анча маҳзун. Афтидан ҳаётда кўп жабру жафолар чеккан.

Сурия соддагина экан. Ҳакимовнинг саволларига муфассал жавоб қайтариш асносида ўз кечмишлари бобида ҳам сўз юритди. Келинг, ўша гапларга қулоқ тутайлик.

## 7

Сурия шу оқшом ёмон туш кўрди. Тушида номаълум йигит унинг кўз ўнгидаги ёшгина аёлни чақалоги билан бирга қарсилатиб отиб ташлаганмиш. «Раҳмат, сенга шунаقا ўлжа топиб берганинг учун», дермиш Сурияга у. Қўрқиб уйғонди. Кечаги гапларни қайта бошдан эслади. Сурия содда эмас. Ўша номаълум «халоскор» йигитнинг киллер – ёлланма қотил эканини у аллақачон тушунган. Лекин қўлидан нима ҳам келарди. Бу тузоққа ўзи, ўз ихтиёри билан тушди-ку.

Қизиқ... Ўша машъум тунда «номаълум халоскор» жарликда қаердан пайдо бўлган эди? Бир ўзи учта йигиттага қандай бас келган? Уларни нега отиб ташлади? Сурияни зўрлаганлари учун холосми? Ё илгаридан уларда қасди бўлгану пойлаб келганми? Сурияни қутқариши тасодиф бўлганми? Ахир у келиб қолмаганда, ким билсин, зўравонлар Сурияни ўлдириб кетишлари ҳам мумкин эди-да.

Ўшанда Сурия катта йўл сари йиқилиб-суриниб чопиб бораракан, халоскори ҳақида ташвишланиб ўйлаган, «У жасадларни қаерга яширади, машинани-чи, ишқилиб, қўлга тушиб қолмасмикан?» дей хавотирланган. Машинани ҳам, жасадларни ҳам чуқур жарга ташлаб юборгандир-да...

Орадан анча вақт ўтгач, бир куни кўчада ҳудди ўша «Жигули»га ўхшаш бир машинани кўрди. Рулда ўтирган йигит ҳам ўша... уни зўрлаганлардан бирига ўхшади. Кўзига ишонмади. Э, йўғ-е, менга шундай кўриниди. Улар ўлгани-ку, деб ўйлади. Бугунги тушида эса...

Ўша уч йигит «халоскор»нинг ёнида турнишар, тиржайишиб:

– Хўш, қалай, Сурияхон, қалб жароҳатлари битиб кетдими? – деб сўрашармиш.

Кўнгилсиз воқеалар кўпинчада тушда аён бўлади, деганлари тўғри экан. Сурия ишга келиб, шумхабар эшилди. Қаҳвахона

хўжайини қамалибди. Юраги шувиллаб кетди. «Ҳалиги ишлар ҳам очилса... тайин мени ҳам тортади. Энди ўлдим».

Ҳавотири бекорга эмас экан. Эртасига уни терговга чақиришди.

– Менинг исм-шарифим – Арслон Ҳакимов, – деди терговчи ўзини танишириб. – Сизни... Ҳозирча гувоҳ тариқасида чақиритирдик. Бошлиғингиз ўз рақибини қотил ёллаб ўлдирганиликда айбланмоқда. Унинг айтишича, ёлланма қотилни сиз топган экансиз. Агар шу гап рост бўлса, сизни гувоҳ эмас, шерик сифатида айблашимизга тўғри келади. Лекин очиғини айтсам... бу гапга сирам ишонгим келмайди. Сиз ёш, чиройли бир жувон...

Сурия индамай сир бой бермай ўтирас, бироқ ич-ичидан тўкилиб бораради. Агар мабодо терговчи бошданоқ дўйқ-пўписа қилиганида Сурия сал дадиллашиб, ўзини ҳимоя этган, ҳеч гапдан хабарим йўқ, деб турган бўларди. Ҳакимов эса аксинча, ишонмайман, деб турибди. Бу гап Сурияга ғалати таъсир қилди. Худди гипноз қилингандек ҳис этди ўзини.

– Ўзим ҳам... ишонгим келмайди – деди у дабдурустдаи. – Лекин ўша қотилни чиндан ҳам мен топганман...

– Қандай қилиб? – ҳайрат билан тикилди терговчи унга. – Бўлиши мумкин эмас. Сиз алаҳираётганингиз йўқми, мабодо?

Гипноз давом этмоқда эди. Суриянинг тили бурро бўлиб кетди.

– Ҳа, мен топганман. Тўғрироғи, унинг ўзи... агар бирон ёмон одамни жазолаш керак бўлса, ёрдам бераман, деганди. Хўжайнини рэкетчи-зўравонлар пул талаб қилиб... икки марта калтаклашгандан сўнг... айтгандим.

– У билан қандай танишгансиз?

Сурия ўзининг зўрланиши билан боғлиқ воқеани батафсил айтиб берди. Шунда терговчи бирдан хомуш тортиб, ўйланиб колди.

Кейин кулиб юборди:

– Ўша уч йигитни отиб ташлади, дейсизми? – Э, қойил. Бир ўзи-я? Дарвоқе, узр... Сизни зўрлашдан олдин уриб, ҳушингиздан кетказишганмиди?

– Ҳа.

– Ҳушингизга келганингизда уч зўравон ўқ еб, чўзилиб ётганмиди?

– Ҳа.

– Уларнинг ўқ еганини аниқ кўрдингизми?

Сурия иккиланди.

– Мен ўқ товушидан ҳушимга келдим. Кейин қарасам улар чўзилиб ётишибди. Бу эса тўппончани менинг бошимга тираб турибди.

– Тушунарли, – деди терговчи. Сизни лақиллатишган. Ўшанинг ўзи биринчи бўлиб зўрлаган сизни. Кейин ўзини «халоскор» қилиб кўрсатган.

Шериклари эса ўзларини ўқ еб, ўлиб ёттанга солишган.

– Вой... Шошманг-шошманг... Мен кейинроқ... уларнинг бирини машина ҳайдаб юрганини кўргандек бўлгандим...

– Ўша заҳоти милицияга мурожаат қилиш керак эди, содда хоним, – деди терговчи. – Эҳ, сизни қаранг-у. Сиз бўлса уларга шериклик қилиб юрибсиз...

Сурия йиғлади.

– Энди мени қамайсизми? – деб сўради.

– Йўқ, – деди терговчи. – Сизни ҳозирча вақтингча ушлаб турамиз. Чунки ўша «халоскор»ингизни қўлга туширишмиз керак. Энди айтинг-чи, унинг қиёфасини аниқ кўрганимисиз?

– Йўқ. Ҳарчанд ҳаракат қилдим-у, кўролмадим.

– Бирон бир белгиси эсингизда қолганми?

– Йўқ. Фақат... «Мен фотографман, менга сурат буюргма бериш ҳақида гапиргин», деб парол ўргаттанди. Мен ўшанда чиндан ҳам сураткашмикан, деб ўйлаганман.

– Яхши. Яна?

– Бошқа... Ҳеч нарса. У доим сесанба кунлари қўнгироқ қиласарди, кейинги икки ҳафтада қилмади.

Сурияхонимнинг сўрогини шу ерда тўхтатиб турамиз. Бунинг сабабини англаб тургандирсиз? Сиз Сурияхоннинг «фотограф» ҳақидаги гапини ўқиган заҳоти Абди Самадовни кўз олдига келтирган ва «Воҳ, ёлланма қотил ўша экан-да», деган ҳаёлга борган бўлсангиз ажаб эмас. Шу сабабли ҳам сиздан хулоса чиқаришга андак шошилмасликни илтимос қўнгиган ҳолда, Абди ҳикоясини давом эттирамиз. Ажабмаски, шу асиода анчагина саволларга ойдинлик кирса. Арслон Ҳакимов ва Сурияхон ўргасидаги мулоқот-сўроқнинг тафсилотини эса салгина орқага қолдиралимиз. Демак, яна Абдивой билан учрашамиз.

Абди ўша оқшом туни билан ухлолмай чиқди. Онасининг мунгли ҳикояси қулоқлари остида такрор-такрор жаранглар, Абди кўксига найза санчилгандек санчиб кетар, «оҳ» тортиб юборар, занжирбанд шер каби ўзини тўрт томонга урад, гоҳ йиғлар, гоҳ кулар, гоҳ ғазаб билан: «Сеними аblaҳ, шошмай тургин, қиймакийма қиласамми, шу қўлларим билан», дея ич-ичидан ҳайқириб юборар эди.

Ҳаммаси хиргойидан бошланди. Дўкондаги қароқчилик, отасининг ўлими туфайли ноҳақ қамалиб, ўксиниб чиққан Абди бoshини қайга уришни билмай юради ўша кезлар. Ўқиш ҳақидаги орзуладар ҳам саробга айланган. Нимадир қилиш керак. Лекин нималигини Абди билмайди...

Бир куни қишлоқнинг отарчи йигитлари Абдини «Микрофончилик қиласан», деб олиб кетишиди. Тўйда нима бўлдию Абди: «Мен ҳам битта ашула айтсан...» деди. «Майли, айт», деди отарчилар «уста» си. Абди айтди. Ёмон чиқмади.

— Ўҳ-хў, сен бола... зўр айтдинг-ку. Қонингда борми, дейманов, — деди «уста». Абди бу гапга аҳамият бермади. Эртасига қишлоқ клубида кино кўришаётганда ўртоқлари ҳинд киносидағи бош қаҳрамонни унга ўхшатишиди.

— Қара, сенга қуйиб қўйгандек ўхшаркан. Агар сен ҳам артист бўлсанг, мана шунаقا киноларда ўйнайсан...

«Чиндан ҳам артист бўлсан-чи», деб ўйлади Абди. Овозим ҳам бор экан. Рубоб, тор чертишни сал-пал биламан. Шеър ёзаман...

Дарвоқе ўрни келиб қолди, айтгайлик, Абди болалиқдан яхшигина хиргойи қилиб юради. Ҳатто онасидан сўроқсиз, бир икки ой мусиқа тўгарагига қатнаб «До-ре-ми-фа-соллья-си» ни ҳам ўрганиб олганди. Онаси билиб қолгач, тиш тирноғи билан қарши турди.

— Мени онам, десанг, йиғиштир бу тингир-тингирни, болам, — деди кескин.

— Нега она, ахир... ашула айтсан, тўйларда кўп пул топиб, сизга олиб келиб берсан... яхши эмасми?

— Мен сенинг артист бўлишингни истамайман, — деди онаси. — Сен спорт билан хоҳлаганингча шуғуллан. Полвон йигит бўлиб ўс...

Үшанды у онаси билан тортишиб ўтирмаи, спортта ўтиб кетганди. Лекин санъатга, мусиқага ҳавасини ҳам буткул унутмagan. Армияда чоғи машқ қилиб, анча қўли келишиб ҳам қолди. Бир сўз билан айтганда Абди ҳам спортчи, ҳам санъаткор, ҳам шоир бўлгудек бир серқирра йигитга айланастганди.

Онаси унинг тўйда ашула айтганини эшишиб, яна ўша ўн йил олдинги гапини такрорлади.

– Артистликда бало борми, эркакча иш қўлсанг-чи, болам, – деди ошкора қаҳр билан. Бу гал Абдига астойдил малол келди.

– Она, нега унақа дейсиз? Артистлик ҳам эркакча касб-ку. Ахир нега бунча аристни ёмон кўрасиз-а? Ёки сизнинг артист қавмида бирор қасдингиз борми?..

– Бор! – деди кутилмаганда онаси. – Қасдим бор.

– Нима? Қанақа қасд? – деб сўради қўрқа-писа Абди.

Онаси бир зум жим қолди. Кейин оғир хўрсиниб, гап бошлиди.

– Майли, ўғлим, сен катта бўлиб қолдинг. Ҳамма нарсага ақлинг етади. Энди айтсан бўлар. Бор ҳақиқатни қачондир билишинг керак. Сенинг асл отанг артист бўлган. Мени «Севаман, сенсиз яшолмайман, сенга уйланаман», деб алдаб, бола бўлгач, «Бола мендан эмас», деб туҳмат қилиб қочган. Бунинг устига номардлик қилиб, бошқа бир дўстига қўшмоқчи бўлган. Хуллас ўша-ўша артист, деса жоним ҳалқумимга келади...

Абди қотиб қолди. Демак, демак, шўрлик онаси шунинг учун ҳам Самад букирга теккан экан-да?!

– Яхшиям баҳтингта Самад отанг бор экан, – деди онаси унинг фикрини ўқигандек. – Қорнимда бола билан обрўйимни тўкмай никоҳлаб олган. Шунинг учун унинг ҳамма инжиқликлариға, уриш-сўқишиларига чидаб келдим.

– Ким ўша номард, она, айтинг? – деди ғазаб бишан. – Ўшани ўлдираман.

Онаси унга ғалати қаради. Бу қараашда ҳайрат ҳам, ғурур ва қониқиш ҳам ва яна аллақандай туйғулар бор эди.

– Отанг-ку, болам, қўлинг борадими?

– Қанақасига отам бўлади. «Бола менини эмас», деб сизни беҳурмат этган, ҳақорат қилиб, камситган бўлса...

– Майди, мен Худога согланман. Сен унга қўл кўтармаслигинг керак. Мени баҳтсиз қилгани етмагандай, сенинг ҳам умринг шу нобакор туфайли поймол бўлмасин.

– У ёғи билан ишингиз бўлмасин. Фақат менга унинг номини, манзилини айтинг.

– Ўзингни бос, болам! Ўзингни бос! Ҳайвон бўлсаям, ўша сенинг отанг. Падаркуш бўлма!

– Айтинг, айтаверинг, уни ўлдириб, бекордан-бекор қўлини булғайдиган, бекорга қамалиб кетадиган аҳмоқ йўқ. Шунчаки кўзига қарамоқчиман, кўзига! Айтинг!

– Унга бирон зиён-заҳмат етказмайман, деб қасам ич, болам! Қасам ич!

– Нима деб ичай?

– Онам ўлсин, агар отамга қўл кўтарсан, – деб айт.

– Майли...

– Айт, айт... Онам ўлсин, де.

– Йўқ. Ўзим... Тил тортмай ўлай, агар сизга берган сўзимнинг устидан чиқмасам. Энди айтинг.

– У шаҳарда вилоят мусиқали драма театррида ишлайди. – Исми – Камронбек Валиев.

Абди эртасигаёқ театрга йўл олди. Йўлда унинг кўнглидан қандай туйгулар кечганинн сўзлаб ўтирумаймиз. Дафъатан туғилган нафрат, онасига берган ваъдасидан сўнг аламли ўқинчга айланди. Ўқиниш баробарида, томиридаги қон барибир ўша одамнинг қони эмасми, аллақандай қизиқиш ҳам пайдо бўлди: «Қандай одам экан, менинг отам?» «Артист экан-да. Камрон Валиев, бунақа артистни у эшигмаганди. Унчалик машҳур бўлолмаптида. Номардлиги учун Худо жазолаган бўлса керак...»

Камрон Валиевни топиши қийин бўлмади. Дарвоза ёнида театр қоровули билан қарта ўйнаб ўтирган қорамағиз одам ўша экан. Оғзида носвой. «Ваалейкум ашшалом», деганидан билинди.

– Сизда бир оғиз гапим бор эди. Тащқарига чиқайлик, – деди Абди. Валиев пинагини бузмасдан ўйинни давом эттириди.

– Гапиравер, болакай, тўйингга ашулачи керакми? – деди Абдининг юзига ҳам қарамасдан. Абди тушундикси, бу одам тўйларда отарчиллик қилиб кун кечиради. Шунинг учун ҳам машҳур бўлолмаган.

– Бошқа, жиддий гал. Илтимос, тезроқ чиқинг, мен сизни ташқарида кутиб тураман, – деди Абди мумкин қадар юмшоқлик билан.

– Ҳозир-ҳозир, – деди Валиев. Абди ташқарига чиқиб, шаҳар марказий истироҳат боғи томон юрди. Боғ театр дарвозасининг шундоққина рўпарасида эди.

Валиев беш дақылалардан кейин чиқиб келди. Бу орада Абди анча қызыншиб, асабийлашиб улгурган эди. Шу боңс гапини шартқаилик билан бошлади.

– Мен... Сиз бир пайтлар алдаб... ташлаб кеттган бир қызниң үғлыман... Исмим Абди.

Валиев ұшшер тортди. Күркәди. Афтидан үқачондир мана шундай учрашув бўлишини билган ва кутиб юрган. Тайёргарлик ҳам кўрган.

– Сен ука, адашяпсан. Мен ҳеч қанақа қызни алдаган эмасман. Абдининг ғазаби қўзиди.

– Ҳеч бўлмаса экди, орадан шунча вақт ўтгандан кейин ёлғон гапирмасангиз бўларди. Мен сизнинг үғлингизман-ку. Буни ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак.

– Йўқ-йўқ. Такрор айтаман, ука, сен адашяпсан. Тўғри, ёшлиқда шўхликлар бўлган... Лекин Худо менга фарзанд бермади. Шу боңс яқинда учинчи хотиним билан ҳам ажralищдим.

Абди дафъатан ўз боласини тан олмагани учун Худо бошқа фарзанд бермаган, деб ўйлади. Бахтсиз одам. Бунинг нимаси билан пачакилашаман. Самад буқридан ҳеч қанақа фарқи йўғу. Йўқ. Самад буқрининг бундан фарқи бор. Самад буқрининг бундан ўлиги ҳам ортиқ. Бу – бир тараша-ку. «Ўғлингизман», деганимда ҳам «қўилт» этмади-я. Ҳолбуки, ўғли эканимни яхши биллиб, сезиб турибди. Самад буқри эса менинг ҳақиқий отам. У – улуғ, мард, кўркам одам. Эссиз... қадрига етолмадим.

– Келинг, эркакча гаплашайлик... Агар ўзингизни эркак, деб ҳисобласангиз, – деди Абди ғижиниб. Шу топда унинг авзойини кўрган одам кеча армияни битказиб келган ўн тўққиз яшар йигит, деб ўйламасди. Ўзи аслида ҳам Абди ёшига нисбатан анча катта кўринар, билмаган одам уни йигирма бешларга кириб қолган, дея тахмин қилиши мумкин эди.

– Эркакча бўлса, майли, эркакча гаплашамиз, – деди бироз аччиғи чиққан Валиев. – Хўш, нимани гаплашамиз?

– Сиз менга ростини айтинг. Онам билан... ораларингизда бўлган воқеа...

– Майли, ростини айтсан-айтай. Онангни таниганман. Ашуллачи йигитларнинг ошиғи кўп бўлади. Онанг билан ҳам бир тўйда танишган элик. Ўзи «Украшайлик», деб таклиф қилди. Бир мартаами, икки мартаами учрашганмиз. Бўлган гап шу. Орадан бешолти ой ўтгач, лабдурустдан келиб: «Сиздан бола бўлиб қолди»,

деди. Мен ишонмадым. Ишонолмадим. Тушун, ука, сен ҳали ёшсан. Вақти келиб билиб оласан ҳаммасини. Мен унга «Хоҳласанг, дўхтирга олиб бориб текширтираман, агар бола мендан экани исботланса, уйланама»н, деганиман. Ўзи кўнмади. Аразлаб кетиб қолди. Кейин эшитсам, бир кивалидга тегиб олибди. Сен хафа бўлма, сенда айб йўқ. Онанг ёшлигидага сал соддароқ, кўнгилчанроқ бўлган, шекилли...

– Бу нима деганингиз?..

– Мендан бошқалар билан ҳам... учрашган, шекилли. Чунки мендан бола бўлиши мумкин эмасди. Менга дўхтирлар айтган. Справкам бор. Мана, кейин ҳам бола бўлмади-ку... Хуллас, ука, сен отангни бошқа жойдан изла. Онантга айт, менга бекорга ёпиш масдан, яхшилаб ўйлаб кўрсин...

Чиндан ҳам бу Самад буクリнинг ҳаром тукига ҳам арзимайди. Самад букри – мард. Чинакам эркак у. Мен бўлсам уни «ота» дейиншга орланиб юрибман...»

– Ўша справка ҳозир ёнингизда эмасми? – деб сўради Абди ғазабини босиб. Энди у Валиевдан нафратланмай қўйганди. Бу кимса унда энди жирканиш уйғотди.

– Нима эди? Уйда турибди. Керак бўлса... олиб келиб кўрсатаман ука. Мен... Мен ишни пухта қиладиган одамман. Справкани кўрсатиш керак бўлса, любой жойда кўрсатаман, – деди янада дадиллашиб Валиев.

– Кетингта тиқ, ўша справкангни, – деди Абди ногаҳон тақрор қуялиб келган ғазаб таъсирида «сенжисираб. – Эй, ҳайвон!

– Ҳой ука! Оғзингта қараб галиргин!

– Кейин оғзингта тиқ! Ҳе, ифлос! – деди Абди. – Сени... Сенда қаларни ўша носвой саситган оғзингдан отиш, кейин... Кейин... Тумшуғингдан осиш керак.

– Дунё бесўров эмас, ука. Ўзингни бос. Қонун бор. Қонда бор. Агар гапимга ишонмасанг, қонуний қилиб судга бер...

– Тупурдим. Сенга ҳам, қонун-қоидангта ҳам...

Абди кескин бурилиб йўлига кетди. Йўл-йўлакай «Чиндан ҳам онам артист бўлма, деб тўғри айтган экан», деб ўйлади. Энди унинг наинки артист, наинки шоир, балки ҳеч ким бўлгиси келмасди. Аксинча, ниманидир бузгиси, қасрнидир вайрон қилгиси, қай бир иморатга ўт қўйгиси келарди. Агар онасига қасамёд этмаганида, ҳозир бу одамни сира иккиланмасдан бўғиб ўлдирган бўларди.

Беш-үн кун каловланиб юргач, таваккал деб жисмоний тарбия институтига ҳужжат топшириди. Киролмади. Бу орада Зарифа билан иккى марта учрашиб, кўнглини билмоқчи бўлди. Абдиннинг «саргузашт»ларидан хабардор бўлса керак, Зарифа унга рўйхушлик бермади.

— Сизни акамдек ҳурмат қиласман. Лекин мен бошқа бир йигитта ваъда берганман. Хафа бўлманг...

Абди «Ахир мени севгандинг, ҳат ҳам ёзгандинг-ку», демоқчи бўлди, дея олмади. Деганда ҳам Зарифа «У болаликдаги бир ҳавас бўлган-да», дерди. Аслида сабаби бошқа. Зарифа уни ўзига тенг кўрмаяпти. Зарифа кибрли бўлибди. Акаси Арслон — камтар, оддий йигит. Лекин Зарифа... Майли, нима ҳам дерди?! «Суммаганга суйкалма», деган. Бу борала зўравонлик кетмайди. Қолаверса, у дўсти Арслоннинг синглисига зўравонлик қилолмайди. Ахир «Сизни акамдек ҳурмат қиласман», деяпти-ку...

Ёз охирида Россияга бориб, мардикорчилик қилиб юрадиган йигитларга қўшилиб, Самарага жўнаб кетди. Кетиш олдидан Арслонни қидириб, ҳукуқшунослик институтига борди. «Кетялман», деди. Зарифа билан ораларида бўлган гапни унга очиқ айтди.

— Сен ундан хафа бўлма, Абди, — деди Арслон синглисингининг ёнини олиб. — У шундай бир ҳолатга тушган, қисқаси... Бунинг сабаби бор. Вақти келганида айтгаман. Ҳозирча...

Абди «Нима гап, нима сабаб?» деб сўрамади. Шусиз ҳам унинг ичи бўм-бўш, кўнгли қоп-қора эди...

Шу тахлит Абди Россияга кетди. У ерда кўп оғир савдоларни бошидан ўтказди. Жиноятчилар тўдасига аралашди, қамоқقا тушди... Буларнинг ҳаммаси ҳақида кейинги бобларда унинг ўзидан эшитамиз. Ҳозир эса ваъдамизга биноан Арслон Ҳакимов ва Сурияхон мулоқоти асосида ойдинлашган воқеалар баёнига қайтайлик.

9

Шаҳарнинг қуюқ дарахтзорлардан иборат чекка ва хилват мавзеси. «Тақдир тақозоси» деган ғалати ном билан аталмиш пастқамгина қаҳвахона. Соат тунги 22 дан ошган. Европача руслумда безатилган залда майин мусиқа янграб турибди. Одам гавжум. Чеккадаги алоҳида бўлмалардан бирида ёлғиз ўтириб, та-

мадди қилаётган ўттиз ёшлардаги қорамағиз, узун бўйли, сочла-ри калта қирқилган аёл ёнига қирқлардаги малларанг бир одам келиб ўтирди. Бош ирғаб салом берди. Чўнтағидан «Оливер Твист» сигаретасини чиқариб тутатди. Аёл унинг юзига бепарво назар ташлаб, саломига қуруққина жавоб берди. Кейин:

– Бу жой банд, мен ўртоқларимни кутаятман, – деди.

– Ўртоқларингиз мен орқали салом йўллашди, – деди малла одам. Чамаси бу – пароль эди.

Аёл хотиржам тортиб:

– Саломат бўлишсин, – деб қўйди ва малланинг юзига савол назари билан қаради.

– Бир ҳурматли кишининг оилавий суратига буюртма бермоқчи эдик.

– Биз оилавий суратларга буюртма олмаймиз.

– Йўқ-йўқ! Оилавий эмас. Шунчаки, бир эркак ва бир аёл. Улар эр-хотин эмас. Хушторлар.

– Хотинларнинг суратларини ҳам ишламаймиз, – деди аёл: малланинг стол устида ётган «Оливер Твист» сигаретаси қутисидан бир дона сигарет олиб, айлантириб, томоша қилиди. Кейин тутатмасдан эзғилаб, кулдонга ташлади.

– Бу – истисно тариқасида. Аёл суратига эркакнидан уч баравар кўп ҳақ тўлаймиз. Кейин у аёл... Хуллас, йўқ, деманг.

– Мен гаплашиб кўришим керак, – деди аёл иккиланиб.

– Агар келишсак... Мен хизмат ҳақининг ярмисини ҳозироқ бериб кетмоқчи эдим. Эллик минг доллар ҳазилакам пул эмас...

– Ҳар бирига эллик мингдан, – деди аёл.

– Яхши, – деди малла одам ўйлаб ўтирасдан. Ярми ҳозир, ярми буюртма бажарилгандан сўнг.

– Келишдик. Пулни стол устига, қўл артгичнинг тагига қўйинг. Буюртма бажарилгач, пулнинг қолған қисмини хорижга биз айтган ҳисоб рақамига ташлаб берасиз. Огоҳлантириб қўяй. Аҳд бузиладиган ёки биз томонга, из йўқотиш мақсадида таҳдид қилинадиган бўлса – масалани матбуот орқали ошкор қилиб юборамиз.

– Хотиржам бўлинг. Биз номардлардан эмасмиз. Малла одам қофозга ўралган пулни аёл айтган тарзда қўл артгич тагига бекитди.

– Расм, манзил ва суратни олиш мумкин бўлган ვақтлар кўрса-тилган қофоз ҳам пулнинг орасида...

— Яхши. Хайр, — деди аёл малладан күзини узиб, теварак-ат-рофни шошмасдан кузатди. Малла туриб кетгач, оғиз артган киши бўлиб, қоғозга ўроғлик пулни чаққонлик билан сумкасига солди. Ташқарига чиқди. Уриниброқ қолган «Жигули» машинасига ўтириб, шаҳарнинг нариги четига — кунчиқар томонига жўнаб кетди.

Ярим соатдан сўнг аёл «Тун қўшиғи» номли яна бир қаҳвахона олдида тўхтади. Бир неча сониядан сўнг тун қўйнидан чиқиб келган ўттиз-ўттиз беш ёшли бир йигит аёл ўтирган машинанинг орқа эшигини очиб, бош сукди.

— Қалай? — деб сўради.

— Ҳаммаси жойида, — деди аёл қофоз ўрамини йигиттга узатар экан.

— Ҳаққингни олдингми? — деб сўради йигит.

— Ҳа, олдим. Ҳар галгидек. Ўн фоиз. Лекин бу сафар бошқачароқ. Буюртмада икки киши, аёли ҳам бор...

— Мен сенга айтганман-ку, аёлларга буюртма олма, деб!

— Пули икки баравар! Кейин ўша аёл арзиркан суратини ишлашга.

— Бўпти. Давоми...

— Қўнғироқ қиласан, буюртма тайёр бўлгач, келишамиз.

— Бўпти.

Йигит шундай деди-да, эшикни тарақлатиб ёпиб, яна тун қўйнига сингиб кетди. Аёл ҳар галгидек бу сафар ҳам йигитнинг башарасини аниқ кўриш ва эслаб қолишга тиришди. Аммо яна бунинг уддасидан чиқолмади. «Юзи борми бунинг ўзи?», деб ўйлади. Кейин: «Э, менга нима фарқи бор», деб қўл силтади. Ҳолбуки...

Ҳолбуки, 32 ёшли Сурия исмли бу аёл нуқул тун қўйнидан чиқиб, тун қўйнига яширинувчи ана шу сирли, кўрқинчли бу йигитни яқиндан танишини, у билан сұхбатлашишини, дардлашишини жуда-жуда истар ва бунинг анчайин узундан-узоқ тафсилотга эга мубдам ва даҳшатли бир сабаби бор эди...

Бу воқеага бир неча йиллар бўлган. Сурия ўшандада мана шу — «Тун қўшиғи» қаҳвахонасида официант бўлиб ишлар эди. Саҳарга яқин ишни тугатиб, уйга қайтиш учун кўчага чиқди. Дуч келган биринчи машинага қўл кўтарди.

«Жигули»да уч йигит. Иккиси олдинда, бири орқада. Сурия уларни маст, деб ўйлади. «Йўқ, бормайман, кетаверинглар»,

деди. Йигитлар: «Құрқманг, яхши қыз, айтган жойингизга элтиб құямыз, ўтилинг», деб қисташди. Сурия таваккал қилиб, машинаға минди. «Жигули» у айтган томонға эмас, шаңар четидеги жарлик сари бораёттанини күриб, адашганини тушунди. «Қыз боламан, етимман, раҳм қилинглар, қарі онам бор», деб ялинди. Йигитлар қулоқ солишимади. Тұқайзор ичидә уни зўрлашди. Сурия ҳушидан кетиб қолди. Бир маҳал қарсиллаган овоздан ўзига келиб кўзини очди. Очди-ю, даҳшатдан қотиб қолди. Тепасида бир кўланка унга тўппонча тираб турарди. Жон ҳолатда ингранди:

– Илтимос, ўлдирмаиг!

Кўланка уни қўлидан тортиб турғазди.

– Кийиниб ол, – деди тескари қараб.

Сурия кийиниши асносида теварагига қараб, қичқириб юбора-ёзди. Ҳалиги уч йигит уч жойда қонга беланиб, чўзилиб ётарди. Афтидан, бояги кўланка уларни оттан ва Сурияни ҳам ўшаларга шерик, деб ўйлаган. Беҳуш бўлгани учун аяган.

– Нима бўлди? – деб сўради у ёз ҳавоси бўлишига қарамай совуқ қотиб, тишлари тақиллаб.

– Буни аввал сендан сўраш керак, – деди йигит. Шунда Сурия ўзига келиб, йиғлаб юборди.

– Улар мени... зўрлашди...

– Шунинг учун мен уларни жазоладим, – деди йигит. – Агар уларга қўшилиб ўлиб кетишини истамасанг, бу воқеани ҳеч қачон, ҳеч кимга айтма. Тушундингми?

– Тушундим, – деди Сурия.

– Хайр, – деди йигит. – Шаҳаргача ўзинг бир амаллаб етиб оларсан. Тонг ёришиб қолди.

– Сиз менинг халоскоримсиз. Ақалли кимлигингишни айтиб кетинг, – деди Сурия.

– Ҳожати йўқ, – деди йигит.

– Бўймаса... менинг телефонимни олинг, ҳар эҳтимолга қарши, – деди Сурия. – Телефон қиласиз.

– Майли, – деди йигит ва у узатган ташрифномани чўнтағига солиб, бурилиб кетди. Сурия унинг чеҳрасини қоронғида илғаб ололмай қолди.

Шу-шу Сурия халоскор йигитни учратмади. Уни ўқтинг-ўқтинг эслар, «Ўшанда у қаердан пайдо бўлган, нега барвақтроқ келмаган, эҳтимол унинг бояги йигитларда қасди бўлгандир?!» деб

ўйлар, уни ўзича соғинар, бир учрашсам, елкасига бош қўйсам, деб орзуланар ҳам эди.

Кунлардан бир куни Сурия тумов бўлиб, ишга бормай, уйида ётган эди. Телефон жиринглади. Гўшакни олган Сурияning юраги ҳаприқиб кетди. Ўша йигитнинг овози эди.

– Бугун саҳар ишдан қайтаётганингда бекатда телефон-автомат ёнида кутиб тур...

Сурия «Хўп» дейишга ҳам улгурмай овоз ўчди. Сурия учрашувни гоҳ қувониб, гоҳ аразли ҳаяжон ичра аламланиб, бетоқат кутди. Бироқ учрашув яна совуқ, ёқимсиз кечди. Суриядаги бояги қувонч ва ҳаяжон ўрнини яна қўрқув эгаллади. Алам қиласидигани йигит қоронфи бўлсаям нуқул аланглаб, тескари қараб гапирав, шу боис Сурия унинг юзини кўролмасди.

– Агар кимдир сени, ё яқин дўстларингни хафа қилса айт, жазосини бераман... Текинга эмас, албатта...

– Сизни қандай топаман, – деди Сурия бироз ўйланиб тургач.

– Ҳар ҳафта белгиланган вақтда кўнғироқ қиласман. Сен уйда пайтингда. Маъқулми? Сен қайси кунлар уйда бўласан?

– Сешанба, пайшанба кунлари.

– Яхши. Демак, тушундинг-а?

– Ҳа, – деди Сурия гарчанд тайинли бир нарсани тушунмаган бўлса ҳам. Йигит хайрлашиб ғойиб бўлди. Сурия эртасига ишга чиқиб, қаҳвахона хўжайини кимлардир томонидан қаттиқ калтакланиб кетилганини эшилди. У бир ҳафтадан сўнг ишга чиққаҷ, ҳол сўрагани кирди-ю, хўжайнининг қорайган қовоқлари ни кўриб, беихтиёр йигитнинг гапини эслади. Хўжайнинг азбаройи раҳми келди. У Сурияга яхши ҳақ тўлар, гоҳида ҳимматига қараб, совға-салом ҳам қилиб туар эди. Қисқаси, ўрталарида анчайин яқин муносабат шаклланганди. Шу тариқа, ачиниш асносида меҳри ийди.

– Ўша фанимларингизни жазолайдиган бир одам бор, – деди паст овозда.

– Ким экан? – деди хўжайин бепарво оҳангда.

– Бир одам. Ҳақини тўласангиз... тинчтади, – деди Сурия ва кўрсаткич бармогини тўппончага ўхшатиб, чеккасига тираб кўрсатди. Хўжайнининг кўзи хонасидан чиққудай бўлди.

– Э-э, калланг борми? Нима деяпсан? Унақа одамларни яқинлаштирма! Миянгдан чиқариб ташла! Тушунарлимни?..

Сурия индамай чиқиб кетди. Хўжайнин икки ҳафтадан сўнг яна калтакланиб, шифохонада бир ой ётиб чиққач, ўзи Сурияни чақириб, бояти мавзуда шивирлаб гап очди:

– Ҳалиги «жазоловчи» ҳалиям борми? – деб сўради. Сурия бош иргади.

– Айт, ўшангага, бир кишини жазолаш керак. Ҳаққини бераман...

Йигит одатдагидек сесанба куни телефон қилди. Сурия «буюртма»дан гап очди. Йигит гапини кесди.

– Телефонда бунаقا гаплар айтилмайди. Эртага ишдан қайтар чоғинг учрашамиз.

– Мен машина олганман. «Жигули», – деди Сурия.

– Биламан. Бекатдан нарироқда, чеккада машинани тўхтатиб, кутиб тур.

– Хўп бўлади!..

Машинанинг орқа эшиги худди бугунги сингари тўсатдан очиши. Йигит каттакон кўзойнак таққани учун юзи деярли кўринмас, қоронғида Сурия фақат унинг мўйлови борлигини илғади. «Балким ясамадир», деб ўлади.

– Мен фотографман. Портрет ишлатмоқчи бўлсаларинг, кичик бир расмни манзили ҳақидаги маълумот билан қўшиб тайёрлаб беришларинг керак. Ҳизмат ҳақи йигирма минг. Ўни олдин. Ўни кейин. Шарт маъқул бўлса, эртага шу ерда учрашамиз.

Йигит эшикни ёпиб кетди. Эртасига келиб, Суриядан қоз ўрамини олар экан, яна бир марта огоҳлантириди.

– Мен ҳақимда бирон кишига, бирон маълумот берсанг... Соғ кўймайман. Буюртмани фақат ишончли одамлардан олиш керак. Сенга ҳизмат ҳақидан ўн фоиз тўлайман. Розимисан?

– Розиман.

Шу таҳлит Сурия ва нотаниш қасоскор йигит шериклигидаги мудҳиш ширкат қарор топди. Ўшанда хўжайнининг «буюртмаси» бажарилгач, Суриянинг қаҳвахонадаги мавқеи кескин ошиб кетди. Энди у оддий официант эмас, зал мудираси бўлди, маоши, бошлиқ бошқа «хизматлари» эвазига тўлайдиган мукофот миқдори ҳам кўпайди. Хўжайнин уни аввалгидан ҳам яхши кўрар ва шу билан биргага ундан ўлгудай қўрқарди. Шу боис унга шилқимлик қилмай қўйди. Бир гал Сурия ўзи ҳиммат қилганида, оҳиста бағрига босар экан, авайлаб сўради:

– Жоним, айт-чи, ўша танишларинг кимлар? Мен ҳам танишсан бўладими?

– Ҳеч қачон бу ҳақда гап очманг, – деди Сурия кескин оҳангда, – акс ҳолда, улар мени ҳам, сизни ҳам йўқ қилиб юборишади.

– Сен нима бало, мафияга аъзомисан?

– Қўйинг, бунақа гапларни...

Хўжайин бу ҳақда бошқа суриштиrmади. Яна икки марта «буюртма» берди, холос. «Буюртма»лар муваффақиятли бажарилгач, шаҳарда «Тун қўшиғи» қаҳвахонаси хўжайнининг бекиёс қудрати ҳақида миш-мишлар тарқалди. Хўжайин эса бу гапларга парво қилмас, энди Сурияни бошқа кишиларнинг «буюртма»лари билан таъминлаб турар эди...

Сурияning хўжайнин қамоққа олинган заҳоти маъшуқасини «сотди». Қизиги шундаки, на ошиқ ва на маъшуқа ёлланма қотил ҳақида терговчи Арслон Ҳакимовга аниқ бир маълумот бера олмадилар.

Арслон Ҳакимов – зукко терговчи эди. У Сурияни тергов қилиш чоғида бундан анчагина олдин юз берган, ўз оиласи билан боғлиқ бир воқеани эслаб, юраги шувиллаб кетди. Арслон Абди билан охирги марта учрашганда ошнасига айтмоқчи бўлган, лекин айтмаган воқеа ўша эди... Зарифа бир куни спорт машғулотидан кечроқ қайтаётганида хилват хиёбонда безориларга дуч келади. Уч нафар девдай йигит уни уриб, ҳушсизлантириб, номуснiga тегмоқчи бўлган пайтда, қайдандир пайдо бўлган бир йигит уни қутқариб қолади. Йўлтўсарларни уриб, суллайтириб ташлайди. Зарифани уйгача кузатиб қўяди. Кейин Зарифа ўша Соли исмли йигитта кўнгил қўйди. Турмушга чиқди. Ўша тунгги воқеани Арслон кейинроқ, тўй ўтгач эшигтан ва терговчига хос зийраклик билан аллақандай шубҳаларга борган бўлса ҳам синглисига сездирмаган. Куёв бўлмиш Соли ширкатчилик қилиб юрар, Арслон у билан кам мулоқот юргизарди. Сабаби: негадир унча ёқтириласди. Сурияning ҳикоясини тинглагач, кўнглида «Наҳотки, бу – ўша бўлса», деган даҳшатли гумон уйғонди. «Илон ёнгинингда, қўйнингда ётган-у, сен галварс сезмагансан. Хайф, сендақа изқуварга», деб ўйлади. Кейин яна мулоҳаза қилди. «Йўғ-е, бу шунчаки, тасодифий ўҳшашлик бўлиши мумкин». Соли ширкатчи – ўзига тўқ. Унга пул эвазига одам ўлдиришнинг нима кераги бор? Арслон шубҳасига сал бўлсада аниқлик киритмоқчи бўлиб, Зарифага қўнфироқ қилди. «Куёв билан бир учрашиб, суҳбатлашмоқчиман. Кечқурун уйларингга ўтаман», деди. Зарифанинг: «У киши иш билан сафарга кетган. Бир ҳафтадан бери

йүқ», деган жавоби гумонини оширса-оширдики, камайтирма-ди. «Бўлмаса, айт, келганидан сўнг менга бир учрасин...»

Айни шу гумон билан тўқнаш келган кунларида Сайхондаги ёнгин воқеаси муносабати билан ўтказилган эксгумация ва так-порий экспертиза хulosалари тайёр бўлди. Дала-ҳовлида куйиб кетган жасадлар Зоҳидий ва Афифаники эмас, икки ёш эркакни-ки, деган хулоса чиқарилди. Энди уларнинг кимлигини аниқлаш керак эди.

Арслон «Ҳар қалай Афифа эмас экан», деган ўйдан бенхтиёр хурсанд бўлганини ҳис этди. «Бечора Субут Сокинни ҳам хур-санд қилиб қўйиш керакмикан, айтиб?!», деб ўйлади. Бироқ Су-бутнинг хурсанд бўлишига кўзи етмади. «Тарқалган гап-сўзлар уни Афифадан буткул совитган бўлса керак», деб ўйлади. Шу боис Субутга бу ҳақда гапириш ё гапирмаслик ҳақида дабду-рустдаи бир қарорга кела олмасди...

– Жасадларнинг шахсини аниқлаш учун аввало Зоҳидийнинг соқчилари ва хизматкорларини текширишимиз керак, – деди у ёр-дамчисига. Кейин ўзи бироз ўйланиб ўтиргач, барибир Субутни қидириб, таҳририятга қўнғироқ қилди. Субут жойида экан. Арслон айтди. Субут хабарни хотиржамлик билан эшитди. Арслон ҳайрон бўлди. Кейин Субут: «Зоҳидийнинг ҳам тирик экани аниқ-ми?» деб сўради. Арслон яна ҳайратланди. «Демак, Афифанинг тирик эканини у аввалдан билган эканда...», деб ўйлади. Шошиб тургани учун гапни чўзмади. Эртасига «Чақириб суҳбатлашай-чи, балким бирон қизиқ гап чиқар», деб ўйлади. Яна таҳририятга сим қоқди. Субут йўқ экан. «Бир ҳафтага жавоб олиб кетувди», деди бош муҳаррир. Арслон гарчи яна ҳайрон бўлган эса-да, «Қаёққа, нимага кетди?», деб батафсил сўрамади. Зоро, унинг фикри яна бошқа гумон ва тахминлар оғушига чўкканди...

Субут эса бу пайт қўшни мамлакат ҳудудида, Саъдиевнинг қуюқ зиёфати устида эди. Келинг, биз ҳам ана шу тўкин дастур-хон атрофига борайлик. Улар суҳбатига қулоқ тутайлик.

Тоғлар бағрида, қуюқ арчазорлар билан қопланган сўлим ва салқин дарада жойлашган, Шарқона услубдаги муҳташам қарор-гоҳ. У даранинг адогида, баландда, яъни чўққига туташиб кетган тоғлар этагида бўлгани боис дара қуйисидаги илон изи

йўллар, ўртада шарқираб оқиб ёттан сой ва ҳув узоқда, пастликдаги дам олиш уйлари ва дунёга донғи кетган «Медео» яхмалаги кафтда тургандек кўринади.

Саъдиев ва Субут олди очик, кенг айвонда, тўкин дастурхон устида суҳбатлашиб ўтиришибди.

– Яҳши, баҳаво жойлар экан, – деди Субут.

– Ҳа, бир тижоратчи биродаримизга тегишли маскан бу, – деди Саъдиев. – Биз вақтингча ҳордиқ ёзиб турибмиз. Сиз ҳам беш-ўн кун дам олиб кетинг, агар вақтингиз бемалол бўлса.

– Раҳмат, афсуски, вақтим зикроқ, – деди Субут.

– Майли, сизлар ҳали ёшсизлар, ёшлиқда ишлаш керак. Қариб, мана бизга ўхшаб, соғлик кўтармай қолган чоғда дам олиб, даволаниб юриш мумкин.

Субут индамади. У гапни нимадан бошлаш ҳақида ўйлаётган эди. Саъдиевнинг ўзи унинг мушкулини осон қилди.

– Зоҳидий билан боғлиқ воқеанни эшитдим, – деди у. – Ҳайронман, унга бу «ўйин»нинг нима кераги бор экан?! Ҳамонки, қочмоқчи экан тинчтина жуфтакни ростлаб қолаверса бўларди-ку... Ўргаликда бир аёлнинг жонини увол қилиб, номини булғаб, спектакль қўйишнинг шима кераги бор эди?..

– Зоҳидий нега қочади? Кимдан қочади? – деб сўради Субут ўзини ҳеч гапдан хабарсиздек кўрсатишга уриниб.

– Унинг қочиш сабабини билмайсизми? Оббо, сиз-ей! Ахир унинг героин савдоси билан боғлиқ фаолияти тегишли идоралар томонидан анча пайтдан буён аниқланиб, уни қамоққа олишга ҳозирлик кўришашётган эди-ку. Ўша сиз қамалган кунларда биз сизни қутқариш учун ҳамма чораларни кўрдик. Дўстларимиз орқали Зоҳидий ва шерикларининг жиноий фаолияти тўғрисидаги ишончли маълумотларни тегишли идораларга етказдик.

Ўша маълумотларнинг бир қисми ўзингизда ҳам бор эди-ку. Сиз мақолани ёзиб, жиноятчи тўдани матбуот орқали фош этишга ултурмаганингиздан сўнг, таваккал қилишга мажбур бўлдик...

– Демак, менинг қутилиб чиқашимга Зоҳидий сарфлаган пуллар...

– Бўлмаган гап. У муттаҳам ана шу ёлғон гапи билан соддадил хотинингизни йўлдан урган. Тўғрироғи, «Эрингни кутқарганим эвазига ундан воз кечиб, менини бўласан», дея алдаган...

Субут ўйланиб қолди. Демак, Афиға уни, қутқариш учун ўзини қурбон қилишга рози бўлган. Демак, улар бирга қочишиган. Шундай бўлса, бу одам нега «Бир жувоннинг жонини увол

қилди...» деб айтаяпти? Саъдиев Аифифанинг тирик эканини билмайдими? Демак, қартани очишга түфри келади, шекишли...

– Сизда Зоҳидийнинг тирик экани, қаерга қочгани ҳақида аниқ маълумотлар борми? – деб сўради у.

Саъдиев кулди.

– Унчалик ҳам аниқ бўлмаса-да, ҳар қалай уни араб мамлакатларидан бирида кўришган.

– У Аифифани ҳам олиб кетмаганми? – деб сўради Субут минг бир истиҳола ва андиша билан.

– Зоҳидийга ортиқча юкнинг нима кераги бор. Аифифани у ўз гумашталаридан бирига қўшиб ўлдирган ва ёқиб юборгай.

Субут энди Абди Самадовнинг қўнғироги ҳақида гапирмаса бўлмаслигини англади. Чунки масалага ойдинлик киритиш учун Саъдиев билан очиқча гаплашишдан ўзга чора йўқ эди.

– Яқинда... Менга бир йигит қўнғироқ қилиб... Аифифа тирик, деб айтди-ку...

– Бу Зоҳидийнинг навбатдаги найрангларидан бири бўлиши мумкин. Хўш, ким экаи, ўша йигит? Қаердан қўнғироқ қилди?

– Қаерданлигини айтмади. Лекин унинг кимлигини аниқладим. Ҳамкасбимиз экан. Фотомухбир бўлиб ишлаган. Яқинлари уни «Россияга кетган», дейишаяпти.

– Ўша фотомухбир Зоҳидийнинг одами бўлиши керак. Ууман, Зоҳидий жуда маккор одам. У илоннинг ёғини ялаган. Сизга қизиқ бир воқеани айтиб бераман. Келгусида ёзадигаи мақолаларингизда ишлатасиз. Хуллас, ҳалиги воқеадан сал аввалроқ, Зоҳидийнинг хориждаги яқин ҳамкорларидан бири менга одам юбориб, учрашувга таклиф қилди. Қора деңгиз соҳилидаги шаҳарлардан бирида учрашдик. У одам Зоҳидийнинг аблажлиги, товламачилиги, хиёнаткорлиги ҳақида узоқ гапирди. «Бир неча ўн миллионлик молларимни гум қилиб юборди. Мени синдириб, гадо қилмоқчи», деди. Хуллас, «Уни йўлдаи олиб ташламоқчиман, ёрдам беринг», деб айтди. «Қандай қилиб», деб сўрадим. «Қотил ёллаб, оттираман», деди у. «Мендан нима ёрдам керак?» десам, «Сиз ўша ернинг шарт-шароитини яхши биласиз, йўл-йўриқ кўрсатинг», дейди. Менда шубҳа туғилди. Бу одамни Зоҳидийнинг ўзи юборгай, «Қани, мендан калтак еб қочган устозим Саъдиев жаноблари менга қарши бирон қасос чорасини кўраяптими ё йўқми, билайн», деган мақсадда, деб ўйладим. Ҳаёлимга шумлик келди. Олдида собиқ күёвим Муқимхоновга қўнғи-

роқ қилдим. «Олдингизга биздан одам боради, ёрдам қилинг», деб. Чунки Даврбек ўғлимизнинг биз кеттагач, Зоҳидий билан оғизбурун ўпишиб юрганини билардим. «Қани ўзларининг сопини ўзларидан чиқарай-чи», дедим. Кейин эшитишимча, ўша одам Муқимхоновнинг олдига чиндан ҳам вакил юборган. Зоҳидийнинг қачон, қаерда бўлишини суриштирган. Ҳатто... қотил ҳам ёллаган. Худди кинодагига ўхшайди. Фақат давоми бошқачароқ. Давоми дала-ҳовли ёнади. Ундан икки жасад топилади. Зоҳидий эса эсон-омон хорижга қочиб кетади.

– Балким Зоҳидий ўзига сунқасд тайёрланаётганини аввалдан билиб, ўша қотилни ўлдириб, кейин ҳовлига ўт қўйиб, қочгандир, изларни йўқотиш учун.

– Шундай бўлиши ҳам мумкин. Ёки ўша сунқасд ҳам аслида Зоҳидийнинг ўзи томонидан ўйлаб топилган ўйин бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда сизга «Афифа тирик», деб қўнгироқ қилган одам анча нарсани билади. Ўшани қидириб топиш керак. Афиғахон тирик бўлса, сизга ўзи бирон хабар етказмасми? Шуниси ғалати...

– Ўша Самадов менга «Афиғанинг илтимоси билан қўнгироқ қиласяпман», деб айтди.

– Ундей бўлса, сиз хафа бўлманг-ку, улар бирга қочншган. Зоҳидий унинг ўзини шундайлигича қўйиб юборишига ишониш қийин. Янаям ким билсин?! Лекин нима бўлгандаям энди сиз айтиётган Самадовни топишими зарур. Зоҳидийнинг изини аниқлаш учун у айтиб берадиган гаплар жуда муҳим.

– Сизга Зоҳидийни топишнинг нимага кераги бор? – деди Субут. – Ахир энди у ҳеч ким эмас-ку! Ўзини ўлдига чиқариб, қочган бир қочоқ эмасми? – деб сўради Субут. Унинг хаёлидан: «Саъдиев энди Зоҳидийни чиндан ҳам йўлдан олиб ташламоқчими?» деган фикр ўтди.

– Эҳ, укам-эй, ҳаётда шунча кўргуликларни бошдан ўтказган бўлсангиз ҳам соддалигинги қолмабди. Зоҳидий менга илгари бир марта сунқасд қилган. Энди у яраланган бўри. Энди яна ҳам хавфли. Шу боис мен унинг ҳар бир қадамидан хабардор бўлиб турмасам бўлмайди. Мен уни ўлдирмоқчи бўлаётганим йўқ. Чунки мен табиатан у сингари ваҳшӣ эмасмаи. Айни пайтда ўзимни асрараш учун ундан боҳабар бўлиб туришим керак...

Суҳбат кейинроқ қароргоҳнинг кенг-мўл ҳовлиси бўйлаб қилинган сайр чогида давом этди. Саъдиев Субутдан Абди Са-

мадов ҳақида аниқлаган маълумотларини батафсил сўради. Субут унга Самадовнинг расмини ҳам берди. Саъдиев ёрдамчи йигитлардан бирини чақириб буюрди:

– Ёзib олинг. Абди Самадов. Фотограф. Мана расми. Москвадаги дўстларимиз билан боғланиб, илтимос қилинг. Топиб, қасрдалигини бизга хабар беришсин!..

Сўнгра судбат бошқа бир муҳим мавзуга бурилди. Мавзуни Субутнинг ўзи очди:

– Энди она юртга қайтиб, ишларни қолган жойидан давом эттирангиз бўлмайдими? – деди.

– Аллақачон давом эттиряпмиз, – деди кулиб Саъдиев. – Сиз эшигмабсиз-да?

– Ие, шунақами? – деди Субут. – Сизнинг борганингизни эшигмадик-ку?

– Ўзим боролмаяпман. Соғлиғим яхши эмас. Жигарим чатоқ. Бу ёқларда ҳали анча даволансам керак. Қизимни юбордим. Ажойиб бир кўшма корхона очдик. Электроника соҳасида. Компьютер, телевизор, видеомагнитафон ва алламбалолар чиқаради...

– Буни яхши қилибсиз, – деди Субут.

– Ҳа, энди олиб-сотарлик даври ўтди. Энди ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, мамлакатимиз саноатини ривожлантиришга ҳисса қўшишимиз керак. Дарвоқе, сиз қизимни танийсиз-а?

– Эшигтанман. Лекин ҳеч учрашганимиз йўқ.

– Сиз у ҳақда яхши гап эшигмаган бўлишингиз керак. Сабаби: Даврбек Муқимхоновни тузук йигит, деб куёв қилган эдим. Мансабпаст, ишратпаст, порахўр бир кимса бўлиб чиқди, муттаҳам. Рақибларимиз билан оғиз-бурун ўпишгани етмаганидек, қизимни ҳам «суюқоёқ», деб ёмонотлиқ қилди. Аслида... майли, вақти келиб, ўзингиз эл қатори холоса чиқарарсиз. Дарвоқе, қизим сизни орқаворатдан билади. Бояги воқеалардан ҳам хабардор. Яқинда ўша Сайхондаги дала-ҳовли ҳақида бир гап айтди. «Асли сизнинг ҳалол пулингиз эвазига бунёд бўлган иморатни булғаб, ёндириб, вайрон этиб кетишганини ҳазм этолмайман. Уни қайтариб, сотиб олиб, яна обод қиласман», дейди қизим тушмагур. Сиз, албатта, бу гапни кўнглингизга олманг. Ҳамма гап... Зоҳидийда. Асли ҳам биз шошилинчда уни ўшанинг одамларига арzon-гаров сотиб юборганимиз...

– Мен тўғри тушуниб турибман, – деди Субут. – Қизингизнинг нияти яхши. Аммо ҳовли расман Аифанинг номида, гарчанд,

аслида холаси – Шаҳина хонимга тегишли бўлса ҳам. Ҳамонки, Афиға ҳозир йўқ. Уни қайтариб олиш қийин бўлса керак. Ҳатто Шаҳина хоним рози бўлган тақдирда ҳам...

– Насиб этса, Афиғахон топилади. Унгача сиз унинг эри сифатида расман эга ҳисобланасиз-ку. Шунинг учун ўша кичик ватан хароб бўлиб ётмасин. Сиз розилик берсангиз бас, у ёғини қизимга ҳавола этамиз. Яхшилаб таъмирлаб, гулдай иморат қилиб қўяди.

– Кейин қайтариб олишга кўзингиз етадими? – деб сўради Субут ҳазиломуз. Саъдиев кулмади. Жиддий гапирди:

– Қайтариб олмасак, сизда қолар, сиз бизга бегона эмассиз, ука. Мен қизимга айтдим. Иложи бўлса, Субутбой укамизни қўшма корхонага тузукроқ бир ишга таклиф қилгин, деб.

– Мен янги газетада ишлайпман, – деди Субут.

– Э-э, қизиқмисиз, мухбирлик иши ҳам кетаверади. Қўшма корхонага маслаҳатчими, тарғиботчими, деб илдириб қўйса, қўшимча даромад олиб юрасиз-да, ука. Янаям ўзингиз биласиз-ку. Бу бир таклиф.

– Майли, мен ўйлаб кўрай. Таклифлар ёмон эмасга ўхшайди, – деди Субут жилмайиб.

– Мен сизни биринчи марта учрашганимиздаёқ зукко, оқибатли йигит эканингизни билиб, қаватимга олишга, ёрдамлашишга ҳаракат қилганман. Буни биласиз-ку, – деди Саъдиев. – Кейин...

– Биламан. Раҳмат ҳаммаси учун, – деди Субут.

– Бўлмасам, қолган гапларни қизим билан гаплашасизлар, энди дам олинг. Ҳеч бўлмаса, бир-икки кун шу ерда қолиб, ҳордиқ ёзинг. Ҳўпми? Мен айтиб қўйганман. Ҳамма шарт-шароитлар муҳайе.

– Раҳмат, – деди Субут ўзи учун ажратилган ётоқхонага йўл олар экан. – Имкониятга қараймиз...

Аммо у эргасигаёқ поездга чиқиб, ортга қайтиб кетди. Саъдиев хайрлашув чоғи: «Самадов топилган заҳотиёқ сизга хабар берамиз», деди. Сўнгра: сиз бу иш билан шуғулланиб, бекорга вақт ўтказманг, илтимос, бу ёғини менга қўйниб бераверинг, дея қайта-қайта уқтириди.

– Айтганча, – деди у пировардида. – Кеча қизим қўнғироқ қилди. Унинг сизга яна бир қизиқ таклифи бор. Қайтиб бориб, учрашган пайтингиз айтади. Сиз ўша ишлар билан шуғулланинг. Ҳўпми?

– Хўп, – деди Субут ва йўл бўйи «Яна қанақа таклиф бўлди? Бу Саъдиев жанобларининг қизи, Муқимхоновнинг собиқ хотиши зап аломат аёлга ўхшайди-ку», деб ўйлаб кетди. Шу ўйлар ора-чорасида «Саъдиевнинг одамлари Абди Самадовни топаолармикан, ўша фотограф чиндан ҳам Афиға билан биргами, бирга бўлса, улар қайларда юрган экан?» деган саволларга ҳам тутилди. Кўнгли ниманидир сезгандек бўлди. Афиға энди Абдига кўнгил кўйдимикан, деган шубҳага ҳам борди. Акс ҳодда...

Алқисса, Субутни қайтиш йўлида қолдириб, бошқа бир йўлга, бундан анча йиллар олдин, тахминан мана шу темир излар орқали тескари томонга қилинган бир сафар тафсилотига қайтамиз. Аввал айтганимиздек, Абдивой Россияга жўнайди. Уёқда кўрган кечиргандарини имкон қадар қисқа, лекин муфассал сўзлаб беришга ҳаракат қиласиз.

## 11

Ҳаёт – тўлқинланиб оқаётган дарёга ўхшар экан. Гоҳ юзага чиқасан, гоҳ гирдоб қаърига тушиб, пастга шўнгийсан. Тўғри, пўкак сингари мудом сув бетида қалқиб оқувчилар ҳам бор. Бироқ Абди унақалардан эмасди. У эсини таниганидан бери тақдир зарбаларидан пешонаси фурра бўлиб, суриниб-қоқилиб келар, айни пайтда: «Менинг ҳам ишларим юришиб қолар», деган умид билан яшар эди. Алҳол, онасинишг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамай, аччиқ устида Россияга жўнаворгач, йўлдаёқ унга омад кулиб боқандек бўлди. Поездда бир жувон билан танишди. Ўттиз ёшлардаги малласоч, малоҳатли, шўх-шаддод аёл экан. Исли – Наташа. У Абдининг соғлом ва бақувват вужудига оинкора ҳавас ила боқиб:

– Йўл бўлсин, яхши йигит? – деб сўради.

– Бошим оққан томонга, – деди Абди. Зеро, у ҳали ҳануз «собиқ» янаям аниқроғи «назарий» отаси билан бўлган даҳанаки жанг таъсиридаги шаштидан тушмаган эди.

– Ие, унда... яхши-ку. Мен сени Тольяттига олиб кета қолай. Автозаводда ишлаб, бир йилга қолмай машина оласан, – деди жувон.

Абди Тольятти шаҳрида «Жигули» чиқарадиган завод борлигини биларди. Гарчанд жувон айтганидек, бир йилда машина минишга кўзи етмаётган бўлса-да, «Ишлайсан», деган гапга қизиқди.

– Ишга жойлашишга ёрдамлашасизми? – деб сүради Наташадан.

– Албатта, иш ҳам, яшашга жой ҳам топиб берман, – деди жувон Абдининг тирсиллаб турғаи йўғон билакларидан кўз узмай. – Фақат, меига рўзгордаги ул-бул ишларга қарашиб турсанг бўлди, сув ташиш, ўтиш ёриш дегандай.

– Майли, – деди Абди. Кейин сўради: – Ўтин нимага керак? Сизлардаям газ пастми?

Наташа кулди. Кўзини қисди.

– Ўтин ҳамиша керак. Ўтин бўлса, печка доим ёнади. Ётадиган жойинг иссиқ ва юмшоқ бўлади. Сен ҳойнаҳой ҳали уйланмагансан-а?

– Йўқ, – деди Абди.

– Ҳечқиси йўқ. Улгурасан. Бизда қизлар кўп, – деди Наташа бу гал бир Абдига, бир ўзига қараб. Чамаси аёлда йигитни кўргаи заҳоти майл уйғонган ва шу мойилликни Абдига тезроқ билдиригиси келмоқда эди. Вагон тирбанд бўлгани боис уларнинг суҳбати асосан тамбурда кечар, ўринларига қайтиб, ярим соатча ўтирап-ўтирмас Наташа: «Юр, чекиб келамиз», деб Абдини яна тамбурга бошлар, ҳар иккиси чекмасалар-да, холи жойда бемалол суҳбат қуришарди. Кейин Наташа уни вагон-ресторанга бошлаб борди. «Қўрқма, пулини ўзим тўлайман», деди. Ресторанда анча ичишди. Абди анча ширакайф бўлиб қолди. Аввалига, «Қизлардан кўнглим қолди, энди бирортасининг юзига қарамайман», деб йиглади. Шунда аёл унинг қўлларини силаб: «Унақа дема, қиз-жувонларнинг ҳаммаси бир хил эмас, яхшилари ҳам кўп, ҳали биз сен билан шундай завқли онларни бирга ўтказайликки, ҳаёт лаззатини ана ўшандада тушунасан», деди. Бу гап Абдига майдек ёқиб кетди. Ичини нимадир қитиқлагандек бўлди. Шу пайтгача у бирои қизининг қўлинин тузукроқ ушламаган эди. Қарписида эса оппоқ, момиқдек аёл ўтирап, бунинг устига майл истагини сираж яширмай, унга меҳр кўрсатиб турарди. Абди бундан дадилланди. Аёлга тикилди. Наташанинг тилларанг соchlаридан тараалаётган хушбўй ҳид, чуқурчаси кўриниб турган бўлиқ кўкраклари, ингичка бели ва йўғон бўксалари қонини қизитди.

– Сиз... яхши экансиз, – деди у ҳансираб. – Юринг, тамбурга чиқайлик.

Тамбурда у Наташани уқувсизлик билан ўзига тортди. Ўтмоқчи бўлди.

– Шошма, азизим, шошилма, уйга етиб олайлик, – деда нозланди Наташа.

Шу лаңзадан бошлаб, Абди гүёки бошқа одамга айланди. Үзини ҳам, бошидан ўтган маъюс хотираларни ҳам унугтди. Наташанинг Тольятти чеккасидағи мұъжазгина ёғоч уйига етиб боргунларича ундан күз узмади. Етиб борган зақоти эса аёлни оппоқ чойшаб түшаб, устига бир жуфт пар ёстиқ ташлаб қўйилган сим каравотга таппа босди...

Наташаси қурғур оғатижон нарса экан. «Жоним-жоним»лаб Абдининг жонини сууриб олди. Йигит шўрлик бир ҳафтада ҳолдан тойди. Наташа кулди. «Ҳолинг шуми ҳали, полвоним», деди. Сўнгра тухумни чўчқа ёғига қовуриб едирди.

Ҳаммом қиздириб, Абдини роса буғлаб, ювинтириди. Абди гулдек покланиб, тиниқиб, ҳаммомдан чиқди. Ҳаммом ёнидаги тоғдай баланд қилиб терилган ўтиналарга, каттакон ёғоч бочкадаги муздек қудуқ сувига қараб кулди. «Ўтин ёриш, сув ташиш», дегани манови экан-да, деб ўйлади.

Бир ой, деганда Абди ишга чиқди. Заводга эмас. Наташанинг амакиваччаси уни жойлаб қўёлмади. Нукул «Эртага, индинга», деб сарсон қилди. Қарангки, шу ерда ҳам ўзининг омади чопди. «Кадрлар бўлими»дан ҳафсаласи пир бўлиб қайтаётган кунларнинг бири эди. Абди яна Наташаникига боришга истиҳола қилар, «Қачонгача унга боқимтой бўлиб яшайман», деда иккиланар эди. Бунинг устига кеча Наташанинг кампир онаси шаҳардан катта қизиникидан қайтиб келган, қизига «Хўш, бу паҳлавонинг кимнинг ҳисобига яшайди?», деган маънода қочирма ҳам қилиб улгурганди. Иттифоқо завод яқинидаги «Эҳтиёт қисмлар дўкони» дан чиқиб келаётган башанг кийинган бир йигитнинг кўзи Абдига тушди.

– Самадов! Адаш! Сенмисан? Қандай шамол учирди? – деда қичқирди у. Абди синчилкаб қараб, армияда бирга хизмат қилган Андрей Сомойлов, деган йигитни таниди. Уларнинг исми ва фамилиялари оҳангдош бўлгани бонс бир-бирларини «садаш» деб юришар, ҳатто анчайин дўстлашиб ҳам қолишганди.

– Ҳа, менман, – деди Абди танишини топганидан қувониб, – шаҳрингга меҳмон бўлиб, аниқроғи, иш қидириб келдим.

– Оббо, сен-эй! Шунақами? Зап қипсанда келиб, бу ерда сену менга боп иш тиқилиб ётибди, – деди кулиб Андрей.

– Ундай бўлса, ёрдамлашарсан, жойлашишга?

– Албатта, – деди кулиб Андрей. – «Қандақорлик»лар ўзини-киларни хор қилиб қўйишмайди. Қани, кетдик, – деди Андрей нарироқда турган «Жигули» – 06 автомашинасига ишора қилиб.

– Ўҳ-ҳў, кучайиб кетибсан-у, ошна, – деди Абди. – Ҳали армиядан келганингта қанча бўлди? Ишинг зўрми, дейман?

– Қўявер! Мевасини ейсану боғини сўрамайсан бизнинг ишда...

Андрей ҳам шаҳар четидаги пастқам мавзелардан бирида яшаркан.

– Мен Володя Розановнинг қўлида қўриқчи бўлиб ишлайман. Розанов машина ва эҳтиёт қисмлар савдоси билан шуғулланувчи катта фирманинг раҳбари. Агар рози бўлсанг, сени ҳам қўриқчиликка ишга қабул қилдираман. Менинг қўл остимда ишлайсан. Ойлиги ёмон эмас...

Розанов Тольяттидаги йирик жиной тўданинг бошлиғи, Андрей эса унинг қўлидаги жангари гуруҳлардан бирига етакчи экан.

– Фирмамиз фаолиятини кенгайтирмоқда. Шу боис янги кадрларга эҳтиёж туғилди, – деди Андрей. – Сен қуролдошим бўлганинг учун синаб ўтирумай олдим.

Андрей тўда бошлиғи Розановга яқин бўлгани боис энг қийин ва зарур ишларни ҳал этишга юборилар, шу боис гуруҳ аъзоларининг барчаси доимо ёнида қурол олиб юарди. Андрейнинг акаси милицияда ишлагани учун унинг машинасини деярли ҳеч ким тўхтатмас, тўхтатган чоғда ҳам ҳужжатини кўрган заҳоти текширмасдан кўйиб юборишарди.

Абдининг Тольяттига келган пайти ёз эди. Мана энди куз ўрталаб қолган ҳатто биринчи қор ёққанди. Октябр.

Худди ўша биринчи қор ёққан куни Розанов тўдаси қуюқ ўрмонзорда «Дарёортиликлар» деган бошқа, янги чиққан тўда билан жанг қилиб снгилди. Розанов ҳам, унинг қўриқчи гуруҳлари жумладан, Андрей Самойлов гуруҳи ҳам пистирмага учраб, автомат ва пулемётларнинг ўқига учди. Йигирма киши ўлди. Абди ҳам икки жойидан ўқ еб, ҳушидан кетгіб қолган экан. Ярим кечада ўзига келди. Ўрнидан туролмади. Куймичи ва оёғидан қон силқиб турар, ҳуши аранг ўзида эди. Судралиб, эмаклаб, ўрмон четидаги катта йўлга чиқди. Қўлидаги тўппончани четга улоқтириди...

Шифохонада ўзига келди. Эртасига ёқ тергов бошланди. Шифохонадан нари-бери тузалиб чиққач, қамоқхонага тушди...

Терговда Абдининг Самойлов гуруҳида фақат ҳайдовчи вазифасини бажаргани, «Отишмаларда қатнашмагани, одам ўлдиришмагани» маълум бўлди. Уни гаров эвазига озод қилишди. Аслида унинг кутилиб чиқишида Андрейнинг акаси – милиция капитани Валерий Самойлов ёрдам берди. Валерийнинг ўзи ҳам ўша воқеадан сўнг милициядан ҳайдалиб, беш йилга кесилди. У судда мардлик қилди. Абдини кўрсатиб: «Бу йигит укам билан армияда бирга хизмат қилгани учун унга ҳайдовчи бўлиб ёлланган. Жиной ишлардан хабари йўқ эди», деб қатъий туриб олди. Сўнгра Абдига: «Сен тезроқ бу ердан кет, акс ҳолда ўлдириб юборишади», деб шигшиди. Абди бу гапга унчалик жиҳдий эътибор бермади. «Ҳаммаси ўлиб кетди-ку, ким ҳам қасд оларди», деб ўйлади. Аммо икки кундан сўнг тунда уйга келиб, Наташанинг отиб кетилганини кўриб, тошдек қотиб қолди. Йиглади. «Яна омадсизлик бошланди», деди. «Гулдай аёл мен учун ўлди», деб армон қилди. «Энди онасига нима деб жавоб бераман», дея қўрқди. Хуллас, энди қочмаса бўлмасди. Қаёққа бўлса ҳам кетиши керак эди. Абди нарсаларини чала-чулпа йигиштириб, топган уч-тўрт танга пулинни белига боғлаб йўлга отланди. Ўша оқшомнинг ўзидаёқ вокзалга чиқди. Таваккал қилиб, биринчи учраган Москва поездига билет олди. «Икки-уч кун шаҳарни томоша қиласман, кейин бир гап бўлар», деб мўлжаллади. Москвага келиб тушган куни бу ерда қандайдир ҳарбий тўнтарилиш бўлган экан. Кўчаларда танклар... Тумонот одам.

Хайрият эртасига ёқ тўнтарилиш баргароф бўлди. Лекин шаҳар ҳамон таҳлика ичиди, тартибсиз, кўчалар маст-аласт кишиларга тўлиб кетган. Кимлардир «Демократия тантанаси»ни ювишар, яна бировлар «Коммунистик инқилоб» енгилгани учун аламидан ичишар, хуллас, ит эгасини танимасди. Абди бир амаллаб Козон вокзалига етиб олди. Поездга билет олиш учун навбатда турганида фотоаппарат, елкасига каттакон сумка оғсан кексароқ қора-сариқ кишига рўпара келди. Гаплари қовушиб, танишиб қолишиди.

– Мен сайёр фотографман, – деди қария. – Сен билан ҳамшашар эканмиз. Бир купега билет олайлик, гурунглашиб кетамиз.

Абди «Хўп», деди. **Билетим олиб**, вагонга чиқишиди. Поезд юргач, сұхбатлари яна кўр оғди. Қариянинг исми Қора, фамилияси Қораев экан. Абди ҳайрон бўлди. Қария кунди.

– Қизиқ-а? Ўзиям қора, исмиям қора, фамилияниям қора! Қойилмисан? Ана шунақа! У ёғини сўрасанг, миллатим ҳам – Қора-

чой! Эшитганмисан? Кавказда шунаقا милят бор. Туркий-мусулмон. Аслини суриштиурсанг, қон-қардошмиз... Тошкент зилзиласи чофи тақдир тақозоси билан сизлар томонга бориб қолдим. Ўша ёқда уйландим. Фарзанд кўрмадим. Хотиним бултур ўлди. Ёлғизман...

Амакининг очиқкўнгиллиги Абдига ҳам юқди. Саргузаштларини қисқа қилиб айтиб берди. Ўқишга киролмаганини, армиядан қайтиб, яна йиқилганини, отаси ўлганини, ёлғиз онаси борлигини, шу боис иш излаб Тольяттига борганию кўчадаги тасодифий отишмада яраланиб қолганини гапирди. Жиной гуруҳ таркибида бўлганини, ўзи ҳам одам отганини, табиийки, айтмади.

– Кўп қийналибсан-да, ўғлим. Кўринишдан яхши болага ўхшайсаи. Майли, йигитнинг бошида қийинчилик бўлади. Уни мардона снгиш керак. Лекин Тольяттидан вақтида қайтиб, тўғри қилибсан. Бу – бўлмайдиган жой. Юргининг бориб, касб эгаллашинг керак. Дарвоҷе, фотографликка ҳавасинг йўқми? Агар қизиқсанг, ўргатардим. Мен ўзимам шунча йил ишлаб, тузукроқ бир шогирд чиқармабман. Сурат олиш ҳам – яхши касб. Нима дейсан?

– Билмасам, – деди Абди. – Мактабда сал қизиқиб юрадим.

– Қизиққан бўлсанг, жуда соз. Ҳозирдан зътиборан ўзингни буюк суратчи Қора Қораевнинг шогирди, деб ҳисоблайвер. Айтганча, эшитганмисан, Қора Қораев, деган буюк композитор ҳам ўттан?

– Эшитганман.

– Жуда яхши. Агар қунт билан ўргансанг, сен ҳам Қора Қораев сингари буюк суратчи бўлиб етишасан. Ишлаган суратларинг турли газета-журналларда босилади. Ҳоҳласанг биронтасига ишга ҳам жойлаб қўяман. Ҳоҳламасанг мен каби эркин ижодкор бўласан. Муҳаррирлар «Бизга сурат беринг», деб ортингдан эргашиб, ялиниб юришади. Сен зўр суратлар оласан. Дунё кезасан. Ер юзининг турли жойларида кўргазмалар уюштирасан. Ҳуллас... ҳаммаси ўзингга боғлик. Зўр-а?

Абди индамади. Бош ирғади. Ширин хаёлларга берилди...

Ушбу бобнинг муҳтасар холосаси шуки, Абдивой қадрдан шаҳарга қайтиб, фаройиб касб эгаси Қора Қораевга ҳам шогирд, ҳам тутинган ўғил бўлиб, ҳаётини бамисоли қайтадан боцлайди. Зоро, Россия «саёҳати» қисқа бўлса-да, унинг учун бутун умрдек туюлар, ўқтин-ўқтин Наташанинг қайноқ қучогини, сутта

чүмилгандек оппоқ вужудини эслаб, ширин хотираларга берилар, гоҳида ўша – ўрмондаги отишма чөғидა ўзига автомат ўқталған қора чарм камзулли, жиккак йингитни қандай отганини, түппонча билан ўттиз-қирқ қадам узоқдаги мұлжалға қанақа қилиб теккисе олганини ҳайрат ва қўрқув билан эслар: «Мен одам ўлдирдим-а», дега ўртанар, даҳшатта тушиб, ухлай олмас, ухласа совуқ терга ботиб, уйғониб кетар, сўнгра эса: «Буларнинг ҳаммасини бир туш каби унугиб юборишим керак, энди чинакам осуда ва гаштли ҳаёт бошланяпти», дега ўзини ишонтиришга уринарди. Бу ишонч, бу умид унинг йўлдоши бўлиши ҳам мумкин эди, агар яна ўша Солига дуч келмаганида. Не афсуски, унинг болаликдаги рақиби яна унинг йўлида пайдо бўлди.

Рухсат этсангиз, янгидан бошланган рақобат тафсилотлари ни сал орқароққа қолдириб, яна олдинроққа – асосий воқеамиз оқимига қайтайлик.

## 12

«Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр», дейишган экан машойихлар. Шу боис Даврбек Муқимхонов кейинги кунлар ўзининг муҳташам ва салобатли кабинетини гоҳ-гоҳида аччиқ ҳазил ила «АН-2» самолётининг учиш майдончасига ўхшата бошлади. «Қачон учиришар экан? Қаёққа учиришар экан? Шу учганим, кейин қайта ҳеч жойга қўнолмай йўқлик қаърига сингиб кетмасмиканман? Эй, она табиат, ўзинг асрар!»

Муқимхонов сobiқ коммунист бўлгани бонс, яъни убира пайтлар тугаб бораётган комфорқа аъзолигига ўтишга, унинг худосизлик мафкураси билан «қуролланишга» улгургани туфайли, ҳозир кўплар қатори тилда «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз», деб турса-да, ич-ичида Оллоҳга ишонмас, «Агар Тангри таъоло мавжуд бўлганида, мени қачонлар вазирлик, лоақал депутатлик рутбасига эриштириши керак эди», деб ўйлар, бинобарин «Тақдирин кўл билан яратур одам, фойибдан келажак баҳт бир афсона», деган сатрларни бот-бот такрорлаб, шунга амал қилиб юрар эди. Минг надоматлар бўлғайким, ана шу: ўзи «Қўл билан ярататётган» тақдир ҳам кейинги пайлар учча ўхшамай қолаяпти. Билими-бilmайми, ёмон хатоларга йўл қўймоқда. Афиғани умридаги биринчи катта хато, деб ўйлаб юрар, бир кунмас-бир кун оёғимга тушов бўлади», деб қўрқарди. Хайриятки, унақа эмас

экан. Афиғадан бир амаллаб қутулдим, деб турганида қайси гүрданам бу – Манзурахоним ила танишиб, унга манзур бўлиб қолди-ю, ёмон хатога йўл қўйди. Ахир ўйлаши, мулоҳаза қилиши зарур эмасмиди? Турсуновнинг бундай катта лавозимда анчадан бери ишлаётганини, эрта-индин бўшаб кетиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим эди-ку. Мана энди... у одам тергов берастган экан. Қамалса, тамом. Даврбекнинг ҳам сафари қариб, тагига сув кетади. Эҳ, афсус...

Даврбек бошлиғининг заҳархандалик билан берган «маслаҳат»ини мутлақо тўғри тушунди. «Иложи бўлса, Манзурахондан тезроқ ажралиш керак», деган қарорга қатъий келди. Бироқ қандай қилиб ажralади, бу азозил кампирдан. Ҳали никоҳдан ўтганиларига ҳеч қанча бўлгани йўқ. Ундан ташқари, ҳозир гап очса, Манзурахон бобиллаб талаб ташлайди-ку...

Даврбек бир-икки кун сабр қилди-ю, барибир чидолмади. Секингина хотинининг қўйнига қўл солди.

– Характерларимиз... унчалик... тўғри келмаган кўринади. Агар рози бўлсангиз, никоҳни расман бекор қилсагу... аввалгидек дўстона учрашиб юрсак...

– Нима? – деди Манзурахон қора кўзларини катта-катта очиб.  
– Ҳей, қанақа номард эркаксиз? Акам бўшаган заҳоти... Эй, садқаи одам кетинг. Билиб қўйинг, мендан энди тирик ажралолмайсиз! Гап тамом, вассалом!

Даврбекнинг нафаси ичига тушди. Нима қилмоқ керак? Бирон чорасини топмаса бўлмайди. Акс ҳолда манови ишдан ҳам бўшаб, бир умр бу аёлнинг кенг қанотлари остидан чиқолмасдан умри хорликда ўтиб кетади. «Эй, тангри-табиат, ўзинг мадад бер!» деб хитоб қилди у шу кеча ётиб ўйлар экан. Ўйлаб-ўйлаб, ўшига етмади. Ўқинди. Баъзан бу хунук хотин назаридаги унга Афиғани хор қилгани учун жазо тариқасида юборилгандек туюлар, шу боис Даврбек жувонмарг бўлган маъшуқасини ўқтин-ўқтин эслаб, ачиниб ҳам қўярди. Эҳ, Афиға... Афиға... Шундай гўзал, ёш аёл газдан заҳарланиб, ўлиб, ёниб кетди-я... Унинг ўрнига манови сўлақмон ёнса бўлмасмиди... Тўхта-тўхта! Хаёлига гаройиб бир фикр келди!..

Манзурахоннинг Лайло исмли ёшгина бир етиму есир, кимсасиз аёли бор. Уй йиғиштиради. Овқат пиширади. Кир ювади. Хунуккина бўлса-ям, бадани нозик. Даврбекни биринчи кун кўргандәёқ яхши кўриб қолган. Қаттиқ яхши кўрган. Даврбек

буни сезди. Пайт пойлаб, Манзурахоннинг кўзини шамгалат қилиб, уни бир-икки марта «баҳтиср» этди. Лайло: «Хоним билib қолсалар, мени соғ қўймайди-ку», деб қўрқди. Йиглади. Даврбек юпатди. «Қўрқма, мен борман, сени хор қилиб қўймайман. Хонимдан жирканаман, сени эса севиб қолганман», деди. Шушу иккаласи сирдош Лайло Даврбекка жонини нисор этишга тайёр...

Даврбекнинг хаёлига Лайлонинг ёрдамидан фойдаланиб, Манзурахонни газ билан заҳарлаб ўлдирсам-чи, деган шум ният келди. Қўрқиб кетди. Йўғ-е! Мен... Мендай одам қотилликка қўл ураманми? Ёки Лайлого айтса-чи? Манзурани ўлдир, шунда ҳовли менга қолади. Сен эса шу ерда норасмий бўлса-да, бекалик қилиб, айшигни суриб юрасан, менинг муҳаббатимдан баҳраманд бўлиб, деса-чи? Ўҳ! Мана, зўр идея! Аммо Лайло қўрқса, сотиб қўйса-чи? Ундан Манзурахоним Даврбекни тайин қаматтириб юборади. Йўқ! Бу – жиддий масала. Шошмаслик керак. Аввал Лайлонинг кўнглини яна ҳам илитиш зарур...

Лайло ҳовли адогидаги мўъжаз бир уй – бир даҳлизлик бўлмада яшайди. Даврбек учун ҳар тун эшиги очиқ. Хонимни обдон яйратиб, тошдек қотириб ухлаттан кечалар Даврбек қолган-қутган кучини йиғиб, Лайлонинг қучоғига боради. Гарчанд, бундай имконият икки ҳафтада бир марта туғилиб қолса ҳам, Лайлонинг боши осмонга етади.

Даврбек секин ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Тун ярмидан оғиб кетган. Сукунат. Бир-бир босиб, ҳовли тўрига юрди. Эшик очиқ. Ичкарилади. Лайло бир текис нафас олиб, пишиллаб ухлаб ётибди. Қўйнига кирди. Иссиққина. Жувон ингранди. Даврбек ярим яланғоч вужудни бағрига тортди. Лайло уйғонди. Араз аралаш нозланди:

– Яна... қаймогингизни хонимга едириб, бизга айрон олиб келдингизми?

– Йўқ, бу кеча ҳар тугул чақирмади, мегажин. Ҳамма меҳрим, муҳаббатим сенини, жонгинам, – деди. Даврбек бутун вужуди билан ёпишар экан. Шу куйи у Лайлони роса хурсанд қилгач, чуқур «уҳ» тортди.

– Агар иложи бўлганда-ку... фақат ўзингни суюб, эркалаб, ҳар тун ўзингнинг қучоғининг кирадим-а... Лекин бу эски калишдан қутулишнинг иложини тополмаяпман-да, – дея шивирлади.

– Ажралиб кетсангиз бўлмайдими? – деди Лайло.

– Ажралиб... Биринчидан, у «Тирик ажралмайман», деяпти. Кейин ажралгандаям қаёққа борардим, сени ташлаб. Уй-жойим бўлмаса, баъзан жаҳлим чиқиб кетганда, бўғиб ўлдириб қўяқол-саммикан, деган хаёлларга ҳам бораман...

– Қўйинг-е, – деди Лайло нафаси ичига тушиб. – Одам ўлдириш осонми?

– Тўғри айтасан. Бу қийин иш. Лекин... Майли, Худонинг ўзи бир чорасини кўрсатар...

Шу таҳлит у кетма-кет уч кеча Лайлонинг қучоғига кириб, ҳар гал бояги мавзудан гап очди. Охирги марта гап орасида:

– Агар манови... бир касал-пасал бўлиб, ўлиб кетганида-ку... ҳовли ҳам ўзимизга қолар, икковимиз гул ва булбул бўлиб, роҳат-фарофатда яшар эдик, – деб қўйди. Кейин қўшимча қилди:

– Ўзи сотаётган анови сохта, заҳар-заққум дорилардан бирортасини адашиб ичиб қўйганда-ку, иш хамирдан қил суғургандек осон битар, сен билан ҳар кечани мана шунаقا, лаззат оғушида ўтказардик.

Лайло шаъмани тушунди.

– Овқатига дори солиб берайми? – деб сўради.

– Солаоласанми, қўрқмайсанми? – деди ҳадик билан Даврбек.

– Сиз борсиз-ку, – деди Лайло унинг пинжига ёпишиб, – фақат мен қанақа дори солишни билмайман. Ўзингиз олиб келиб берсангиз...

– Майли, ўйлашиб қўрамиз, – деди Даврбек ва жувонни астойдил бағрига босиб, янада кучли эҳтирос билан ялаб-юлқаб кетди. У Лайлони ўз ниятига шерик қила олганидан бағоят шод эди. «О, муҳаббат, сен нақадар құдратли күчсан!» деди хитоб қилди шивирлаб. Кейин аёлнинг қулоғига:

– Аммо бу режамизни кейин эса қилинган ишни ўла-ўлгунча ҳеч кимга айтмайман, деб қасам ичишинг керак, – деди.

– Қасам ичаман, – деди Лайло.

– Ҳатто агар сир ошкор бўлиб, сени тутиб, қамоққа олишган чоғда ҳам мени сотмаслигинг, «Ҳамма ишни ўзим қилғанман, бошқа ҳеч кимнинг хабари бўлмаган», деб айтишинг керак.

– Майли...

– «Майли», эмас. Қасам ич. «Агар сизни сотсан, Қуръони карим уриб, тил тортмай ўлай», деб.

– Қуръон урсин. Тил тортмай ўлай!

– Мана, бу бошқа гап. Энди, мана шу лаҳзадан зътиборан иккимиз бир одам бўлдик. Мен сенинг қачон, нима қилишинг кераклигини тушунтираман.

– Ишқилиб, кейин мени ташлаб кетмайсизми? – деб сўради Лайло.

– Агар ановиндан қутилсак, у дунёю бу дунё сеникиман, – деди Даврбек. Лайло ҳам пишиқ экан: «Қасам ичинг», – деди. Даврбек кўзини чирт юмиб, қасам ичиб юборди. Шу тарнқа икки қасамхўр шум ниятнинг режасини тузишга киришдилар.

Орадан кўп ўтмай, кузнинг салқин қунларининг бирида Манзурхоним кечаси нохос ўчиб қолган плитадан чиқсан газдан заҳарланиб ўлди. Ўша тун Лайло жавоб сўраб қишлоқдаги узоқ қариндошларидан бириникига кетган, Муқимхонов эса хорижда, хизмат сафарида эди. Милиция прокуратура ўтказган текширувлардан ҳеч бир натижа чиқмади: иш ёпилди.

Даврбек сафарнинг ярмини қолдириб, бетўхтов етиб келди. Дағн маросимида тўн кийиб, бел боғлаб Тошпўлат Турсунов билан ёнма-ён турди. Расм-русумларни меъёрида бажарнб бўлгач, ҳувиллаб қолган ҳовлида ёлғиз яшай бошлади. Лайло икки-уч кун прокуратурага қатнаб сўроқ бергач, яна қишлоққа «Бемор холасининг ёнига» кетган, уларнинг хуфя келишувига биноан аёл шубҳа уйғотмаслик учун уч-тўрт ой четда юриши керак эди. «Бу орада ҳовлини сотиб ёки алмаштириб юбораман, Лайло изимни ҳам тополмайди», деб ўйлади Даврбек.

Хотинининг ўлими Даврбекка анови «сур-сур», «бўшат-бўшат»ларда жон сақлаб қолишга ҳам кўмаклашди. Қайтага бошлиғини юқори идорага чақириб, аризасини олишиб. Унга эса индашмади. Чамаси «Яқиндагина бошига кулфат тушган одамга яна зарба бермайлик», дея аяшган бўлса керак. Ҳатто бояги прокуратурадаги кўпол терговчи Арслон Ҳакимов ҳам жимиб кетди. Таъзияга келиб, кўнгил сўраган бўлди-ю, қайтиб безовта қилмади. «Э, хайрият, бу сафар ҳам... Худонинг ўзи асрари», деди кўнгли анча тинчланди Даврбек. Фақат...

Фақат... собиқ қайнотаси Мирмаҳди Сайдиев яна қўнгироқ қилиб, оддин таъзия билдиради. Сўнгра эса «Ўшанда биз айтган одам сизга бориб учраганмиди, унга йўл-йўриқ кўрсатганмидингиз?», деб сўради. «Ҳа», деди Даврбек юрагини ҳовучлаб. «Нима

эди?» «Йўқ, ҳеч нарса, ошнангиз Зоҳидийни хорижда кўришибди?» деди Саъдиев. Даврбек олдин кўркди. «Зоҳидий тирик бўлса, уни сотиб юборганимни билса, соғ қўймайди», деб ўйлади. Кейин негадир бирдан тинчланиб, хотиржам тортди. «Шунча балоқазолардан омон сақлаган Оллоҳ бундан ҳам асрайди», деб ўйлади. Собиқ қайнотасининг кўнғироги боисини эса унчалик тушунмади. «Ўзи қўрқяптими, ё мени қўрқитмоқчими? Ҳойнаҳой ўзи қўрқаётир», деб ўйлади. Даврбек собиқ хотини қайтиб келиб, «Электроника» қўшма корхонаси очгани, телевизор чиқараётганидан, ҳатто Субут Сокин унинг атрофида айланишиб юрганидан ҳам хабардор эди.

«Ҳа, падари бузрукворниңг ўзлари Зоҳидийнинг тирик қолганидан хавотирга тушмоқда», деб ўйлади у. Чунки Зоҳидийнинг инқизози Саъдиевларнинг яна қайтадан жонланиш учун шароит яратмоқда эди. Манови гап аниқ бўлгандан сўнг улар ҳам таҳликага тушиб қолишган. «Бу бизнес, дегани – пул учун абадий кураш экан...» Шуларни ўйлагач, кейин Зоҳидийга қойил қолди. Яна қайтиб келиб, ё ўша ёқдан туриб, Саъдиевга қарши «жавоб юриши»ни бошлайди...

Даврбек Зоҳидийнинг инқизозини Саъдиев уюштирганига асли шубҳа қилмас, «Бу унинг қасоси», деб ҳисобларди. Энди бўлса, «Қасос чала бўлибди», деб ўйлади. Тинчланганининг асосий сабабларидан бири ҳам – мабодо Зоҳидий чиндан тирик бўлса, у Даврбекка, яъни даврнинг рамзи бўлган, давлат идорасида ишловчи амалдорга, яхлит қилиб айтганда, давлатта қарши бормайди, балки ўз назисини абадий рақиби Саъдиевга қарши қаратади, деб ишонар эди. Нафсиламбрини айтганда, Саъдиев ва айниқса Саъдиевнинг, яъни собиқ хотинининг яна бизнес осмонида порлай бошлагани, бунинг устига анави пандаваҳи мухбир йигит билан илакишиб юриши Даврбекка жиндаккина алам қилиб турар эди...

Биз Даврбекнинг худди шу аламли нуқтада холи қолдириб, унинг аламига айбдор бўлганлар ҳузурига йўл оламиз. Қани кўрайлик-чи, уларнинг хатти-ҳаракати чиндан ҳам Даврбекка алам қиладиган даражада эканми ё йўқ.

Баҳор охирлаб, ёз бошланаётган кунлар тоғ ҳавосининг ифо-ри, сайриининг эса гашти бошқача бўлади. Субут ям-яшил майса-зорлар; қорли чўққи бошигача ўрлаб кетган ғуж-ғуж арчалар, наъматаклар ва ўша томондан тараалаётган анвойи ҳидли шаба-дага кўксини тутиб, тўйиб-тўйиб нафас олди. «Ташқарида мана бунақа беғам, сокин ва завқли ҳаёт ҳам бор экан-э, хайрият», деди ҳазиломуз оҳангда ўзига-ўзи. Унинг кайфияти аъло, руҳи кўтаринки. Теваракдаги тароватли манзара, ёнидаги гўзал асл-га қараб; шеър ўқигиси келди. Гарчанд ўзи шонир эмас. Умрида шеър ёзмаган. Лекин шу топда завқи келди: «Юксакда, шамол-нинг беланчагида иафис чайқалади бир туп наъматак...»

- Кайфиятингиз кўтарилганидан мамнумман, – деди хоним.
- Бунга сиз сабабчисиз, – деди Субут.
- Йўғ-е, ростданми? – сўради хоним қувонч билан.
- Ҳа, ростдан, – деди Субут.

Чиндан ҳам шундай эди. Субут бугун эрталаб, хоним билан учрашувга чиқар экан: «Энди тамоман тақдир измига буйсунаман, деб пичирлади. Унинг ҳар қандай синовини тухфа, деб қабул қиласман...»

Бу фикр – унинг тун бўйи юритган мулоҳазаларининг хуло-саси эди. Ниҳоят у «Куйиб эмас, кулиб яшаш керак бу беш кун-лик дунёда», деган аҳдга келди. Зеро, «Ҳарчанд чиранмагин, тақдир битигини ўзгартира оймайсан. Шу бонс ҳар кунингни им-кон қадар гўзал, мазмунли қилиб ўтказишга ҳаракат қил».

Фоят бежирим, қип-қизил рангли «БМВ» ёнида, машинасининг рангига мос алвон рангли енгиз тор куйлак ва оқ шим кийиб, кўзига қора кўзойнак тақиб турган хоним Субутни узоқдан кўри-боқ қўл силкиди. «Нақадар ажойиб, деб ўйлади Субут. Машина ҳам, соҳибаси ҳам чиройли».

- Очилиб кетибсиз, – деди салом-алиқдан сўнг у.
- Наҳотки?! – деди хоним. – Ростдан ҳам шундай бўлса, раҳ-мат. Сиз эса жиiddий ва ўйчансиз. Лекин ростини айтсам шу ҳолат ҳам ярашади сизга...
- Э-э, мени қўяверинг. Мен дунёнинг жамийки мураккаб муам-моларини ҳал қилишга бехуда уриниб юрувчи бир Дон Кихотман.
- Беҳудалигини билсангиз, нима қиласиз уриниб? – деди хоним машинага ўтирганларидан сўнг. Машинани хоним ҳайдади.

– Энди билдим. Энди уринмайман, – деди Субут ҳамон жиддий тарзда. – Дарвоқе, машинани жуда усталик билан бошқарар экансиз...

– Ҳа, болалик чоғларимдан қизиққанман. Сиз-чи? Сиз ҳам яхши бошқарасизми? Балким ҳайдаб күрарсиз? Мен сизга таклиф ҳам қилмабман...

– Йў-йўқ. Бемалол ҳайдайверинг. Мен унча яхши бошқаролмайман. Чунки ҳеч қачон шахсий машинам бўлмаган.

– Оласиз ҳали, насиб этса, – деди хоним. – Сиз боя ўзингиз айтганингиздек, беҳуда ишларга чалғимай, ўзингиз ҳақингизда ҳам ўйланг-да.

– Мени ўзи ҳақида ўйламайди, – деб ўйлайсизми? – деб сўради Субут хонимнинг фикрини аниқроқ билиш учун.

– Сиз ҳақингизда шу пайтгача эшитганим, билғанларим асосида шундай хулоса келдим.

– Хўш-хўш, қани, айтинг-чи, мен ҳақимда нималар билар экансиз?

– Сиз бир қизнинг шаънини кутқариш учун ўзингизни хору зор қилиб юрибсиз. Ўша қиз эса...

– У ҳақда ёмон гапирманг, – дея шартта тўхтатди хонимни Субут. – Илтимос...

– Йўқ-йўқ. Ёмон гапирмоқчи эмасман. У қиз эса тақдирнинг ҳукми билан ўша аҳволга тушган, демоқчи эдим. Тақдирни ўзгартириш қийин... Мана, кўрдингиз-ку. У барибир, сизга насиб этмади.

– Тақдир ҳақида фикримиз бугун жудаям ўхшаш чиқаяпти – деди Субут. – Гарчанд мен ҳам илгари «Тақдирин кўл билан яратур одам», деб юрганман.

– Мен бошқачароқ айтмоқчи эдим. Бироннинг тақдирини ўзгартириш қийин. Ўз тақдирингни астойдил ҳаракат қилинса, лоақал кулфатлардан асраш мумкин. Бунга ҳамиша имкон бор...

– Сиз мен ўйлагандан кўра ҳам зукко, мулоҳазали экансиз, – деди Субут.

– Қизиқ, – деди хоним. – Демак, сиз ҳам мен ҳақимда ўйлаган экансиз-да! Ақлли, деб ўйладингизми? Яна-чи? Яна... худбин ва енгилтак жувон, деб ҳам ўйлагандирсиз? Шундай эмасми? Ростини айтинг.

– Ростини айтсан, сизни чиндан ҳам эркинроқ аёл, деб эшитганиман.

– Бу – Даврбек тарқаттан туҳмат. Аслида мен дунёга келиб, аёл сифатида бахт нималигини дуруустроқ тасаввур этмаганман. Яширмайман. Анча-мунча эркакларни күрдим. Бири Даврбекка ўхшаб, отамнинг пули ва имкониятларига қизиққан. Яна бири қадди-қомати шунчаки келишган жувон, деб қараган... Хуллас, ҳеч бири менинг кўнглимга, қалбимга йўл ахтармаган. Мен эсам... агар таъбир жонз бўлса, кўнгил чўрисиман, гарчи бойнинг қизи бўлсан ҳам...

– Жудаям чиройли ва ҳикматли ибора айтдингиз «Кўнгил чўриси». Лекин маъносини яхши англай олмадим. Агар малол келмаса, тушунтириб беринг, – деди Субут.

– Маъноси, ҳар ҳолда «Кўнгил нимани истаса, шуни қиласди», дегани эмас. Мен руҳни, кўнгилни моддиятдан устун қўяман, демоқчиман. Билимни, истеъодни ҳурмат қиласман. Зиёли, қобиلىятли одамлар билан суҳбатлашишни ёқтираман. Шеърни, мусиқани, театрни севаман. Дарвоҷе, Даврбек билан орамиз бузилиб кетишига ҳам мана шу билан боғлиқ бир воқеа сабаб бўлган. Эшитгандирсиз?

– Йўқ, эшитмаганман, – деди Субут гарчанд бир пайтлар хонимни ёш талаба йигитлар билан кўнгилхушлик қилгани хусисидаги миш-мишлар қулоғига чалинган бўлса ҳам.

– Эшитмаган бўлсангиз, ўзим айтиб бера қолай. «Шаршара», деган адабий даврада қатнашишга тўғри келганди бир вақтлар. Ўшанда жудаям истеъодли бир-икки ёшлар билан танишдим. Дўстлашдим. Бу дўстлик беғараз эди. Мен уларни бир ука сифатида уйга талиф этдим. Янги шеърларини эшитдим. Муаммоларини сўрадим. Китобларини чиқаришга кўмаклашдим. Ичи қора одамлар эса буни ёмонликка йўйиб, гап тарқатишиди. Ўша болалар ҳозир анча-мунча танилиб қолган шоирлар. Журналларда, нашриётларда ишлашади. Сирасини айтганда, сиз билан танишиш истаги ҳам... ижод одами эканингиз туфайли пайдо бўлган.

– Мен ҳақимда кимдан эшитдингиз?

– Отам кўп гапирав эдилар. «Қобиلىятли йигит. Ўзини-ўзи хор қилиб юрибди», дердилар.

– Раҳмат, у кишига. Менга ҳар доим ёрдам беришга ҳаракат қилиб келади.

– У киши яхши одам. Отам бўлгани учун шундай деяётганим йўқ. У бағри кенг, кечиримли киши. Дўстлари ҳарчанд душман-

лик қылсалар ҳам кечириб юборади. «Бизнес шунаңа, баъзи яқин одамингни ҳам аямасликка түғри келади. Тушунишимиз керак», дейди. Ўзи ишониб, қўллаб юрган одамлар у кишига панд бериб, бу ердаги барча ишларини ташлаб кетишга мажбур қилишди. У киши ҳеч биридан қасос олмади. Сабр қилди. Мана, яқинда тегишли жойлардан рухсат бўлиб, бизнесимизнинг бир қисмини яна кўчириб келдик...

«Беш чинор»га етиб келганлари боис суҳбат шу ерда узилди. Улар машинадан тушиб, ресторон ичига киришди. Тушликка буюртма беришгач, теварак-атрофни сайд қилгани чиқишиди...

Субутнинг кайфияти кўтарилиб, шеър ўқиб юборганини кўрган хоним «Энди асосий гапга ўтиш пайти етди», деб ўйлади чоғи оҳиста гап бошлади.

– Ўша кунги телефондаги гапимга сиз жиддий зътибор бермадингиз. Медиа бизнесга қизиқишимни, эҳтимол «Шу ердан ҳам пул ахтараяпти», деб ўйлагандирсиз. Аслида ундан эмас. Худога шукр, бошқа тармоқлар келтираётган фойда етарли. Мен маънавият-маърифат соҳасига ҳам ҳисса қўшиб, маданиятимиз ривожига хизмат қылсан, деган ниятдаман.

– Бу яхши ният, – деди Субут. – Гап уни қандай амалга оширишда.

– Мен сиздан ташқари яна бир-иккни кишиларга маслаҳат соглан эдим. Бирни «Газета очинг», яна бирни «Телевизион канал ташкил этинг», дейди...

– Ҳаммасини қылса бўлади, – деди Субут. – Ҳозир мамлакатимизда барча шарт-шаронт етарли. Шу боис хусусий газетаю телеканаллар ҳам кўпайиб кетди. Менимча...

– Сиз ишни битта нашриёт уйи очиб, боя айтганингиз каби ёш ижодкорларнинг китобларини, умуман, яхши асарларни нашр этиб, ҳалққа арzon нарҳда етказиб беришдан бошлаганингиз маъқул.

Газета, телевидение ахборотлари – даврий. Бир кун, икки кун яшайди. Китоб эса абадий сақланади. Кўлдан-кўлга, авлоддан-авлодга ўтади...

– Жуда зўр фикр! Демак, сиз зътиборсиз қарамаган экансиз. Мен кутган маслаҳатларнинг энг оқилонасини айтдингиз. Ўша нашриёт уйига ўзингиз раҳбарлик қиласиз! Ҳўпми?

– Афсуски, мен ношир эмасман. Одий журналистман, холос. Кўлимдан келмайди.

- Камтарлик құлманг. Құлингиздан келади. Йүқ, деманг. Илтимос.
- Сиз учун... бир уриниб күрсам бўлар. Лекин мени шоширмай турасиз. Ишларим бор.
- Майли. Лекин жа-а, орқага ташлаб ҳам юбормайлик. Биз несчилар: «Вақт – ақчадир, ғофил бўлма, қочадир», дейишган экан.
- Қойил! – деди Субут кулиб. – Farb иборасининг ўзимизда ундан ҳам чиройли варианти бор экан-у, билмаган эканмиз.
- Биз билан дўст бўлсангиз, билмаганингизни билдирамиз, – деди ҳазиломуз хоним. Субут ҳазилга ҳазил шеърий сабр билан жавоб қайтарди.
- «Билмаганинг билдирурлар,  
Едирмасдан тўйдирурлар...»
- Йўқ-йўқ, бизники қуруқ гап эмас, – деди хоним. Кейин бирдан жиддий гап эсига тушди.
- Уйингизнинг таъмири бошланди. Сиз ҳар қалай тўрт-беш кунда бир хабардор бўлиб туринг.
- Шартмикан? – деди Субут жиддийлашиб. – Очигини айтсам, мен ўша уйга қайтиб, ортиқ қадам қўймоқчи эмасдим.
- Бидъат гапларни қўйсангиз-чи, – деди хоним. – Одамларнинг ношониста ишлари учун жой, бинолар айбдор эмаску. Кимдир ўзининг нопок ишлари билан қаернидир вайрон қилади, кимдир унн ўшанинг нопок изларидан тозалаб обод қилади. Иморат ҳам одам учун Ватанга ўхшаган. Ахир «Кимнингдир нопок қадами тегди», деб Ватандаи воз кечиб кетилмайди-ку...
- Сиз чиндан ҳам жуда ақли қиз экансиз. Менга ёқиб қолдингиз, – деди Субут хаёлига тўсатдан келган фикрни ўйлаб-нетиб ўтирумасдан тилига чиқариб. Хоним кулиб юборди. Яна ҳазил қилди:
- Хайрият-э. Ва ниҳоят, кеч бўлса ҳам...
- Майли. Иморатни поклаб, тикилаб, асл ҳолига қайтаргандан сўнг, унда сиз яшайсизми?
- Йўқ. Менинг шаҳарда яшайдиган жойим бор. Дала-ҳовлида сиз яшаб, ижод қиласиз. Мен эсам сизни кўргани, «Ҳормант», дегани бориб тураман.
- Мен яна бўйнимда қарз билан сизга қарам бўлиб қолар эканман-да?

– Субут ака, қўрқманг. Сизни ҳеч ким қарам қўлмоқчи эмас. Сиз истеъодли ижодкорсиз. Шунчаки, сизга яшаш, ижод қилиш учун шароит яратиб бермоқчиман, холос. Насиб этса, нашриёт уйини очсан, фойда кўрсан, уни тенг иккига бўламиз. Ярмиси сизники бўлади. Ана шунда, агар ноқулай туюлаётган бўлса, ҳовли-нинг пулинин улушингиздан ушлаб қоламиз. Қандай, маъқулми?

– Мана бу – чинакам ишбилармон одамнинг гапи бўлди, – деди Субут. – Қани юринг, энди тушлик қилайлик.

Овқат устида Субут анча ўйчан бўлиб қолди. Негадир маъюс тортди. Хоним сезди.

– Сиз озроқ шароб ичинг. Енгил тортасиз, – деди у. – Қаранг, яхши вино экан: «Боги беҳишт», яъни «Жаннат боғи».

Субут вино қутиб ичди.

– Сизга ҳам қуяйми? – деб сўради.

– Вой, мен рулдаман-ку, – деди хоним. – Ўзи шусиз ҳам деярли ичмайман.

– Умуман ичманг. Ичмаганингиз яхши!

– У ичармиди? – деб сўради хоним. Шу топда Субутнинг хаёлидан нималар кечётганини сезгандек.

– Ҳа, – деди Субут ичиди хонимнинг зийраклигига яна бир марта қойил бўлиб. – Уни ичишга мажбур этишган. У ичиб, фамгин хотираларни унутишга уринарди.

– Сиз уни қаттиқ севармицингиз? – деб сўради хоним. Оч қоринга ичилган шароб таъсири сархуш этдими, ё ўзи шу топда бир дардини тўкиб солгиси келдими, Субут бурро-бурро гапира бошлиди:

– Ҳа, севардим. Ҳолбуки, биринчи хотинимни ҳам севиб уйланганман. Лекин Афифани ҳам севдим. Бошда бу севгини раҳм-шафқатга асосланган туйфу, деб ўйладим. Аммо у чиндан ҳам севса арзигулик эди. У ҳимоясиз, чорасиз бир гулга ўхшар эди. У бўронларда дўлу ёмғирларда қолган гўзал, бениҳоя гўзал гул эди. Ростини айтсам, баъзида унинг собиқ эрингиз Даврбек билан, кейин Зоҳидий билан муносабатлари хусусида ўйлаб, турли шубҳа-гумонларга ҳам бораман. Боя сиз айтганингиздек, «Шунақа тақдирга муносиб эди», дея шафқатсиз ҳукм ҳам чиқариб юбораман...

– Сиз мени нотўғри тушунибсиз, Субут ака, мен Афифани шундай қисматга лойик, деганим йўқ. Тақдир ҳақида гапиргандим. Тақдир одамни турли синовларга дучор қиларкан. Мана,

бизлар ҳам мусофирикда қанча азоблар күрдик. Одамлар «Кишининг пули, сармояси бўлса, ҳар жойда ҳам баҳтли яшайверади», деб ўйлашади. Бу – нотўғри гап. Одам фақат Ватанида баҳтли бўлиши мумкин.

– Биламан, сиз тўғри маънода гапирдингиз, – деди Субут беихтиёр қўлини хонимнинг оппоқ билагига қўйиб. – Сиз ҳам қийинчилик кўрдингиз. Лекин сиз иродали аёлсанз. Сизга ҳавасим келаяпти...

Субут шу гаплар баробарида яна икки бор шароб ичиб, буткул сармаст бўлди. Кейин хонимга қараб:

– Сизга бир гап айтайми? – деди.

– Айтинг, – деди хоним.

– Фақат... хафа бўлманг. Мен... Сизни танишмоқчи, ҳамкорлик қўймоқчи бўлаётганингизни ҳам... бошда нотўғри тушундим. «Менга яқинлашиб, кўлга олмоқчи, ижодкор қавмидан ҳам бир хуштор тутиб, кўнгилхушлик қилимоқчи», деб ўйладим. Чунки сизни... «Енгилтабиат, эркакпараст аёл», деб айтгашган. Энди билсам...

– Қанақа эканман? – деди хоним Субутнинг қайноқ кафти ўтдек куйдирган билагини оҳиста тортиб олиб.

– Яхши аёл экансиз, – деди Субут. – Энди мени қўлга олсангиз ҳам, кўнгилхушлик қилиб, Даврбек сингари ташлаб кетсангиз ҳам майли, розиман!

– Вой, анови кишини қаранглар! Маст бўлиб қолдингизми, нима бало? Ўзингиз гапирган гапга қарама-қарши гапирасиз-а!

– Йўқ. Маст бўлганим йўқ. Ҳазиллашайпман, – деди Субут. – Сизнинг ниятингиз самимий эканлигини тушундим. Лекин... Сизга яқин дўст бўлишга ҳам тайёрман, демоқчиман. Ҳатто вақти келиб, сизга уйланарман ҳам...

– Қочинг-е, дарвеш экансиз! – деди хоним. – Маствасман, дейсизу... гапирган гапларингизни қаранг. Яхиси, олинг манови овқатлардан...

Субут овқатланди. Чой ичди. Бироз уялиб, жим ўтирди. Ксийин анча ўзига келиб:

– Юринг ташқарига, тоза ҳавога чиқайлик, – деди. Чиқиб, яна айланишди. Субут муздек булоқ сувига юзини ювди. Хоним сохта араз билан кулимсираб қаради.

– Ўзингизга келдингизми? – деб сўради.

– Ҳа, – деди Субут.

– Бўлмаса, қайтамиз. Кун ҳам оғиб қолди.

— Майли...

Йўлда Субут мудради. Хоним анча жим кетди. Субутнинг тиниқиб, кўзини очганини кўриб, секин, босиқлик билан гапирди:

— Субут ака. Мен сизга дўстлик таклиф этдим. Сиз қабул қилдингиз. Энди кўпроқ иш ҳақида ўйлайлик, хўпми?

— Хўп, — деди Субут.

— Менга сизни биринчи оиласи билан ярашмоқчи, деб айтишганди. Мен хурсанд бўлгандим. Шу гап ростми?

— Рост, — деди Субут. — Қизимни кўриб, хабар олиб турибман.

— Лекин хотинимга журъатим етмаса керак.

— Хоҳиш бўлса, журъат келади, — деди хоним. — Иложи бўлса, ярашинг. Ҳадемай ҳовли битади. Кўчиб кириб, оилангиз билан маза қилиб яшанг...

Субут индамади. Ҳайрон бўлди. «Бу хоним ростдан ҳам Аллоҳ юборган фариштага ўхшайди-ку» — деб ўйлади...

Эртаси куни у ишдан сўнг дала-ҳовлидан хабар олгани борди. Иш қизғин. «Ўн беш, йигирма кунда битказамиз», деди устабоши. Қайтиб кетай, деб турганида икки нафар шериги билан Арслон Ҳакимов келиб қолди.

— Э-э, ҳорманглар, — деди у. — Сизни ҳам шу ердан топганим яхши бўлди.

— Тинчликми? — деб сўради Субут.

— Баъзи бир янги ҳолатлар чиқиб қолди...

Ҳакимов шериклари билан ҳовлиниң у томон-бу томонига ўтиб, баъзи жойларни суратга олди. Кейин Субутни чеккага тортиб, суҳбатлашди.

— Янги ҳолатлар пайдо бўлди, шу боис қайтадан текшираяпмиз, — деди у. — Зоҳидий ҳам, Афифа ҳам тирик. Улар қочишган. Қидирув эълон қилинган. Ўлганлар эса бошқалар. Айрим тахминлар бору ҳозирча айтмолмайман...

Арслон кетди. Субут ҳам бироздан сўнг жўнамоқчи бўлиб турганди, почтачи келиб қолди.

— Манови хатни уч-тўрт кундан бери олиб келиб, қайтиб кетаётгандим. Хайрият, ўзингизни учратдим, — деди у. — Хат сизга.

— Қанақа хат экан? — ҳайрон бўлди Субут.

— Юборувчиси ёзилмабди.

Субут хатни олиб очди. Очди-ю, таниш дастхатта кўзи тушиб, юраги шуввиллаб кетди.

– Майли, раҳмат, – деди почтагига жавоб беріб. – Бир танишимииздан экан.

Мактуб Ағнфадан эди.

Субут мактубни бирдан ўқиёлмади. Буклаб чүнтагига солди. Сабаби – унинг мазмунини кўнгли сезгандек бўлди. Ҳотиржам хомушлик билан шаҳарга жўнаб кетди. Шу боис биз ҳам ушбу нома шарҳини кейинроққа қолдириб, Абдивой саргузаштларининг давомига қайтамиз.

## 14

Абди ҳикоясининг давоми.

«...Ҳаёт фақат омадсизлик ва кулфатлардан иборат эмас. Хайрнатки, Тольяттида бир ўлимдан қолгач, Худонинг инояти билан ажойнб одам билан танишдим.

Ярим тунда поезддан тушиб, шаҳарнинг вокзалидан унча узоқ бўлмаган, сўлим, хушҳаво мавзесига етиб келдик. Қоравой амаки (мен уни ўзбекчалаб, шунаقا, деб чақира бошладим). Дарвоқе, у ўзбекчани ҳам яхши билар, чучук тил билан сўзларди. Тўрт қаватли кўхна гиштин иморатнинг биринчи қаватида уч хонали квартирада тураркан. Ертўладаги кенг-мўл бир ҳужрани суратхона қилиб олган экан. Аввал ертўлага кириб, ҳужранинг мустаҳкам темир эшигини шарақлатиб очди. Фотоаппарат ва сумкасини шу ерга кўйди. Кейин кичкина жомадончасини қўтариб, уйга кирдик. Хонадони камтарона, сарнштали. Ҳамма хоналарга чиройли суратлар осилган. Иккита ётоқхонада ухлаш учун шароит яратилган каравот бор. Катта хона – зал экан. Ўртада стол. Телевизор ва бошқа жиҳозлар. Менга ётоқхоналардан кичикроғини кўрсатиб:

– Мана шу ерда ухлайсан, – деди.

Эрталаб нонуштадан сўнг ташқарига чиқдик. Қоравой амакининг анчайин янги «Жигули» машинаси ҳам бор экан. Уйдан сал нарида гаражда тураркан. Гаражни очиб, машинадан хабар олди. Моторини ўт олдириб, текширди. Кўнгли тўлди:

– Соз! – деб кўйди. Кейин сўзида давом этиб:

– Дарвоқе, мен фотодан ташқари овчиликка қизиқаман. Хобби-да! Тоққа чиқиб, каклик, қирғовул овлаб тураман. Сенинг овга тобинг қалай? Милтиқни яхши отасан, шекишли?

– Ҳа, – дедим. – Милтиқ отишни бизга роса ўргатишган. Айтганча, милтиғингиз қанақа?

– Тоз-16, деган эскироқ милтиғим бор. Ертүлада, лабораторияда турибди. Ҳали кўрсатамаи. Овчиллик гувоҳномасини ҳам олганман. Яқинда яна битта милтиқ тушиб қолди, – деди амаки кейинги сўзларни шивирлаб, – винтовка! Оптикаси бор. Сен билсанг керак? Армияда кўргандирсан?

– Снайпер винтовкасими? Биламан. Уни сақлаш мумкин эмаску? Ё овчиларга рухсат беришармикан?

– Йў-ўқ. Рухсат йўқ. Шунинг учун олиб, яшириб қўйганман. Аслида сотиб олмоқчи эмасдим. Бинтаси қўймади. Арzon-гаров бўлсаям олгин, пул зарур, деди. Қиёлмадим. Собиқ ҳарбий. Мен у билан Афғонистонга сурат олгани боргандা танишганман. Сен ҳам балким уни кўргансан. Ахир Афғонда бўлгансан-ку. Капитан. Ичкиликка берилиб, ўлиб кетди. Яхши одам эди... Ўзим ҳам ўшанақа винтовкани киноларда кўриб, роса қизиқиб юрардим. Бир ҳавас қилдим-да. Лекин пухта қилиб яширганман.

Менинг эсимга яшириб қўйган тўппонча тушди. «Амаки ҳам ўзимиздан экан-ку, нима бало, бу кишининг ҳам бирон одамда қасди борми?» деб ўйладим. «Ўхшатмасдан учратмас».

– Овга мени ҳам олиб борасизми? – деб сўрадим.

– Албатта. Ҳозирча... аввал сенга сурат олишни ўргатишм керак. Ов қилиш қочиб кетмайди.

Шундай қилиб, Қоравой акамникида яшаб, сураткашликни ўрганишга киришдим. Амаки олдинига эскироқ бир фотоаппаратни бериб, ўшанда сурат олишга мажбур қилди. «Практика», деб аталган бу аппаратда сурат олиш анча қнийин, одамдан қунт билан тайёргарлик кўриш, аппаратни аниқ мослаштиришни талаб қиласди. Суратга олаётган одам нарсани қайси нуқтадан туширишни топмасанг, сурат яхши чиқмайди. «Нуқтасини топа олмабсан», дейди устоз. «Ракурсни ўрган, ракурсда гап кўп», дей қайта-қайта уқтиради.

Аста-секин қўлим келиша бошлади. Уч ойдан сўнг ўзим биринчи марта мустақил равишда сурат тушириб, мустақил равишда ишладим. Бу – онамнинг сурати эди. Қоравой амаки шунақа қилишни маслаҳат берди. Онамнинг сурати зўр чиқди, на заримда. Хотин-қизлар журналининг ўртасидаги рангли варагида босилди. Онамга олиб бориб кўрсатдим. Хурсанлигидан роса йиғлади.

«Ёшлигимда мен ҳам расмим газета-журналларда чиқишини орзу қилганман. Сен мени орзумга эриштиридинг, барака топ,

болам», деди. Қоравой амаки «Онангни шаҳарга кўчириб кел, агар кўнса», деганди. Онам кўнмади. «Мен энди шу ерда ўламан, болам», деди. Онам асли шаҳарлик бўлган, ўшанда – мен қорнида пайтимда уйидан бош олиб чиқиб кетиб, қишлоқقا келиб қолган. Шаҳардаги қариндошлари билан ҳам буткул узилишиб кетган, борди-келди қилмасди...

Мен уни қистамадим. «Майли, ана шу ерда яшанг. Лекин энди ишламанг. Мен сизни боқаман», дедим. У бўлса: «Мени ўйлама болам, ўйланишинг керак, ўшанга бироз маблағ йигғин», деди.

Онам бениҳоя чидамли, сабр-тоқатли аёл экан. Унинг иродасига қойил қолганман. Ҳув ўшанда... Мен ҳақиқий отамни излаб, шаҳарга отланганимда ва қайтиб келганимда, у бир оғиз «Бордингми, топдингми, нима деди», деб сўрамаган.

Ҳарчанд... у ўша бевафо севгилисими бир умр севди, бир умр кутди. Мен ҳар шаҳардан қишлоққа борганимда унинг кўзларида сўзсиз бир савол ифодасини кўрардим. Бу савол ўша одам билан боғлиқ эди. Ўша одамни эса қайтиб кўрмадим. Эшиитмадим. Зоро, кўришни ҳам, у ҳақда бирон хабар эшитишни ҳам хоҳламасдим. Бир гал Қоравой амаки «Театр фойесида суратлар кўргазмаси очаман», деб қолди. Мен «Ҳозир театрга ким ҳам киради, яхшиси бошқа бирон жойда очинг», деб айнитмоқчи бўлдим. «Йўқ, мен илгари ҳам ўша ерда кўргазма қилганман», деб туриб олди. «Унда мен боролмайман, сизга қарашолмайман», дедим. «Нега?» деб сўради. Айтишга мажбур бўлдим. Амаки бироз ўйланнб турди. Кейин: «Бўпти, театрда эмас, «Ёшлар боғи»нинг кичикроқ зали бор, ўша ерда очақоламиз», деди. У борган сари менга меҳр қўйиб, бояганиб, фарзандидек муомала қилас, кўнглимга қаради. Онамнинг шаҳарга кўчиб келишга рози бўлмаганидан бироз куйинди. Кейин: «Ҳай, майли, одам ўргангаи жойида яشاши керак», деб қўйди. Бироздан сўнг: «Мана мен ҳам шу ерга ўрганганман. Йўқса, қачонлар кетиб қолардим Кавказга», деди.

...Олган суратларим матбуотда тез-тез босиладиган, айрим нашрлар менга мунтазам буюртма берадиган бўлишиди. Анча пул ишладим. Йиққан маблағимга Қоравой амаки берган қарзни қўшиб, «Нikon», деган ажойиб япон фотоаппаратини сотиб олдим. Ўша кунлар дунёда мендан баҳтли одам йўқ эди.

Ажабки, кулфат ҳам, севинч ҳам қўша-қўша келаркан. Таҳририятларнинг бирида хаёлимда излаб юрган ўша қизни – Афи-

фани учратдим. Беҳад гўзал жувон бўлибди. Дарвештабиатроқ бир шоирми, эри журналистми экан. Шундай бўлса ҳам, унга телефонимни ёзиб бердим. Ҳаёлимда у барибир ижодкор эридан ажралади ва бир кунмас бир кун менга телефон қиласди, деган умид бор эди. Афиғанинг бошидан кечирган савдоларини ва эрининг аввалги оиласидан ажралиб кеттанини эшитганим учун, негадир, албатта шундай бўлади, деб ишонардим. «Бизларнинг Афиға билан қисматимиз ўхшаш, шунинг учун у фақат мен билангина бахтли бўлиши мумкин», деб ўйлардим.

Шу ўйтасирида анча кун Афиғанинг йўлини пойлаб юрдим. Бир-икки марта гапирдим. Кўнглімдагини айтдим. У «Қизиқмисиз, мен эримни яхши кўраман», деди-ю, нигоҳида иккиланаётганини сездим. Муҳриддин Холиковнинг «Ойгулгинам, барибир, сен менини бўларсан» деган кўшиғини хиргойи қилиб, унинг йўлини пойлаб юравердим. Лекин ўша кунларда яна бошимга кулфат тушди.

Сафардан қайтаётган эдим. Оқшом оғиб қолган, кўча кимсасиз. Кўл бўйидаги дарахтзор ичидан уч кўланка чиқиб, тўсатдан ташланишди. Нима гаплигини англаб улгурмадим. Бoshимга қаттиқ бир нарса билан уришди. Ҳушимдан кетиб қолдим. Тонг салқинида ўзимга келсам, кўл соҳилидаги ўтлар ичида ётибман. Чап биқиним қаттиқ ачишиб, зўрга нафас олаяпман. Пайпаслаб кўрсам – қон. Пичоқ уришган. Сумкамни олиб кетишибди. Ичидаги фотоаппаратим ва бошқа буюмлар бор эди.

Судралиб, суриниб ўрнимдан турдим. Биқинимни чангallаб, катта кўчага чиқдим. Қани, энди биронта машина тўхтаса. Ҳайрият, бир ўрис хотин жонимга оро кирди. Йўлга кўндаланг бўлиб, машина тўхтатди. «Тез ёрдам» шифохонасига жўнатди.

Бир ой ётиб, тузалиб чиқдим. Қоравой амаки бошимда турди. Қишлоққа бориб, онамни олиб келмоқчи эди, кўнмадим. «Мени сафарга кетган, деб хабар қилинг. У киши билса, кўтаролмайди. Тузалиб чиқсан, ўзим бораман...»

Милиция терговчиси бошда файрату ихлос билан киришди-ю, кейин негадир бўшашиб қолди. Безориларни қидириш ўрнига нуқул ўзимни сўроқ қилар, «Бирорга ёмонлигингиз йўқмиди?» каби чучмал саволлар билан жиғимга тегарди.

Арслон келиб кўрди. «Милицияга тайинлайман, жиҳдий изласин», деди. Мен унга «Солидан гумоним бор», деган гапни айтди.

моқчи бўлиб оғиз жуфтласам, ўзи Соли ҳақида мен мутлақо кутмаган, хаёлимга ҳам келтирмаган гапни айтиб қолди.

– Зарифани тўй қилдик. Сен узоқда эдинг. Эшитмагандирсан ҳам.

– Ҳа, эшитганим йўқ. Куёв ким? – деб сўрадим.

– Соли, деган ширкатчи йигит.

– А? – дедим оғзим ланг очилиб. Бошқа ҳеч нарса дея олмадим. Ҳеч қанақа савол ҳам берганим йўқ. Арслон буни ўзича тушунди. Хайрлашиб кетди.

Мен кейинроқ негадир «Агар Зарифага уйланган бўлса, Соли унчалик ёмон одам эмас экан-да, ундан шубҳаланишим нотўғри», деб ўйладим.

Шифо хонадан чиққандан кейин, уйда ҳам анча даволандим. Қоравой амаки гирдикапалак бўлди. Амаки ўзини қўйишга жой тополмас, «Ким қилди экан, кимнинг сенда қасди бор экан?» деб ёзғирап, кавказликларга хос қизиққонлик билан «Албатта, топиб, жазосини бериш керак, абллаҳларнинг», дерди. Ўзим ҳам ҳайрон эдим. Ким? Ё... Тольяттидан келишганми? «Розанов тўдасининг қолдиги», деб йўқ қилишмоқчи бўлишганми? Валера Самойлов ҳамоқда сотиб қўйганми? Йўқ. У ўлса ҳам сотмайди: У яхши одам...

Ҳаммасидан фотоаппаратимга ачинардим. Амаки юпатди: «Куйинма, аппарат топилади. Топилмаса, мана менинг «Кэнон» аппаратимни оласан...»

Кейин унинг миясига қизиқ бир фикр келди.

– Э-э, шошма, ахир... китобчasi ўзимиизда-ку. Унда рақамлари ёзилган. Аппаратингни топамиз, насиб этса.

Шифо хонадан чиққанимдан сўнг эски-туски бозорига қатнаб, аппаратни сўроқлай бошладик. Газетага зълон бердик. Икки ой, деганда дараги чиқди. Бир йигит қўнғироқ қилди. «Нikon» аппарати сотилажагини айтди. Келишиб, учрашдик. Ёшгина олиб-сотар ўсмир экан. Пулини келишгач, мен ундан аппаратни қачон, қаерда, кимдан олганини сўрадим. «Қўрқма, сенга ҳеч қанақа даъвоим йўқ, мана сўраётган пулинг, фақат кимдан олганингни айт», дедим. Унга фотоаппаратнинг китобчасини кўрсатдим. «Агар айтмасанг, ҳозир милицияга топширама», деб пўписа қилдим. У қўрқиб кетди. «Майли ака, айтаман, фақат мени сотманг», деб ялинди. Аппаратни унга «Гаштак» номли кооператив ошхонада ишловчи йигит сотган экан. «Гаштак» ош-

хонаси Соли билан боғлиқ эканини аввалдан билардим. Наҳотки, у атайдаб ёки тасодифмикан? Йўқ. Тасодиф эмас. Мени ўлдирмоқчи эмас, мажруҳ-майиб қилмоқчи бўлган ўша уч кўланка (яна уч киши! Аввал ҳам шунаقا бўлганди) келиб-келиб «Гаштак» ошхонасига боғлиқ бўлиб чиқиши тасодиф эмас. «Ҳаётда тасодиф йўқ», деб ёзган бир ёзувчи. Воқеалар ҳаммаси бир-бирига қонуниятлар занжири билан боғланган.

Шу боис «Гаштак»даги фотоаппарат сотган йигитни қидириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйладим. Назаримда ҳаммаси равшандек эди. Бу ишнинг бошида Соли турган. Солининг қасоси давом этмоқда. Зарифага уйланиши ҳам ўша қасос занжирининг бир ҳалқаси.

Эҳ, Соли, Соли. Яна ўйлимда пайдо бўлдинг-а? Наҳотки, болаликда бўлган арзимаган низони бир умр унуголмасанг? Наҳотки, одам шу қадар кекчи, шунчалик ичиқора ва қасоскор бўлиши мумкин? Ахир мен ўшанда – ўқишга кириш чоги қаттиқ калтак еган бўлсан ҳам унудим, кечирдим-ку... Наҳотки, мени ҳам қасос йўлига тушишга мажбур этсанг. Наҳотки, ўша яширган тўппонча ахийри барибир отилса?.. Сени ўлдирмасам бўлмайди, шекилли?

Шу хаёлда юрган кунларимда яна бир воқеа бўлди. Омадми, ё тақдир мени янги бир синовга дуч қилмоқчи бўлдими, ҳар қалай, ўша «Гаштак» ресторанида ишлайдиган, фотоаппаратимни сотган йигит кечки пайт мени қидириб келиб қолди. Маълум бўлишича, ҳалиги олиб-сотар йигит унга менинг ҳамма гапдан хабардорлигимни айтган экан. Чамаси йигит мени милицияга хабар қиласди, қўлидаги далилий ашёни кўрсатиб, қаматтириб юборди, деб қўрқсан. Йигитнинг исми Тўлқин экан. Салкам ўзим қатори. Жуссали. Унга яхши муомала қилдим.

– Бугун-эрта милицияга хабар бермоқчи бўлиб турувдим, – дедим.

– Ака, кечиринг, мени... Абгор қилиб юборманг. Пичоқни мен урганим йўқ. Мен фақат очкўзлик қилиб, фотоаппаратингизни олиб кетгандим. Аслида Соли ака: «Пулнга ҳам, буюмларига ҳам тегмаларинг», деганди. Мен аппаратни олиб, сотиб юборганимни у ҳам, ўша кунги шериклар ҳам билмайди. Соли аканинг ўзи билib қолса ҳам аямайди... Жонак, кечиринг. Қанақа шартнингиз бўлса, бажаришга тайёрман.

– Шунақами? – дедим мен унинг кўзига тикилиб.

— Ўғыл бола гапим. Фақат шу гап орада қолсин. Мен қамалышдан құрқамайман. Фақат Соли ака ўлдиритириб юборади. Ўшандан құрқаман.

— Соли шунақа құрқинчліми? — дедім гапнинг ёғига олов сеппеш учун.

— Ў-ў, сиз у одамни билмайсиз. У пулга одам ўлдиради-ку. Қип-қизил қотыл...

— Демак, сир очилса, милицияга түшсанг, қамаласан-а... «Бизларният сотмасин», деб сениям ўлдиради, шунақами?

— Шунақа.

— Сен ўзинг уни ўлдириб құяқолсанг бўлмайдими? Ўзинг ҳам қутипардинг. Дунёдаги жиноятчи, абллаҳларни лоақал биттага камайтирган ҳам бўлардинг. Савобга қолардинг.

— Уни ўлдириб бўларканми? Бу — осон иш эмас. Атрофида қанча-қанча гумаштаси бор...

— Мен сенга снайпер мильтигини бераман. Бирон пана жойдан туриб, отиб ташлайсан, вассалом. Ҳеч ким сезмай қолади. Милтиқ отишни биласанми?

— Армияда хизмат қылғанман. Лекин снайпер мильтигидан ҳеч отмаганман. Қўйинг ака, бу — бўлмайдиган иш. Менинг қўлимдан келмайди.

— Майли, ундей бўлса, ўзинг биласан. Фақат, бу гап ўртамизда қолсин. Сир очилса, сени барибир соғ қўйишмайди. Бор, кетавер! Сени кечирдим!

Мен ўзим ҳам танимаган-бilmagan одамга дабдурустдан гапирган гапимдан ваҳимага тушгандим. Шу боис, Тўлқиннинг тезроқ қорасини ўчириш учун шундай дедим. У орқасига қарай-қарай чиқиб кетди. Чамаси кечирганимга унчалик ишонмади.

Кетди-ю, эртасига ярим тунда оғзи-бурни моматалоқ бўлиб, яна келди. Энди шашти бошқача эди.

— Ўлдираман ўшани, ифлосни. Ака, беринг мильтигингизни, — деди ҳансира.

— Шошма, ўзингни бос! Нима бўлди, ўзи? — деб сўрадим.

— Менинг калтаклади. Ўзиям урди, болаларга айттириб яна урдирди, соғ жойим қолмади, ака, — деб йиглаб юборди Тўлқин.

Мен ундан «Нега уради?» деб сўрамадим. Сабабининг нима аҳамияти бор. Бирон кори-ҳол бўлгандир. Мұхими, Тўлқин энди «Ўладиган ҳўқиз болтадан тоймайди», деган аҳволда эди.

– Отасанми? – деб сўрадим. Ўзим ҳам ўша кунги «эҳтиётсизлик», яхши самара берганини сезиб, дадиллашиб қолгандим.

– Отаман, – деди шашт билан Тўлқин.

– Бўймаса гап бундай...

Унга жудаям махфий тарзда режа тузишни буюрдим. «Уларга ҳеч нарсани сездирмай, қуллуқ қилиб, бошингни эгиб юравер, ишончингни йўқотма. Кулай пайт келгач, бир ҳаракат билан ишини ҳал қиласиз...»

Ўзим амакининг милтиғини яширилган жойидан олиб, ёғлаб, артиб, синовга тайёрладим. Тўлқин «даволаниш» баҳонасида бир неча кунга жавоб олди. Шаҳар ташқарисига, хилват жойга бориб, милтиқни синовдан ўтказдик. Энди қулай пайт келишини кутиш керак эди. Шундай пайт келди ҳам бироқ... Тўлқини тушмагур ё қўрқди, ё тажрибасизлик қилди. Ярим тунда уйига қайтиб, дарвозадан кираётган Солига қаршидаги кўп қаватли уйнинг чорбоғидан ўқузиб, теккиза олмади. Милтиқни ҳам ташлаб қочди. Хайрият, уни тутишолмади...

– Майли, сен ҳеч нарса билмагандек хизматингни қилиб юравер, – дедим унга. – Бирор кун омадимиз келиб қолар...

Ўша кунларда бошимга умримдаги энг оғир кулфат тушди. Онам кутилмаганда оғир касал бўлиб, бир ҳафтага шифохонада ётди-ю, қазо қилди. Врачлар: «Жигар касалини ўтказиб юборган экан, ҳеч иложини қилолмадик», дейишиди. Қишлоққа элтиб кўмдик. Қоравой амаки ёнимда турди. Маъракаларни ўтказиб, шаҳарга қайтдик. Энди мен буткул ёлғиз, кимсасиз одам эдим. Ҳаётнинг мутлақо қизиги қолмади. Ўша кунлар таҳририятда Афиғанинг эри қамалгани, унинг ўзи эса аллақандай бой, амалдор кимса билан хушторлик қилиб юрганини эшилдим. Ичим муздек бўлди. На ҳаётда, на муҳаббатда омадим келмади, деб йингладим. Жиннига ўхшаб қолдим. Ҳеч нарсанинг қизиги йўқ. Ҳатто ўзимни ўлдирсаммикан, деган хаёлга ҳам бордим. Тўппончамни бекитган жойимдан олиб, фотоаппарат сумкасига солиб юрадиган бўлдим. Чунки қўрқувни ҳам тамоман унугандим. Қўлга тушсам ҳам, қамалсам ҳам, ўлсам ҳам барибир эди гўё. Амакининг юпатишлари кор қиласади. Сурат ҳам туширмай қўйдим. Девонага ўхшаб, шаҳарда бемақсад дайдиб юрадиган бўлдим. Хаёлимда «Милиция ушлаб текширса, тўппончани топса, шартта қочаман, қувиб отиб ўлдиришса ҳам майли», деган аҳмоқона фикр бор эди. Аксига олиб кўчада ме-

лиса тұхтатмас, ҳеч ким «Нима қилиб юрибсан?» деб сўрамасди. Ниҳоят... Ниҳоят...

Ниҳоят шундай бир құлай пайт келдікі, бу имкониятни қўлдан бериш асло мумкин эмасди.

Тўлқин одатдагидек тунги икки-учларда келди.

– Эртага улар катта бир ишга боришишмоқчи. Солининг ўзи бошлиқ қиларкан. Лекин одамни кўп олмаскан. Ўзининг энг яқин ёрдамчиси бор. «Тайсон» деган. Ўша иккалови. Менга «Машина ҳайдайсан», деди.

– Яхши, яна ишончига кирибсан. Лекин қанақа иш экан?

– Бир бой одамни гумдон қилишишмоқчи. Ўша одам эртага тунда шаҳар четидаги хуфя чорбоғда хуштор аёли билан холи ишрат қиларкан. Ёнида соқчилари ҳам бўлмаскан.

– Аҳ-а-а, демак, унинг ўзини ҳам ўша ерда ҳал қилиш керак.

– Ҳа! Лекин мен бир ўзим эплолмайман.

– Хотиржам бўл, биргалашамиз, – деб юбордим унга. Кейин икковлон яна режа тузишга киришдик...

Абдивой билан Тўлқин тузган режа ҳақида муфассал тўхтабиб ўтирумаймиз. Унинг қай тарзда амалга ошгани ҳақида эса кейинги боблардан бирида сўз боради.

Энди эса асосий воқеалар оқимига қайтиб, Субутнинг Афифадан олган мактуби мазмуни ва қаҳрамонимиз ушбу хатни ўқигандан сўнг қандай аҳволга тушгани, яна янги бир хатога йўл қўйгани, бундан аввалига маълум бўлгани, кейин эса ўзинга: «Нодон эски хатоларни тақрорлармиш, доно эса янги хатоларга йўл қўярмиш», дея тасалли бергани хусусида ҳикоя қиласмиш.

## 15

Субут кечқурун ижарахонасига қайтиб келиб, енгил нонушта қылгач, чўнтағидаги хатни олиб, қўрқа-писа кўз юргутирди. Бу қўрқувнинг бонси нимадалигини ич-ичидан англаб турарди-ю, миёсида аниқ-равшан ифодалаб, тасаввур этолмасди...

«Муҳтарам Субутжон ака! Ассалом!

Билмадим, ҳаққим бормиди, бу хатни ёзишга, бўлиб ўтган шунча гаплардан кейин. Билмадим... Лекин барибир ёздим. Ўйлайманки, тўгри тушунарсиз. Бир қошиқ қонимдан кечарсиз...

Аввалги хатимда ёзганимдек, сизга яна хиёнат қылғанимдан, шунга мажбур бўлганимдан сўнг, ҳаётдан кетмоқчи эдим. Лекин ишма қилай, бунинг уддасидан чиқолмадим. Бир сабаб билан тирик қолдим. Бошда бундан пушаймон эдим. Лекин ўзимдан ҳам баҳтсиз, ўзимдан ҳам хору оввора бўлган бир одамга дуч келдим. У ўша тун мени қутқарганди. Кейин эса мен уни қутқармасам бўлмаслигини тушундим. Биз – икки баҳтсиз одам, тақдир-қисматимизнинг қаттиқ нонини биргалашиб ейтига, мусо-фирлик, қочоқлик машаққатини бирга тортишга қарор қилдик. Гарчанд, на унинг, на менинг айбим билмадим нимада? Ҳар ҳолда мени, бизни қидириша япти. Шу боис хатни манзисиз ва қисқа қилиб ёздим. Айбга буюрманг. Аввалги хатимдаёқ сизни ўзимдан озод, деб, ўзимни сизга ҳақоиз; деб ҳисоблаб, бунинг учун сиздан ризолик сўраган эдим. Уч марта «талоқ», деб айтсангиз ва расман ажратиб, ўзингизни озод, деб ҳис этсангиз, кўнглим тинч бўлади. Мендан хавотир олманг. Бизлар узоқда, хатарсиз жойлардамиз. Эҳтимол энди ҳеч қачон қайта олмасмиз, тугшиб ўсган жойларга. Сиз мендан ранжисманг. Илтимос. Ўткинчи бир воқеа, деб ҳисобласангиз ҳам майли, мен билан кечирган кунларни. Мени деб гамга ботманг. Мен эсам, сизни ҳеч қачон унумтмайман. Зоро, сиздан бир умр миннатдорман.

Хайр. Омон бўлинг. Ҳурмат билан: Афифа».

Хатни ўқиб бўлганидан кейин ҳам юрагидаги қўркув аримади. Сабабини ҳам изоҳлай билмади. Нима эди бу?

Афифани умрбод йўқотиб қўйишидан қўрқанмиди? Ундай деса, куни кеча унинг ўлганига деярли ишониб юрганди-ку. Ўшандаям қўрқмаганди. Энди эса қўрқаяпти. Фалати ҳолат. Кечагина, Афифанинг тирик экани ҳақидаги хабарни эшиганида, у билан энди ҳеч қачон учрашмаслигини англаганида ҳам йўқ эди бу қўркув. Энди қайдан пайдо бўлди? Қўркувми бу? Е бошқа бир туйгуми? Алам ва ўқинчми? Нимадан аламланиб, нимадан ўқинади? Афифага сарф этган вақти, асаби, у туғайли чеккан жафоларигами? Нима жафо қўрди? Афифанинг айби нимада? Ахир у чиндан ҳам Субутни қутқариш учун қурбон қилмадими ўзини?

Қизиқ. Мактубида «Баҳтсиз одам», деб кимни назарда тутган? Абдини-да, албаттга. Ёки Зоҳидийдан ҳар қанақа макр, ҳийла-найранг кутса бўлади. Афифа ўша найранглар қурбоними, ёки... унга шерикми? Ишқилиб, шунақа бўлиб чиқмасин-да...

Субутнинг юраги сиқилди. Ароқ ичди. Сал енгил тортди. Яна ичди. Ундаи ҳам енгиллашди. Яна ичди... Энди кайфи ошди. «Икки дунё бир қадам, жаҳонни сув босса тўпигимга чиқмайди», деди ўзига-ўзи.

Афифани унутмоқчи бўлди. «Ухласам эсимдан чиқади», деб ўйлади соддалик билан. Ухлаб, ухломади. Эртасига ишхонада ҳам толиқиб, сиқилиб ўтирди. Кечга яқин қизини кўргани боғчага борди. Қизи қувониб, бўйнидан қучоқлади. «Хотинимга раҳмат», деб ўйлади Субут. «Қизимни мендан бездирмаган. Ёмонламаган. Ақлли аёл-да...» Сал енгил тортди. «Фаризахон айтганидек, хотиним билан ярашсам-чи», деб ўйлади. Қизи: «Ана, аяжоним келяптилар!» деди қийқириб. Субут қўрқди. Саломлашишди. Субут уларни бекаттагача кузатди. Тайинли бир гап айттолмади. Хайрлашишди. Қизига: «Яна келаман», деди. Хотинига эса ҳеч нарса деяолмади. «Йўқ, энди ярашолмайман», деб ўйлади. «Нега? Нега ярашолмайман», деб сўради ўзидан. «Чунки асли ҳам уришмаганман», деб жавоб берди фамгин кулимсираб.

Ижараконасига келди. Уйга сиғмади. Нима қилишни билмади. Ёзмоқчи бўлди. Нима ёзишни билмади. «Афиғага жавоб ёзайми?» деди. Нима деб ёзади? Қайга жўнатади? Ичидан бир хўрсиниқ келди. Аламландин. Аччиқландин. Э, бор-э, деб ётиб ухламоқчи бўлди. Ухломади. Ичтиси келди. Ароқ йўқ. Кеча ичиб тутагтан. Дўконга чиқиб келиш ёқмади. «Ўзимни нима биландир овутнишим керак. Акс ҳолда... савдоин бўлиб қоламан...»

Ховлига чиқиб, телефон ёнига борди. Фариза хонимга қўнғироқ қилди. Уйда экан.

— Сизни кўргим... би-нр дардлашгим келаятти, — деди Субут.  
— Кеч бўлмадими? — деди Фариза истиҳола қилгандек.  
— Энди етти бўлди. Дарвоқе, қорним ҳам оч.  
— Ундай бўлса, келақолинг уйга, — деди Фариза. Манзилини айтди.

«Олимлар шаҳарчаси»да мўъжазгина бўлса-да, дид билан қурилган ҳовлида яшаркан. Биринчи қаватида меҳмонхона ва унга туташ ошхона. Иккинчи қаватда иккита хона, ҳаммом. Хоналарнинг бири – кутубхона, иккинчиси ётоқхона.

— Фоят камтарона, лекин жудаям чиройли! Қаранг-а, атиги уч хона. Болаларингиз қаерда туришади, — деб сўради Субут.

– Ўғилларимнинг иккаласи ҳам отам билан. Хорижда. Отам бу ёққа қайтиб келишга шошилмаётганининг боиси ҳам шу. Уларни сал оёққа турғизиб, ўқишига жойлаб, кейин ўйлаб кўрмоқчи. Дарвоқе, сизнинг ҳам қизингиз бор-а?

– Ҳа...

Болалар ҳақидаги гапга шу билан нуқта қўйилди. Сабаби Субутнинг хаёлида ҳозир буткул бошқача фикрлар айланмоқда эди. «Онасини эмсин, бўйдоқлик жонга тегди. Бугун Фариза хонимнинг кўнглини овлайман», деб аҳд қилди келаётib. Уят, андиша, истиҳола – ҳаммаси қайгадир чекинди. «Мен ҳам тирик жонман, эркак сифатида табиий эҳтиёжларим бор. Худонинг ўзи кечирар», деб ўйлади яна у.

Хоним уй кийимида яна ҳам очилиб кетганди. Эгнида қизил халат. Сочларини елкасига ёйиб ташлаган. «Қизил рангни яхши кўраркан», деб ўйлади Субут. «Бунақа аёллар эҳтиросли бўлади».

– Қорнингизни оч дегандингиз. Мен пицца буюрдим. Ҳозир олиб келишади, – деди хоним. Субут саволдан фойдаланиб, мақсадга ўтди:

– Афандининг хотини айтганидек, ҳуснингизга қорнимни тўйдирсан ҳам бўларди.

Фаризахоним ҳазилга ҳазил билан жавоб қайтарди:

– Ҳали шунақа ёмон мақсадда келдингизми? Мен сиз билан шеърият, тасвирий санъат ҳақида суҳбатлашамиз, деб ўтирасму...

Шу пайт дарвоза қўнғироғи чалинди. Буюрилган пиццани олиб келишибди. Фаризахоним ошхонада дастурхон тузади, иккита қадаҳга «1001 кеча» номли вино қўйди...

Хуллас, ўша оқшомни Субут Фаризахонимнинг ётогида ўтказди. Хоним аввалига астойдил қаршилик кўрсатди. Унга мәҳмонхонадан жой солди. Субут ярим соатча мәҳмонхонада ҳансираф ётгач, иккинчи қаватта чиқиб, хонимнинг ётоқхонаси эшигини тақиллатди. Хоним яна нозланди. Эшикни очмай: «Мен сизни тан дўсти эмас, жон дўсти, қалб дўсти, деганман-ку», деда зорланди. Субут: «Бир ўзим зерикяпман, сизга кўлимни ҳам теккизмайман, шунчаки суҳбатлашиб... ўтирамиз», деган кулгили гапни айтди. Хоним эшикни очиб, уни ичкарига киритди. Хонанинг қоронгулиги Субутта журъат бағишлади. Хонимни маҳкам бағрига босди. «Бадан дегани ҳам шунчалик нафис ва хушбўй бўла-

діми?!» деб ўйлади у боши айланиб. Хоним Субутнинг бу қадар дадиллик қилишинн күтмаган шекишли, ҳайрат ва саросимада лол турар, бунақа журъат ўзига қаердан келганига Субутнинг ўзин ҳам ҳайрон бир тарзда зўр бериб, лаблари билан жувоннинг дудоқларини изларди...

Кейин улар анча гаплашиб ётишди. Саҳарга яқин хоним ухлаб қолди. Субут миңжака қоқмади. Яна Афиға, хотини кўз олдига келди. «Нима қилиб қўйдим?» деб ўйлади. Ахир... хотиним билан ярашишим керак эмасми? Шундай қилсан тўғри бўларди-ку. У-чи? У нима дерди? Синган пиёлани чегалаш мумкин. Лекин синган кўнгилни ямаш мумкини? Ҳаётимиз илгаридек бўлишига кафолат борми? «Илгаридек», дегани нима ўзи? Қайнона-чи? У киши гўёки хатосини тушунган, қизини баҳтсиз қилганидан пушаймон эмншлар. Бироқ... Яхиси бўйдоқ юргани дуруст эмасми, Фаризахоним билан «дўстона» муносабатда бўлиб. Шуниси тўғри эмасми? Ахир қизидан хабар олиб, ёрдамлашиб турибди-ку?..

Субут ўйлаб қараса, Фариза хоним билан «дўстлашиб» юришнинг ҳам уятли, ҳақоратли жиҳатлари бор экан. «Нима, мен нуқул Муқимхоновнинг сарқитини еб, кун кўришим керакми?» деган ўжар ва ёввойи фикр келди миясига бир маҳал. Бу фикрнинг қайдан пайдо бўлганини ўзи ҳам тушунмади. «Нима бу? Менинг мудраб ётган ориятимми? Сарқит, дегани нима ўзи? Буни инсонга, айниқса, Афиғадек, Фаризадек моҳитобон, гулбадан аёлларга нисбатан ишлатиш мумкини? Субут Фаризанинг боягина оҳиста шивирлаб гапирган гапларини кулимсираб эслади. «Мени чиндан ҳам ёқтириб қолдингизми?» деб сўради у. «Ҳа», деди Субут. «Бу – шунчаки эҳтирос хуружи эмасмикан, ишқилиб?» «Эҳтирос бўлса-чи, эҳтирос ёмон нарсами?» «Йўқ, эҳтирос яхши. Лекин баъзан эҳтиросдан сўнг пушаймон қилади одам». «Йўқ. Мен пушаймон қилмайман...»

Мана, энди эса пушаймон қилиб ўтирибди. «Сарқит», дея ҳақоратомуз фикр юритмоқда. «Йўқ. Фариза яхши аёл экан. Гўзал ва ақлли. Гўзалиги Афиғачалик бўлмаса ҳам содда гаплари ўхшаб кетади. Қизиқ содда ва ақлли. Шунақа бўлиши мумкини? Ақлли ва эҳтиросли. Эҳтирос ичра Субутни «Жонгинам», деди. Субут эриб кетди. Анчадан буён ширин гап эшитмагани учунми? Афиға ҳам эҳтиросли эди. Лекин унинг эҳтиросида қанақадир миннатдорчилик, қарздорлик ҳисси бордек эди. Фариза-

нинг эса Субутдан ҳеч қанақа қарзң ҳам, тили қисиқ жойи ҳам йўқ. Қайтага аксинча. Субут ундан қарздор-ку. Фариза буни сездирган эмас. Мунис, мушфиқ бир аёл сингари унга ўз ихтиёрини нозлана-нозлана, уяла-уяла топширди. «Қандай бўларкин, уят эмасми? Гуноҳ бўлмайдими?» деб сўради. «Нимаси гуноҳ, сиз боши очиқ аёлсиз, мен бўйдоқ эркакман-ку. Ёки никоҳингизга олинг, демоқчимисиз?» деб сўради Субут. Шу гапдан кейин ҳам Фариза содда ва ақлли жавоб қайтарди. «Йўқ, унақа деётганим йўқ. Сизга бундай талаб қўйиш хаёлимга ҳам келган эмас. Чунки сиз билан бирга бўлиш ҳақида ўйламагандим. Ўзингиз ҳолижонимга қўймадингиз-ку...» «Чиндан ҳам тан дўсти эмас, жон дўсти бўлиб қола олармидингиз?» «Албатта. Нима, сиз мени... зимдан хуфя тузоқ қўйиб, ўзини солиҳа қилиб кўрсатаяпти, деб ўйладингизми?» «Йўқ. Сиз чиндан ҳам беғараз дўстлик таклиф этдингиз. Аммо мен иродасизлик қилдим. Кечиринг».

Кейин Фариза яна бир ақлли гап айтди. «Балким, оиласигизга қайтганингиз маъқулроқдир, – деди. – Ишонинг, агар шундай қилсангиз ҳам, мен сизга яқин, содиқ дўст бўлиб қолавераман». «Нега», деди Субут. «Сиз билан турмуш қурсак бўлмайдими?» «Йўқ», деди Фариза. «Мен энди... турмуш қурмасликка қарор қилганман». Субут ҳам ўйлаб ўтирасдан: «Унақада мен ҳам энди турмуш қурмайман», деб юборди...

Сўнгра улар ташкил этилажак нашриёт уйи ҳақида суҳбатта киришишди. Субут айни шу топда «Чиндан ҳам ноширилик билан шуғуллансан бўлади-ку», деган қарорга келиб турарди. Чунки хоним бу ҳақда ҳаяжонланиб, тўлқинланиб гапирди: «Бирга ишласак, хўп ажойиб ишлар қиласми, ўзингиз ҳам китоблар ёзасиз, уларни ҳам босиб чиқарами...» Субут «Яна бир ҳафтагина индамай туриш, кейин тўласинча сизнинг ихтиёргизда бўламан», деди. Бироз ўйланиб ётгач, яна ўша мавзуга қайтди. Аниқлаштироқчи бўлди.

– Сиз мени чиндан ҳам тенг шерик қилиб олмоқчимисиз? – деб сўради у Фариза хонимнинг момиқдек билакларини силаб.

– Ишқилиб фақат шунга қаноат қиласизми? – деб сўради хоним ҳазил аралаш. Субут жиддий гапирди.

– Мен баъзи бировларга ўҳшаб: «Хўш-хўш», десангиз чорифим билан тўрга чиқиб кетадиганлардан эмасман. Ишонинг. Боя... Сизга уйланишим ҳам мумкинлиги ҳақидаги гапни бошқа маънода айтдим. Ниятим холис, алдамчи эмасман, демоқчи эдим. Яна бир сабаби Афифадан хат олдим. У талоқ сўрабди.

– Соғ-саломат эканми, ишқилиб? – деб сўради Фариза. Чамаси у Афифанинг тирик эканини аввалдан билган.

– Ҳа...

– Талогини беринг. Эркини бўғманг, эркинлик замонида... баҳтини топиб кетсин. Сиз ҳам...

– Кечак хотиним билан ҳам учрашдим. Сизнинг маслаҳатингиздан сўнг. Аммо тушундимки, энди у билан ҳам қайтадан яшолмас эканман.

– Қалбингиз, вижданингиз буюрган ишни қилинг.

– Қалбим: «Сен ҳам озод ва шод яша», деб буюраяпти.

– Унда озод ва шод яшанг. Ишланг, пул топинг. Дунёни саёкат қилинг. Мана мен эҳ-ҳе, қанча жойларни айланиб келдим.

Хоним ўзининг хориж сафарлари ҳақида ҳикоя қилиш баробаридаги ухлаб қолди. Субут эса пушаймон қилиб тонг оттирди. «Фариза билан бизнес қилиш керак. Лекин у билан дон олишиб юриш ярашмайди, энди бу уйга бошқа келмаслигим керак», деди у ўрнидан туриб ювингани ҳаммомга борар экан. – Бизнесни шахсий муносабатларга аралаштириш яхши эмас...»

Алқисса, Субутни мана шу тазарру оғушида қолдириб, ҳикоямиз бошидан бүён туғилаётган кўпдан-кўп саволларга жавоб берувчи сирли воқеа баёнига киришамиз.

Ҳа, айтганча, эртасига Субут ишга бирров киргач, «Гаштак» ресторанинга, ундан чиқиб, фотограф Қора Қораевнинг уйига, яна аллақайларга борди. Хуллас, кун бўйи суриштирув билан машғул бўлди. Тушдан сўнг ишхонасига қайтиб келганида, уни терговчи Арслон Ҳакимов излаётганини айтишди. Субут Арслон билан қўнгироқлашгач, шошиб, прокуратурага кетди. Майли, бу ҳақда кейин.

## 16

Тун. Юзига ниқоб кийган икки шарпа муҳташам иморат дарвозасининг қулфларини ясама калитлар билан бирин-кетин шақирлатиб очиши. Кейин қулфламасдан, оҳиста бекитиб, ичкарига йўналишди. Бу эса уларнинг ортидан писиб изма-из пойлаб келаётган яна икки ниқобли сояга қўл келди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас улар ҳам ичкарига кириб кетишли. Аввалги икковлон бу орада ҳовлидаги темир эшикни ҳам очиб, уй ичкарисига кириб олишган, боягидай қилиб, бу эшикни ҳам очиқ қолдиришгани

сабаби «Қайтиб чиқиш осон бўлади», деб ўйлашганди. Кейинги икки киши бир муддат дарвозаҳонада писиб туришди. Олдин-гиларнинг даҳлиздан ўтиб, иккинчи қаватга элтувчи зинадаи кўтариғанига ишонч ҳосил қилишгач, уларнинг изидан ичка-рига, сўнгра юқорига интилишди. Орадан нари борса, ўн дақиқа ўтди. Юқоридаги хоналардан бирида «гупп-гупп» этган овоз, кейин кимнингдир: «Иҳ, единг-ку, абллаҳ», деган товуши, сўнгра аёл кишининг чинқириб юборгани, ундан сўнг ўрта ёшлардаги эркак кишининг дўриллаган овозда: «А? Ким? Ҳой, ким бор? Мусулмонлар ёрдам беринглар, ўғри босди?» деган бақирифи эшитилди. Шунда ниқоблилардан бири пастроқ, лекин ҳукмрон овозда: «Жим! Нафасингни чиқарма! Бўлмаса ўлдираман!» деди. Бу орқадан келганларнинг бири эди. Улар олдин келганларнинг икковини ҳам қаншаридан отиб қулатишган, қулаганлар шундоққина остонаяда қонга беланиб чўзилиб ётишарди. Инграган аёл ва ёрдам сўраб бақирган эркак эса сал нарида кенг-мўл икки кишилик каравотда даг-даг титраб туришар эди. Эркак боя бақираётган чоғида ихтиёрсиз бир ҳаракат билан каравотнинг бош томонидаги мўъжаз тунчироқни ёқиб юборган, шу боис, анчайин дид билан безатилган чиройли ётоқхонада ҳозиргина содир бўлган мудҳиш манзара кўзга яқол ташланиб туради. Каравотдаги эркак буни кўрди. Ўзини тез қўлга олди. Эшик ёнида турган ниқобли икки кишига қараб, жон ҳолатда ялиннишга тушди.

– Жон укалар, илтимос, ўлдирамлар! Молу дунё керак бўлса олинглар. Қанча пул керак бўлса бераман. Илтимос! Фақат ўлдирамлар! Мен... Мени... Менинг пулим кўп... Мени Зоҳидий дейишади! Эшигтан чиқарсизлар? Қанча пул керак бўлса бераман...

Ниқоблиларнинг олдинроқдаги гавдалиси каравотга яқинроқ келди. Индамади. Эркакка, сўнгра ёнидаги жувонга тикилди. Боягина қўрқувдан чинқириб юборган аёл ички кийимда, устита чойшаб ўраб юзини қўллари билан тўсиб ўтирас, чамаси у тақдирга тан берган, нима бўлса-бўлди, деб ўтирас эди.

– Биз сизни ўлдиргани келганимиз йўқ, – деди ниқобдор киши.  
– Сизни ўлдиришга келганлар мана булар.

Шундай деб, у орқада турган иккинчи ниқоблига ишора қилиди. Иккинчи ниқобли ерда чўзилиб ётганларни юз томонига ағдариб, ниқобларини олиб ташлади.

– Танидлнгизми? – деб сүради биринчи ниқобли Зоҳидийдан.  
– Қоронғуда унча кўзим илмайроқ турибди, – деди овози қалтираб Зоҳидий: – Ким экан бу... нокас.  
– «Гаштак» ресторанининг хўжайнини Соливойни билсангиз керак?

– Солиними? Солини биламан. Унга кўп яхшилик қилганман. Ёрдам кўрсатганман. Қарз берганман... Вой абраҳ-эй! Бу ўшами?

– Ҳа! Бу – Соли. Сизни ўлдиришга шахсан ўзи «ташриф буюрди». Асли у майдада-чуйда қотиллукларни гумашталарига буюради. Сизни эса юқори «ҳурмат»га лойиқ кўриб, ўзи келди. Ана қўлидаги тўппончасини кўрдлнгизми?

Зоҳидий бу гапларни эшишиб, маъносини маълум даражада англаб турган бўлса-да, ҳозир уни остоңада суллайиб ўлиб ётган Солидан кўра, қаршисида ниқобини ечмай турган, ўзини «халоскорман», деб айтгаётган йигит қизиқтирас эди. Шу боис:

– Сиз-чи? Сиз кимсиз, ука? Мени... Бизни... Шунчалик ўлимдан кутқардингиз... Бир умр миннатдорман. Бутун бойлигим... Сизга садақа. Айтинг, кимсиз?

– Бунинг аҳамияти йўқ. Мен бир савобталаб одамман... Савоб учун бугун одам ўлдирдим...

Худди шу гап каравотда суратдек қотиб ўтирган жувонни қизиқтиради. Беихтиёр қўлинин юзидан олиб, йигит томонга қаради. Йигит ҳам унга кўз қирини ташлаб турган экан, шекилли жувонни таниб қолди.

– Сиз... Сиз... Афифа эмасмисиз? – деб сўради ҳайратли овозда.

Жувон ҳайрат ичра қотди. Ўғрилик устида қўлга тушган боладек иложсиз мўлтиради. Шунинг баробарида йигитни овозидан танишга уринди. Эплолмади.

– Ҳа, мен Аффаман, – деди тушкунлик билан.

Ушбу савол-жавобни эшиштан Зоҳидий яна даҳшатга тушди. Йигитни Аффанинг яқинроқ танишларидан, деб ўлади.

«Энди тайин ўлдиради», деган хаёлга борди. Шундай деб ўйлашга унинг бошқа асоси ҳам етарли эди. Боя ниқобли йигит «Савоб учун одам ўлдирдим», деганида у беихтиёр остоңада гилам устида чўзилиб ётган икковлонга диққат билан қараб, иккенинг ҳам бўйнидан қон оқаётганини аниқ кўрди. «Ортиқча гувоҳнинг нима кераги бор, буларга», деб ўлади. Пул, каттароқ пул ваъда қилиш керак. Нима бўлса ҳам жонни асраб қолиш зарур...»

– Э-э, ана таниш ҳам экансизлар, – дея тилёгламаликка ўтди у. – Афиахон билан бизлар ҳаммасини шаръий, исломий қилиб, сўнгра қовушганмиз. Яна... кўнглингизга бошқа гап келмасин...

– Қа! оқдаги эри-чи? – деди куттилмаганды ниқобдор. Бу гапдан Зоҳидий яна ҳам қаттиқ қўрқди.

– У кишининг олдидан ўтилган. Мана, Афиахон ўзи айтсин... Субутжон укамиз бу кишининг талоқларини берганлар. Айтинг, Афифа, нега индамайсиз?

Афифа йиғлаб юборди. Яна қўллари билан юзини бекитди.

– Эҳ, сизни қаранг-у! Демак, қамоқдаги эрининг розилигини олибсиз-да... Ҳе, ўша... Ўзи асли... Солига сизни бекорга «заказ» қилишмаган экан-да, – деди ниқобдор қаҳр билан. Зоҳидий иштонига сиyr даражада қўрқиб, талвасага тушди.

– Жон ука! Тўғри тушунинг. Мен ҳаммасини... одамгарчиликка тўғрилаганман. Худо ҳаққи! Субутжонни қамоқдан чиқаришга беш миллион сарфладим. Афиахон ҳам ўзи рози бўлган. Мана, ўзидан сўранг.

– Йўқ. Ишонмайман. Ўзи айтса ҳам ишонмайман. Сенлар пулнинг кучи билан ҳаммани оёқости қилмоқчи бўласанлар. Аслида бир-бирингни гўштингни еб семириб юрасанлар. Эҳ, афсус, Солига халақигъ берганим нотўғри бўлибди. Энди унинг вазифасини ўзим бажаришга тўғри келади.

Йигит шундай деб, орқадаги йигитга имо қилди. Йигит қўлқопли қўли билан Солининг ёнида ётган тўппончани олиб, Зоҳидийга тўғрилади. Зоҳидий жон ҳолатда каравотдан ўзини ерга ташлаб, ниқобдорнинг оёқлари остига йиқилди.

– Жон ука, ўргилиб кетай ука, жонимни увол қилманг, нима шартингиз бўлса бажарай. Қанча пул керак бўлса берай... Мана, Афиахонни ҳам олинг, Худо ҳаққи ҳали қўл текизганим йўқ. Лекин эридан ажралгани рост. Боши очиқ. Олинг, сизга бағишладим. Афифажон, айтинг, жон қизим. Ўлдирмасин, айти-и-и-нг!

– Ўле, бу кунингдан, номард, жон керак бўлса остингдаги хотинингни ҳам аяб ўтирумайсан! – деди тўппонча ўқталиб турган иккинчи ниқобдор. Биринчи ниқобдор унга койигандек қараб қўйди. «Жим», деган маънода ишора қилди. Зоҳидийнинг жон талвасасида, ўйлаб-нетиб ўтирумай айтган сўнги гапи уни қизнқтириб қолганди.

– Хўп, майли, демак, агар ўлдирмай, жонингизни сақлаб қолсак, бизга Афиахонни туҳфа қилар экансиз-да? Яна-чи?

— Яна... Яна пул бераман истаганингизча. Бирон чет давлатта кетиб, маза қилиб яшайсизлар... Менинг хорижда банкларда пулларим бор... Чек ёзиб бераман. Бориб, бемалол олиб, ишлайверасизлар...

— Майли, — деди Ниқобдор. — Қани ёзинг чекни! Қанча бермоқчисиз ўзи?

— Қанча десангиз...

— Мен айримларга ўхшаб бировнинг пулини тортиб олишга ўрганмаганман. Қани, ўзингиз ҳиммат қилиб, бир нарса ёзинг-чи...

— Мен ҳозир, — деди Зоҳидий ўрнидан туриб эгнига чиройли халатни кийди. Сўнгра каравотнинг оёқ томонидаги кийим илгич шкаф ёнига бориб, ундан костюмини олди. Костюмнинг қўйин чўнтағидан чек дафтарчасини, ручка ва кўзойнак олди. Қўли қалтираб, кўзойнакни тақди. Кейин чек дафтарчасини тунчироқ ёнидаги тумбочкага қўйиб, варақлади. Керакли варақни топиб, бешта рақамли сон ёзди. Имзо чекди. Йигитга узатди. Йигит чек варақасини чироқ ёругига тутиб кўрди. Рақамни кўриб қониқди, шекилли, чўнтағига солди. Кейин Афифага қараб, сўради:

— Хўш, Афифаҳон, нима қилдик, биз билан кетасизми?

Афифа ҳамон йиглаб ўтиради. Жавоб бермади.

— Ҳар қандай ҳолатда ҳам энди бу уйда қолишингиз мумкин эмас. Ё қамаласиз, ёки Солининг одамлари барибир соғ қўйишмайди. Дарвоҷе, жаноб Зоҳидий, бу гап сизга ҳам тегнишли. Сизни Солига «заказ» қилганлар кимлигини биласизми?

— Ҳозир, шу топда тахмин қилиб, тушунгандай бўлиб турибман, — деди Зоҳидий.

— Тушунган бўлсангиз, чорангизни кўрарсиз. Ҳозир эса кийиниб, тезроқ бу ердан чиқиб кетинг. Лекин билиб қўйинг, бир мардлик қилдик. Сиз ҳам мардлик қилтинг. Бизларни қидириб, суринтириб юрманг. Сиз бизни, биз сизни кўрганимиз йўқ. Давай, жўнанг, тезроқ.

Зоҳидий шиддат билан кийина бошлади. Ниқобдор йигит энди Афифага юзланди.

Сиз ҳам Афифаҳон, туринг, кийининг. Ҳозир иккιланиб, йигисифи қилиб ўтирадиган пайт эмас. Бизлар чиқиб турдикамиз. Беш минутдан сўнг сизни ҳовлида кутамиз...

Афифа беш дақиқага ҳам қолмай кийиниб чиқди. Бу пайт Зоҳидий ҳовлидан чиқиб кетганди. Ниқобдор Афифани олиб кўчага чиқди. Шериги ичкарида қолди.

— Юраверинг, — деди йигит Афиғага кўча адогини қўли билан кўрсатиб. — Муюлишда «Жигули» машинаси турибди. Ўшанинг ёнига бориб кутиб туринг.

Афиға юриб кетди. Муюлишга етиб, машина ёнида кутиб турди. Ўн дақиқалар ўтгач, ниқобдор йигит етиб келди. Машинани очиб, Афиғани орқа ўриндиққа ўтказди. Сўнгра ўзи рулга ўтириб, машинани юргизди. Афиғанинг миясидан «Шеригини ҳам ўлдириб келдими?» деган гумон ўтди. Ниқобдор йигит унинг фикрини ўқигандек, изоҳ берди:

— Шеригим изларни йўқотиб, орқадан етиб боради. Дарвоҷе, бу муҳташам кошонанинг баҳридан ўтишга тўғри келади энди. Ҳафа бўлмайсиз-да, — деди. Афиға унинг нима демоқчи бўлганини тушунмади. Унинг хаёли энди мутлақо бошқа фикр билан банд эди. Бироз юриб, катта йўлга чиққанларидан сўнг сўради:

— Мени қаерга олиб кетмоқчисиз? Кимлигингизни ҳам билмайман...

— Ҳа-я, дарвоҷе, — деди йигит ва машина ичидаги чироқни ёқиб, юзидағи ниқобни олиб, орқага ўтирилди. — Энди билдингизми кимлигимни?

— Вой, — деб юборди Афиға ҳайрат билан. — Сиз... ўшами?

— Ҳа, — деди йигит. — Эсингиздами, «Сиз билан барибир бирга бўлишимиз керак», дегандим.

— Эсладим, — деди Афиға чуқур хўрсиниб. Бу хўрсиниқда қандай маъно борлигини Абди англай олмади...

Тонг саҳарда Абди, Афиға ва Тўлқин биргаликда чегаранинг дарёга туташ қисмини кесиб, қайиқда қўшни давлатга ўтиб кетишиди. Худди ўша куни кундуз соат 14.00 да Тошкент-Лондон йўналиши бўйлаб учувчи самолётга соқол-мўйловли, кўзига кўзойнак таққан эллик ёшлардаги бир одам ўтирди. Бу одам — Абдуҳалим Зоҳидий эди.

Субут Сокин ўзининг нисбатан қисқа, лекин анчайин галвали мухбирлик фаолияти давомида «Журналист текширув»ларини кўп ўтказган. Маълумот ва ахборотларни кимдан, қандай қилиб олиш, қай йўсинда таҳлил этиш, қанақа хulosса чиқаришининг ҳадисини эгаллаган. Шу боис шифохонадан чиқаётганида Арслон Ҳакимовнинг «Суриштирув билан шуғулланиб, бекорга вақт

үтказманг, бу ёгини бизга қўйиб беринг», деган маслаҳатига амал қилиб, жа-а, унчалик боши билан шўнғимаган бўлса-да, йўл-йўла-кай анча-мунча нарсаларни аниқлашга улгурди. Абди Самадов, Соли Мамарасулов, Зоҳидий ва ниҳоят ўзининг «эски қадрдони» Даврбек Муқимхонов катта бир жиноятлар силсиласининг бўғин-лари эканига тўла ишонч ҳосил қилди. У милиция, прокуратура терговчиларидан фарқли ўлароқ ҳеч кимни сўроққа тутмас, бал-ки аксинча, бирон нарса ҳақида маълумот олмоқчи бўлган одам-мига ўзи қизиқарли ҳикоя сўзлар, шунинг баробарида ўша одам-нинг қулфи дили очилиб, Субутга керакли гапларни айтиб қўйга-нини сезмай қоларди.

Табиатан пишиқ-пухта, кавказликларга хос ўжар феълли Қора Қораев бошда у билан гаплашишни умуман истамаганди. Субут унга Абдини роса мақтади: – Мен у ҳақда деярли ҳамма нарсани биламан. Бундай жасур, шерюрак йигитлар ҳаётда кам учрайди, – деди у. – Адолат ва ҳақиқат учун ўз жонини гаровга қўйиб, бутун бир мафия гуруҳига қарши курашга бел боғлаган экан. Мен у ҳақда бир ҳаққоий асар ёзишни режалаشتirdim. Мақсадим – уни ҳимоя қилиш. Токи, милиция ва прокуратурада-гилар ҳам бошқа барча оддий одамлар ҳам унинг кураши моҳи-ягини тушунсин. Унинг билиб-бilmай қилган гуноҳларини кечи-ришга ўзида журъат-жасорат топа олсин...

Шу чоққача жим, хўмрайиб ўтирган қариянинг чеҳрасида хайриҳоҳлик аломати зоҳир бўлди.

– Уни мажбур этишган, – деди беихтиёр. – Уни хўрлашган, таҳқирлашган, жонига қасд қилишган. Агар унинг ўрнида... Сизу мен бўлганда ҳам шундай қилишдан ўзга чора топа олмаган бўлардик.

– Тўғри, – деди Субут. – Ҳаёт синовлари баъзида табнатан юмшоқ, кўнгилчан одамни ваҳшийлаштириб юборади. Баъзида сени ўлдирмасликлари учун сен ўлдиришининг тўғри келади. Аниқроқ айтадиган бўлсам: ё ўлдиришинг, ё ўлишинг керак. Қайси бирини танлашни эса лаҳзалар мобайнинда ҳал этиш ло-зим. Бундай пайтда ҳар ким ҳам энг тўғри, энг мақбул йўлни танлашга улгурмайди... Айтинг-чи, Абди суратни яхши оларми-ди? Унда янгишмасам туғма қобилият бўлган.

– О-о! У – талант! – деди завқ билан Қораев. – Мен унақа зеҳни ўтиришни кишиларни кам учратганман. Очифини айтадиган бўлсам, у мен ўн йиллар давомида ўрганган нарсаларни бир-

икки кунда ўрганиб олган. Ракурс танлаш, образ яратища унга тенг келадиган одам йўқ. У – тугма мастер!

Қораев Абдини анча мақтади. Гап орасида унинг мерганлигини ҳам тилга олди.

– Кўзиям ўткир-да! Бир ўқ билан чумчуқнинг қулоғига сирға тақиб қўяди.

– У армияда снайпер бўлган, шекили? – деб сўради Субут.

– ДҲБда хизмат қилган. Десантчи ҳужумкор бригадада. У бўлинмада хизмат қилганлар отишни ҳам, найза санчиш, пичоқ уриш, хуллас, ҳарбий-жанговар санъатни пухта эгаллаган бўлади. Лекин Абди мутлақ унақа шафқатсиз эмас. У гоҳо қизишарди-ю, кейин кечириб юбораверади.

– Кучли одамлар кечиримли бўлишади, – деди Субут.

– Кучли бўлгани билан бўлар-бўлмасга таваккал ҳам қила-вермайди у, – деди Қораев. – У жуда эҳтиёткор, етти ўлчаб, бир кесадиган йигит. Шунинг учун... унинг одам ўлдирганига ишониши қийин. Масалан, мен, очиги, ишонмайман.

– Мен ҳам, – деди Субут. – Уни... чув туширишмоқчи, яъни бирорвнинг жиноятини унинг бўйнига қўйишмоқчи бўлишаёт-гандир, эҳтимол...

– Ҳа, худди шундай бўлиши керак.

– Ана шуни исботлаш учун эса мен Абди ҳақида иложи бори-ча янада кўпроқ нарса билишим, ҳатто имкон бўлса, у билан учрашиб, гаплашишим керак.

– Бунисига, мен ёрдам беролмайман. У менга ҳеч нарса демаган. Фақат бир куни анча олдин: «Амаки, агар мабодо зарурат туғилиб, мен анча муддат узоқ жойларга кетиб қолсан, ёки қамалсан, онам-нинг қабридан хабар олиб туринг, ҳайит чоғлари», деганди.

– Ҳар қалай мабодо телефон қилиб қолса, менинг гапларими-ни айтиш ёдингиздан чиқмасин, – деди Субут. Кейин қўнимча қилди: – Дарвоқе, у менга яқинда қўнғироқ қилганди...

– Унда шу гапларни нега ўзингиз айтмадингиз? Ишқилиб, соғомон эканми?

– Биз жуда қисқа гаплашдик. У менга бир одамнинг қарз га-пини етказди, холос. Афтидан, улар узоқда. Лекин яна телефон қилиши мумкин.

– Қисла... айтаман, дўстим, албатта, айтаман. Аммо-лекин сиз чиндан ҳам ҳақиқатнинг тагига етиб, уни оқлаб берсангиз, бир умрлик савобга қолардингиз...

– Ҳозирча бунга ваъда беролмайман-у, лекин ҳаракат қила-ман, – деди Субут.

Уларнинг суҳбати анчагача чўзилди. Суҳбат орасида Субут Абди туширган кўплаб суратларни, шу жумладан унинг ўзи акс этган расмларни кўздан кечирди. Улар воситасида Абдининг ички дунёсини, салгина бўлса-да, англашга уринди...

Шу тариқа Субут Қораевдан Абдининг пичоқланиши билан боғлиқ айрим тафсилотларни билиб олди. Фотоаппаратнинг йўқолиши ва топилиши воқеасида қатнашган олиб-сотар йигит билан учрашув эса янада кўп нарсага ойдинлик киритди. Субут уни эски-туски бозоридан қийналмай топди. Абдининг Тўлқин Насфосов билан қандай танишганини, Тўлқин «Гаштак»да, Солининг қўлида ишлаганини билиб олгач, деярли ҳаммасини тушуниди. Энди у Абди ва Соли Мамарасулов ўртасидаги зиддият ҳамда бу зиддиятнинг ечими хусусида етарлича тасаввурга эга эди. Сўнгти савол: Мамарасулов Зоҳидийни ўлдириш учун кимдан буюртма олган? Ана шуни аниқлаш зарур эди. Бу эса осон эмасди. Буни аниқлаш учун фақат интуиция, ёки унча-мунча одамлар билан суҳбат ва ҳатто Арслон Ҳакимовдан олган маълумотлар ҳам кифоя қилмасди. Буни аниқлаш учун қанақадир қалтис таваккал зарур эди.

Субут Саъдиев билан суҳбатдаги «Зоҳидий ўзига-ўзи «сунқасд уюштириши» орқали терговга чап бермоқчи бўлган», деган фавқулодда қизиқ тахминга, негадир ишонмасди. Чунки Зоҳидийни бу даражада нозик ва мураккаб ўйинлар уюштиришга қодир, деб ҳисобламасди.

«Унга тасодиф ёрдам берган, аниқроғи, шундай қилишга мажбур этган», деб ўйларди у. Гарчанд Зоҳидийнинг ҳув бир пайтлар – бундан узоқ йиллар илгари, ўзига бошлиқ бўлган бир савдо амалдорини ўлдириб, сувдан қуруқ чиқиб кетганилиги тўғрисидаги ривоятнамо воқеани эшитиб, «Ҳар қалай, Зоҳидий ҳам, снайпердан кам эмас экан», дея тан олган бўлса-да, унинг бу қадар устамонлик кўрсатишига ишонолмасди. У ҳатто Соли Мамарасулов ҳам аслида Зоҳидийнинг «таъсир доирасидаги» одам бўлганини аниқлагандан сўнг ҳам ишонмади.

«Мамарасулов сингари очкўз ва сотқин кимсалар Зоҳидийни бир чақага сотиб юборишга қодир, деб ўйлади у. Бинобарин, кимдир катта пул эвазига «буюртма» берган. Абди Самадов эса...

Тұлқин Нафасов ёрдамида ва балким Зоқидийнинг топшириғи-  
га биноан уни жинаят устида гүмден қылған...»

Саъдисев билан ўтказылған ошкора мuloқot чоғида у Мұқим-  
хоновнинг ҳам ушбу воқеада иштироки борлигига ишонч ҳосил  
қылғанди. Бирок, негадир диққат-эътиборини Даврбекка қара-  
тишга асло шошилмас ва буни ўзи ҳам тушунмасди. «Нега энди  
Мұқимхоновга қолғанда, интуиция менға панд бераяпты», деб  
хайрон бўларди.

Чамаси бунинг бир неча сабаблари бор эди. Биринчи сабаб,  
шубҳасиз, «Шахсий ғараз таъсирига берилемаслигим кераю», дега  
мудом ўзига-ўзи уқтиради. Иккинчи сабаб, Мұқимхонов унга  
нуқул яхши муомала қилар, астойдил ёрдам беришга уринар ва  
ёрдам ҳам берарди.

Учинчи сабаб, «Давлат идораларида ишлаб юрган одам ҳар  
ҳолда бу қадар тубанлашиб кетмаса керак», деган содда бир  
ишонч ҳам бор эди күнглида. Бунинг устига ўша қунларда Мұ-  
қимхоновнинг қайинакаси ишдан кетиши, хотини газдан заҳар-  
ланиб ўлиши (Субут ҳам кўплар қатори бунинг баҳтсиз ҳодиса  
эканига чиппа-чин ишонганди), хуллас, иши чаппасига кетиши  
Субутда инсоний бир раҳм-шафқат уйғоттанди.

Сирасини айттанды, Субут аввал бошданоқ Мұқимхоновнинг  
Афиға қисматидаги ўйнаган мудҳиш ролини ҳам у қадар  
бўрттирмас, буни «Ҳал қилувчи ҳолат», деб ҳисобламасди.  
«Ҳамонки, Афиға бузуқ, қўшмачи аёлнинг қўлига тушган экан,  
уни Мұқимхонов бўлмаса, бошқа биттаси қачондир хароб қилар,  
у қўлдан-қўлга ўтиб, ўша ишратхонанинг «маликаларидан» бири  
бўлиб юраверарди, шу боис унинг баҳтсизлигига айнан Мұқим-  
хоновни айблаш адолатдан эмас», деб ҳисобларди. У Афиға-  
нинг баҳтсизлигига бош айбдор Шаҳина хоним, деб билар ва  
«Бунинг учун у, албатта, дўзах ўтида куйиши керак», деб ҳисоб-  
ларди.

Субутнинг Мұқимхоновни ўзича «аяб» юришига Арслон узил-  
кесил чек қўйди.

– Бу одамнинг «фаолияти» алоҳида «Иш» сифатида кўрила-  
япти. Бу «фаолият» шу қадар «Серқирра ва сермаҳсулки», ҳушиңг  
бошингдан учади...

Шунда Субут биринчи марта беихтиёр «Зоқидийнинг «буюорт-  
мачиси» ё Мұқимхоновнинг ўзи ёки... у биладиган одамлардан  
бири», деб ўйлади. Ана шу таҳмин таъсирида айрим нарсаларни

аниқлашга, суроширишга киришди. Орадан кўп ўтмай уни бош муҳаррир ҳузурига чақирди.

– Субугали, ука, мен сизни яхшиликни билмайдиган, оқибатсиз одам, деб ўйламагандим...

Субут кулиб юборди.

– Буни сизга Муқимхонов айтдими? – деб сўради. Бош муҳаррир қўлларини ёзди.

– Ким айтгани муҳим эмас ҳозир. Муҳими шуки, бекорчи ишлар, таги пуч миш-мишлар билан эмас, жиҳдий мавзулар, долзарб масалалар билан шуғулланиш лозим. Бизнинг, газетанинг бош мақсади – шахсни қоралаш эмас, уни оқлаш, ҳимоя қилиш. Бу ҳақда сиз билан гаплашганмиз-ку...

– Менинг мақсадим ҳам шу, – деди Субут кулимсираб. – Мен Муқимхонов ҳақидаги боя сиз айтган миш-мишларга чек қўймоқчиман. У кишини ҳимоя қилмоқчиман.

– Муқимхонов сизнинг ҳимоянгизга муҳтож эмас, ука, илтимос, қўйинг, шу-у масала билан шуғулланманг.

– Агар бу шунчаки илтимос бўлса, мен уни бажаролмайман. Агар расмий талаб бўлса ҳозироқ ариза ёзиб, ишдан бўшашига тайёрман. Чунки «Майли, шуғулланмайман», деб сизни алдамоқчи эмасман. Бу шунаقا қизиқ мавзуки, ўзини журналист, деб ҳисоблаган одам учун унга қизиқмаслик, ўрганмаслик умрбод кечирилмас гуноҳ бўлар эди.

– Қизиқ... Тўғри, қизиқ. Лекин хавфли ҳам. Буниям биларсиз?

– Биламан.

– Қўрқмайсизми?

– Қўрқиб-қўрқиб, шу ергача келдим-ку.

– Унда... билганингизни қилинг. Лекин бизнинг таҳририят номидан эмас...

Субут ўша заҳоти «Ўз ихтиёри билан бўшашиб ҳақида ариза» берди. Таҳририятдан чиқар экан: «Ана энди тўласинча «озод ва инод» яшайман, Фаризаҳоним раҳбарлиги остида», деди ўзига-үзи маъюс жилмайиб. Шу топда уни кўргиси келди. Гарчанд биринчи ва охирги висолдан сўнг у «Энди яқинлашмайман», дея қарор қилган бўлса-да, кўргиси, суҳбатлашгиси келди. Умуман Субут бу аёлни эслаган заҳоти у билан кўришишга ички бир эҳтиёж ҳис этарди. Йўқ, бу жинс майли эмасди. Шунчаки, Субут унинг олдида ўзини эркин ва енгил ҳис этарди. Бунга сабаб – Фариза бойвучча бўлишига қарамасдан қанақадир оддий

ва шаффоф эди. У Афиға сингари оғир ва оғриқли ички бир юк залворидан қийналмас, содда, ҳатто бир қадар жүн күрінар, гарчанд бизнес соҳасида анчайин мұраккаб, қийин режалар ташвишида юрса-да, асли бу режалар ҳам аниқ, шу боис оддий күринарди. «Тұқис ва бегам ҳәёт кечиргани учун шунақа бўлса керак, деб ўйлади Субут. Ҳолбуки, пул, молу давлат йиғишини касб қилғанлар ҳәёти ҳам одатда машаққатли бўлади. Фариза эса пул топиш ҳақида эмас, уни сарфлаш ҳақида ўйлади. Бу эса баъзилар айтгани сингари қийин мұаммо эмас. Бу – завқли, ҳузурбахш машғулот...»

Қўнгироқ қилди. «Мен энди озодман. Энди ноширлик ишларини бошлишимиз мумкин», деб айтди Фаризага. «Ундей бўлса, ҳужжатларни тайёрлашга киришайлик», деди Фариза. «Аввал бир кўришиб, маслаҳатлашиб олайлик». «Яна қанча маслаҳатлашиш мумкин?» деб сўради Фариза кулиб. «Канча кўп маслаҳатлашсак шунча яхши». «Бўлмаса, келинг». «Йўқ, сиз келинг». «Қаерга?» «Менинг муҳташам ижараҳонамга...»

Субут бу таклифи билан «Қани, Фариза менинг туриш-турмушнимни кўрсинг-чи, қанақа ҳолатга тушаркин? У чиндан ҳам мен ўйлаганчалик оддийми?» деган саволга жавоб топмоқчи эди. Фариза келди ва унинг фақирона ҳәётидан ҳайраттга тушмади. Камтарона кулбада бесалик вазифасини бажаришга киришиб, чой кўйди, енгил нонушта тайёрлади.

Кейин улар иш ҳақида, «Қора қаср»нинг таъмири ҳақида суҳбатлашиши.

– Бино сиртидаги қора мармарни кўчириб олдиритириб, оқиши рангли сувоқ қилдирганингиз яхши бўлиби, – деди Фариза кулиб. – Энди «Қора қаср» эмас, «Оқ қаср», деб аташ мумкин.

– «Оқ қаср» эмас, «Оқ уй», – деди Субут. – Кўриниши ҳам, ичи ҳам оддийроқ бўлди. Сизнинг маслаҳатингиз билан. Аммо...

Субут «Бу ҳовлининг қонуний эгаси Афиға-ку, мабодо у қайтиб келиб, даъво қилса нима бўлади?» деган гапни айтишдан ўзинн зўрга тийнб қолди. «Энди у қайтиб келмайди. Келганда ҳам уй талашиб, мен билан талашиб, судлашиб юрмаса керак. Янаям ким билади. Зоҳидийлар, Шаҳина хонимлар уни шунга кўндиришлари мумкин эмасми? Бу замон – мулк замони бўлса... Майли, агар қайтиб келса-ю, «Ҳовлимни бўшатиб беринг», деса Субут бўшатиб, тўннни елкасига ташлаб чиқиб кетаверади...

– Нашриёт учун ҳам мұйъжазроқ бир бино ахтаришимиз ке-  
рак, – деди Фариза. – Ҳужжатларни тайёрлашга қачон кири-  
шасиз.

– Ҳозироқ, – деди Субут. – Айрим ҳужжатларнинг намунала-  
рини олиб келиб қўйганман. Бирга кўриб чиқиб, маъқулласак,  
номини келишсак, эрта-индин тайёрлаб, рўйхатдан ўтишга топ-  
ширамиз.

– Мен бир ном ўйлаганман, – деди Фариза.

– Қанақа айтинг-чи?

– «Суфар».

– Яхши ном, – деди Субут. – Лекин унчалик тушунарли эмас.  
Худди «Фуар», дегандек. Дарвоҷе, ўша номни ҳам сиз қўйган-  
мидингиз.

– Ҳа, лекин у фирмада беркилиб кетди-ку...

– Майли, гап унда эмас. Шунчаки ном қулоққа ёқадиган, ту-  
шунарли бўлиши керак. Айтайлик «Садаф». Бу номни «Саъдие-  
ва Фариза», ёки «Субут, адабиёт, Фариза», деган маънода ҳам  
ёхуд оддийгина Садаф, яъни оппоқ, ноёб денгиз тоши, деб тушу-  
ниш мумкин.

– Яхши ўйлабсиз, мен розиман, – деди Фариза завқланиб.  
Кейин қўшиб қўйди:

– Зўрсиз-да!

Бу мағтов Субутни қанчалик илҳомлантириб, қонини жўштири-  
масин, ўзини тутишга куч топди. Гапни бир жойга қўйишгач,  
хонимни кузатди.

Эртасига эрталаб у даставвал прокуратурага, Арслоннинг  
ҳузурига йўл олди. «Тўплаган маълумотларимни ҳаммасини ай-  
тиб, Муқимхонов билан боғлиқ жиҳатларини аниқлашни унга  
ҳавола этаман», дея аҳд қилди. Туни билан чуқур, атрофлича  
ўйлаб: «Муқимхоновнинг изидан юриш менга тўғри келмайди,  
чунки буни ҳеч ким, ҳеч қачон тўғри тушунмайди», деган қарор-  
га келганди.

Арслоннинг эшиги ёнида кутиб турган маъюс Муқимхоновга  
дуч келгач, тўғри қарорга келганини англади. «Каллам ишлаб-  
ди, энди бу одам пачакилашиб юришга арзимайди...»

Арслон Ҳакимов эса бу пайт прокурор ҳузурида йиғилишда эди. Арслон Сурия исмли аёлни ҳибсга олишдан бошланган жиноят иши бўйича амалга оширилаётган тергов ҳаракатлари ҳақида муфассал ҳисобот берди.

– Қайта ўтказилган текширишлар натижасида Сайхондаги Афифа Зокировага тегишли дала-ҳовлидан топилган жасадлар шаҳардаги «Гаштак» тамаддихонаси соҳиби Соли Мамарасуловга ва унинг қўлида ишлаган «Тайсон» лақабли Норберди Янгибоевга тегишли бўлиб чиқди. Улар иккаласи ўша куни дала-ҳовлида бўлган Абдуҳалим Зоҳидий ва Афифа Зокировани та-лаш ва тахминимизча, ўлдириш учун тунги соат бирлар атрофида келишган. Асли улар уч киши бўлишган. Яна бири – Мамара-сувоннинг қўл остида ишловчи Тўлқин Нафасов машинада қолган. Бироздан сўнг Нафасовнинг ёнига фотомухбир бўлиб ишловчи Абди Самадов келади. Улар олдиндан Соли Мамарасуловнинг ниятидан хабардор бўлишган ва унинг ўзини ўлдириши-ни режалаштиришган. Шу таҳлит улар Мамарасулов ва «Тай-сон»нинг ортидан киришиб, уларни отиб ўлдиришган. Сўнгра Аифани ўзлари билан бирга олиб, чегарадан ўтиб кетишган. Фалатиси шундаки, ўша куни Зоҳидий ҳам хорижга жўнаб кет-ган. Ҳозир ҳар учаласига нисбатан ҳалқаро қидирув зълон қилин-ган... Зоҳидий ҳамда Мамарасуловнинг қўл остида ишловчи ки-шилардан аксарияти терговга тортилган... Энди мени ушбу жиноят ишини тергов қилишдан озод этиб, уни олиб боришни бош-қа кишига топширишингизни сўрайман.

Сабаби – Мамарасулов билан қариндошлиқ алоқамиз бор. У – синглимнинг эри эди. Абди Самадов эса мактабда бирга ўқиган дўстим...

– Иҳм-м, – деди прокурор қошини чимириб, – баъзан шунақа-си ҳам учраб туради. Ашаддий жиноятчи, рекетчи, ёлланма қотиул ёнгинангда юради. Қариндошингга уйланади-ю, сен ҳеч нарсани сезмай юраверасан. Уят, Ҳакимов! Шармандалик – бу! Бунақа «обрў» билан прокуратурада бир дақиқа ишлаш мумкин эмас...

– Мен ҳозироқ ариза ёзишга тайёрман, – деди Арслон.

– Шошманг, ҳовлиқманг. Ҳаммасига ойдинлик киритилсин-чи. Кейин бир гап бўлар.

– Ўтирсам бўладими? – деб сўради Арслон.

– Ҳа... Айтганча... Сиз жуда зийрак терговчи эдингиз-ку. Надотки, Мамарасулов күевингиз, Самадов эса дўстингиз экан, уларнинг орасидаги хусуматдан хабарингиз бўлмаганми?

– Фақат бир масала бўйича сал-пал хабардор эдим. Лекин жиддий аҳамият бермаганман. Самадов ҳам илгарироқ синглимга уйланмоқчи бўлган. Синглим унинг таклифини рад этгач, ишлагани Россияга кетувди. Ўзи яқинда келган. Синглимнинг Мамарасуловга текканини ҳам яқинда мендан эшигтан ва бунга айтарли кучли аҳамият бермаганди. Шу боис улар орасидаги хусуматнинг сабаби бу эмас, деб ўйлайман. Биз ҳаммамиз асли бир туманданмиз. Фақат Мамарасулов бошқа мактабда ўқиган. Ёшлик йишиларимизда мен уни яқиндан билмаганман. Эҳтимол, Самадов билан аввалдан келишмовчилиги бўлгандир. Ёки кейинроқ... Чунки Мамарасулов кооператив очиб, бизнес билан шугулана бошлагач, анча одамдан қарз олиб, бермай юрганини билардим. Кейин теварагида нотайин одамлар йигилганди. Мен синглимнинг унга тегишига ҳам қарши бўлганман. Бироқ синглим шунга тегаман, деб туриб олган, нима қила олардим. Кейин ҳам у билан айтарли борди-келди қилмаганмиз. Дарвоҷе, тергов чогида анча илгари бўлган, очилмай қолган бир жиноятта ойдинлик кирмоқда. Қоровул ўлдирилиб, қишлоқ дўкони ўмариб кетилганди. Қоровул – Абди Самадовнинг отаси бўлган. «Гаштак»нинг қамоққа олинган ходимларидан бирининг айтишига қараганда, ўша жиноят ҳам Мамарасулов томонидан уюштирилган. Лекин Самадов буни билганми-йўқми, ҳали бир нарса дейиш қийин. Ундан ташқарн, мен Самадов Мамарасулов ва шеригини... Зоҳидийнинг буйруғи билан ўлдирган бўлиши мумкин, деган тахминни ҳам истисно этмайман. Хуллас, ҳаммаси улар қўлга олингандан сўнг аниқ бўлади...

– Бўпти, – деди прокурор. – Ишни бошқа терговчига – Тенглашевга топшираман. Сиз эса унга заруратга қараб, ёрдам бериб турасиз. Энди ўтиринг!

– Хўп бўлади, – деди Арслон.

У жойига ўтиргач, анча ўйланди. Солининг Зарифага уйланиши билан боғлиқ яна бир тахминни айтмай тўғри қилдимми-йўқми, дея иккиласинди. Холбуки, Сурия ва Солининг расмини кўрсатиб, унинг «халоскори» айнан Соли эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Зарифа қандай қилиб, ўшанга тегишга рози бўлганини тушунган, гарчанд Зарифа бу ҳақдаги саволига аниқ жа-

воб бермаган эса-да, масаланинг моҳиятини равшан тушунган эди. Бу шубҳа тахминини яна ҳам аниқроқ қилиш мақсадида Зарифанинг Солига текканини Абдига айтиб, бу гап унга қандай таъсир қилишини кузатди. «Абди бирон гапни билармикан?» деб ўйлади. Абди ҳеч нарсани сездирмади. Шунга қарамасдан, Арслон Абдининг Солидан қасос олиш учун етарли асослари бўлгану, бир ўзи унга қарши ҳеч нарса қила олмаслигини тушунгач, Зоҳидий билан алоқага чиқиб, Солини унинг одамлари ёрдамида ўлдирган, деган хulosага келганди. Солининг тўдасидаги Тўлқин Нафасов ҳам аслида Зоҳидийнинг одами бўлган ва Солининг ниятини Зоҳидийга олиндан етказган, деган тахминга ҳам келганди.

Дарвоқе, «Соли кимнинг буюртмасини бажармоқчи эди?» деган энг муҳим савол ҳали очиқ турибди. Прокурор бу ҳақда сўра-мади. Фақат янги тайинланган терговчига:

– Зоҳидийнинг қидирувини кучайтириш керак, – деди, сўнгра яна Арслонни турғазиб:

– Муқимхоновни яна сўроқ қилдингизми? – деб сўради.

– Бутунга чақиргандим, – деди Арслон.

– Яхши. Тенглашев билан бирга сўроқ қилинглар. Лекин у одамни ҳозирча фақат гувоҳ тариқасида чақираётганимиз эсинглардан чиқмасин. Тушунарлимн?

– Тушунарли...

Ҳакимов хонаси ёнига келиб, Субут ва Муқимхонов билан кўришди. Субутга:

– Сиз шу ерда кутиб туринг, – деб, Муқимхоновни Тенглашевнинг хонасига бошлаб кетди. Тезда қайтиб келиб, Субутни хонасига таклиф этди. Суҳбат қисқа бўлди. Арслон Субут айтган гапларнинг анчасидан ҳабардор экан. Билмаганларини ёзиб олди. Раҳмат айтди. «Мен сўроқда қатнашишим керак», деб кетишга чоғланди.

– Мен энди бу масала билан шуғулланишни тўхтатмоқчи-ман, – деди Субут ўрнидан турар экан. – Лекин... Абди Самадов топилса, қайтиб келса, уни ҳимоя қилишга зарурат туғилса, яна қайта бошдан шуғулланишга тайёрман.

– Раҳмат, – деди Арслон. – Ўзим ҳам имкон қадар унга нисбатанadolатли тергов ўтказилишига ҳаракат қиласман. Кучим етмаса, ёрдам керак бўлса, сизга айтаман. Лекин унинг топилиши ва қайтиб келишига кўзим етмай турибди.

- Нега?
- Биз воқеадаги энг асосий нүқта – Зоҳидийнинг «буортмачи-си» ҳақида ҳали ҳеч нарса билмаймиз.
- Менимча, бунинг калити Муқимхоновда, – деди Субут.
- Ўзим ҳам шундай фикрдаман. Бироқ Муқимхоновдан буни сўраб, аниқлаш қишин.
- Ҳар ҳолда ҳаракат қилиб кўрасизлар, – деди Субут ва ҳаёлида «Қачондир бу ишга яна қайтишимга тўғри келади, шекили?!» деб ўйлади. Арслонга индамади. Ичига, ҳаёлида ўзига ўзи айтди: «Бас, энди бу галваларни йигиштириб, фойдали машгу́лот билан шуғулланишим керак».
- Мен сизни бошқа безовта қилмайман, – деди Арслон. – Бугунги йигилиш чоғида мен терговдан четлаштирилдим. Сабабини англаб тургандирсиз. Хуллас, Афифа ҳақида сизни мабодо гувоҳ тариқасида чақиришса-ю, мен бўлмасам, «Ҳакимовга ҳаммаси-ни ёзib берганман», деб айтаверинг. Мен делога тикканман.
- Ҳали мени яна тергов қилишадими? – деб сўради Субут энсаси қотиб.
- Йўқ-йўқ. Шунчаки, янги терговчи айрим нарсаларга аниқлик киритиш учун суҳбатга чақириши мумкин, холос...
- Майли. Чакирса келаверамиз, – деди Субут. Миясида: «Бу иш охирига етмагунча қутулиб бўпсан», деган надоматли фикр айланди.

## 19

Муқимхонов осонликча жон берадиганлар хилидан эмасди. У сўроқ чоғи ўзини ўта сокин, хотиржам ва ишонч билан тутди. Зоҳидий ҳақида билғанларининг ҳаммасини яширмай айтди. Ҳатто «У билан дўстона муносабатда бўлганман, бир неча марта учрашиб, зиёфатини еганман, бироқ ножӯя ишларидан мутлақо бехабар эдим», деди. Үнга қилган ёрдамларини ҳам гапирди. «Қонун доирасида, албаттга», деди. Табиийки, «Олди-берди, совға-салом»лар ҳақида лом-мим демади.

– Мабодо, у бузилган контрабанда, гиёҳванд моддалар савдосига аралашган бўлса, бу кейинроқ юз берган, – деди у. – Дастлабки пайтларда унинг фирмаси катта миқдордаги экспорт ва импорт билан шуғулланар, ҳаммаси қонун доирасида эди. Менинг ўзим бир неча марта ҳужжатларига қўл қўйиб берганман. Текшириб кўрган бўлсаларингиз керак.

– Текширдик, текширятмиз, – деди Тенглашев. – Сизнинг рух-сатларингиз ҳам ҳаммаси қонуний. Бизни аввало у билан ишдан ташқари муносабатларингиз қизиқтириди.

– Шахсий муносабатларми? – деди кулимсираб Мұқимхонов.  
– Шахсий муносабатни айтдим: икки-уч марта суҳбат ва зиёфат-дан нарига ўтмаган.

– Сайхондаги дала-ҳовли Афифа Зокировага Зоҳидий томонидан «ҳада» этилганми? «Шаҳина хоним» лақаби билан машҳур Шаҳар Аҳадова исмли аёлнинг айтишича, Зоҳидий дала-ҳовлини аслида сизга совға қилган. Сиз эса Зокированинг номига расмийлаштиргансиз.

– Бекор гап. Қип-қизил туҳмат. Агар мен... Агар менда шунақа имкон туғилған бўлса, нега энди етти ёт бегона, эрлик бир аёлнинг номига расмийлаштирас эканман?

– Зокирова билан аввалдан таниш бўлганингизни инкор эта-сизми? Бу ҳақда Шаҳар Аҳадованинг ёзма кўрсатмаси бор.

– Тўғри, таниш бўлғанман. Лекин ростини айтсан, Зоҳидий ҳам таниш эди у билан... Энди сал эслагандай бўлдим. Бир гал у «Ўша Афиҳаённи ёқтириб қолдим, яқинроқ танишмоқчиман, ўзи қанақа аёл?» деб сўрагандай бўлувди.

– Сиз нима дегандингиз?

– Мен «У оиласи аёл, эри билиб қолса, яхши бўлмаса керак», деганман. Кейин нима бўлганидан хабарим йўқ.

– Демак, сиз Зоҳидий барибир ҳам Аифафа Зокирований ўйдан ургани, унга дала-ҳовлини тұхфа этганини билвосита тасдиқлай-сиз, шундайми?

– Шундай бўлиши мумкин...

Арслон кириб келди. Тенглашев унга «Савол борми?» деган маънода қаради. Арслон тикка турган ҳолида савол берди:

– Зоҳидий охирги пайтлар криминал доиралар билан алоқага киришганлигини билмаганмисиз?

– Мен бу саволга жавоб бердим. Билмаганман.

– Яхши. Уннинг собиқ қайнотангиз Мирмаҳди Саъдиев билан душманлашиб қолганини, ўшанинг оқибатида Саъдиев бизнесини ташлаб, хорижкта жўнаб кетганини ҳам билмаганмисиз?

– Билмаганман: улар илгари яхши муносабатда эди.

– Яхши. Зоҳидийнинг яқин ва узоқ хориждаги шериклари ҳақида билармидингиз? Ахир шу соҳага алоқадор ташкилотда ишлагансиз-ку!

– Бир-икки афон фирмалари билан олди-сотди қилганидан хабарим бор эди. Бироқ бу анча олдин бўлган.

– Энди очигини айтинг. Ўша хорижлик шериклари ёки... уларнинг шу ердаги вакиллари сизга Зоҳидийнинг шериклик шартларини бузастгани, уни тартибга чақириб кўйиш зарурлиги ҳақида мурожаат этганмиди?

– Бундай пайтларда... Судга мурожаат қилинади. Мен... Судда ишламайман-ку...

– Бошқа саволим йўқ, бу иш бўйича, – деди Арслон ва Муқимхоновнинг ғолибона кулимсираб турган чеҳрасига қараб ўзини бу ишга алоқаси бўлмаган бошқа бир саволни беришдан тия олмади.

– Узр, бошқа бир масаладаги бир савол. Бир ой олдин уйингизда юз берган баҳтсиз ҳодиса ҳақида... Уйларингизда хизматкорлик қилган Лайло Маматқосимова билан қачон танишгансиз?

Муқимхоновнинг ранги оқариб кетди. Лекин ўзини тутди.

– У билан шу Манзурахонга уйланганимдаи кейин... У илгаридан хизматкор бўлган.

– Яхши. Уни нимага кетказиб юбордингиз?

– Ўзи хоҳламаялти. Кейин ноқулай. Ёш аёл бўлса...

– Яхши. Ҳозир у қаерда? Манзилини биласизми?

– Қишлоқда, холосиникда яшайди. Манзилиннаниқ билмайман...

– Бўлди, бошқа саволим йўқ, – деди Арслон.

– Сизга рухсат, Даврбек Муқимхонович, – деди Тенглашев.

– Узр-да, агар яна ўта зарур бўлиб қолсангиз, чақирамиз.

– Марҳамат, доим тайёрман, – деди Даврбек хайрлашиб ўрнидан туар экан. Ташибарига чиққанида кузнинг илиқ ҳавоси бўлишига қарамай, эти жунжикди. Бутун вужудини совуқ тер босганди.

## 20

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Куз тугаб, қиши келди. «Садаф» нашриёт уйи ўз фаолиятини бошлади. Нашриёт директорлигига ёш тадбиркор, айни пайтда ўзи ҳам Қутлуғ Қадам тахаллуси билан яхши шеърлар ёзувчи Қутлибой Қадамов тайинланди.

Субут унга «Ижодий ишлар бўйича ўринбосар» этиб тайинланди. «Шундай қилсак, маъқул бўлади», деди у Фаризага. Субутнинг мақсади – сал эркинроқ бўлиб, ижод билан шуғулланиш эди. Фариза рози бўлди.

Күтлүф Қадамнинг қадами чиндан ҳам күтлүф келди. Қисқа фурсатда катта-катта буюртмалар топиб, нашриётнинг ишини юриштириб юборди. Туркум дарслуклар, тарихий китоблар, жаҳон адабиёти намуналари босилди. Ёш изжодкорларнинг «Умид куртаклари» номли бир неча китобдан иборат асарлар тўплами нашр этилди. Кутлубойнинг таклифи билан нашриётнинг ўз босмахонасини очишга киришилди. Банқдан катта миқдорда кредит олинниб, хориждан дасттоҳлар, асбоб-ускуналар келтирилиб, ўрнатишга киришилди.

Субут таъмирни тамомлаб, дала-ҳовлига кўчди. Кўчиш олдидан Фаризахонимга яна бир хархаша қилиб олди: «Юзим чидамаяпти, оғим тортмаяпти», деб. Фариза астойдил хафа бўлгач, тақдирга тан бериб, кўч-кўронини машинага ортди. Кетаётib, ижаҳоноаси соҳибига ҳазиллашибди:

– «Қайтиб келадиган эшигингни қаттиқ ёпма», деганлар. Мабодо, қайтиб келсам, қабул қиласизми?

– Албатта! Шу хона умрбод сизники, – деган жавобни эшишиб сал мулзам бўлди. У ўзича: «Энди қайтиб келмассиз», деган жавобни кутганди. Кулгига олиб, жўнаб кетди.

Аслини олганда, бу иморатда аввалги «Қора қаср»нинг ярмиси ҳам қолмаган. У деярли қайта қурилиб, ихчамгина бинога айланган. Шу боис у анча оддий ва қулай бўлиб қолганди. Ортиқча хоналар олиб ташлангани боис, ҳовли саҳни кенгайган, ичкарида эса худди Фаризанинг ҳовлисидағи сингари биринчи қаватда меҳмонхона ва ошхона. Иккинчи қаватда ётоқхона, ҳаммом ва кутубхона. Жаъми тўртта хона.

Субут кўчиб келганининг эртасига ҳатми Қуръон қилиб, кўни-кўшилларига камтарона дастурхон ёди. Арслон Ҳошимов ҳам келди. Меҳмонлар тарқагач, Субутни чеккага тортиб, қизиқ гап айтди.

– Зоҳидийни топиб келдик. Яқинда суд бошланади. Сиз ҳам гувоҳ сифатида қатнашасиз.

– Абди билан Афифа-чи? – сўради Субут.

– Йўқ. Уларнинг ҳозирча дараги йўқ...

– Зоҳидийни «заказ» қилган одам аниқландими? – деб сўради Субут. – Ё... бу тергов сирими?

– Сир эмас. Ушбу саволга Зоҳидийнинг ўзи ҳам жавоб беролмади. Унинг тахминига кўра, босқин ва қатл режаси Соли Мамарасуловдан чиқсан. Чунки Мамарасолов геронинни Зоҳидийнинг одамларидан кўтара олиб, чакана сотиб юрган. Анча миқдорда қарзи бўлган.

– Мұқимхонов нима бўлди?

– Бу ошнангиз бало экан. Сувдан қуруқ чиқди. Зоҳидий унга таалтуқли бирор-бир кўрсатма бермади. Хотинининг ўлими билан боғлиқ воқеада ҳам унга ҳеч қанақа айб кўйишнинг иложи бўлмади. Қайтага у «жабрдийда» сифатида устимиздан ариза ёзган: «Хотиним ўз ажали билан ўлган эмас, уни ўлдириб, катта миқдордаги пул ва қимматбаҳо буюмлар ўғирлаб кетилган, қотил ва ўғриларни топиш борасида прокуратура ходимлари ҳеч қандай чора кўришмаяпти...» деб.

– Ҳалиги хизматкори нима дейди?

– Хизматкор нима ҳам дерди. У чиндан ҳам воқеа содир бўлган кечаси – қишлоқда, холасиникида бўлган... Холасининг уйи шаҳардан уч юз чақирим нарида. У эрталаб поезд билан кетган. Билети ҳам, уни кўрган одамлар ҳам бор. Алибиси аниқ ва пухта. Хуллас, чиндан ҳам Манзурахоним ё баҳтсиз ҳодиса қурбони бўлган, ёки жонига қасд қилган. Чунки акаси ишдан кеттанидан сўнг унинг дори-дармон савдоси билан шуғулланувчи фирмаси текширила бошлаган. Текширувда катта миқдордаги камомад аниқланган. Бир неча хорижий ҳамкорлардан кўп миқдорда олинган дори-дармонлар пули қайтарилмаган экан. Дарвоқе, қизиги шундаки, Манзурахоннинг фирмаси Зоҳидийдан ҳам анча-мунча қарздор бўлган...

– Демак, унинг ўлими ҳам Соли Мамарасуловникига ўхшаш – тасодифий эмас, – деди Субут. – Ҳатто манбаси, илдизи ҳам бир бўлиши мумкин. Лекин Зоҳидий пухта одам. У терговда ҳамма сирини айтмайди. Ҳеч қачон айтмайди. Сиз хафа бўлманг, бу одам судда ҳам анчайин енгил жазо билан кутилса, ажабланмайман.

Субут кулди. Арслон эса жиддий ўйланиб, унинг гапини тасдиқлади.

– Сиз ҳақ бўлиб чиқишингиз мумкин. Чунки Зоҳидий фирмасининг қамоққа олинган етакчи раҳбарлари ҳамма айбни ўз зиммаларига олишиб, хўжайнларини ҳеч гапдаи хабарсиз қилиб кўрсатишга уриништапти. Ўзи эса парвойи-палак. Қаранг-да, ҳатто унга ўша оқшом Сайхондаги дала-ҳовлида бўлишини ўзидан бошқа фақат бир киши, яъни Муқимхонов билганилиги, бинобарин, босқинчи-қотиллар бу маълумотни ўша одамдан олган бўлишлари мумкинлиги ҳақида шаъма ҳам қилиб кўрдим. Пинагини ҳам бузмади, зангар!

– Ўзи сиз асли терговчи бўлишингиз керак экан, – деди Арслон кулиб. – Ўшанда Шерлок Холмснинг «дедуктив услуби»га ўхшаш «интуитив услуб» яратиб, тарихда қолардингиз.

– Ишонмаяпсиз-а, – деди Субут юзига жиддий тус бериб. – Майли, ишонманг. Лекин мен сизга мана шу воқеага алоқадор яна бир башоратимни айтаман. Бу анча кўнгилсиз, қайгули ба-шорат. Айтгами?

– Айтинг.

– Афифа ҳам тез орада топилади. Фақат мактабдош ўртоғин-гиз Абди топилмайди. Ҳеч қачон. Ўлиги ҳам, тириги ҳам.

– Нега шунақа деб ўйлайсиз? Нимага асосан?

– Ўзингиз айтаётган «интуитив метод» натижаси бу, – деди кулимсираб Субут.

– Башоратингиз мени сира ҳам ажаблантираётгани йўқ, – деди Арслон кутилмаганды. Чунки унда жон бор. Сиз ҳам худди мендек, Абдининг ҳаёт йўли, саргузаштларидан хабардор бўлгач, шундай хулосага келгансиз. Энди мен ҳам сизга ўзим-нинг ҳеч кимга айтмаган бир тахминимни айтаман. Гарчанд биз ҳозирча тополмаган бўлсак-да, Зоҳидийнинг «буюртмачи-си» бор. Соли ҳам, Абди ҳам, унинг буйрганини бажаришган. Абди аслида... Соли Зоҳидий ва Афифани ўлдирганидан сўнг, Соли ва шеригини ўлдириши ва уйга ўт қўйиб кетиши керак бўлган. Фақат бир сабаб туфайли у сал тезроқ ҳаракат қилган. Яъни Зоҳидий ва Афифанинг ўлдирилишига йўл қўймай, Соли билан шеригини отиб, уйга ўт қўйиш билан чекланган. Бу сабаб

– Афифа.

Ундан бўлса... Абди Зоҳидийни нега ўлдирамаган? Бунинг са-баби нима?

– Бунинг сабаби – пул. Катта пул. Зоҳидий ўз жонини жуда катта миқдордаги пул звазига «сотиб олган». Абди Афифани олиб, хорижга қочишни мўлжаллагани боис, бу «савдо»га рози бўлган...

– Сиз мендан ҳам зўр экансиз, – деди Субут. – Тан бердим. Терговчи барибир терговчи-да! Хўш, энди ўша ўзингиз айтаёт-ган «Асосий буюртмачи»ни қачон топасиз?

– Насиб этса, топамиз, – деди Арслон ишонч билан. – Энди сизнинг бояги башоратингиз ҳақида. У башорат тўғри. Лекин сиз ўйлаганчалик қайгули эмас. Балки ундан ҳам баттарроқ. Ме-нимча, Абдига қўшиб Афифани ҳам аллақачон йўқ қилишган...

– Йүк-йүк. Афида ўлмайди. У тирик. У қайтиб келади, – деди Субут.

– Илойим, шундай бўлсин...

Субут Арслонни кузатиб, уйга қайтиб киргач, ҳозиргина бўлган қисқа, айни пайтда жуда ҳам фаройиб суҳбат таъсиридан қутилолмай, ҳаяжонга тушиб ўтириди. Ўзининг салкам бир йилдан бери ўтказган суришируви, машаққатли изланишлари охир-оқибат мана шунақа: тахмин, фараз ва омонат умид билан ниҳояланәтгани унга салгина алам қилаётганди. Арслонга, унинг совуқонлик билан билдирган мулоҳазаларига яна бир карра тан бериб, қойил қолиб ўтирап, «Сенинг «интуитив» услугабингни икки оғиз гап билан чин-парчин қилиб ташлади-я», деб ўз устидан кинёали куларди. Кейин жиддий тортиб: «Афида ўлмаслиги керак. У ўлмасин. Мен унинг ўлишини истамайман», дея Яратганга хаёлан илтижо қилди...

Кечкурун ўша қизил машинасини миниб Фариза келди. Суҳбатлашиб ўтириши. «Энди сизга машина олишимиз керак, йўқса шаҳарга қатнашга қийналасиз», деди Фариза. «Менга машина керак эмас, мана сизники бор-ку, шуни бирга миниб юраверамиз», деди Субут, ўша биринчи ва сўнги висолдан сўнг ораларида пайдо бўлган анчайин катта масофани яқинлаштиришга уриниб. «Хо-о, мен сизга шофёрлик қилиб юраверарканман-да», деди Фариза кулиб. Субутнинг назарида ораларидаги бўшлиқни Фариза ҳам ҳис этар, йўқотишга уринар, бироқ уддасидан чиқолмаётгандек эди. Чамаси бу бўшиликнинг асосий сабаби – бирга ишлатгандар, ундан ҳам кўра, Субутнинг ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан Фаризага бир қадар қарам бўлиб қолганида эди. «Сиз менга эмас, мен сизга шофёр бўламан», деди Субут. Кейин ичида «Бу қарамликни бартараф қилмагунимча, мен энди унинг кўлини ушлашга журъат қилолмасам керак», деб ўйлади. «Сиз шофёр эмас, раҳбар одамсиз, бунинг устига ижод қилиб, китоб ёзишингиз керак», деди Фариза жиддий. Субут суҳбат маромини яна ҳазил-ҳузулга йўналтироқчи, шу баҳонада жувонга хушомад қилишни бошламоқчи бўлди-ю, эплолмади. Фариза: «Энди мен бора қолай, кеч бўлди», деди. Шунда Субут юраги тўлиб: «Бу қанақаси? Икки бўйдоқ икки уйда ёлғиз: «Сеи унда зор, мен бунда зор, деганларидек. Қўйинг энди, келақолинг, ёки мени олиб кетинг!» демоқчи бўлди. Айтольмади. Фаризани кузатар экан, нимагадир: «Отангиз яхши юрган эканми? Қўнфироқ-

лашдингизми?» деб сўради. «Ҳа, яхши, деди Фариза. «Нимайди?» «Йўқ, шуичаки, ўзим, сўраяпман-да», деди Субут. Фариза жўнаб кетганидан кейин сўнгти саволи боя Арслон билан бўлган сұҳбат таъсирида ихтиёrsиз туғилганини тушунди. «Зоҳидийнинг «буортмачиси» ўша одам билиши мумкин», деб ўлади. Кейин қўл силтади: «Жин урсин, қачонгача миям бу воқеа билан банд бўлади? Жонга тегди-ку, энди бас қилиш, ижод билан шуғулланиш керак. Менга деса, бир-бирларини пишириб ейишмайдими, бу Зоҳидийлар-у, Муқимхоновлар. Дарвоқе, Муқимхонов қалай экан?

## 21

Муқимхонов эса бу пайт хотинидан қолган муҳташам ҳовли-нинг кенг, ёруғ ва иссиққина меҳмонхонасида чайқалиб турувчи италянча оромкурсига ястаниб телевизорда «Ахборот»нинг кечки сонини томоша қилмоқда эди. Унинг кўнгли тинч, хотиржам. Прокуратура терговчиларининг ҳарчанд қилган ҳаракатлари беҳуда кетди. Унга пичноқقا илинадиган бирон бир айб қўйишшомади. Баракалло, Лайл! Пухта аёл экан. Қаранг-а, қишлоқдан чиққан, етим ўsgан, чаласавод бир аёл бутун бошли прокуратурани енгди-я. Қойил! Кеча кечқурун келганди. Даврбек туни билан бағрида эркалатиб, яйратиб, обдон шод қилиб, эрталаб яна жўнатиб юборди.

– Энди нариги ҳафта келасан, – деди аёлга бир дастга пул узатиб.  
– Майли, – деди Лайл ювошлик билан.  
– Сўраган қўни-қўшниларга «Ярим йиллик меҳнат ҳақимни ололмаяпман, қурумсоқ одам экан», деб айт, хўпми?  
– Хўп, – деди яна Лайл ва чексиз баҳтиёрлик билан қишлоққа жўнаб кетди...

Даврбекнинг ишхонадаги ишлари ҳам чакки эмас. Янги келган бошлиққа «Турсуновнинг синглисига уйланиб, ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетишимга сал қолди», деб кўз ёши қилди. Кейин овозини пасайтириб: «Эшигтандирсиз, Тошпўлат Аъламовичининг уйига тунда бостириб киришиб, бир неча ўн милионини тортиб олиб кетишган экан. Ӯшалар, мен йўғимда бизнинг уйга ҳам кириб, хотинимнинг пули, қимматбаҳо нарсаларини олиб, ўзини ўлдириб кетишган. Баҳтим бор экан, ўша куни хизмат сафарида бўлганман».

Янги бошлиқ раҳмдил экан. Дастрлаб:

- Күп нарса олиб кетишганми? – деб сүради.
- Э-э, ака, – деди Даврбек бошлиқ ўзидан анча ёш эканига қарамай, – мен билмасам. Хотиним билан ётогимиз алоҳида эди. Очиги, номига эр-хотин эдик. Мен эсимни танибманки, чүнтағимда майды харажатта етгулик пулдан ташқари бир тийин ҳам ортиқча маблағ бўлмаган. Ҳатто тайнли бир уй-жой ҳам қилмабман. Агар Турсунов тихирлик қилиб «Синглимнинг ҳовлисидан чиқ», деса қайга бориши ҳам билмайман.
- Янги бошлиқ Турсунов даврида сал-пал жабр кўрганлардан эканини Даврбек биларди. Шу боис бу гапларни атай айтгаётганди.
- Ўйламанг. Турсуновнинг даври ўтди. Энди сизни ҳовлидан чиқаролмайди. Қонуний эр сифатида биринчи меросхўр – сиз..
- Ишқилиб, Турсунов зуғум қиласиган бўлса, менинг сиздан бошқа ҳимоячим йўқ, ака, – деди Даврбек.
- Ташвишланманг, биз сизни хор қилиб қўймаймиз, – деди бошлиқ. – Кўнгилни бузмай ишлаб юраверинг.
- Раҳмат. Минг раҳмат, – деди Даврбек ва... Манзурохоннинг ётоқхонасидағи Темир сандиқдан чиқсан бебаҳо буюмлардан бири – бўйинбоққа тақадиган бриллиант кўзли тўғноғич кутисини очиб, бошлиққа узатди.
- Арзимаган совға. Эсадалик учун.
- Э-э, бу қимматбаҳо нарсага ўхшайди-ку. Қўйинг, уят бўлади, – деди бошлиқ.
- Йў-йўқ, қимматбаҳо эмас. Бултур Парижга борганда иккичтасини олувдим. Энг яқин дўстларга ҳади қиламан, деб. Қаранг, бўйинбоғингизнинг рангига ҳам мос экан. Келинг, тақиб қўяй...
- Бошлиқнинг «ҳай-ҳай»лашига қарамай тўғиоғични унинг бўйинбоғига тақиб, кутисини столида қолдириб чиқди. Ҳизматхонасига келар экан кайфияти чоғ бўлди. «Бошлиқ тушмагур ўзини соддаликка олди. Йўқса, бу тўғиоғичнинг камида ўн-ўн беш минг доллар туришини мендан ҳам яхши билади», деб ўйлади.
- Алалхусус, «арзимаган» тўғиоғич эртасигаёқ ўз кучини кўрсатди. Бошлиқ Даврбекни чақириб:
- Машинангиз анча эскириб қолибди. Анави, янги олган «Эсперо»лардан биттасини сизга беришади, мен айтдим, – деди. Кейин қўшимча қилиб қўйди: – Ҳозирча миниб туринг. Пайти келса, «Мерседес» миниш ҳам насиб этар. Айтгандай, шофферингизни ҳам алмаштиришади. Янги машинага янги ҳайдовчи бўлгани маъқул...

Даврбек ўша куни янги шофёр бошқарувидағи янги «Эсперо»га миниб, уйға ақло кайфиятда қайтди.

– Машина ёқдими, хұжайин, – деб сүради шофёр.

Даврбек унинг гапига зәтибор қилмади. Чунки хаёли бошқа жойда эди. Ҳозиргина «Эсперо»нинг юмшоқ бағридан чиққан вужуди яна бир юмшоқ ва қайноқ бағир сари талпинмоқда эди. У шофёрга бир даста пул беріб, дүконга юборди.

– Қази-қарта, дудланған гүшт, курка колбасаси, қизил балик, қора икра... Хуллас, яхши нарсалардан ол, – деди. Сүнgra Лайлого ҳаммомни қызитишни буюрди.

Ювениб-тараниб, виски ичиб, лаззатли таомлардан тановул этиб, бадани яйрагач, Лайлони хонимдан мерос қолган бенихоя чиройли ётоқхонага олиб кирди. Шошмасдан, ҳафсала билан ечинтириди. Ниҳоят жувоннинг қорамағиз, бўлиқ ва силлиқ баданини бағрига олар экан баҳтиёр хаёлига «Бу ҳам бояги қора «Эсперо»га ўхшайди-я», деган фикр келди. Шўх фикридан ўзининг ҳам завқи келди. «Йўқ, бу «Эсперо» эмас, бу «Мерседес», қора «Мерседес», деди овоз чиқариб...»

Эртасига, яъни бугун эрталаб Лайлони жўнатгач, янги ҳайдовчисига ҳар эҳтимолга қарши изоҳ беріб қўйди:

– Шу хизматкор жонга тегди. Нуқул «Холам касал, аммам ўсал», деб жавоб сўрагани-сўраган. Пиширган овқатиям бемаза. Ўзиям қоп-қора ит ялоққа ўхшайди. Одамнинг иштаҳаси бўғилади. Дарвоқе, ука, қараб юргин-чи, бирон дурустроқ қўли гул, пазанда аёл бўлса, хизматкорликка олардик...

– Хўп бўлади, – деди шофёр. Ва кечқурун ишдан қайтаётганларида бир йўла икки номзодни тавсия этди. Даврбек зәтибор-сизлик билан тинглагандек бўлди-ю, лекин машинадан тушаётганида нигоҳон эсига тушгандек:

– Ҳалиги боя айтган аёлларинг дурустми ўзи? – деб сўради.

– Опкелайми, кўрасизми? – деди шофёр.

– Майли, бир синайлик-чи, аввал биттасини...

– Қачон келсин?

– Бугун келса ҳам майли. Бирон соатлардан сўнг.

– Хўп бўлади!..

Шу топда кўзи телевизорда-ю, қулогини «динг» қилиб, дарваза қўнғирофининг жиринглашини кутиб ўтирибди. Ана, ниҳоят занг урилди. Даврбек ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Дарвоза дарчасини очди. Қаршисида ўттизга ҳам бормаган, анчайин ду-

руст кийинган, хүшбичим жувон турар эди. «Янги шофёрим бало экан. Диidi чакки эмас», деб қўйди ичиди Даврбек. Айни пайтда аллақанақа шубҳаларга ҳам борди. Чунки янги шофёрни ҳали яхши билмас, унинг топган одамидан гумонсирашга ҳам ҳақли эди-да. «Майли, кимлардир шохида юрган бўлса, мен баргига юраман. Кўрайлпик-чи, бу ёғи қанақа бўлар экан?..»

Янги ходима икки кунлик «синов»дан яхши ўтди. Лобар исмли бу аёл қўл-оёғи чаққонлиги, озодалиги-ю, пазандалиги устига анчайин саводхон ҳам экан. Сабаби бир муддат тиббиёт институтидага ўқитувчи бўлиб ишлабди-ю, ойлигига қаноат қилолмай ташлаб кетибди.

— Агар укол-пукол қилиш керак бўлса ҳам ўзим қилавераман, — деди у. — Тажрибам бор...

Муқимхонов кулди.

— Ҳозирча укол керак эмас, — деди у жувоннинг оппоқ билакларига ошкора иштиёқ билан назар солар экан. — Мен ўзим ҳали истаганча укол қилиш кувватига эгаман... Ҳи-ҳи... Дарвоқе, эрингиз борми? Нима иш қиласди?

— Бор. Уйда. Бекор ўтирибди, болага қараб. Заводда инженер бўлиб ишлаганди. Заводлари банкрот бўлиб, беркилиб қолди.

— Аҳа, майли, ўтиратурсин-чи, агар... Сиз билан тил топишиб кетсак, уни ҳам бирор ишга жойлаб қўярмиз...

Шу таҳлил учинчи куни Даврбек Лобархоннинг билагидан ушлади. Аёл салтиб тушди. «Нима қиласиз? Уятни биласизми?» деди астойдил қаршилик кўрсатиб. Даврбек Муқимхонов бўш келмади. «Сиз менга ёқиб қолдингиз. Ишингиз ҳам тоза, ўзингиз ҳам... Йўқ, деманг, хурсанд бўласиз», деди. Лобархон уни сийтаб ташлаб, йиғлаб чиқиб кетди. Қайтиб келмади. Муқимхонов аввал бироз аччиқланди. «Қурғур-сий, ўзи келганди-ю, яна ноз қилгани нимаси», деб. Кейин: «Шу замонда ҳам шунақа аёллар бор экан-а?!» деб ҳайрон қолди. Охирида эса хурсанд бўлиб: «Баракалла, мана шундай аёлларни ҳурмат қилишимиз зарур», деган хуносага келди.

Иккинчи номзод — ўттиз беш ёшлардаги, оқ-сариқ Хатима исмли яна бир чиройли жувон келган куни ёқ тикирлик қилиб ўтирамасдан «синов»ни муваффақият билан енгди. Қайтага ўзи ташаббус кўрсатди: «Кабинетда ўтиравериб, бўйнингиз оғриб кетгандир, келинг, беллингизни массаж қилиб қўяй», деб. Унинг ҳазилкашлигидан Даврбекнинг завқи келди. Шоша-пиша ётоқхонага кириб, кийимини ечиб, каравотга юз тубан ётар экан:

– Бүйин оғриса, бел уқаланадими? – деб сүради.

Хатима бүш келмади:

– Ҳамма оғриқларнинг илдизи – белда бўлади, – деди. Сўнгра қўшиб қўйди:

– Мен массажчилар ўқишини битказганман. Профессионалман. Лекин массажга алоҳида ҳақ тўлайсиз...

– Яхши, – деди Даврбек секин ёнбошига ўтирилиб, жувоннинг белига қўл узатиб. – Лекин мен сизни массаж қилганим учун ким ҳақ тўлайди?!

– Ойлик маошингизга қўшиб, беришсин, қўшимча ишлага-нингиз учун, – деди Хатима бўлиқ гавдасини каравотга, Даврбекнинг ёнбошига ястантирап экан. Муҳимхонов илҳомланиб, жўшиб кетди. Жувонни бағрига тортди...

Хатима дегани жоннинг азоби экан. Яхши маънода, албатта. Муҳимхонов узлуксиз фарофат оғушида яйраб, уч кунда ҳолдан тойди, беш килоча озиб кетди. Жума куни Хатимага:

– Эрта-индин келма, дамингни ол, – деди. Аслида ўзи дам олмоқчи эди. Хатима мийғида кулиб:

– Майли, сиз ҳам дам олинг, – деди.

Шанба куни Лайло келди. Уй ичи ҳарчанд иссиқ бўлишига қарамай эти жунжикиб ўтирган Даврбек у қадар рўйхушлик кўрсатмади. Аёл қалби сезгир бўлади. Лайло тушунди. Қовоғини солди. Тун бўйи чуқур-чуқур «уҳ» тортиб чиқди. Якшанба куни Даврбекка синовчан назар солиб:

– Ўзи ҳамма жой тоза экан. Мен кетаверай бўлмаса, – деди.

– Ҳа-ҳа, майли-майли, – деди Даврбек. Бундан Лайло озорланди.

– Энди келмайнми? Бошқа аёл топдингизми? – деб сўради қора кўзлари қаҳрдан совуқ ялтираб.

– Э, нима деяпсан, қизиқмисан? – деди Даврбек. – Менинг вақтим борми, унақа ишларга? Олдимизда шунча улуғвор-улуғвор вазифалар турган чоғда мен қанақадир аёллар билан шуғулланиб юраманми? Мен ўзимни, умримни халқ, Ватан хизматига бағишлаган одамман-ку! Билмайсанми, шуни? Просто, сени бу ерда камроқ кўришсин, деяпман, холос...

– Майли, – деди Лайло. – Мен кетдим бўлмаса.

– Янаги шанба, йўқ, яхшиси ундан кейингисида келақолгин-а, – деди Даврбек.

Лайло индамади. Совуқ илжайди-да, чиқиб кетди.

Абди ҳикоясининг давоми.

«...Қасос туйгуси ҳақида илгари бир китоб ўқигандим. Ўша китоб Александр Дюманинг «Граф Монто Кристо» романни эди. Солининг изига тушган кунларимда ўша китобни кутубхонадан олиб, яна ўқидим. Ўқиганимга пушаймон бўлдим. Чунки бу китоб юрагимдаги қасос алангасини кучайтириш ўрнига кўнглимда: «Нима учун қасос олмоқчиман, ўзи?» деган савол ҳосил бўлди. Чиндан ҳам нега қасос олмоқчиман? Ахир мен роман қаҳрамони Эдмон Дантесини умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиниб, кимсасиз оролдаги тош қалъага қамалганим йўқ-ку. Қайтага... Солини ўлдирсан, шунақа жазога ҳатто отувга ҳукм қилинишим мумкин. Унинг ўғри, босқинчи, гиёҳвандфуруш, қотил эканини, яшашга, бу ҳаётни булғаб юришга ҳаққи йўқ эканлигини кимга исботлаб бераман?.. Отамни ўлдирганини, (дарвоке, Тўлқин ҳув ўша, қишлоғимиздаги дўконга қилинган ҳужумда Соли билан бевосита бирга қатнашган Қурол исмли боланинг букри қоровул Солини таниб қолгани учун гумдан қилишга тўғри келганди», деган гапини айтгач, бунга ҳеч қандай шубҳам қолмагандек), севган қизимни зўрлаб, кейин гўёки «халоскор» сифатида уни «кутқариб», алдаб уйланганини (бу ҳақда эса Тўлқининг ўзи айтиб берди. Соли бу «услуб»ни бир неча бор қўллаган ва уни ўзининг ноёб кашфиёти, деб ҳисоблар экан. У Зарифани яхши кўрмаган. У Зарифанинг акаси қонунчи бўлгани боис атайлаб шундай қилган. Гумашталарига «Мана, кўриб қўйларинг, мен қонунни қандай қилиб ўзимга бўйсундиришмни», дея мақтаниб юрган, ўзимга икки марта ҳужум қилиб, жонимга қасд этганини, агар уни ўлдирмасам, у мени бир кунмас-бир кун, албатта, ўлдиражагини, шу боис уни йўқ қилишдан бошқа чорам қолмаганини кимга тушунтираман? Битта ишонганим – қонун ҳимоячиси Арслон бўлса... Ўзи ҳам синглисининг кўнглига қараб, Солининг ноғорасига ўйнаб юрибди. Эҳ, Арслон...

Ўша куни у менга дардини ёрмоқчи бўлди-ю, ёролмади. Эшигдим. У Соли билан борди-келди қилмас экан. Лекин бундан нима фойда? Соли синглисини эзиб, даврини суриб юрибди-ку.

Арслон унинг жиноятларидан хабардор бўлса ҳам, синглиси ни ўйлаб, яшириб, аяб юрган бўлиши мумкин. Қизиқ. Зарифа наҳотки, шу пайтгача Солининг кимлигини англаб етмаган

бўлса? Англаганда нима қиласди? Ажралиб кетса бўлади-ку. Қўрқадими? Ҳа, қўрқса керак. Эҳтимол, Соли унга ўзини қўй оғзидан чўп олмаган бегуноҳ қилиб кўрсатар. Сиртдан қараганда кўпчилик шундай, деб ўйлайди. Уни «Янги замон одами, омади юришган тадбиркор, саховатли инсон, деб ҳурмат ҳам қиласди. Айтишларича, Соли ўз «Даромадидан етимхонага, қариялар уйига хайрия ҳам қилиб туармиш. Ҳатто маҳалласида мачит қурмоқчи бўлиб юрган экан». Нақадар даҳшат! Нечоғлик разолат – бу! Мен уни ўлдирсам-у, нобакорлигини исбот қилиб беролмасам, қамалиб ёки отилиб кетишдан ташқари, абадий тавқиляннатта ҳам қоламан. Эй, ҳаёт, нега бунчалик мураккабсан-а! Нега ёлғон билан ростни, яхшилик билан қабоҳатни фарқлаш бунчалик қийин?..

Майли, ҳақиқат қачондир ўз ўрнига қарор топар. Солининг асл башараси очилпіб, жазосини олар. Мен қўлимни ифлос бир кимсанинг қонига булғаб, абгор бўлиб кетишим шартми? Нега айнан мен? Нега бошқа бирор эмас?

Шу тахлит иккиланишда давом этдим. Гоҳ-гоҳ қасос иштиёқи ҳуруж қиларди-ю, бироқ мен ана шу қасос туфайли ҳеч қанақа лаззат тополмаслигимни ўйлаб, шаштимдан тушар эди. Эдмон Данте сингари қасоскорлар фақат китобда бўлиши мумкин, ҳаёт эса оддий ва жўн, деб ўйлардим.

Тўлқин келтирган охирги хабарлардан сўнг иккиланишга ўрин қолмади. Бу жуда қулай имконият эди. Солини навбатдаги жиноят устида ўлдириш гуноҳимни сал бўлса-да, снгиллаштиришга ишонардим. Лекин Солини ўлдириш осон эмаслигини ҳам билардим. Шунинг учун Тўлқин иккаламиз бу ишга жудаям пухта тайёргарлик кўришимиз керак эди. Тўлқин аввалги марта учраган муваффақиятсизлигидан холоса чиқарган: «Бу сафар ҳам ўлдирмасам, ўзим ҳам тирик қолмайман», дерди. Мен эсам: «Энди лалайиб юришни бас қилишим керак, «Ал-қасосул минал ҳақ», деган қарорга келдим. Шу сафар омадим келишига, Худо қўллашига ишонар эдим...»

Барибир қўлим қалтиради, десантчи, мерган бўлишимга қарамай, ишни бузиб қўйишимишга сал қолди. Тўппончани Тўлқинга бешиб, ўзим амакининг қўшофиз мильтигини олиб келгандим. Икки қадам наридаги Солига биринчи ўқни теккиза олмадим. Тўлқин эпчилик қилди. Солининг доимий шеригини, ёлланма қотилни тўппончадан отиб қулатди. Соли жон ҳолатда орқасига ўгирилди.

Менга қараб, кимлигимни аниқламоқчи бўлди. Кўлидаги тўппон-часига ёпишди. Хайриятки, бу пайт мен ўзимни тутиб олгандим. Кўшофизни унинг нақ пешонасига тирадим.

– Ташла, тўппончани! – дедим. Овозимни таниди. Кўзлари олайиб кетди.

– Сен... Сен... Семисан, ошна, раҳм қил, отма, – деб йифлаб юборди. Ўша лаҳзада яна бир иккиландим. Одам отиш кинолардаги сингари осон эмас. Айниқса, «Раҳм қил», деб йифлаб, ялиниб турган одамни. Шу боис ичимда бир титроқ пайдо бўлди. Милтиқ ушлаган қўлларим бўшаши.

– Отинг, бўлмаса, отиб ташлайди, – дея ғазаб билан шивирлади Тўлқин. Шунда тилга кирдим:

– Сен раҳм қилганимидинг, ўлдирган одамларингта, – дедим ним қоронғида Солининг кўзларига тик қарашга уриниб. – Сен... раҳм қилиш нималигини биласанми ўзи?

– Отинг, ака, отинг, – деди сабри чидамаган Тўлқин овозини чиқариб. – Бўлмаса...

«Эй, Оллоҳ, ўзинг кечир», деб, тепкини босиб юбордим. Соли учиб кетди. Миясининг қатиги чиқиб, чалқанча қулаб тушди... Бу худди тушда рўй бергандек бўлди. Аммо...

Кейинги манзарани кўриб, қўрқинчли тушдан сўнг уйғониб кетгандек бўлдим. Қаршимда Афифа ўтирас эди...

Биз Соли билан шеригини кенг-мўлдаҳлизда қувиб етиб, ётоқхонага кирган жойда, шундоққина эшик тагида қулатгандик. Ётоқхона катта бўлгани боис, тўрда, катта каравот устида ётган эркакнинг ёнидаги аёлга дастлаб эътибор ҳам бермаганман. Абдуҳалимбойнинг (Тўлқин уни шунаقا, деб атаган эди) маъшуқаларидан бирортаси бўлса керак-да, деганман. Аслида бир хаёл: Солини тинчитган заҳоти жуфтакни ростлаш ҳақида ўйладим. Бироқ ўқ овозини эшитиб, сакраб ўрнидан турган Абдуҳалимбойни кўргач, унга воқеа моҳиятини тушунтириб кетиш керак, деб ўйладим. Токи, зарур бўлиб қолганда, у халоскорининг иши эканини билсин, шу ҳақда гувоҳлик берсин. Тўлқин эса «Гувоҳ қолдирмайлик, буларни ҳам отиб кетиш керак», деб шипшиб турибди. Шу гап таъсирида шайтон кўнглимга «Буларни ҳам отгин-да, қўлига тўппончани тутқазиб кет, токи кўрган, текширган одам: «Уй эгаси билан босқинчилар ўртасида отишма бўлган», деб ўйласин», деган фикрни солди. Бу – тўғри, қулай фикр эди. Лекин...

Лекин Абдуҳалимбой ялиниб-ёлвориш асносида тунчироқни ёқиб юборгач, ёнидаги аёлни таниб қолдим. Бу – Афиға эди.

Бир зум саросимага тушдим. Тўғри, Абдуҳалимбойни отишм мумкин эди. Уни ҳам Солига ўхшаганларнинг биттаси-да, деган хаёлга боргандим. Лекин Афиғаин отолмасдим. Уни бойнинг тўшагида кўриб, дастлаб ғазабланган, гишингган ва жирканган бўлсан-да, аҳволига қараб, раҳмим келиб кетди. Газаб ҳам, жирканиш ҳам чекинди. Шу топда у эртаклардаги аждаҳо чангалидаги гуноҳсиз қизга ўхшар эди...

«Кутқариб, олиб кет уни», деган ўй келди хаёлимга. «У гуноҳсиз, у чорасиз. Уни мажбурлашган...»

Ўзи яқиндагина Афиғанинг эри қамалганини эшитиб, унинг йўлини пойлашга уялиб, виждоним чидамай юрганди. Ҳозир буни шу аҳволда кўриб: «Эрини шулар қаматиб, ўзини мажбуrlаб олиб келишган», деб ўйладим. Ўшанда Афиғанинг шу ҳовлида яшашини билмаганман.

Миям тез ишлай бошлади. «Бойни отиб, Афиғани олиб кетаман», деган қарорга келдим. Тўлқинга ўгирилиб: «Бойни от», демоқчи бўлдим. У ийғлаб, ялинишга тушди. «Пул бераман, хорижга кетиб, бемалол яшайсизлар», деб турибди. Ўйландим. Тўлқин: «Қанча берасиз?», деди. Бой: «Ҳар бирингизга юз мингдан» деди. Матъум бўлдики, бойнинг пули ёнида эмас. «Банқдан оласизлар, чек ёзиб бераман», деди. Чекни ёздирдим. «Энди тезроқ кетинг, айниб қолмасимдан», дедим бойга. Тўлқин «Буниям отиб, уйга ўт қўйиб кетайлик, чекни олдик-ку», деди. «Шошма, бу одам ҳали керак бўлади», дедим. Бойни қўйиб юбордим. Балким хато қилгандирман...

Кейин Кавказ орқали чет элга чиқиб кетдик. Анча вақт Эронда, кейин Туркияда, Покистонда саргардон бўлдик. Ҳомхаёл қилган эканмиз. Абдуҳалимбой ёзиб берган чек билан пул ололмадик. Яхшиямки, илгаридан йиғиб юрган пулларимни олиб келгандим. Шуни кифоя этиб турдик. Тўлқин тайинли пул олиб келмаганди. Бунинг устига бирон ишга ҳам киролмади. Абдуҳалимбойнинг алдови унга жуда ёмон таъсир қилганди.

Тўлқин ўзини қўйишга жой тополмас: «Аблаҳни ўшанда бекорга ўлдирмадингиз», деб афсусланарди. Кейин у мужоҳидликка ёлланиб, Чеченистонга кетди. Биз Афиға билан шу ерда қолдик. Но чорликдан қийналиб кетдик. Тил билмасдик, ишсизлик... Муайян вақтдан сўнг яна Туркияга қайтдик. Сабаби аввалти сафар Истам-

булда яшаганимизда бозорда Афиғанинг бир таниш аёлни учрат-  
гандик. У Кадикүй маҳалласида бир бой одамнинг қари, касал-  
ванд онасига қаровчи бўлиб ишга жойлашганини айтиб, манзилини  
ёзиб берган, Афиғага «Истасанг, сени ҳам ишга жойлаб қўяман»,  
деганди. Биз ўша пайт Абдуҳалимбой ваъда қилган «Икки юз мин-  
гнинг умидида бўлиб, бу таклифга эътибор қилмагандик. Энди, но-  
иложлик жондан ўтгач, аёлни излашга тушдик. Режамиз – агар аёл-  
ни топсак, Афиға ишга жойлаша олса, у шу ерда қолиши, мен эсам,  
яна Лаҳорга қайтиб кетишм керак эди. Чунки менга халқаро қиди-  
рув зълон қилинганини, Истамбул, умуман Туркияда қўлга тушиб  
эҳтимоли кучли эканлигини англардим».

Мусофирик азоб-уқубатлари туфайлими, ёки Афиға барি-  
бир менга меҳр қўялмадими, бир-биrimизга ўрганиб, чиқишиб  
кета олмадик. У нуғул эзилар, нимадандир норозидек нуқул маъ-  
юс эди. Бу эса менинг асабимни қақшатар, ўзимни қайга уришни  
билмасдим...

Афиғани Истамбулда қолдириб, яна Лаҳорга қайтдим. Бир-  
икки ой тентираб юрдим. Иш топа олмадим. Иш йўқ. Теварак-  
атрофда турли жангари ташкилотларнинг ёлловчилари изғиб  
юради. Бир куни биттаси мени хўп авради. «Сени анчадан буён  
кузатиб юрибман. Юргингда жиноят қилиб, қочгансан. Бу ерда  
қўллайдиган одамнинг йўқ. Тил билмайсан. Яхшиси, бизнинг уош-  
мага аъзо бўл...» Унинг айтаётган уюшмаси ҳақида эшитган-  
дим. Бу «Уошма» террорчи ташкилотлар учун худкуш, зомби-  
лар, яъни катта пул эвазига тайинланган жойларга бориб, ўзини-  
ўзи портлатувчиларни тайёрлар экан... Тура қочдим. Сўнгти пу-  
лимни сарфлаб, яна Истамбулга келдим. Афиға ўша таниш аёл  
билан бирга ишлаётган экан. Арзимаган маош белгилашибди.  
Ҳамон дилгир, ҳамон маъюс. Унинг кўзига қараашга ботинол-  
масдим. Ҳудди: «Ўша куни нега ўлдириб қўяқолмадингиз», дея-  
ётгандек туюларди...

Субут бугун ҳам ишдан кеч қайтди. Кейинги кунларда ҳар  
куни аҳвол шу. Нашриётда иш қизғин. Дарвоҷе, Қутлибой Қа-  
дамов янги очилган «Ранглар жилоси» номли матбаачилик қўшма  
корхонасига раҳбар этиб тайинлангач, нашриётнинг ҳамма таш-  
виши Субутнинг якка ўзига қолди. Буюртмалар кўп. Бунинг ус-

тига нашриёттинг ўзи режалаштирган китобларни тезроқ босмага топшириш керак. Қиши охирлаб, йилнинг биринчи чораги ҳам тугай, деб қолди. Шошилмаса бўлмайди. Хуллас, ишга эрта бориб, кеч қайтишга тўғри келаяпти. Яқинда нашриётга «Нексия» машинаси харид қилингани унга қўл келиб, мушкулини осон қилаётir. Субут ўзи машинани яхши бошқаролмагани учун ҳайдовчи олди. Уйда иссиқ-совуғи, ош-овқатидан ҳабардор бўлиб турадиган одам йўқлигини ҳисобга олмаганда, унинг ҳаёти энди анчайин тўқис, сокин кечмоқда эди. Азбаройи ишга берилганидан бу кемтикни деярли ҳис этмас, салгина зерикиб, қисилган чоғлари боғчага, қизини кўргани борар, тунги ёлғизлик ўрнини эса ёзув-чизув билан тўлдиришга ҳаракат қиласарди. Бир пайтлар, Афиға билан илк танишувдан сўнг ёзган мақоласини кенгайтириб, «Намозшомгул» дегани каттароқ ҳикоя бошлаб қўйган эди. Ўшани тугатиб, «Ёш авлод» журналига топширди. Топширишдан олдин икки-уч кун иккиланиб юрди. Сабаби воқеа вақти, жойи ҳамда исмлар ўзгартирилган бўлса-да, унда Афиғанинг қисмати акс этганди. Субут дастлаб «Бу асарни ўзим учун ёзаяпман, ҳеч жойда чоп этмайман», деган фикр билан иш бошлаган, назарида унда Афиғага бўлган энг нозик, энг самимий туйғуларини ифодалашни, шу билан қандайдир овунишни мўлжаллаганди. Ёзига бўлгач, такрор-такрор ўқиб, чоп этишга қарор қилди. «Тики, Афиғага ўхшаб алданиши мумкин бўлган қизларни салгина бўлса-да, сергак торгтирап, огоҳлантирап», деб ўйлади.

Журнал муҳаррири ҳикояни ўқиб, ижобий фикр билдириди. «Бу – ҳикоя эмас, яхшигина қисса экан», деди. Бетўхтов чоп этди. Асар абадий доираларда қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Мақтов ва танқидлар қоришиб кетди. Бир танқидчи ҳатто: «Субут Сокин бу асарда ўз кечмишларини ҳам тасвирлаган. Ижодкор халқи қизиқ-да, иштоннинг битини ҳам одамларга кўрсатиб ўлдиради», деб ёзиди. Субут бунаقا фикрларга тайёр эди. Хурсанд ҳам, хафа ҳам бўлгани йўқ... Фариза эса қувонди: «Зўр ёзисиз. уни тезроқ китоб қилиб чиқаринг, бестсеплер бўлиб кетади», деди. Чиндан ҳам асар китобхонларда катта қизиқиш уйғоттанди. Сарик нашрлардан бири бўлган «Учрашув» газетаси уни сондан-сонга боса бошлади. Ҳатто Субутдан рухсат олмай «Муаллиф асарнинг давоми устида ишламоқда», деган хабарни ҳам босиб юборди. Аслини олганда, асар ўқувчида чиндан ҳам тугалланмагандек таассурот қолдирап, у бош қаҳрамон – Сурайё-

нинг хорижлик тадбиркор йигитта тегиб, чет злга жұнаб кетиши билан ниҳясига етганди. Айнан шу холоса, айрим тадқиқотчиларнинг эътиrozига ҳам сабабчи бўлган, бирининг мақоласи «Ўзга боғнинг олмаси шириనми?» деб номланиб, унда муаллиф Субутни ҳаёт ҳақиқатини бузиб кўрсатишда айблаганди. «Кўриб гувоҳ бўлиб турибизки, шоҳона турмуш, афсонавий баҳт излаб, хорижга йўл олганларнинг қанча-қанчаси хору зор бўлиб қайтиб келмоқда. «Намозшомгул»нинг муҳтарам муаллифи эса буни «Узоқнинг олмаси ширин», деган фикрга ишонтирмоқчи бўлади...»

Субут бу гапларни ўқиб, куюнди. «Ахир мен унақа демоқчи эмасман. Ўша Сурайёнинг қайтиб келишини, бу срдаги севган йигити билан қайтадан топишишини хоҳлайман», деб мақолага раддия ҳам ёзмоқчи бўлди. Кейин бу фикридан қайтди. «Йўқ, яхшиси «Намозшомгул»нинг давомини ёзиш керак, деган хуло-сага келди. Қолаверса, ўша «Учрашув» газетаси муҳаррири унинг «Нега мендан сўрамай, давомн ёзиляпти», деб юбординглар, деган эътиrozига жавобан: «Яхши ниятнинг аби йўқ, Субут ака, насиб этса, давомини, албатта, ёзасиз ва биз уни «Эксклюзив», яъни «Фақат «Учрашув»да босилмоқда, деган руҳи остида чоп этиб, сизга катта миқдорда қалам ҳақи тўлаймиз», деганди.

«Ёзсанм ёзақолай, деб ўйлади у, бугун ишдан қайтаётиб. Ростанам бу Аифанинг қайтиб келажагига бир умид, орзу бўла қолсин...»

Машинадан тушиб, дарвоза қулфига калит солар экан, сал наридан ўзи томон тез-тез қадам ташлаб келаётган шарпага кўзи тушибди. Бўйдор, гавдали йигит. Қоронғуда юзини аниқ кўролмади. Юраги шувиллади. «Ичкарига кириб, олгунимча шофёрга жавоб бермай турсам бўларкан», деб ўйлади.

– Ассалому-алайкум, Субут ака, – деди шарпа яқинлашиб. Субут дафъатан: «Таниш овоз-ку, қаерда эшигтганман?» деб ўйлади. Айни чоғда бу овоз сокин ва хайриҳоҳ оҳангда бўлгани боис кўнгли хотиржам тортди.

– Ваалейкум, келинг, – деди у дарвоза дарчасини қия очар экан.

– Мумкин бўлса ичкарида гаплашсак... – Мен... Абдиман.

Субут бир зум ҳайрат ва саросима ичра иккиланиб қолди. «Қочиб келяптими, нима бало?..» деб ўйлади.

– Хавотирланманг, мен ёмон ниятда келганим йўқ. Ичкарига кирайлик, илтимос.

– Майли, майли, – деди бенхтиёр Субут ва дарчани ланг очиб, ичкарига қадам қўйди. Дарвозахона чироғини ёқди. Меҳмон дарчани беркитди, Субутга қўл узатди. Субут у билан кўришар экан, юзига разм солди. Таҳлика кўрмади. Тилига келган биринчи гапни айтиб юборди:

– Бир ўзингиз-ку?

– Ҳа, бир ўзим келдим. Афиға у ёқда қолди.

– Обкетишга обкетиб, энди кишининг юртига ташлаб келганингиз нимаси?

– Гап шундаки, мен эртага милициягамн, прокуратурагами бориб таслим бўлмоқчиман. Ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга келдим. Афиға ҳам шуни маъқуллади. Уни обкелмаганинг сабаби ўзи келолмади. Нима деб бораман, Субут аканинг олдида юзим шувит-ку, деди. Кейин яна ўзим «Уни ям қамаб қўйишмасин», деган хавотирга бордим. Аҳволи ёмон эмас. Ишлайти. Агар бу ерда ҳаммаси яхши бўлса келар...

– Қани, юринг ичкарига, – деди Субут дарчани қулфлаб. Сўнг Абдини меҳмонхонага олиб кирди. Дастурхон ёзди. Чой дамлаб келди.

– Ана энди гапиринг, – деди у нонушта қилиб бўлишгач, – нега таслим бўлмоқчисиз? Қанака айбингиз бор? Шошилмасдан бир бошдан сўзланг. Дарвоқе, изингиздан ҳеч ким пойлаб келган эмасми? Сизни халқаро қидирувда деб эшитгандим.

– Йўқ, ҳеч ким кузатиб келган эмас. Очиги, мен уйга Қоравой амакимникига ҳам бормай, тўғри сизнинг олдингизга келдим. Сабаби: сиздан маслаҳат сўрамоқчийдим. Сиз Қоравой амаким билан учрашган чоғингиз: «Ҳақиқатни юзага чиқариб, Абдини оқламоқчиман», деган экансиз...

– Ҳа, шунақа дегандим.

– Шунинг учун менга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат берсангиз.

– Майли, маслаҳат бериш қочмас. Аввал ҳаммасини бир бошдан, батағсил гапириб беринг, – деди Субут.

– Менинг тарихим жуда узоқ ва зерикарли бўлса керак, майлими? – деди Абди.

– Майли. Ҳеч қаёққа шошаёттанимиз йўқ-ку. Шундай эмасми? Зоҳидий ва шерикларининг герони савдосига оид жиноят иши

судга оширилганинга ҳам анча бўлди. Ҳадемай суд бошланса керак. Ажабмас, ўша судга ҳам сизни гувоҳ сифатида жалб қилишса.

– Мен эртага Арслоннинг олдига борайми?

– Шундай қилганингиз маъқул. Бу кеча эса шу ерда тунасангиз ҳам майти.

– Йўқ. Мен ҳали Қоравой амакимни ҳам кўришим керак. Айтганча, боя айтган дафтаримни... Сизга келтириб берснини, ё...

– Униям Арслонга бераверинг. Гарчанд... Сизнинг ички кечинмаларингиз терговни қизиқтиралишкан? Қизиқтирса керак. Ахир терговчи ҳам инсон. Унинг қалби бор. Дарвоҳе, Арслон биз айтаётган ишлар бўйича терговдан четлаштирилган. Лекин ўша ерда, барибир маслаҳати, ёрдамини аямайди.

– Шундайликка шундайку-я... Менга бироз ноқулай туюлаяпти. Мен бу ҳовлига охирги марта келганинда, одам отиб, ўт кўйиб кетганман. Ҳозир... Энди... Үзимни ноқулай ҳис этаяпман.

– Энди айтаётган ҳовлидан асар ҳам қолмаган. Кўриб туриб-сиз-ку. Шунинг учун ўзингизни ноқулай ҳис этманг. Ўшанда эҳтимол чиндан ҳам шунаقا қилиш зарур бўлгандир.

– Гапираверайми, бўлмаса?

– Гапириңг, гапираверинг!

Абди ҳикоясини бошлади. Гап орасида у «Қоравой амакиникида яшириб қўйган бир дафтарим бор. Айтаман, у киши олиб келиб беради, фаромуш қилган жойларимни ўшандан ўқиб оларсиз», деди...

Маълумингизким, Абдининг ҳикояси кундалик дафтардан олингандан маълумотлар асосида Субут тасвиirlаб берган воқеалар билан биз аввалроқ танишиб улгурганимиз. Шу боис ярим тунгача чўзилган бу суҳбатнинг ниҳоясини баён қилиш билан чекланамиз.

– Менинг билишимича, – деди Субут, – Сизни барибир суд қилишади. Албатта, мен Арслон билан биргаликда сизга бериладиган жазони енгиллаштириш учун қўлимидан келган ёрдамни берамиз. Дарвоҳе, марҳум Соли Мамарасулов қилган жиноятлар бўйича алоҳида тергов олиб борилаётган эди. У энди яна ҳам чўзилса керак.

– Минг раҳмат, сизга Субут ака, – деди Абди. – Энди менга руҳсат.

– Майли, яхши боринг, – деди Субут гапининг охиринда. – Лекин эрталаб вақтлироқ туриб кетсангиз ҳам бўларди, алламаҳал юрмасдан.

– Йүқ. Энди... кетаверганим маъкул...

Абди эшик томон юрди. Кейин тұхтади. Ерга қараб бир зум үйланиб турди. Чамаси айттылмаган, тұғрироғи, айттолмаётган яна бир гапи бор эди.

Субут сезди. «Гапириңг», деб қыстамади. Индамай қараб турди. Абди охири журыат қылды, шекилли, ўгирилиб:

– Яна бир гапым бор. Лекин бу гапни Афиға билан маслаҳатлашмасдан айтаяпман. Сабаби у билан биз яқын муносабатда бўлганимиз йўқ. У гарчанд сизга «Талогимни беринг», деб хат ёзган бўлса-да, бизлар шунчаки, ака-сингилдек бўлиб юрдик. Агар шу гапларимга ишонсангиз, агар Афиғани кечира олсангиз, уни қайтариб олиб келиш ҳаракатини қилинг. У... Сизни фақат сизни яхши кўрар экан. Мен бунга ишонч ҳосил қылдим. У севгисига содиқ қолган... Ҳар қандай шароитда... У Зоҳидийга ҳам сизни деб, сизни кутқараман, деб розилик берган. Ўша куни ҳам... У сизга хиёнат қилмаган. Афиға умуман бошқача аёл. Мен ундан аёлни умримда кўрмаганман...

Субут индамади. Абди ҳам ундан ўз гапларига дарҳол жавоб кутмаётган эди. Шу боис индамасдан эшиқдан чиқди. Субут дарвоза дарчасини очиб Абдини ташқарига чиқарди. Қўлни қисиб хайрлашар экан:

– Омадингизни берсин! – деди.

## 24

Субут Абдини кузаттач, тонгта қадар миқюқа қоқмади. Йинpitting сўнгти гаплари қулоқлари остида тинимсиз жаранглар, Субут: «Наҳотки, наҳотки, шундай бўлса», деб бу гапларга ўзини ишонтиrolmas, шу билан бир қаторда ўша сўзлар таъсиридан сира қутула олмасди. Фақат бир нарсага, яны Афиғанинг бошига нимайти савдо тушган бўлса, ҳаммасига уни мажбур этишганинга у сўёзиз ишонарди. Чунки у билан севишиб, қисқа муҳлат бўлса-да, бирга яшаб, феъл-авторини обдон ўрганиб, уни ҳимоясиз, охназ ва... айни пайтда содда, ишонувчан экани ҳақида аниқ-равиштан тасаввур ҳосиш этганди. Мудом ўйлардики, унинг баҳтсизлигига энг асосий айбор Шаҳина хоним. Энди ўйлай бошлади: унинг асосий шериги – Муқимхонов ва у ҳам қаҷондир шунинг учун жавоб беражак.

Айни шу дамда баҳорнинг салқин, губорли тонгти отаётган лаҳзаларда ҳам у Афиға ҳақидағи маъюс хаёлларини Муқимхонов

нов хусусидаги ана шу сокин ва шафқатсиз ҳукм билан тугатди. Шубҳасизки, у бир неча кундан кейин Арслон билан Абди ҳақида гаплашиш асносида Даврбек Мұқимхоновнинг фожиали вафот этгани ҳақидағи хабарни эшилтишини ҳали билмайди. Билгач эса: «Воажаб, ўша куни саҳар чоғи күнглим сезган экан-а», дега ҳайрат ичра лол туриб қолди.

– Суд энди яна анча орқага суриса керак? – деб сўради Субут.  
– Аксинча, энди тезлашади, – деди Арслон. – Чунки деярли ҳамма нарса ойдинлашди.

– Абдига енгилпроқ жазо берилишига умид қиласа бўладими, ишқилиб, – деб сўради Субут.

– Ҳозирча бир нарса дейишим қийин. Лекин умид қилиш мумкин. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда умидни узмаслик керак. Дарвоҷе, Солининг қамоқдаги шернклари унинг буйруфи билан Абдига икки марта суюқасд қилинганини тасдиқлаб туришибди. Улар: «Соли ўлмаганда, Абдини барибир ўлдирав эди», дейишпти. Ҳар ҳолда Абдининг гуноҳини сал бўлса-да, енгиллаштирадиган ҳолатлар бор. Лекин нима бўлганда ҳам унинг қасдан одам ўлдирганини оқлаш қийин...

– Ахир ўз жонини асраш мақсадида «Зарурий мудофаа», деган тушунча ҳам мавжуд-ку?

– Келинг, ҳозирча «Эҳтимолар назарияси» билан шуғулланаб ўтирамайлик. Суд ҳаммасини инобатга олади, албатта. Сиз яхшиси... бизга бир масалада ёрдам беринг.

– Қанақа масала экан?

– Афифа Зокирова судда гувоҳ сифатида қатнашиши керак. Абди унинг манзилини айтишни хоҳламаяпти. Агар сиз уни чақиртирсангиз, маъқул иш қилган бўлар эдингиз.

– Мен ҳам унинг манзилини билмайман-ку.

– Абди айтмадими сизга?

– Айтмади. Очиги, мен ўзим сўрамадим. Чунки ўша лаҳзада бунга тайёр эмасдим.

– Энди тайёрмисиз? У ҳолда сизни Абди билан учраштиришим мумкин.

– Энди менга ҳам айтмаса керак. Қолаверса, қўйинг, шу ишдан мени соқит қилинг, илтимос.

– Хоҳламасангиз, майли, нима ҳам дердим. Лекин биз уни Интерпол орқали қидиртирайпмиз. Тез орада топилиб қолса ҳам ажаб эмас. Лекин сиз барибир судда қатнашасиз. Зоҳидийнинг

одамларига қўйилаётган айблар орасида сизга герони тиқишириб, милицияга ушлаб бериш ҳолати ҳам бор. Бу ҳақда аввал ҳам гаплашганимиз, сизни ўша елимхалта келтириб берган йигит билан юзлаштиришган.

– Ҳа, юзлаштиришган. Ҳаммасини ёзиб, қўл қўйдириб олишган. Яна сарсонгарчилик шартникин?

– Бу гал сарсон бўлмайсиз. Атиги бир марта судга келиб кетасиз, холос.

– Унақа бўлса, майли. Фақат сиздан илтимос, Зоҳидий сувдан қуруқ чиқиб кетишига йўл қўйманг, хўпми?

– Мен бу соҳада қўлимдан келган ҳамма ишни қиласяпман. Лекин...

– Нима «Лекин»?

– Лекин барибир Зоҳидийга енгил жазо берилса керак.

– Пулнинг кучими?

– Йўқ. Шунчаки... Зоҳидий ўзингиз айттанингиздек жудаям маккор одам экан. Ўзини муҳофаза қилиш учун ҳамма чорани кўрган. Герони савдосига зимдан раҳбарлик қилган бўлса ҳам, бевосита қатнашмаган. Гўёки у бу ишлардан мутлақо бехабар бўлган.

– Кўйинг-е, шу гапларга ишониб юрибсизми?

– Мен-ку ишонмайман. Лекин қаранг: Афғонистондан сотиб олинган бир неча вагон майиз Голландияга жўнатилаялти. Ҳаммаси қонуний. Ҳужжатларга Зоҳидийнинг ўринбосари қўл қўйган. Ана шу вагон ичидан топилган геронини қўлида ишловчи гумашталари «Биз қилганимиз, хўжайиннинг бу ишлардан мутлақо хабари бўлмаган», деб туришибди. Бундай ҳолатда, масалан сиз, қандай йўл туттган бўлардингиз?

– Менга герони тутқазган йигитта ҳам Зоҳидий буйруқ бермаган, унинг бу ишдан ҳам мутлақо хабари бўлмаган. Шунақами?

– Шунақа. Устига устак, Зоҳидий аксинча: сизни гаров эвазига чиқариб олиш учун пул тўлашга рози бўлган. Биласиз-ку!

– Биламан. Бунинг сабабини ўзингиз ҳам биласиз.

– Ҳа, лекин у сабабни делога қўшиб бўлмайди. Гарчанд... Афиғаҳон келиб: «Зоҳидий менга... шунақа тактиф билдирганди», деб турса бошқа гап. Лекин сиз буни хоҳламайсиз.

– Кераги йўқ. Майли, кўйинг. Ўша Зоҳидийлар... Муқимхонвлар... даврини сурнб юраверсин, – деди Субут, аламли киноя билан.

– Э-э, дарвоқе, эшитмадингизми, Муқимхоновни, – деди Арслон.

– Нима бўлти?

– Оқшом... ўлган...

– Нима? Қанақа қилиб? – ишонмай сўради Субут.

– Сизу бизга яхши таниш бўлган услуб – ўз уйида, тўғрироғи марҳум хотини Манзура Турсунованинг ҳовлиси ётогида газдан заҳарланган. Ёнида... Лайло исмли хизматкор аёл ҳам бўлган. Ўтган гал, хотини заҳарланиб ўлганда, биз ўша хизматкор аёлдан гумон қилган эдик. Лекин буни исботлашнинг иложи бўлмаганди. Энди худди шу усулда хизматкор ҳам, Муқимхоновнинг ўзи ҳам...

– Яна «Бахтсиз ҳодиса»ми?

– Бу гал шундай, деб ўйлашга ҳамма асослар бор. Дарвоза ҳам, уй эшиклари ҳам ичкаридан қулфланган, тамбаланган. Ташибаридан бирор киришининг мутлоқо иложи бўлмаган. Деразалар панжарали. Эшиклар темирдан...

Эрталаб шофёр келиб, бир соат кутган. Чиқавермагач, газ ҳидини сезиб, милицияга хабар қилган. Милиция дарвоза ва эшикларни бузиб очишга маъжбур бўлган. Хуллас, қисматнинг ўзи ҳукм чиқарганга ўхшайди...

– Ўтган сафар-хизматкор аёлни сиз тергов қилганмидингиз?

– Ҳа. Мен сўроқ қилганиман. Гумон бор эди. Лекин унга айб қўйишнинг иложи бўлмади. Аёл бир кун олдин жавоб сўраб кетган... Ўнданда менда Муқимхонов сафарга кетишдан олдин мутлоқо четдан бошқа бир одамини ёллаган, деган тахмин ҳам бор эди. Бироқ Муқимхоновни «тузукроқ» сўроқ қилишнинг иложи бўлмади. Унинг қаерда ишлашини биласиз-ку, шу тахлит бу тахминимга жиддий эътибор берилмай қолиб кетди.

– Муқимхонов... ўша аёл билан... бир тўншакда эканми?

– Ҳа...

– Лекин сиз барибир «Бахтсиз ҳодиса» юз берганига ишонмай турибсиз-а. Яна қанақадир гумошингиз, тахминингиз бор. Шундай эмасми?

– Шундай бўлган! билан... бунинг нима аҳамияти бор?

– Аҳамияти шундаки, одамларга ҳақиқатни аниқлаб айтиш керак.

– Ҳақиқатни аниқлаш ва айниқса, очиқ айтиш ҳамиша ҳам осон кечавермайди, Субут ака, – деди Арслон.

– Келинг, лоақал аниқлашга уриниб күрайлик. Айтиш-айт-маслик – иккінчи масала бўла қолсин. Майлими?

– Майли. Лекин қандай қилиб?

– Сиз менга ўша Лайлло исмли аёлнинг сўроқномасини ва умуман у ҳақда билган, аниқлаган нарсаларингизни сўзлаб беринг. Кейин мен сизга ҳақиқат қанақалигини айтай.

Арслон беихтиёр кулиб юборди:

– «Сиз менга ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, мен уни тескари ағдариб бераман», – деган экан бир афанди олим.

– Ўша олим афанди эмас, жиддий ва буюк Арасту бўлган.

– Майли, жаноб «Арасту», ишдан сўнг бирга бир пиёла чой ичамиз. Ўшанда гаплашайлик. Хўпми?

– Хўп.

– Нечада бўшайсиз?

– Саккиз, саккиз яримларда.

– Жуда соз. Соат тўққизда прокуратура яқинидаги «Зарафшон» тамаддихонасида учрашамиз. Келишдикми?

– Келишдик.

Кечки нонушта устидаги сұхбат асносида Арслон деярли бирон янги гап айтгани йўқ. Фақат «Муқимхонов яна бўйдоқ бўлиб олгач, кейинги пайтлар бир исча бор хизматкор алмаштирган, сўнгра яна ўша эски хизматкорни чақирган, чунки у билан илгаридан яқин муносабатда бўлган», деган гапи Субутни ўйлантириди. «Калаванинг учи мана шу ерда», деб ўйлади у.

– Хўш, энди ҳақиқатни айтинг, – деди охирида Арслон.

– Уни сизга ёзиб бераман. Ўқиб баҳолайсиз, деди Субут.

– Э-э, бунақа демайсизми? Сиз менинг вақтимни олиб, асарингизга факт йиғаётган экансиз-да. Сизни қаранг-у, бадпий асарга ёзвермайсизми, тахмин-таваккал қилиб.

– Йўқ, бу асар тахмин таваккал эмас, ҳақоний асар бўлади, – деди Субут ишонч билан.

– Ҳазиллашдим, Субут ака, биламан. Сиз фақат ростини ёзасиз. Очиги «Намозшомгул»ингизни ўқиб, мардлигинизга қойил қолдим. Ўзингизни ҳам аямагансиз.

– Бу воқеа ҳам «Намозшомгул»нинг давомига киради.

– Ундай бўлса, қизиқ нарса чиқади. Аммо-лекин муболагани ҳаддан ошириб юборманг, Муқимхонов масаласида. Ҳарнечук давлат идораларида ишлаган одам.

– Түгри айтасиз. Давлат идорасида ишлаган одам. Виждонли, ҳалол, элпарвар бўлиши керак. Шу боис масъул идорага ишга олишаётганда минг битта чифириқдан, элакдан ўтказишади. Бироқ афсуски, барибир... Муқимхоновга ўҳшаган одамлар бирда-ярим кириб қолади. Бас шундай экан, гуруч ичидаги курмакларни фош этиб, улар ҳақидағи бор гапни бўймай, яширмай айтишимиз зарур. Токи элу ҳалқ тақдири учун масъул бўлган мўътабар идораларда бундай каслар такрор-такрор пайдо бўлмасин.

– Майли-ку... Лекин Муқимхонов сизни ишга жойлааб қўйгани яхши эсимда...

– Мен, Арслонжон, шаккок одам эмасман. Қолаверса, шахсан ўзим, Муқимхоновдан айтарли бир ёмонлик кўрганим йўқ. Аксинча, сиз айтгандек, мени бир неча марта ишга жойлаштирган. Лекин барибир ҳам биз виждан кўзига тик қарашимиз, ҳаром билан ҳалолни фарқлай олишимиз керак. Қолаверса, улуғ бир адаб айтгани каби Муқимхонов сингари одамларнинг ёмон, ҳаром йўллардан юриши – бу уларнинг фожиаси, бахтсизлиги. Ана шу фожиани ҳаққоний кўрсатсанг, бошқаларга сабоқ бўлади.

– Мантиқ кучли. Ҳеч қандай эътиrozга ўрин йўқ, – деди Арслон.

Улар ярим тунда хайрлашишди.

Субут уйга келиб, яна тонгга қадар кўз юмолмади. Миясида боя Арслон унга, у Арслонга айтган гаплар, Муқимхоновнинг ўлими билан боғлиқ воқеанинг Субут тахмин қилиб, қофозга туширмоқчи бўлаётган изоҳи...

Янги кун якшанба эди. Шу боис озроқ ухлаб, соат тўққиздан ошганда турди. Ювиниб, енгил нонушта қилгач, ёзишга ўтириди.

Алқисса, навбатдаги бобни инсоний бир ачиниш, афсус ва надомат ила қадрдонимиз Даврбек Муқимхоновнинг аянчли қисматига баҳшида этамиз. Бунда Субут Сокин қаламидан фойдаланамиз. Албатта, эслатамизки, Субут ёзгай воқеада ҳаёт ҳақиқати ва бадиий тўқима уйғунлашган. Шу боис воқеанинг тахмин, фараз ҳамда бадиий тасаввур асосига қурилган, ишониш қийин бўлган ўринлари ҳам борлиги шубҳасиз. Бунинг учун Субутни маъзур тутамиз. Зоро, Муқимхонов фожеасининг асл манзараси, маъно-моҳиятини аниқ ифодалашнинг энди сира ҳам иложи йўқ. Фожиа иштирокчиларининг ҳар иккиси ҳалок бўлган.

Лайло кутилмаганда келиб қолди. Шанба куни эди. Даврбек Хатимага «Тушликни тайёрлаб кейин кетарсаң», деди. Лайло бу ҳафта келмаслуги керак эди...

Лекин у тонг саҳарда келди. Аксига олиб ҳар сафар дарвоза қўнғироғини босадагин одам бу гал калити билан очиб, ётоқхонага тикка бостириб кирди.

Даврбек билан Хатима парқув тўшакда деярли кийимсиз ачомлашиб ётишарди. Ҳали қўёш кўтарилимагани боис қоронғи эди. Лайло ётоқхона чироғини ёқиб юборди. Хатима «Вой, ўрай», деб салтчиб турди. Даврбек ширин уйқуда экан, уйғониб кетди. Дафъатан ҳеч нарсага тушунмай беихтиёр бақириб юборди:

– Нима? Нима бўлди? Ким кирди? Ўғри босдими? Ушла, ўғрини!..

– Мен ўғри эмас, – деди хотиржам, лекин ғазабли товушда Лайло. – Сизлар... Ўғри...

Даврбек ўзига келди. Ўрнидан туриб, индамай тескари қараб кийинди.

– Кўрқма, кийиниб ол, бу ўзимизнинг одам, – деди Хатимага. Ўзи кийиниб бўлгач, Лайлонинг ёнига келиб, билагидан ушлаб кўшни хонага олиб чиқди.

– Юр, ҳовлига чиқайлик... Тушунтираман...

Лайло уни силтаб ташлади. Секин, лекин қаҳр билан:

– Ёлғончи, бетайин одам экансиз, бевафо! – деди.

– Сен... Сен мени айблашга нима ҳаққинг бор? Кимсан ўзи? – деди Даврбек «Кўрқсан олдин мушт кўтарар» қабилида.

– Ҳали шунақами, – деди Лайло унинг кўзига тик қараб. Энди мен ҳақсиз, кераксиз бўлиб қолдимми? Манзура опамни ўлдириш, уйига эгалик қилиш зурур бўлганда мен керакли эдим. Энди кераксиз бўлибман да? Майли. Майли, мен кетдим. Энди нима қилишни ўзим биламан.

Даврбек кўрқиб кетди.

– Шошма, Лайло, ўзингни бос, азизам. Мен қизишиб кетдим. Тушун, ахир тўсатдан ухлаб ётган жойингта бостириб киришса, одам шошиб қолар экан... Мен сенга ҳаммасини тушунтираман. Бу аёл Москвада партия мактабида бирга ўқиган курсдошим. Шаҳримизга меҳмон бўлиб келган экан. Ўн йилдан бери кўришмагандим. Мастилик билан бир бўлиб қолди да... У бугун, шу

бугуноқ жұнаб кетади. Ҳозир кетади. Кейин гаплашайтын, хұпми?

Лайло индамади. Ҳовлиға чиқиб, эшик ёнидаги курсига ўтириб йиғлаб юборди. Даврбек унинг елкасини силади. Бу орада Хатима кийиниб, ичкаридан мұралади. Даврбек унга дарвозаны күрсатиб, «Чиқиб кет» деди ишора қылды. Хатима чиқиб кетди. Даврбек дарвозаны ичкаридан қулфлаб, Лайлони белидан қуchoқлаб ичкарга бошлади. Лайло ҳарчанд қаршилик құлмасин, Даврбек уни қуchoқлаб, ўпид ялинарди:

– Жоним, азизам, бир марта кечир! Умримда биринчи марта шунақа бўлиб қолди. Кўп ичган эканман. Ичкарига кириб ётиб қолсам, ўзи ечинниб хонамга кирибди. Худо ҳаққи, бирга ётган бўлсам ҳам унга қўлимни теккизганим йўқ. Ўзинг яхши биласанку. Кўп исчам, бўлмай қоламан. Ундан ташқари мен... яхши кўрмаган аёл билан ёта олмайман, буниям билардинг-ку...

Шу гаплар баробарида у Лайлони бошқа хонага, ўзининг аввалги ётогига олиб кирди. Елкасини силаб, ўпид, ялаб-юлқаб, ечинтиришга тушди. «Ҳозир яхшилаб кўнглини олсам, кўрмагандай бўлиб кетади», деб ўллади. Лайло уни кейинги икки кун мобайнида кўрмаган, шу боис соғиниб, ичикиб келган эди. У кейинги пайтлар Даврбек ундан ўзини олиб қочаёттанилигининг сабабини «Кўнгилдагидай эркалатиб, яйратолмаятман, деб изоҳлаган, шу сафар аввалги пайтлардагидек ҳамма жойини уқалаб, бир роҳат құлдираман». деган иштиёқи бор эди.

Бояги кўнгилсиз манзара унинг ғазабини қўзғаган, ҳатто ўша тоңгда ҳар иккаловини ҳам тўшакда ўлдириб ташлашга тайёр эса-да, иштиёқи сўнмаган эди. Зеро, айтишларича, ғазаб айрим кишиларда ҳирс ғалаёнини янада кучайтирар эмиш... Шу боис у Даврбекнинг ҳаракатларига аввал енгилгина қаршилик кўрсатган бўлди-ю, кейин жингалак соchlаридан тортиб, бошини дириллаган яланғоч кўкраклари устига босиб йиғлади. Даврбек Лайлони буткул ечинтириб, қаравот устига ётқизди. Унинг устига энгашар экан, юраги шувиллаб кетди. Ичи муздек, қони совуқ, шашти паст эди. Ҳарчанд уринмасин, ҳарчанд Лайлони ялаб-юлқамасин ўзида унга нисбатан майл уйғотолмаёттанини сезди. Сезиш баробарида қўрқди. Қўрқиши туфайли иштиёқи буткул сўниб, аёлнинг қуchoғидаги вужудини совуқ, шилтимшиқ тер босди. Лайло бошда буни сезмади. Ўз ҳиссиёті, ўз шавқи билан оввора бўлиб, Даврбекнинг соchlарини тортқилади. Бўйнидан, кўкракларидан ўпди. Бироқ бир неча сониядан сўнг:

– Э-э қўйинг-е, – деб ўрнидан туриб кетди.

– Салгина толиққанман. Бу – ишнинг кўплиги, кеча меъёридан ортиқ ичганим туфайли. Бироқ шошма, ҳозир ўзимга келаман, – деди у чалқанча ётиб, жунжикаётган яланғоч бадани устига кўрпани тортиб. Лекин у ҳадеганда «ўзига» келмади. Бундан асабийлашди. Тушликдан сўнг ётиб ухламоқчи, асабини тинчлантириб, ҳаётда унга биринчи марта панд берган энг асосий, энг муҳим «қуроли»ни жангга шайламоқчи бўлди. Ухломади. Баттар асабийлашди. Кечгача нима қиласини билмай юрди: бадантарбия билан шуғулланди. Ҳаммомнинг буфхонасиға кириб, танасини обдон қиздирди. «Наҳотки, белимнинг қувватини бутунлай сарфлаб қўйган бўлсан», деган шубҳа, қўрқинчли ўй кўксига қадалиб турар, шу боис қоронғи тушгани сари Даврек ҳам ваҳимага тушар, «Агар уринишм беҳуда кетса, Лайлонинг кўнглини хушлай олмасам, чатоқ бўлади», деб ўйларди у.

Энг ажабланарлиси, энг кулгили ва энг алам қиласидиган жиҳати шунда эдики, у боягина тўшагидан туриб кетган Хатиманинг оппоқ, лорсиллаган гавдасини кўз ўнгига келтирган заҳоти қони қизиб, иштиёқи аланталана бошлар, аммо Лайлонинг қўлини ушлаши биланоқ қони совиб, шашти тушиб кетарди. Ногаҳон «Падарлаънат Хатима, иссиқ-совуқ қилиб кетганми, нима бало» деб ўйлади. Чиндан ҳам шунақага ўхшарди. Лайло ҳам энди буни яқъол ҳис қилди. Обдон кўз ёши қилди. «Суюқ аёллар билан юравериб, касал бўлиб қолдингизми?» деб сўради ачиниш билан. «Йўқ, отдайман. Бугун шунчаки... бўлмайроқ турибди», деди Даврек. «Бояги аёл билан ростдан ҳам ётганингиз йўқми?» деб сўради Лайло. «Ётганим йўқ», деди Даврек. «Агар, ётган бўлсан, тил тортмай ўлай, деб қасам ичинг-чи», деди Лайло. Даврек илгари бунақа пайтларда бунақа қасамларнинг бир, икки чelагини тап тортмай ичиб юборар ва бундай «эчки қасам»-лар унга чивин чаққанчалик ҳам зарар етказмасди. Негадир бу гал қўрқди. Қасам ичмади. «Сен мени севасан-ку, қасам ичмасам ҳам ишонишинг керак», деди. «Демак, ётгансиз. Ўша аёлни яхши кўриб қолгансиз. Шунинг учун мени кўнглингиз тортмаяпти», деди Лайло. Кейин билағонлик билан қўшимча қилди: «Одам кўнгли тортмаган киши билан ётолмайди. Мен шунинг учун биринчи эримникидан қочиб кетганман. «Яхши кўрмаган одам билан яшашдан кўра ўлган яхши», деганман. Шунинг учун сиз ҳам ўзингизни қийнаманг, агар мени кўнглингиз тортмаётган бўлса,

мен хафа бўлмайман. Ростини айтаверинг. Агар кет десангиз, тақдирга тан бериб, кетавераман», деди.

Даврбек аёлнинг кўзларига қаради. «Самиими гапираётими, ёки маккорлик қиласяптими?» деб ўйлади. Лайлонинг кўзларида чуқур бир ҳасрат, мунг кўрди. «Ростдан ҳам тақдирга тан берганга ўхшайди. Лекин бирданига айтмаслик керак», деб ўйлади.

— Биласанми, Лайло, азизам, мен сени чиндан ҳам яхши кўраман. Ўйланишга ҳам тайёрман. Лекин одамларда шубҳа, ортиқча гап-сўз туғилмаслиги учун яна ҳеч бўлмагандга беш-олти ой сабр қилишга тўғри келади. Сенга «Ҳар ҳафта келавермагин», деганимнинг сабаби ҳам шу. Рози бўлсанг, ҳозир ётиб ухлайлик. Эргага якшанба. Маза қилиб бирга дам оламиз. Индін эрталаб туриб, кетсанг... Ҳаммаси жойига тушгач, ўзим бориб сени олиб келаман. Маъқулми?

Лайло индамади. «Майли» ҳам «Йўқ» ҳам демади. У ҳаммасини тушунганди. Чиқиб кетди. Ўзининг ҳовли этагидаги ҳужрасига бориб ётди. Эргалаб вақтли туриб, нонушта тайёрлади. Рўзгор юмушларини индамайгина бажариб юрди.

Даврбек Лайлонинг сукутини «ризолик аломати», деб тушунди. Шу боис анча осоишта ухлаб, бир қадар тиниқиб турди. Тушниқдан сўнг чиқиб, бозорлик қилиб келди. «Бу оқшом обдон хурсанд қиласаман-да, кейин хайрлашаман. Уч-тўрт ой ўтгач, со-вив, кўнишиб кетади. Бошқа бирон иш топса, бутунлай унутиб юборади. Ахир ўзиям кўриб туриби-ку, иқим сўймаётганини», деб ўйлади.

Кечкуунга ош қилишди. Даврбек кечагидақа «мағлубиятга» учрамаслик учун тўйиб конъяқ ичди. Устидан таниш дўхтир ёзив берган ҳапдорилардан ютди. Ҳайрнят, бу сафар қуроли панд бермади, найзаси синмади. Лайло ҳам анча ичганди. Ўзини ҳиссиздек кўрсатишга, туйгуларини ошкор этмасликка ҳарчанд уринаётган бўлса-да, Даврбек уннинг роҳатланаётганини сезди. «Қалай, яхшини?» деб сўради. Лайло яна индамади. Чукур уҳ тортди. Бир пасдан сўнг: «Наҳотки, бу охирги висол оқшомимиз бўлса?» деб сўради. «Даврбек ака, акажон, илтимос, мени ташлаб кетманг, мен сизга керак бўлса, жонимни ҳам бераман», деб йиглаб, ялинди. Даврбек эса яна кечаги гапни тақрорлади. «Вақт келса, албатта, бирга бўламиз», деди. Лайло эса Даврбек бугун у бишан ўзини мажбурлаб, ичкилик, дори ёрдамида қўшилганини кўрди. Шу боис у «вақт» энди ҳеч қачон келмаслигини яққол англаб турарди.

– Майли, энди ётиб ухланг, эртага ишга боришингиз керак, – деди у Даврбекка.

– Сен ҳам ёт, барвақт туриб кетасан-ку, – деди Даврбек.

– Ҳа, энди ухлайлик, – деди Лайло чироқни ўчирад экан. – Мен ўзимнинг хонамга бориб ёта қолай. Майлами?

– Майли, – деди Даврбек ва ичкилик ҳамда дори кучи билан қилингани зўраки ишрат туфайли азбаройи толиққани боис тез уйқуга кетди. Лайло ухламади. Боши қаттиқ оғрир, юраги қисилар, нима қилишини билмай, ҳужрасида у ёқдан-бу ёққа юрар, гоҳ куллар, гоҳ йиглар, гоҳ оғир нуқтага тикилганича қотиб ўтириб қолар, кейин ногоҳон ўрнидан туриб ҳовлига чиқар, Даврбек ётган хонага кираар, унинг қаттиқ ухлаёттанини кўриб, қайтиб чиқиб кетар, ҳужрасига борар, яна Даврбекнинг ётоғига келиб, қоронгуда унинг юзига термулиб-термулиб, қайтиб чиқиб кетарди.

Бир маҳал у нима қилаёттанини ўзи ҳам билмай ошхонага кирди. Кичик ошхона Даврбек ухлаёттан ётоқхонанинг рўпарасида жойлашган эди. Шўрлик Манзурахон табиатан хўран бўлгани боис, «Тунда очиқиб қолсам, узоққа чопиб юрмайин», деб шунача қилиган. «Овқат тезроқ исисин», деган мақсадда итальянча кучли газ пшигаси қўйдирган. Лайло ўшанинг ёнига келди. Плитанинг ҳамма муруватларини бураб, газни очди. Духовканинг эшикласини ҳам очди. Сўнгра ошхона ва ётоқхона эшикларини ланг очиб, даҳлизга чиқадиган эшисини зич бекитди. Иккι-уч дақиқа каловланиб тургач, ётоқхонага кирди. Ечинди. Даврбекнинг синга кириб ётди. Уни маҳкам қучоқлаб олди. Даврбек уйқусираб: «Келдингми?» деб сўради. «Ҳа, келдим, бутунлай келдим», деди шивирлаб Лайло. Кўп ўтмай газ ҳиди элиташиб, иккаласи ҳам ҳушдан кетишди...

Шу ўринда соддадил ўқувчим: «Энди Муқимхонов қазо қилди, шекилли», деса ўйлаёттан бўлса ажаб эмас. Биз ҳам шундай фикрда эдик. Лекин...

Эрта билан уни ишга олиб кетиш учун келган шоффёр йигит бир соатча куттагач, дарвоза кўнғирогини устма-уст босади. Жавоб бўлмагач, ҳайратланади. Ичкаридан чиқаёттан кўланса ҳид кўнглига шубда солади. Дарҳол милицияга, «Тез ёрдам»га хабар беради. Милиция ходимлари ётиб келишиб, девордан ошиб, ичкарига киришади. Киришади-ю... Даврбекни ҳовлида, шундоқкина уй эшигидан чиққан жойда чўзилиб ётган ҳолатда кўришади. Лайло эса ичкарида ётоқлонадаги кароват устида тиришиб қолган эди. Дастлаб милиция ходимлари ҳар иккисини ўлган,

деб хulosса қилишади. Чунки иккаласининг ҳам юраги уришдан тұхтаганды. Одатдагидек, сал кечроқ келган «Тез ёрдам» сұнның нафас олдириб, тұғридан-тұғри юрагига укол қилиб, тирилтиришга уринишади. Реанимация машинасига солиб, «Шошилиңч тиббий ёрдам марказы»ға олиб кетишиди.

Шу куниәк шаҳарда «Мұқимхонов хизматкор аәл билан тұшакда газдан заҳарланиб ўлибди», деган мишиш тарқалды. Аслида эса... Лайло ўлған-у, Даврбек тирик қолғанды. У «клиник ўлим» ҳолатида бүлған. «Тез ёрдам» экспертизага олиб кетаётган пайтда милиция ахборотномасига ҳам «ўлди», деган хабар беріб юборылған. Мұқимхоновнинг «клиник ўлим» ҳолатида экани экспертизага олиб борылған пайтда аен бүлған. Кечгә яқын у тирилтирилған. У ўн беш кунға қолмай тузалиб чиқади. Чиққан заҳоти уни юқорига чақиришиб, қайсицир бир вилоятта, қайсицир бир раҳбарға ўринбосар қилиб жұнатып юборышади.

– Мұқимхонов тирик экан, – дейди саҳарда құнғироқ қилиб Арслон. – Узр. Сизни алдабман.

– Мен унинг ўлғанинга ишонмаган здим, – дейди Субут.

## 26

Одатда аксарият саргузашт асарларнинг бириңчи ёки сұнити боби:

– Ўрнингиздан туринг суд келаяпты! – деб бошланади. Чунки бу – воқсага алланечук ваҳималилық, сирлілік багишилади.

Субут Сокин ҳам шаҳар судининг мажлисонасига кириб борар экан хәёлиға «Намозшомгул» асарининг иккинчи қисмими худди шу сүзлар билан яқунлайман», деган фикрда зди. Лекин суд котиби зылон қылған мана бу хабар унинг фикрини ўзgartыриб юборди.

– Күрилаёттан жиноят ишида янги ҳолатлар пайдо бүлғанлиги сабабли суд мажлисі кечкитирилади!..

Ушбу жиноят ишининг ипидан игнасигача хабардор бүлған Субут унда қанақа «Янги ҳолатлар» пайдо бўлиши мумкинligини ҳам тахминан билади. Бинобарин хәёлиға келган фикрдан ҳаражонланиб кетди. «Демак, уни олиб келишган. Ёки ўзи келдими?.. Ҳарқалай у шу ерда... Агар чиндан ҳам янглишмаётган бўлсам, бугун зрга мени ҳам яна чақиришса, у билан юзлаштиришса керак...»

Субут Аффани назарда тутаёттан зди. Хўй ўша у баҳор оқшоми Абди билан тасодифий учрашув ва муфассал оғрикли

су ҳбатдан сүнг «Имкони бўлса, Афиға судга келгани, ҳамма нарсанни аниқлаштириб, ўринсиз саволу таҳминларга чек қўйгани маъқул», деб ўйлар эди. Арслон кейинроқ уни умидвор ҳам қилди. «Излашяпти. Яқин орада топиб, олиб келишади», деб. Лекин бу орада суд бошланиши ҳақида хабар топди. «Демак, топишолматти», деб ўйлади. Субут Арслон орқали тергов чоғида Абди Самадовнинг гуноҳини енгиллатишга ёрдам бериш мумкин бўлган кўпдан кўп ҳолатлар очилганидан хабардор эди. Ҳатто Зоҳидий ҳам Абдига хориждаги банкдан пул олиш учун соҳта чек ёзиб бериб, алдаган бўлса-да, юзлаштириши чоғида ўша номардлигини ювишга ҳаракат қилган: «Абди Самадов ўша тунда Соли Мамарасуловни ўлдирмоқчи эмасди. Солини жиноят устида кўлга олиб, милицияга топширмоқчи эди. Лекин Соли унга ташланиб, ўлдирмоқчи бўлгани боис ўзини ҳимоя қилиш учун отишга мажбур бўлди», деб гувоҳлик берди. Пихини ёрган бу одамнинг айёргилиги Абди ҳам қойил қолган. Чунки «Солини ушлаб, милицияга топширмоқчи эдим», деган гап унинг етти ухлаб тушига кирмаган, сирайм хаёлига келмаган эди. «Бундан буёғига шунаقا, деб тур, ука, деди Зоҳидий. Шундай деб турсанг, иншоолло кутулиб кетасан. Менинг сенга ёрдамим шу бўлсин...» «Бу ёрдамингиз учун раҳмату лекин барибир ўшанда номардлик қилдингиз», деган Абди. Зоҳидий кулган. «Э-э, ука, хафа бўлма, бу пул қурғур одамнинг жигаридан ясалган, уни гоҳида сўнгти нафасингда, ҳатто туққан болангта ҳам раво кўролмайсан», дебди. Кейин у Арслонга қараб: «Бироннинг пули бирорвга ҳеч қачон вафо қилмайди, буни укамиз Даврбек Муқимхоновнинг қисматидан ҳам билса бўлади», деган. «Бу билан у «Муқимхоновни катта ишларга мен пул сарфлаб кўтарган эдим», демоқчи», дея изоҳлади Арслон. Сўнгра Субут учун ғоят қизиқарли бўлган бошқа гапни ҳам айтди. «Мен ундан: «Унақа бўлса нега фалон пул турадиган данғиллама ҳовли-жойни кўзингизни чирт юмиб, Муқимхоновга ҳадя этиб юбордингиз», деб сўрадим. Шунда у ғалати гапларни айтди. Мен... Муқимхоновга сарфлаган пулларимнинг доимо бир сўми иккиси сўм бўлиб қайтишига ҳаракат қилганман ва шунга эришганман ҳам. Ҳовли-жой эса. У аввало меникимасди, бироннинг шошилтинчда арzon-гаров сотиб кетишга мажбур бўлган мулки эди. Унинг менга насиб қилмаслигини билардим... Қолаверса, мен яна шуни биламанки, асл мол-мулк барибир бир кунмас бир кун ўзининг ҳақиқий эгасига қайтади...»

«У тўғри айтибди, деди кулиб Субут. Ҳовли чиндан ҳам эгасига қайтди». Арслон тушунмади: «Қанақа қилиб, ахир унда... сиз яшаяпсиз-ку?» «Мен қарзга турибман. Агар вақти келиб қарзни узолмасам, қайтариб беришга тўғри келади». «Бекор айтибсиз, деди Арслон. Ҳовли қонунан Афифа Зокированинг номида. Унинг розилигисиз њеч ким қайтариб ололмайди». «Афифа йўқ-ку?» «Келади, обкеламиз. Эртами-кечми...» «Дарвоқе, башоратларимиз эсингиздами?» «Ҳозир башорат ҳақида эмас, бугунги аниқ гаплар ҳақида гаплашайлик...»

Мана, энди Субут ўйладики, Арслон айтганидек, Афифани олиб келишган ва ... насиб этса, бу Абдининг оқланишида муҳим рол ўйнаши керак. Кейин ҳайрон бўлди. Нега у Афифадан кўра Абдини кўпроқ ўйлаяпти? Тўғрироғи, нега Афифа унинг учун қанақадир иккинчи даражали одам бўлиб туюлаяпти? Ундан кўнгли қолдими? Бунинг сабаби нима? Туниов куни Шаҳина хоним аччиқ устида айтиб кетган гапларми? «А-аҳ, дея қўл силтади Субут. Ўша манжалақининг ўзи нима-ю, гапи нима? Шаҳина деганлари пул учун одам сотиб, имону номус сотиб юрган фосика бир маҳлуқ-да... Кўй, шу наҳс босган кимсанинг гапини ҳам, ўзини ҳам ўйлаб ўтирма...»

Субут ўзини бошқа фикрлар билан чалғитишга уринди. Даврбек Муқимхонов ҳаётидаги «кескин бурилиш» хусусида Арслон билан гапиришган гапларини эслади.

– Қаранг-а, – деди ҳайрат билан Арслон. – Ёнида ётган аёл тарракдек қотиб, ўлиб қолган-у, бу одам яна тирик... Клиник ўлим ҳолатида бўлатуриб, яна тегирмондан бутун чиққанини айтинг!

– Муқимхоновга ўҳшаганлар осонликча жон бермайди, – деди Субут. – Агар улар сал нарсага ўлаверса, ҳаётнинг қизифи қоладими? Дарвоқе, сизлар уни яна тергов қилишларингиз керак эмасми? Бир ҳоалининг ўзида аввал хотили, кейин хизматкори айнан бир хил усулда ўлдирилди-ю, бу соҳиби каромат нуқул тирик қолади.

– Текширишди. Газни хизматкор аёл очган. Чамаси у ўзини ҳам Муқимхоновни ҳам ўлдиримоқчи бўлган. Сабаби ҳам аён. Муқимхонов ўша хизматкор аёл билан хушгорлик қилиб юрган. Кейинги пайтда эса ундан безор бўлиб, ишдан бўшатмоқчи бўлган экан... Иш ёпиди. Муқимхонов узоқ бир туманга «бадарға» этиб юборилди. Шу билан унинг сиёсат осмонидаги парвози ўз ниҳоясига етди.

– Яна бир куи оқ от миниб, ғолибона қайтиб келмасмикаи, ишқилиб? – деди Субут.

– Келмайди. Энди узоқлашиб кетди.

Яна беихтиёр Афифани ўйлади Субут. Уни ҳам энди ўз ҳаётидан, ўз хаёлидан узоқлаштириши керак эмасми? Бас, етар энди. Оврупача айттганда, жентлменлик, романтика, мусулмончасига – савобталабликнинг ҳам чек-чегараси бордир... «Муҳаббат-чи? Муҳаббатнинг ҳам ўлчами, меъёри борми? Ахир сен уни севардинг-ку! Севардим эмас, ҳалиям севаман. Ўша ожиз ва ҳимоясиз Афифани ҳамон севаман. Бугунги Афифани эса... Бугунги Афифадан эса қанчалик оғир бўлмасин, воз кечишга тўғри келади. Зоро, у йўқ. У ўзи ўша ёнғинли туңда менинг ҳаётимни тарк этган...»

Сўнгра у Зоҳидий тўғрисида ўйлаб кетди. «Бу маккор одам ҳам эҳтимол, яна сувдан қуруқ чиқиб кетади. Терговга ҳам, судга ҳам чап беради. Нима бўлганда ҳам мен бу одамнинг қийлу қоли ҳақида ёзишим, унда аниқлаган ва тахмин этгандаримни жамлаб, бу ёвуз кимсанинг асл башарасини тасвирлашим керак...»

Кечқурун уйга қайтиб келгач, ёзгани ўтирди. Дастрраб, аввал қоралаганларини яна бир қур кўздан кечириб чиқди. Сўнгра Зоҳидийнинг терговдаги маккорона ҳаракатлари ҳақида Арслондан эшитган гапларни мушоҳададан ўтказди. Ниҳоят ярим тунда ёзинга киришди.

«Аслида ҳаммаси оддий, ҳаётдаги сингари жўн кечган эди», деб бошлади «Қора қаср» ёнғини тўғрисидаги энг сўнгги тафси-потлар баёнини Сўбут. Бошлишга бошлаб қўйди-ю, сира юргиза олмади. «Ахир ўзим ҳам шундай бўлган бўлиши мумкин», деб неча маротаба фараз қўлганман-ку, дея ўйлар ва ўзининг бетакор интиуция, қувваи ҳофиза ҳақидаги мақтанчоқлик билан сурган хаёлларидан уялганидан қўйгани жой тополмасди.

Чиндан ҳам аслида ҳаммаси оддий ва жиҳдий тарзда рўй берган эди.

– Сизга «дело» очилган, – деди Зоҳидийнинг ҳуқуқий идоралардан бирида анчайин юқори лавозимда ишловчи «емхўрла-ри»дан бири, «Қора қаср» воқеасидан атиги уч кун олдин хилват манзилдаги учрашув чоғида.

– Хабарим бор. Аниқроқ гапир!

– Эртага кечқурун прокурор сизни қамоққа олиш ҳақидаги санкцияяга құл қүйиши мүмкін...

– Мен сенға аникроқ гапири, дедім, ҳой түнка, қанақа одамсан! «Мүмкін»ми ё құл қүядими?

– Бу гал... Құл қүяди. Мен «дело» билан танишиб чиқдим. Шусиз ҳам үзи уч мартаға рад этганди...

– Яна рад этсін, боши оғриб, касал бўлиб, ишга келмасин. Ишқилиб, құл қүймасин! Шунинг иложини топ.

– Энди сирайм иложи йўқ. Лекин мен гаплашғанман кўп беришмайди. Бир йил ўтирасиз, холос. «У ёқ»да ҳам шарт-шароит ташқаридагидан ёмон бўлмайди.

– Ўйлаб гапирайсанми? Мен турмада ўтираманми? Мен-а? Сенға берган шунча маблағ, шунча ҳаражат ҳавога учеб кетибди-да, демак. Қўлингдан келмас экан, айтмайсанми вақтида, мен ўзим ҳал қиласардим ўша прокурорингни... Изсиз йўқотиб юборган бўлардим.

– Ҳалим ака илтимос, ўзингизни босинг. Ҳозир у даврлар ўтиб кетди. Бирини йўқотсангиз, бошқаси имзо чекади. Қолаверса, прокурорга тажовуз қилиш – бу давлатта тажовуз қилиш, деган маънени билдиради. Унақада масала жудаям мураккаблашиб кетади...

– Э-э, ақл ўргатма менга! Жа-а, ақпинг кўпайиб кеттган бўлса, нима чора қўриш мүмкин, шуни айт! Бошни қотирмасдан...

– Бир чора бор: оддий, ишончли синалган усул...

– Қочиши? Устози аввал Мирмаҳди Саъдиевнинг ёnlаригами? «Мен ҳам эдим сенингдек, сен ҳам бўлибсан менингдею», дея мириқиб кулмайдими?

– Кулиши мүмкин, албатта. Лекин вақтдан ютамиз. Оралиқда «дело»нинг орқаси совиди. Бир-икки комбинация қилиб, асосий ҳужжатларни қайтадан ясаш, айбни бошқалар зиммасига кўпроқ ағдариш имкони вужудга келади. Шу орада сиз «Ўз ихтиёриңгиз билан айбингизга иқрор бўлиб» келган тақдириңгизда ҳам оқланишиңгизга, энг камида «авфи умумий»га тушиб, озод этилишиңгизга кафолат беришім мүмкин...

Зоҳидийнинг чехраси сал очилди.

– Шунақами?.. – деб сўради. Ўйланди.

– Яна бир йўли бор, – деди Зоҳидийнинг садоқатли мулозими. – Фақат бу йўл... Сал қалтис ва нозик. Агар... Жирканмасангиз...

– Айт, айтавер, қанақа йўл экан?

– Сизни «ўлди»га чиқариш. Яъни «ўлтимингиз»ни инсценировка қилиш. Агар шундай қилинса... Иш тез ёпилади. Халқаро қиди-рув, интерпол, деган маш-машаларга ҳам ўрин қолмайди...

– Кейин «тирилиб» келиш қийин бўлмайдими?

– Сираям. «Криминалистика хатоси» туфайли бошқа одамнинг жасади сизники, деб хуносаланган. Янглишгани учун биринки киши жазоланади. Сизнинг ишингиз эса яна ҳам енгилоқ кўчади. Чунки оралиқда... Сизнинг чет элга ўз ихтиёргиз билан қочмаганингиз, балким... Мафияга қарши курашганингиз туфайли жонингизга қасд қилгандари «ҳижрат этиш»га мажбур бўлганингиз аниқлашиб қолади...

– Мана бу – қизиқ гап экан. Қани батафсилоқ гапир-чи!

Мулозим дастурхондаги «Чинзано» шаробидан сипқариб, хушбўй «Гавана» сигарасидан тутатгач, илҳом ва шавқ ила ўзининг мукаммал «ҳарб-зарб режаси»ни баён этишга киришди...

Зоҳидий режани гоҳ илжайиб, гоҳ жиддий тортиб, гоҳ қаҳрли кўзларини номаътум бир нуқтага тиккан куйи индамай эшигтиди. Ҳаёлидан кўп нарсалар ўтди. Дафъатан, «Шу режа, шу ҳақоратомуз ўйиннинг менга кераги борми?» деб обдон ўйлади. Чиндан ҳам қамашадиган бўлса, қамашар. Зоҳидий учун «ичкари» ҳам бегона жой эмас-ку... Қамоқхона бошлиғи ҳам яхши одам. Бир пайтлар, ҳали Зоҳидий у қадар катта имкониятларга эга бўлмаган, оддий дўқончи бўлиб юрган пайтлар бу одам ҳам ёш эди. Ёш бўлишига қарамай қамоқхона бошлиғининг ўринбосари эди. Зоҳидийнинг дўконидан савдо қилиб турарди. Ўша кезлар Зоҳидий у билан яқиндан танишди. Икковлари Каттакўл ёқасида қамоқхонага қарашли дам олиш масканида қанча-қанча қўйларни сўйишиб, неча-неча «оқбелу оқбаданлар»ни қийратишган. Кейин ўринбосарлиқдан бошлиқликка кўтарилигач ҳам ул зот Зоҳидийнинг дастурхонидан узоқлашган эмас. Бас, шундай экан, мабодо «ўтириш»га тўғри келадиган бўлса... Шарт-шароит, маданияту майшатдан ғам емаса ҳам бўлади. Лекин...

– Қамоқхонанинг бизнинг измимизга бўйсунмайдиган айrim ўз қоида-қонунлари ҳам бор, – деганди ўша одам суҳбатларининг бирида. – Бинобарин, мен у ердаги ҳаётни юз фоиз назорат этаяман, деб айта олмайман...

«Ана шуниси чатоқ», деб ўйлади Зоҳидий. Унинг «ичкари»да ҳам душманлари етарли эди. Айниқса, ўтган йил бошида юз бер-

ган арзимас бир воқеа туфайли у «ичкари»дан бирмунча хавотирланар эди...

Үшанды унинг ҳузурига одми кийинган ўрта ёшлардаги бир одам келди. Зоҳидий унинг афтини ҳам тузукроқ эслаб қола олмаган. Фақат кексалигини назарда тутиб унга ўзича «қария» деб лақаб қўйганди.

— Саломат бормисиз, Абдуҳалимбой ука, — деб анчайин ҳазиломуз, бир қадар нописандроқ муомала қилди «қария». Кейинроқ, ҳафсаласини пир қилиб чиқариб юборгач, Зоҳидий уни: «Чўнтаккесарлиқдан нафақага чиққан текинхўрлардан биттаси бўлса керак-да», деб ўйлади.

— Сиз сўраганингиздан бери яхшиман, — деди Зоҳидий энсаси қотиб.

— Юрибсизми, ширкатчилик денгизида фаввосдек сузиб, — деди «қария» янайам безбетлик билан.

— Мақсадга кўчинг-э, акамулло, — деди Зоҳидий гапни калта қилиш учун.

— Мақсад — оддий, — деди «қария». — Сизни савоб ишга даъват этмоқ.

— Хўш-хўш, қанақа савоб экан, — деди Зоҳидий масхараомуз оҳангда. — Сиз кўринишингиздан масжиддан келган одамга ўхшамайсиз-ку? Соқол-саллангиз ҳам йўқ...

— Савоб дегани... фақат масжидга хайрия қилиш эмас, — деди «қария» энди жиддий ва таҳликали оҳангда. Қолаверса, сизга маслаҳат шуки, ҳаромдан топган пулларингиздан масжидга эҳсон қилиб овора бўлиб юрманг. Савоби тегмайди. Масжидга ҳалол пул хайрия қилиш керак...

Зоҳидийнинг ғазаби қўзиб, чакка томирлари ўйнаб кетди. Бир хаёли югурдакларини чақириб, улар ёрдамида бу маҳмадона безбетни (зеро, анчайин қурч гавдали бу касга ёлғиз ўзининг кучи етмаслиги табиий эди) уриб, тепкилаб, кўчага чиқарib ташламоқчи бўлди. Шайтонга ҳай берди: Ҳар нечук, у «қария»нинг қайси тоифа вакили экани ҳақида олдиндан муайян маълумотга эга эди. Ва эҳтимолки, бундан беш йил аввал келганида «қария»ни бошқача иззат-икром билан қарши олган бўларди. Сирасини айтганда, Зоҳидий ҳали оддий савдоҳодими — Абдуҳалим Зоҳидов бўлиб юрган кезларда у тоифанинг нисбатан оғир бўлмаган «шарт»ларини ҳам бажариб юрган. Аммо энди замон ўзгарди. «Ичкари»нинг Зоҳидий сингари «мех-

натсиз даромад» күрүвчиilar устидан зимдан юргизувчи ҳукм-ронлиги барҳам топа боплади. «Ташқари»нинг ўзида эркин, бехавотиyr турмуш кечириш учун шароит вужудга келди. Милиция, прокуратура, хуллас, қонуний ҳукм юргизувчи ташкилотлардаги керакли одамлар билан тил тошиша олсанг бас, «нар-ёдагилар»нинг зуфумидан кўркмасанг ҳам бўлади. Бунинг устига кейинги пайтлар умрида бир марта қамалгаи бўлса ҳам ўзини «Қонундаги ўғри» деб атовчи янги бир тоифа ҳам пайдо бўлди, улар: «Биз жиноят оламига буткул барҳам берамиз, шавкатли қонун ҳимоячилари билан ҳамкорликда», деган ошкора шиор остида «фаолият» кўрсатмоқдалар. Шунақалардан биттаси бор, Абдусоли Мамарасулов деган. Зоҳидий билан олди-берди қилиб туради. Пихини ёрган бола. Прокуратура терговчисининг синглисига уйланган. Ҳеч ким мушугини «пишт» дея олмайди. Дарвоqe бояги режани мабодо амалга оширишга тўғри келса, уни ишлатиш мумкин.

Хуллас, Зоҳидий «ичкари»да азоб ческаётганларга ёрдам жамғармаси учун пул талаб қилиб келган «қария»ни урмай-сўймай, ҳатто бир-өғиз ҳақорат ҳам қўймай, ниҳоятда маданий тарзда ҳайдаб чиқариб юборди.

– Акамулло, хафа бўлмайсиз, – деди у ошкора масхара қилиб, Сизнинг «жамғармангиз»га бир мири ҳам бера олмайман. Ахир ўзингиз тушунинг: қайси бир жамғармага берай? Ҳали ҳуқуқни қўллаш, ҳали санъатни, ҳали маданиятни, ҳали спортни қувватлаш жамғармаси, деб келишади. Энди бир ками... қамоқдаги жиноятчиларни қўллаш қолувди... Мен қонунга сўзсиз бўйсунувчи одамман. Марҳамат «жамғармангиз»ни қонун бўйича рўйхатдан ўтказиб, расмий идоралар рухсати билан «Илтимоснома» ёзиб келинг, банкдаги пулдан қонуний қилиб ўтказиб берай...

Қария жаҳли чиққанини сездирмади. Аксинча кулди. Зоҳидийга раҳми келгандай кулди.

– Майли, нима ҳам дердим. Зоримиз бор-у, зўримиз йўқ... Ҳозирча, – деди у ўрнидан туриб, этагини қоқар экан. – Лекин... Сиз хато қилаяпсиз. Бизнинг қавмимизга тегишли ҳалол ҳақни беришингиз керак эди. Акс ҳолда бир кунмас-бир кун уни ситиб олишади.

«Қария» чамаси «Бўғзингдан ситиб олишади», демоқчи эди. Чала қилиб айтди. Зоҳидий бунга эътибор қилиб ўтирумади. Яна масхаралади.

– Ҳозирча «Зўрингиз йўқ экан, зўрингиз бўлганда, келарсиз, отам», – деди.

– Унда кеч бўлади-да, – деди «қария» кулиб. Ўшанда сизнинг зорингиз, оҳу-нолангизга ҳеч ким қулоқ солмайди-да!

– Бўпти, ана ўшанда кўраверамиз, – деди Зоҳидий. «Қария» яна ўжарлик, маҳмадоналикини давом эттиравергач, Зоҳидийнинг имоси ила уни ташқарига улоқтиришиди.

«Сенинг онантни кўрсатаман, ҳали», деди «қария» кетатуриб. Зоҳидий илгари ҳам онадан сўкинишларни кўп эшиштан. Бинобарин, у қадар аҳамият бермайдиган бўлиб қолган. Бироқ шу галгисини у ҳазм қилолмади.

– Айтларнинг, уйнданми, қўйниданми гиёҳванд модда топиб, уч-тўрт йилга кеснб юборишин, – дея амр этди у гумашталарига. Орадан бир ҳафта ўтгач, «қария»нинг «Гиёҳванд моддаларни сақлаш билан шуғуллангани боис» ҳибсга олинганини эшидди. «У ёқдаги қавмларига сўзлаб берсин, менинг куч-қудратим ҳақида», дея яниб кўйди, ўзича...

Мана бугун орадан шунча вақт ўтиб, «Чиндан ҳам ўшанда хато қилган эканман», дея ўйлади, куттимаганда Зоҳидий. «Ахир эҳтиёткор эдим-ку? Ҳар бир нарсани, ҳар битта майда-чуйдани ҳам ҳисобга олиб юрардим-ку? Ҳеч қаҷон янглишмасдим-ку?..»

Кейин кўнглика келган оний кўркув ҳиссини, беҳуда афусус надоматни енгиш учун ҳукуқшунос гумаштаси айтган «режа» устида кўпроқ бош қотиришга киришиди.

«Йўқ. Осонликча таслим бўлиш ярашмайди менга. Шармандалил – бу. Нима эмиш: «Абдуҳалим Зоҳидий жаноблари миллион-миллион пули бўлатуриб, прокуратурага ўз оёғи билан кириб келибди, қурбонликка сўйиладиган қўчқор мисоли...» Йўқ, бунакаси кетмайди, қочиш керак. «Қочмоқ ҳам бир ҳунар», демишлар машойихлар. Лекин қочганда ҳам чиройли қочиш керак. Мирмаҳди Саъдиев сингари нишлир-пис қилиб, ими-жимида эмас. Шов-шувли қочиш керак...»

Шу тобда Абдуҳалим Зоҳидий жаноблари лоп этиб, ўзини анча йиллардан бери ўйлантириб келадиган бир муаммо, аниқроғи, ўзининг телбаваш, қўғир кўнглидаги азалий орзуси ҳақида ўйлаб кетди. Бу шон-шұхрат орзуси, буюклик иштиёқи эди. Одатда «Кун кўрмаган кун кўрса, кундуз куни чироқ ёқиб ўтиради», деганларидек, йўқсилдан чиқсан баъзи бойлар ҳарчанд мол-давлати кўпаймасин, кўзини, аниқроғи, кўнглини тўйдира олмайди.

Кўша-кўша иморат қуриб, машина устига машина, хотин устига хотин олиб, ўйнаш устига ўйнаш тутади. Кейин ҳокимият сари юриш бошлайди. Депутатликка давлат идорасидаги юқори мансабларга интилади. Бунинг учун пулни аյмайди. Буларнинг ҳаммаси бир мақсадга – ном чиқариш, шуҳрат қозонишга қаратилган бўлади. Хуллас, таги паст нокаснинг аксарияти пули кўпайгач, шуҳрат кетидан қувади. Зоҳидий эса... Зоҳидий жаноблари бошқачароқ эди. У эси ни таниган кундан бошлабоқ, машҳур бўлиш истаги билан ёниб юрар эди. Ўрта мактабнинг еттинчи синфини битирибоқ, дўкончилик қилган Абдуҳалимбой уззу-кун пештахта ортида ўтириб, ширин хаёлларга берилар эди. Ўша ширин хаёллар қанотида у... Урушда қаҳрамонлик кўрсатиб, ҳалок бўлиш, ёки шашка бўйича жаҳон чемпионлигига эришиш, ҳатто, иложи бўлса, фазога учиш хусусида ўйлар ва бу ҳақда одамларнинг, айниқса, қишлоқдошларининг ҳайрат ва ҳовлиқиши билан гапиришларини кўз олдиги келтиради. Кейинроқ у шон-шуҳратни қозониш учун одамга ноёб истеъодол ёки худо берган бир фавқулодда хусусият зарур бўлишини тушуниб етди. Бироқ тан олишини истамади. «Ҳеч қиси йўқ, ҳамма нарса жаби... шон-шуҳратни ҳам сотиб олиш мумкин», деди ўжарлик билан. Орадан йиллар ўтиб, пули беҳисобу бешумора кўпайгач ҳам, афсуски, ҳарчанд уринмасин, эл аро машҳур бўла олмади. Сабаби, ширкатчилик ҳаракати бошланган йилларда унга ўхшаган чаққонлар кўп эди. Бири қўйиб, бири олиб, пешқадамликни Зоҳидийга беришмасди. Уларнинг миқёси кенгроқими-еј. Ҳар қалай ўшалар спортга, маданияту санъатга ҳомийликни зиммаларига олиб, машҳур бўлиб кетишиди. Давлат идоралари ҳам, аҳоли ҳам буни эътироф этишарди. Зоҳидий эса салгина қурумсоқлик қилгани боис ҳомийлар сафидан жой ололмай қолди.

Хуллас, Зоҳидий ҳарчанд уринмасин, мамлакат миқёсида танилиш, кимсан «Абдуҳалимбой, лоақал Абдуҳалимбойвачча», дея ном қозонишнинг уддасидан чиқа олмади. Бир неча заводлари, дўкон ва ошхоналари, сартарошхона-ю, ҳаммомлари бўлишига қарамай, ҳамон шунчаки, Аблуҳалим Зоҳидийлигича қолди. На қўша-кўша ҳовлилар, на «Мерседес» ва «Жипп»лар, на девқомат тан соқчилар-у, профессор унвоили шахсий дўхтир-у, собиқ прокурордан чиққан хусусий адвокатларга эгалик унинг шон-шуҳратини таъминлай олмади. Алам қиладиган жиҳати шунда эдики, унинг ҳамма нарсаси бор. Фақат бир нарсаси, эл аро шуҳрати йўқ эди, холос. «Шуҳрат қозонишмуга рақобатчи-

ларим йўл бермаяпти», деб ўйлаб, улардан бир нечасини йўлдан олиб ҳам ташлади. Лекин нафи бўлмади. Зоҳидий номашҳурлигича қолди. Бунга монелик қилувчи яна бир сабаб – Зоҳидийнинг мумсиклиги эди. Ўз фаолиятини оддий дўкончиликдан бошлаган, асосий сармоясини гугурт, туз, совун каби кундалик эҳтиёж моллари устига нарх қўйиб сотиб, чақалаб тўплагани боис Абдуҳалимбой табиатан очкўз, хасис эди. Ўшанда нафақадаги ўғри – «қария»га у жонига теккан жамғармалар ҳақида ёлғон гапирганди. Аслида у маданият, спорт ва бошқа соҳаларга бир сўм ҳам хайрия қилмасди. Амалдор қавмидан орттирган укахони – Даврбек Муқимхонов, ҳуқуқ идораларига «суқиб» қўйган гумашталарига қилган ҳаражатларини ҳам у мудом ортиғи, яъни фойдаси билан қайтариб олишга ҳаракат қиласди. Яъни, бу Зоҳидий деганлари тўғри тадбиркорлиги-ю, боз устига, қўштироқ ичидаги «тадбиркорлиги» орқали топган пулига қаноат қилмасдан, мансаб «сотиб олиш» савдосида ҳам ғоят устамонлик ила жаллоблик, маданий қилиб айтганда, «воситачилик» билан шуғулланарди. Хуллас, қўл урган ҳар бир ишдан фойда кўришга одатланган, кўрган даромадни эса етти жойидан туфлаб тугар эди. «Пулни асраб-авайлаб ишлатмоқ, яъни ҳурмат қилмоқ даркор», деб фалсафа сўқар эди у шогирдлари, фарзандлари даврасида. – Ана шунда пул ҳам сизни ҳурмат қиласди...»

Зоҳидий фақат бир нарсага – аёллар билан айш-ишратга пулни аямасди... «Агар мен ўз фаолиятимда бирон-бир хатога йўл қўядиган бўлсан, у шубҳасиз, аёллар билан боғлиқ хато бўлади», деб қўярди баъзида ўзига-ўзи. Айни пайтда мудом чиройли аёл учун ўзини томдан ташлашга тайёр эди. Эҳтимол, айнан шу боисдан ҳам у ҳаётда ғоят жиддий муаммо – қамалиш хавфи вужудга келган айни даққаларда ҳам «моҳитабон Афифаҳон» билан бўлажак «висол оқшоми»ни бекор қиласди. «У билан яхшилаб «сұҳбат» қургач, жуфтакни ростлаймиз», деди у. Бўлажак висол ва қочиш билан боғлиқ ҳар томонлама пухта «режа»ни эса шахсан ўзи ишлаб чиқди. Бу режа боя, ҳукуқшунос айтган режалардан фарқли ўлароқ, Зоҳидийнинг саргузаштесварлик ва шон-шуҳрат бобидаги хаёлларини ҳам рўёбга чиқариши керак эди. Зоҳидий режасининг заиф жиҳати – унинг «қўлигини» аёл билан топиб олиниши эди. Аммо у «майли, бу овоза тез тарқалишига ёрдам беради», деб ўйлади. Кейинроқ – унинг тирик экани маълум бўлгач, ортиқча гап-сўзлар ўз-ўзидан босилиб кетади. Ҳозирча эса воқеа қизиқ бўлиши зарур.

«Худди кинолардагидек сирли ва ваҳимали, илоҳий ва жумбоқли бўлади, дели у ўз режасидан ўзи завқланиб. Кинодагидек эмас, худди афсонавий эртаклардаги сингари бўлади...»

Ростдан ҳам бошланиши шунаقا бўлади. Ҳаммаси Зоҳидий ишлаб чиққан режа асосида босқичма-босқич давом этади. Хорижлик шериклар номидан Саъдиевдан «Зоҳидийни йўқ қилиши учун» ёрдам сўраш, Суря орқали Соли Мамарасуловни қотилишк учун ёллаш (Зоҳидий «қотилиши»ни Солининг шахсан ўзи амалга ошириши лозимлигини шарт қилиб қўйди. Чунки, шу баҳонада Солини ҳам гумдон қилиб юборишни, яъни кучайиб келаётган яна бир рақибдан халос бўлишни мўлжалланган эди), изларни бутунлай йўқотиш учун Сайхондаги дала-ҳовлини ёндириб кетиш ва ҳоказо. Дарвоҳе, у Солининг тўдасига аввалдан киритиб қўйган ўз одами Тўлқин Пўлатовдан Солига қандайдир Абди Самадов деган суратчи йигит қасд қилиб юрганини билиб, ундан ҳам фойдаланишга аҳд этди. Тўлқинга: «Ҳаммаси рисоладагидай ишончли, ҳаётий чиқиши зарур», деб тайинлади. Ҳар эҳтимолга қарши, ўз одамларидан икки кишига дала-ҳовлининг хоналаридан бирига яшириниб пойлаб туришни, агар зарурат туғилса, Соли ва шеригига қўшиб, Абди Самадов билан Тўлқинни ҳам гумдон қилишини топширади. Ҳар тугул бунга зарурат бўлмади. Абди ва Тўлқин ўз «вазифаларини» аъло даражада ижро этишди. Фақат... Абди Солининг бошини мўлжалга олиб, ўқни унга текиза олмай, ишни бузиб қўйишига сал қолди. Яхшиямки, орқадан пусиб келган йигитлардан бири Солининг қаншарини аниқ мўлжалга олиб, Абдининг «катоси»ни тузатди. Абди шўрлик буни сезгани ҳам йўқ. У «Солини ўлдирдим, Зоҳидийни пул эвазига аядим», Афиғани кутқардим», деган хаёл билан кетди. Афиға ҳам ҳеч нарсани сезмади. Зоҳидий уни Абди ёрдамида хорижга чиқариб юбориш ва кейин ўша ёқда Абди ва Тўлқинни гум қилиб, жувонни қайтариб ўз бағрига олиш ниятида эди. Чет злга боргач, режаси бироз ўзгарди. Тўлқин қайсиидир жангари ташкилотта вакили Зоҳидийнинг ваъда қилган пулларга қайрилиб ҳам қарамади. Уни ушлаб, кўлига кишан уриб, юртига қайтариб юборди. Зоҳидий шунда ҳам тушкунликка тушмади. Бу ёғи ҳуқуқшунос гумаштаси таклиф этган режага мос эди. «Энди юртда беш – ўн кун тергов берган киши бўламан-да, сўнгра озодликса чиқиб, мутлақо қонуний тарзда хорижга – Афиғанинг ҳузурига жўнайман. Мар-

мар денгиз соҳилида бирон қасрни ишарага олиб, бирон йил айшимни сурман», деб ўлади.

Ва эҳтимол шундай ҳам бўлар эди агар... бир нарса, бир ҳол унга халақит бермаганида. Унга ҳалал берган ва қисматида машъум рол ўйнаган ўша ҳол, ўша сабаб ҳусусида эса сўнги бобдан ҳикоя қиласиз. Ҳозирча Зоҳидий мувакқат тергов ҳисобхонаси (IBC)даги шоҳона безатилган камерада ширин хаёллар суруб ётатурсин-у, гапни энг асосий қаҳрамонимиз Афиғахонимдан эшитайлик.

## 28

Афиғахоним Истамбул шаҳрининг Кадикўйи маҳалласида, асли келиб чиқиши самарқандлик бўлган Аҳмад Шер исмли тоҷир киштининг Шарқия исмли саксон ёшли бемор онасини парваришлаш билан шугулланар, бунинг учун еган-ичганидан ташқари анчагина маош ҳам оларди. Кампир унга, у кампирга маъкул тушиб, бамисоли она-боладек аҳил турмуш кечиришарди. Кампирниң тожир ўғли асосан Германияда яшар, ҳар ҳафта, баъзан икки ҳафтада бир жума кунлари бола-чақаси билан келиб, онасидан хабар оларди. Кампир ҳам бошида ўғли билан Европага кетган экан. Ҳавоси ёқмай, ўғлига «Ўламан обло, мани Истамбулга қайтар», деб туриб олибди. Аҳмад Шер онасини қайтариб олиб келиб, қаровчи ёллаган. Ўша қаровчи аёл, илгари айтиб ўтганимиздек, Афиғага таниш бўлиб чиқади ва улар тасодифан учрашиб қолишади. Унинг ёрдамида Афиға ҳам шу хонадонга қаровчиликка ёлланади. Кейинроқ опахони юртга қайтиши зарур бўлиб қолгани боис, Афиғанинг бир ўзи ишлай бошлайди. Кампирга ҳам шуниси маъкул келади.

Аслида ўша машъум тунда, ловиллаб ёнаётган «Қора қаср»-ни тарқ этиб, ногаҳон таниш бўлиб чиққан «номаълум халоскор» Абдивойниң қаватида хорижга йўл-олган Афиға «Энди менинг таҳдирим, истаймани-йўқми, шу йигит билан абадий боғланди», деган хulosага келган эди. Шу хulosага таъсирида Субутга хат ёзил, ундан «талогини» сўрашга ҳам жазм этганди. Аслини олганда Афиғанинг Субутдан воз кечиши аниқроғи, Субутни ўзидан воз кечишига кўндириш ҳақидаги қарорини анча илгарироқ, яъни Субутни қутқариш мақсадида Зоҳидий билан учрашишига рози бўлган куни қабул қилганди. Бу ҳақда у Субутга

ёзган мактубида ҳам шаъма ила сўз юритганди. Яна ҳам аниқроқ сўзлайдиган бўлса, Афифа ҳув ўша, ночор кунларнинг бирида Даврбекнинг «Арзимас моддий ёрдам»ини олган, буни Субутдан яширган чоғдаёқ «Мен Субут акамга муносиб эмасман», деган оғир, оғриқли ва ҳақоратли қарорга келганди. Ўша кунлар у Даврбекнинг садақаси эвазига моддий аҳволини бир қадар енгиллатган бўлса-да, руҳиятини тамоман барбод этганди. «Мен Афифа, яъни покиза эмас, мен чиркин ва булғанч бир мавжудотман, деб ўйлар эди у. Мен йўқчиликка, очлик ва юпунликка чидай олмай, яна Даврбекнинг ҳаром товоғини ялашга тушдим. Мен худо урган кимса эканман. Мен Даврбекнинг ифлос қучоғига лойиқ ифлос вужудимни энди ҳеч қачон поклай олмайман. Менинг ўрним ўшаларнинг – Даврбек, Зоҳидий сингари ҳаром кимсаларнинг ҳаром доирасида. Бас шундай экан, лоақал Субут акамни бу ҳаром доирадан узоклаштирайин. Ўзимга қўшиб, уни ҳам хароб, аборг қилмайин....» дерди у ўзига ўзи.

Яна шу йўсингдаги ўйлар домида бўлгани боис, Зоҳидийнинг «Субутни қутқариш эвазига ўзини унга танмаҳрамликка баҳшида этиш» борасидаги таклифига ҳам рози бўлди. «Фақат шартим шуки, деди Афифа, минбаъд Субут акамга ҳеч ким, ҳеч қачон дахл этмасин». «Бунга икки юз фоиз кафолат бера оламан», деди кеккайиб Зоҳидий. «Худога шукр, қўлимни қайга узатсан, етади. Менинг шартим эса шундан иборатки, шу кундан эътиборан буткул ва тўласинча, менинг ихтиёrimda бўлаеиз». «Мени никоҳлаб олмоқчимисиз? Ахир Субут акамдан талоқ олганим йўқку», деди Афифа. «Ҳозирча жория бўлиб турасиз, яъниким канизим, деди Зоҳидий. Вақти келса, шунга лойиқ ҳурмат қилсангиз, никоҳга олсак, олармиз...»

...Ўша оқшом Зоҳидий ўзини ғалати тутди. Нукул ҳаяжонланар, кўзлари бир нуқтада турмай олазарак бўлиб жавдирар, ўзи тўкин дастурхон, қуюқ зиёфат устида, Афифанинг қаршисида ўтиради-ю, хаёли тамоман бошقا ерда эди. Тун қуюқлашгач, кузатиб келган, ҳар дам хизматта ҳозир нозир турган қўриқчиларини ҳам қайгадир гум қилди. Ҳайҳотдек кошонада ёлғиз икковлари қолишиди.

Афифа буни «Висол кечасига ҳеч ким ҳалақит бермаслигини истаяпти» қабилида тушуниб, Зоҳидийнинг ҳаяжонини ҳам ишрст арафасидаги шаҳват ғалаёни туфайли пайдо бўлган бетоқатлик, дея изоҳлади.

Лекин, у бу борада янглишганини ётоқхонага киргандаридан кейингина англали. Зоҳидий ҳамон ҳаяжонли титроқ оғусида бўлиб, диққати Афифада эмас, ташқарида эди. У «тиқ» этган товушдан ҳам сакраб ўрнидан туар, Афифага эса: «Жим, овозингизни чиқарманг, ўзингизни ухлаганга солиб ётинг», дея таҳдидли шивирлар эди. «Нимадандир қўрқаяпти бу одам, деб ўйлади Афифа. Шунаقا бўлса... Нега қўриқчиларига жавоб бериб юборди?»

Кейин ҳаммаси бир зумда юз берди. Тарақ-туруқ, тарсиллаған, вишиллаган ўқ товушлари... Хушини йўқоттан Афифа ўзини Абди билан бирга машинада кетаётган алфозда кўрди. Абдининг: «Мен билан бирга кетасизми?» деган саволини у элас-элас эслади. «Демак, розилик берибман-да?» деб ўйлади у тун қўйнида катта йўлда шиддат билан олға бораётган машинанинг бир маромдаги ғувиллашига қулоқ тутиб. Шу кўйи бир неча соат йўл юришгач, тоғ этагидаги бир қишлоққа келиб, машинадан тушишди. Арчазорлар оралаб тоғ томон пиёда узоқ юришди. Афифа ҳолдан тойиб, нафаси қайтиб кетди. Тонг ёришиб, кун ёйилганда тоғдан ошиб, ўтиб кетишди. Сўнгра бир автобусда чўлу биёбонлар орқали уч кечакуч кундуз йўл босишишди. Афифа саҳро, қумликлар, туяларни кўриб, «Узоққа кетаяпмиз, шекили», деб ўйлади. Кейин яна бир узун юк машинасида йўл юришиди. Ниҳоят, Туркманистонми, Озарбайжонми қайеи бир мамлакатнинг қай бир қишлоғида дарё кечиб, Эронга ўтишди. Кейин Туркия... Бир маҳал Абдининг «Ана энди қуттилдик, биз озодмиз!» дея қичқира бошлаганини кўриб, Афифа қувонишга уринди. У Абдининг қадди-қомати, чехрасига разм солар экан, «Шу йигит энди менинг эгам бўлар, экан-да?» деб ўйлади. Кейин ўз саволига ўзи жавоб берди: «Албаттга, сен энди уникисан, у сени Зоҳидийнинг чангалидан кутқарди-ку. У сенинг ҳалоскорнинг. «Қара, қандай кучли, довюрак йигит экан...» Афифа яна Абдига сер солиб қаради. Лекин негадир юраги қургур «жиз» этмади. «Тақдирга тан беришимиз керак, азизим, дея ҳаёлан юрагига хитоб этди Афифа. Бошқа иложимиз йўқ...» У «Абди энди менинг розилигимни ҳам сўраб ўтирмай... ўзиники қилиб олади», деб ишонар ва руҳан шунга тайёр эди. Ҳали Эроннинг Машҳад шаҳрида, бир неча кун мусоғирхонада яшаган чоғларидаёқ у Абдиндан ҳамла кутди. Абди эса Тўлқиндан истиҳола этдими, ёки ҳали кўзлаган манзилига етиб бормагани боис кўнгли тинчланмаган-

миди, индамади. Истамбул шаҳрига келишиб, уч хонали бир уйни ишарага олганнаридан сүнг Тұдқын портта юк тушируғандаға әл-ланиб, тунда ишга кетті, улар бириңчи марта әлғиз қолишиди. Абди даярматтың ін гүлешінде қарамай, жуда торғынчоқ эксан. Афифаны ҳайрон қолдираб, қисқынб-қымтилиб сүз бошлады. Сұхбатларын узоқ чүзилди. Күпроқ Абди гапиді. Афифаны сұзлагани құймади. «Сизнинг саргузаштарынғыдан хабарим бор», деди. «Вой, қаेңдан биласыз», деб сүрады Афиға. «Бутун ҳәстингисин биламан, деди Абди. Мен мактабдалык өнгілдегісіндең сизге зытибор қылғаныман. Бүй етса, бенің оя гүзәл қызы бұлады, деб үйлардым. Үйлаганимдан ҳам зиёда бўлибсиз...» «Мактабдалыгындаң зытибор қылған бўлсангиз... нега гапирмагансиз ўшандада?» деб сүрады Афиға. Ҳаёлдан эса: «Ўша өнгілар бу йигит галирганида, ҳәстим балки бошқачароқ бўлармиди?» деган фикр ўтди. «Сиз унда анча кичкина эдингиз. Ундан ташқары, бошқа бир қызы менға хат ёзиб, диңсатынни чалғыттан. Мен: «Ҳамонки қызы бола севги ишадор этип хат ёздым, бас, унинг муҳаббатини жавобсиз қолырмаслик керак, аks ҳолда номардлик бўлади», деб үйлаганыман. Афуски, ўша қызниң ўзи кейинроқ сўзининг устидан чирамай, бошқага тегіб кетди. Кейин мен яна сизни изладим. Кесілек эксаныман. Бошингиздан кўп савдолар ўтибди. Эрга тегибсиз. Лекин шунда ҳам умидвор бўлиб юрдим. Чунки... Сизнинг Субут билан турмушнинг омонат эканнин күнглім сезарди. Адашмабман. Зоҳидий билан кўрганномдан кейин сизни тушундим...»

Йўқ, ҳаммаси сиз үйлагандан бошқачароқ, – деди Афиға. – Субут ака билан турмушнимиз омонат эмасди. У киши мени севарди. Айби – ночорлығи эди, холос. Мен эсам бир жиҳатдан ўзимни унга лойиқ кўрмасдим. Иккінчи томондан, енгил ва тўқис ҳәстіга кўнишиб қолған эканнамни, йўқчилиска чидай олмадим. Субут аканинг юзига осек қўйдим... Зоҳидий билан эса мажбур бўлдим. Субут акани кутқариш учун. Мен уни кутқариб, кейин бош олиб ўтмоқчи эдим узоқроқса. Сизни худо етказди... Энди билсам, сиз ҳам кўп қийналган экансиз-да. Ўша сизга бевафолик қылған қызы бизнинг мактабда ўқыган бўлса, мен танисам керак. Ким эди? – Зарифа... Ҳажнұрова... Домстанинг қызы. Улар кейин шаҳарга күчіб кетишган. Акаси Арслон – дўстим эди. У прокуратурада ишлайди. Эспадингизми? Танир экансизми? – Ҳа, танир эканыман. Зарифа опа жудағы келишгандың қызы эди. Уни севиб янглишмагансиз. Қызын. Нега у сизни алдады экан? Унга ҳар жиҳатдан лойиқсиз-ку? – У менинг камбағаллижимга чидай олмади. Менинг келиб чиқкышим

оддийроқ. Отам-қоровул, онам фаррош бўлган. Ўзим ҳам ўқишига кириб, бирон касбни эгалтай олмадим.

- Вой, нега, суратчи-журналист экансиз-ку?
- Бубир... ҳаваскорлик. Аслида мен суратчи бўлмоқчи замадим...
- Менимча сиз ҳалим Зарифа опани севар экансиз...
- Нега шундай, деб ўйлаяпсиз?
- Билдиш-да.
- Бу ҳақда гапириш энди бефойда. Энди... биз у билан ашаддий душманга айландик.

– Вой, нега? Нима учун?

– Ўша ўлдирилган иккى кишининг бири унинг эри Соли эди.

– Вой, ўрай, йўғ-е... Зарифа опа шунақа одамга текканмиди?

Одамнинг ишонгиси келмайди...

– Начора, ҳаётда юз берадиган воқеаларнинг ҳаммаси ҳам алға сигавермайди. Мен ҳам... умримда бирорининг жониг' қасид қилишим мумкинлигини ҳеч қачон ҳаёлимга келтирмаганиман. Лекин иккى марта ... одам ўлдиридим. Ҳамон ўзамига келолмайман. Тушларимга киради...

Абди шундай деч туриб, кутилмаганда йиглаб юборди. Ўқсиб-ўқсиб, хўрсиниб-хўрсиниб йиглади. Маъюс, кемтик болалигини, кўрган жафоларини эслаб Афифанинг кечимишидан аламлашиб, қисматнинг қажрафторлигидан зорланиб йиглади. «Сиз ҳам, мен ҳам бахтсиз эканмиз, нима гуноҳ қилган эканмизки, тақдир бошнимизга шунча савдо солибди», деб йиглади. Афифа унинг бошини кўксига босиб, сочларини силади. «Йингламанг, энди ҳаммаси орқада қолди. Энди тинчгина турмуш кечирамиз...» «Сиз менга тегасизми?» деб сўради Абди. «Тегаман. Тегмай иложим қанча?» «Субут акадан воз кечасизми?» «Бошча чорам йўқ энди. У киши тушунар. Кечиради...» «Бўлмаса ундан жавобинигизни олайлик. Кейин...шаръий ҳалол қилиб... уйланаман сизга. Хўпми?» «Хўп», деди Афифа ва кўксига бош кўйиб, болалагча ҳиқиллаб йиглаб ўтирган бу алпқомат йигитнинг соддагиги, мардлигига қойил қолди. Ундан шармсиз ҳамла кутгани учун ўз-ўзидан уяди. «Эркак зотининг ҳаммаси ҳам эшаксифат эмас. Дунёда мана шунақа имонли йигитлар ҳам бор», деб ўйлади ва Абдини бенгтиёр Субутта қиёслади. «Улар бир-бирларига жуда ўштайдилар. Иккиси ҳам мард, ҳалол, тўғрисуўз. Лекин иккиси ҳам начор. Нега шундай? Нега яхши одам зарининг ҳаётда қўлн калта бўлади? Нега улар Зоҳидий сингари бой-бадавлат бўлол-

майдилар. Нега улар Муқимхонов сингари катта мансабларда ишломайдилар?...»

Алқисса, Афифа Субутга йиғлаб хат ёзди. Яна «Талогимни берганингизни бирор белги билан маълум қилинг», деди ва жавоб кутди. Жавоб ҳадеганда келавермади. Бу орада... Абди Зоҳидий ваъда қилган пулни ололмасдан, бирон тайинли ишга киролмасдан асабий, одамови бўлиб қолди. Кимларгадир эргашиб, Покистонга кетди. «Пул топиб келаман, сўнгра никоҳ ўқитиб, одамдай яшаймиз», деди. Ўзи эса ҳамон Афифадан тортинар, ўзини олиб қочар эди. Афифа туйғун аёл эмасми, сезди. «Кўнгил қўёлмаяпти», деб ўйлади. Бир хил эркак зоти шунаقا бўлади. Бир қизни севса, бир умр севади. Бошқага сирайм кўнгил қўя олмайди. Абди шунаقا тоифадан. У ҳамон Зарифадан умидвор. Афифага бўлган туйғуси эса ёшлиқдаги ҳавас даражасида қолган. «Уйланаман, одамдек яшаймиз», деган гаплари эса... Субут сингари раҳм-шафқат туфайли... Йўқ Субут ҳар қалай уни севарди. Балким ҳамон севар...» Афифа шу топда: «Мен-чи, мен Субут акамни ҳалиям севаманми?» деб сўради ўзидан. Жавоб ўрнига кўксидан ҳирқироқ бир фарёд отилиб чиқди. «Ҳа, ҳа, уни бир умр севаман! У менинг биринчи ва ... охирги муҳаббатим...» Кейин гўёки ҳайрон бўлиб, яна ўзидан сўради. Нега бунчалик? Ахир Субут акам мени исловотхонадан қутқарган бўлса. Абди мени ўлим чангалидан халос қилди-ку, нега Абдини Субут акамни севгандек яхши кўролмаяпман?

Жавоб шу бўлди: Абди сенинг тани-жонингни қутқарди, холос. Субут эса кўнглингни озод этган эди. Шу боиссен озод бўлган кўнглингни унга ўз ихтиёринг билан топширгансан, умрбод...

Шу гапларимни «Хотира дафтари» тутиб, ўшанга ёзиб юрсам бўларкан, деб ўйлади Афифа. Эртасига эса дўкондан чарм муқовали қалин бир дафтар сотиб олиб, унинг биринчи саҳифасига «Адашган қизнинг армонлари», деб ёзиб қўйди. Кейин Аҳмад Шернинг Шарқия онасига қарашиб баробарида узун тунлар ухламай «Хотира дафтари»ни ўқинчли саргузаштлари баёни билан тўлғиза борди. Ва эҳтимолки, шу йўсинда у бир неча дафтарларни тўлғизар, шу кўйи бир қадар маъюс бўлса-да, соқин, осойишта ҳаёт кечириб юраверар эди. Агар кунларнинг бирида полиция ходимлари келиб олиб кетишмаганида...

– Сиз юртингизда ўтказилаётган бир суд амалиётида гувоҳ тариқасида қатнашмоғингиз керак, – дейишидди унга полиция маҳ-

камасида. – Сўнгра эса, марҳамат, яна қайтиб келиб, ишиңгизни давом эттиришингиз мумкин...

Демак, Субут акамни яна кўрар эканман-да! Афифанинг хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. Бу фикр қанчалик қувончли, ҳаяжонли бўлса, иккинчи жиҳатдан, шунчалик ваҳимали, қўрқинчли эди. «Унга нима дейман? Юзига қандай қарайман?...»

Мана энди Афифаҳоним қувонч ва таҳликага йўғрилган ушбу хаёллар қуршовида «Боинг-747» самолётида учиб келаверсину, биз Субут Сокиннинг Абдуҳалим Зоҳидий инқирози тасвирланган иншосининг давомига қайтайлик.

## 29

Муваққат тергов ҳибсонасида ётган кўйи Зоҳидий ўзининг «ташқаридаги» серқирра фаолиятини тўласича тиклади. У мўъжазгина қўл телефони орқали (у пайтлар бунақа телефонлар бизга ҳали эндиғина кириб кела бошлаган эди) фирма ҳамда ширкатлари фаолиятини бемалол идора қиласар, шу аснода борлиқдаги иктисадий ва сиёсий воқеалардан туну кун хабардор эди. Муқимхоновнинг фожеали ўлеми тўғрисидаги хабарни, ҳам у шу ерда эшитди. «Чакки иш бўлиби, деди у хабарни келтирган гумашталардан бирига. Ичи бўшроқ бўлса ҳам...»

Ўша кечаси гумашта такрор келганида:

- Муқимхонов тирик экан, – деди. Зоҳидий эътибор қилмади.
- Биз учун... Энди бунинг аҳамияти йўқ, – деди.
- Сизга ўз «садоқатни» ёрқин намойиш этган-ку, – деди гумашта.
- «Садоқат» дегани, бу – нисбий тушунча, бўтам, – деди гумаштага кулимсираб қарап экан. Қанчалик «садоқат» кўрсатган бўлса, шунга яраша «мукофоти»ни олган. Сен биласами, мен бир кинода кўрувдим, бир пайтлар... уруш вақтларида ҳар икки томонга, ҳатто уч тарафга хизмат қилган жосулар бўлишган. Уларни «Икки ёки уч тарафлама агентлар», деб аташган. Уч тараф ҳам унинг сотқинлигини билган. Лекин хизматидан фойдаланиб юраверган. Уч тарафнинг ҳар бири «Биз пухтароқ иш тутиб, рақибларимизга панд бераяпмиз», деб ўйлаган...

Гумашта бу билан хўжайин нима демоқчи эканини англай олмади. Фақат афсус билан:

- Шундай зўр жойда ишлайдиган одамимиздан воз кечасизми? – деди. Зоҳидий унга таскин берди.

— Хафа бўлма, ёшлар ўртасидан шундай кадрлар етишиб чиқаяпти, уларнинг олдида Муқимхоновга ўхшаганларнинг ўнтаси ҳам ип эшолмайди.

— Зўрсиз-да, устоз, — деди гумашта. Демак, Муқимхоновнинг ўрнига аллақачон муносаб номзод топиб қўйган экансиз-да?

— Сен нима деб ўйловдинг, бўталофим? Мен агар замондан бир қадам олға юрмасам, Зоҳидий бўлармидим?

— Яшанг!

— Бас, энди, ўзингдан кетма. Мен айтган иш нима бўлди?

— Ҳаммасини ипидан игнасигача аниқладим. Сиз айтган «қария» — эски ўғри ҳозир водий тарафдаги аҳлоқ тузатиш колонияларидан бирида жазо ўтамоқда. Сизнинг бу ерда эканлигингиздан хабари йўқ. Аммо...

— Нима, «Аммо»? Гапир тез!

— Аммо «Мени бу ерга ўша одам тиқдирди. Омон бўлсан бир кун ҳисоб-китоб қиласман», деб юрар экан.

— Омон бўлмасин! Шунинг чорасини кўр. Ахир колонияларда ҳам... «Бахтсиз ҳодисалар» ёки ички низо-ю, жанжаллар бўлиб туради-ку.

— Бу қийин масала, — деди гумашта. — «Қария» шунчаки, оддий аристонлардан эмас. Унга қўл кўтарадиган одам зонада то-пилмайди.

— Бўлмаса, мен сени сўқимга боқиб юрган эканман-да, — деди Зоҳидий қаҳр билан. — Зонада бўлмаса, ташқаридан топ! Назоратчилар орасидан қидир! Оғзига сиққанича пул ваъда қил! Галварс! Пул билан ҳал бўлмайдиган иш ҳам бор эканми?

— Ҳал қиласиз, устоз, — деди гумашта ишонч билан — Мен шунчаки уни бу қадар жиддий рақиб, деб ҳисоблашингизни билмагандим. «Ҳисоб-китоб қиласман» дегани — шунчаки пишак дўқдан бошқа нарса эмасди. Лекин майли, ҳаммаси айтганингиздек бўлади...

— Тезлаштири!

— Йўп бўлади! Кетсам майлимни?

— Йўқ. Шошма. Яна бир нозик иш бор. Эртага эрталаб Истамбулдан Афифа учиб келади. Уни мен билан учраштириш чорасини кўр. Йўл-йўлакай унга Субут Сокин биродаримизнинг буғунги фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб бериш керак. Муҳтрама Фариза хоним билан муносабатлари ҳақида ҳам... Суратларни кўрсатинглар. Хуллас, Афифабону йўлига жонини нисор

этмоқчи бўлган одами бугун қанақа қиёфада эканини яхшилаб билиб, тушуниб олсин. Англадингми?

— Англадим. Ҳаммаси худди айтганингиздай бўлади, устоз.  
— Ана энди бор, боравер!..

Зоҳидий Афифа Субутнинг бу ерда Саъдиева билан дон олишиб юрганини билгач, ҳафсаласи пир бўлади, деб ишонарди. «Бу гул атрофини хару хаслардан батамом тозалаш керак, деб ўйларди у. Муқимхонов абгор бўлди. Абдивой «қотиллиги» учун муқаррар саккиз-ўн йил олиб кетади. Субут Сокин эса аввали унинг ўзи ҳам Мирмаҳди Саъдиевнинг бойвучча қизига ўралашиб, Афифадан буткул кўнглини узган бўлиши керак. Мабодо узмаган бўлса ҳам, энди узиши керак. Хуллас, Афифанинг атрофи топ-тоза бўлмоғи зарур. Ана шунда у Зоҳидийнинг бағрига биринчи галдаги сингари мажбурлик юза-сидан эмас, ўз инон-ихтиёри билан келади. Зоҳидий унинг Истамбулда бир бойникида хизматкорлик қилиб, қийналиб юрганини билатуриб, индамади. «Бурнига сув кириб, азоб-уқубат чекиб тура-турсин, ана шунда Абдуҳалим акасининг қадрига етадиган бўлади», деди. Ана энди, у бу ёққа келиб, ишонган тоғи Субутвой бойнинг қизи билан айш этиб юрганини кўргач, дунёда Зоҳидийдан бошқа ғамхўри йўқ эканини тушунади.

«Аёл кишини мажбурлашнинг қизиги йўқ,—дерди Зоҳидий.—Уни ўз ихтиёри билан забт этмоқ керак. Ана шунда... жаннат лаззатини сурасан... Мен уни уммондаги обод ва гўзал ороллардан бирига олиб кетаман. Бирон йил ўша ёқда айш сурамиз, деб ўйлади Зоҳидий. Дарвоқе, Зоҳидий Субут Сокин Сайхондаги дала-ҳовлини таъмирлаб, яшаётганини эшилди. Кулди. «Ахир, ҳовлини биз Субутга эмас, Афифа хонимга тортиқ этганимиз-ку», деди. Сўнгра пайти келса Афифани ишга солиб, ҳовлини Субутдан тортиб олиш режасини тузди. Бу ишга Шаҳина хонимни ҳам аралаштиришни ўйлаб қўйди. Мухтасар айтгаңда, Зоҳидийнинг режасига кўра, у судда оқланиб чиқиши, сўнгра Афифани олиб, Канар оролларига жўнаб кетиши лозим эди. Бироқ қисмат, деганлари шунинг учунки, ҳаётда биз тузган режалар ҳамиша ҳам амалга ошавермайди. Энг кулгилиси, энг ачинарлиси, аламлиси шундаки, бунга биз мутлақо ўйламаган, кутмаган ва аслида ҳам арзимаган бир ҳолат халақит беради. Гарчанд бошқалардан фарқли ва ақлли ва пухта ўлароқ, Зоҳидий ўша ҳолатни назардан қочирмаган эди. Фақат у салгина кечиккан эди, холос...

Эртасига унинг ҳузурига яъни бир кишилик шоҳона авахта-хонасига Афиғаҳонимни олиб келишган чоғда, Зоҳидий жаноблари атласу адрес кўрпа-тўшаклар солинган юмшоқ каравот устида ўлиб ётар эди.

Бутун ҳибснона миқёсида шовқин-сурон кўтарилиди. Ҳибснона бошлиғи казо-казолари билан бирга бетўхтов етиб келди.

– Ким? Ким кирган эди, мендан берухсат, – дея ҳайқирди у назоратчилар бошлиғига.

– Ҳеч ким, – деди у йиғламсираб. – Ярим тунда ўзлари врач чақиртиргандилар: «Ухломаяпман, уйку дори берсин», деб.

– Чакиртиринг, топинг, олиб келинг, – деди бошлиқ. Лекин бу сафар овози боягидан анча паст, хотиржам чиқди.

– Тунги навбатчи врач эрталаб кетган. Ҳозир уйига қўнгироқ қилишади. Рухсат этсангиз экспертлар текширишни бошлашса...

– Ҳа, майли, – деди бошлиқ тўласинча бўшашиб. – Тунда навбатчилик қилган врачни ахтаришнинг фойдаси йўқ. У кеча меҳнат таътилига ариза ёзганди. Бугун кундузи хорижга учиб кетган бўлиши керак. Уни энди топиб бўлмайди...

Экспертлар Зоҳидийнинг мурдасини текшириб, ҳеч қанақа зиён-заҳмат изини-топишполмади.

– Юрагининг устида билинар-билинмас игна изи бор, – деди охири улардан бири. – Наҳотки, нақ юрагига игна санчишган бўлса? Яна ҳам анигини ёриб кўргандан сўнг айтишимиз мумкин... Алқисса, Абдуҳалим Зоҳидийнинг серқирра, серғалва, айтиш мумкинки, сермаҳсул ҳаётни ва фаолияти шу тариқа аянчли якун топди. Ҳали айттанимиздек, бунга биргина, атиги биттагина ҳато сабаб бўлди. Алам қиладиган ери шуки, у шўрлик хатосини сезган ва тезроқ тузатиш чорасини кўришга уриндию, аммо кечикди. Кеча ҳузурида бўлган гумаштаси «Қария» сизнинг бу ерда эканингизни билмайди», деб ёлғон гапирган эди. У сабаби, ростини айтишга қўрқкан, «Устоз теримни шилиб олади», деб ҳайиқкан «қария»нинг таҳдидига ўзи айттани каби жиддий эътибор қилмаган, «У ҳали бирон тадбир кўришга улгурмай жойини соламиз», деб ўйлаб янгишган эди. Ҳолбукни, Зоҳидийнинг «ичкарига» олиб кирилгани ҳақидаги хабар ўша куни, ўша соатнинг ўзидаёқ керакли жойларга маълуму манзур бўлиб улгурган эди. Ва шунинг эртасигаёқ, бу ердан анча узоқда чўл бағрида қурилаётган аллақандай улкан иморатнинг ертўласида анчайин тор доирадаги норасмий бир маш-

варат бўлганди. Ажабки, етти нқлиминг божи хирохи сингари беҳисоб молу дунё, беадад сийму зар тўплаган, қўлини узатса Ҳурмузгача еткудек мавқега эришган Абдуҳалим Зоҳидийдек зотнинг тақдири дунёнинг бир четидаги гадотопмас чўлда, чала иморатнинг сассиқ ва уфунатли ертўласида ҳал қилинди.

– Эҳтимол, ундан ҳали фойдаланса бўлар, – деган маънодаги андиша ҳам билдирилди мубоҳаса жараёнида.

– Йўқ, – деди кескин ва ҳукмфармо бир овоз. – Унинг энди давлатта ҳам, ҳалққа ҳам, бизга ҳам кераги йўқ. Чунки у давлатни алдаб, аҳолини заҳарлаб юрибди. Бизга муносабатини эса яхши биласизлар. Бундай одамнинг энди яшашга ҳаққи йўқ!

Бу овогза ҳеч ким эътиroz билдирамди. Тегишли одамлар орқали қатл куни, усули ва «иъроҳиси» белгиланди. Шўрлик Зоҳидий гумаштасини чақириб, аллақаердаги аллақанақа «қария»ни гум-дон қилиш ҳақида топшириқ бериб ўтирган маҳали «иъроҳи»нинг ҳашаматли авахтахонасига, қўшни яккахонада пишиллааб ҳуррак отиб ётарди. Тунда муҳим вазифани бажариш лозим бўлгани боис, у кундуз бемалолроқ ухлаб олишга қарор қилганди. Айнан белгилangan вактда у ўрнидан туриб, камера дарчасидан назоратчини чақириб, мени дўхтирга кўрсатинг, қорним оғрияпти, деди. Назоратчи зум ўтмай дўхтири бошлаб келди. Дўхтири унга дори берди.

– Энди сизлар шу ерда икки дақиқа ўтириб турасизлар, – деди у қўли қалтираб, кўзи жовдирауб турган назоратчининг белидан калитлар шодасини счиб олар экан. – Мен муҳтарам бир инсон ҳузурига кириб чиқаман...

Чиндан ҳам у икки дақиқада қайтиб келди.

– Сиз, – деди дўхтирга қараб, – келишганимиздек, эрталаб соат саккизга қолмай жўнаб кетасиз. Сиз эса, – деди у сўнгра назоратчига ўгирилиб, – жонингиздан умидингиздан бўлса, ҳаммасини мен айтгандек қиласиз.

– Эртасига ҳали Зоҳидийнинг ўлими ошкор бўлмай турибоқ, қўшни камерадаги маҳбус янги штап орқали мамлакатнинг тамоман тескари, узоқ вилоятидаги колониялардан бирига жўнатиб юборилди. Назоратчи суриштирув тергов жараёнида ҳам бошлиққа айтган гапини тақрорлашдан нарига ўтмади. Ҳибсона врачи эса шу кеттанича изсиз йўқолиб кетди. Зоҳидийнинг қанақа қилиб ўлдирилгани аниқланди-ю, ким ўлдиргани сирлигича қолди. Дарвоқе, эксперт йигит бошидаёқ билдирган фикри тўғри чиқди: Зоҳидийнинг нақ юрагига игна санчилган экан.

Абди ҳикоясининг охири:

«Ҳаёт – нақадар гўзал! Яшаш қанчалар марокли! Ҳа, буни мен, умрининг деярли ярми хўрлик, азоб-укубатларда кечган, ҳали яна анчагина қисми тутқунликда ўтажак одам айтаяпман. Ҳозиргина суд тугади. Менга тўрт йил беришди. Субут аканинг айтишича, яқин кунларда авфи умумий эълон қилинса, муддатидан анча олдин «озодлик»ка чиқар эканман. Аслида муҳими бу эмас. Мен тўрт йилнинг ҳаммасини ўташга ҳам рози бўлиб ўтирибман. Ҳаёлимда бу тўрт йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетадигандек. Қамоқдан чиқиб, ҳаётимни қайтадан бошлайман. Чинакам завқ ва илҳом билан ижод қиласман. Бир-биридан ёруғ, бир-биридан чиройли суратлар оламан. Бир пайтлар устозим Қоравой ака фақат портретлардан иборат суратлар уюштирган, «Замондош билан юзмай» деб атаган ўша кўргазмада турли касбдаги, турли одамларнинг қиёфалари акс этганди. Мен эса насиб этса, шундай бир кўргазма қилайки, унда мен учун энг азиз, энг мўътабар бўлган инсонлар сиймоси жам бўлсин. Азиз онажонимнинг ҳув ўша, журналда расми чиққанида умрида биринчи бор чеҳраси очилиб, «Мен ҳам шундай кунларни орзу қилгандим», деб шодланган лаҳзасини суратга олгандим. Ўша суратни катта қилиб, кўргазмамнинг энг тўрига қўяман. Унинг ёнида эса мен учун қадрдан бўлиб қолган инсонлар – Қора Қораев, Субут ака, Арслон, Афифа ва албатта, жафокаш севгилим Зарифанинг сурати... Ҳа, Зарифанинг сурати... Менинг Зарифамнинг сурати бўлади.

Сизбу гагимга ҳайрон қолиб, ишонқирамай турган бўлсангиз ажаб эмас. Ростини айтсан, бунга даствлаб ўзим ҳам ишонганим йўқ...

Айтганча, айни шу топда кайфиятим аъло, руҳим баландлигининг боиси ҳам айнан Зарифа. Мен уни қайтадан топдим... Тақдир менга уни қайтариб берди...

Ўз ихтиёрим билан прокуратурага келиб қамоққа олинганимдан сўнг, бир ойча тергов қилишди. Ҳаммасини яширмай айтдим. Қотилман, лекин, бир аҳмоқни ўлдирдим, шунинг учун қилган ишимдан пушаймон эмасман, дедим. Бир куни терговчи кутилмагандага «Солини сен отмагансан», деб қолди. Шу орада Тўлқинни тутиб келишганини эшитдим. Унинг айтишича, Тўлқин ҳаммасини Зоҳидийнинг топшириғи билан қилган экан. У «Соли Мамарасоловни ҳам Абди ака эмас, мен отганман», депти. Ҳай-

ратга түшдим. Ахир ўзим Солининг нақ пешонасини мўлжалга олган эдим-ку. Соли иега мени ҳимоя қилмоқчи?..

— Йўқ, сиз теккиза олмагандингиз, уни мен отдим. Ўқ юрагига теккан, — деди у юзлаштирув чоғида.

— Йигит тўғри айтаяпти. Экспертиза хуносаларида Мамарасуловга тегиши жасаднинг бош чаноғида ўқ изи йўқ, — деди терговчи. — Ўқ кўкрак қафасини тешиб ўтган...

Бу гапдан ҳайратта түшдим. Кувонишни ҳам, афсусланишни ҳам билмадим. «Зоҳидийнинг ҳам Солида қасди бор экан-да. Унга нима ёмонлик қилган экан? деб сўрадим терговчидан. «У ҳам шу ерда ҳали юзлаштирамиз, ўзидан сўраб оласан», деди терговчи. Кейин эшитсан, Зоҳидийни камерада ўлдиришибди. «Энди Солининг одамлари қасос олишган бўлса керао», деб ўйладим. Ишқилиб, мени ҳам ўлдириб юборишмасмикан? Кўрқдим. Ҳолбуки, шу хабарни сал аввалроқ эшитган бўлсайдим, «Ўлдирса, ўлдирап, нима, менинг орқамда йиғлаб қоладиган одамим бормиди?» деган бўлардим. Ҳозир эса кўрқдим. Яшагим келди. Афиға айттанидек...

Айтганча, Тўлқиндан аввалроқ Афиғани тутиб келишганди. Юзлаштирув чоғида мен: «Унда ҳеч қанақа айб йўқ, мен мажбурлаб олиб кетганиман», дедим. Афиға шунда мардона гап қилди: «Мени деб ўз айбингизн оғирлаштирганг». «Менга энди барибир, ҳаётнинг қизиги йўқ», дедим. «Ундай деманг, сиз ҳали кўп яхшиликлар кўраснз», деди Афиға. Худо унинг дилига солган экан. Буни сал кейинроқ билдим.

Терговчининг муомаласи анча ўзгарди. «Энди гуноҳинг енгиллашади», деди. Уларга Россияда бўлган воқеаларни ҳам айтиб бергандим. Фақат ўрмондаги, отишма чоғидаги ишмни айтмадим. Исботланмаган-ку, деб ўйладим.

«Биз тегиши бўлган материалларни олдик. Сен оқланган экансан, насиб этса бу гал ҳам оқланнишинг керак», деди адвокат. «Мени ким ҳам оқларди, орқамда одамим бўлмаса», дедим. «Ўзингни гўлликка солма, орқангда Арслон Ҳакимов билан Субут Сокин чопиб юришибди-ку», деди терговчи. Шунда мен ундан: «Арслон билан бир учраштиринг», деб илттимос қилдим. «Шошма, вақти келади. Ҳакимовнинг ўзи ҳам сен билан учрашмоқчи. Фақат унгача айрим нарсаларни аниқлашимиз керак», деди терговчи.

Арслон нимани аниқламоқчи экан, деб ҳайрон бўлгандим. Кейин бијкам, у менинг гуноҳимни енгиллаштириш учун қўшимча маълумот тўплаб юрган экан. Буни кейинроқ, учрашган чоғимда айтди.

– Қишлоқ дўконини талаб, отангни ўлдириб кетган тўдага ҳам Соли бошчилик қилгани, кейин сенга икки марта сунқасд уюштирганини исботловчи далиллар тўпладим, – деди у.

Мен ҳайрон қолдим.

– Мени деб ўз күёвингни айбламоқчи бўлибсан-да? Зарифа эшилса нима дейди? Мени-ку, ашаддий душман, деб билса керак, – дедим.

– Зарифанинг ашаддий душмани сен эмас, Соли Мамарасулов, – деди Арслон.

– Йўғ-е... Унга нима жабр қилган экан? Ахир эри эди-ку?..

– Соли Зарифани ўзи зўрлаб, кейин гўёки бошқа зўравонлар чангалидан кутқарган ва «Мен сенинг номусингни оклайман», деб алдаб уйланган. Зарифа буни англаб етганида вақт ўтганди...

– Наҳотки? – дедим қулоқларимга ишонмай. – Демак, ўшанда менга қилган совуқ муомаласининг боиси бу ёқда экан-да?

– Ҳа, дўстим. Синглим шўрликнинг бошига, оиласиз бошига шунақа кулфат тушганди. Ўшанда у ҳам, кейинроқ мен ҳам сенга бу ҳақда очиқ гапиролмасдик. Буни сир сақлашга мажбур эдик. «Солини Абди ўлдирган экан», деган гапни эшилгач, менга: «Ака, сиздан илтимос Абди акага шу гапни айтинг, токи, Зарифанинг эрини ўлдирган қотилман, деб вижданни қийналмасин. Мен Абди акадан мингдан минг розиман», деди. У яна ўшанда қилган муомаласи учун сендан узр сўради.

Арслоннинг гапларини тинглаб, ҳаяжонланиб ўтиарканман, яна беихтиёр Афифанинг юзлаштирув чоғидаги гапини эсладим: «Сиз ҳали кўп яхшиликлар кўрасиз...» Воажаб! Афифа чиндан ҳам башоратчи экан. Бунга яна бир карра ишонч ҳосил қолдим. Унинг хориждаги мана бу гапини ҳам эсладим. «Мен-ку, энди буткул сизнинг ихтиёргиздаги одамман. Лекин яхши кўрмайсиз-ку, мени. Кейин пушаймон бўлиб юрмайсизми?» деганди у менинг «Никоҳ ўқитиб, эр хотин бўлайлию», деган гапимга жавобан. «Сиз қайдан билдингиз менинг севган қизим бўлганини?» деб сўрадим ундан. «Кўзларингиз айтгиб турибди», деди у. Сўнгра мен унга Зарифа ҳақида сўзлаб бердим. «Энди Зарифага душман бўлдим», дедим ўқиниб. «У адашган, пайти келиб, сизни тушунади», деди Афида. Кейинроқ тақдир тақозоси билан хайрлашишга тўғри келганда тасалли бергани-чи? «Сиз ўқинманг, ҳали яхши кўрган одамнингизни, албатта, топасиз!» Ўшанда мен унинг бу гапига аччиқ кулган эдим. Шу топда эса кўнглим алланечук бўлди.

– Мана энди Солини ўлдирган мен эмас, бошқа одам бўлиб чиқаётганини билгач, нима деркин Зарифа? – деб сўрадим Арслондан. Гарчанд бу саволим нақадар бемаъни эканини сезисб турган бўлсам ҳам.

Арслон кулди.

– Нима фарқи бор? Муҳими – сен уни ўлдирмоқчи бўлгансанку. Ўлдира олмаганинг яъни ўқни теккиза олмаганинг эса – ўзинга фойда.

– Арслон, дўстим, ростини айт, илтимос, чиндан ҳам теккиза олмаган эканманми? Ё сизлар мени қутқариш учун Тўлқинни ҳамма айбни бўйнингта ол, деб мажбуруладингларми?

Арслон яна кулди. Кулганда ҳам бу сафар қаттиқроқ кулди:

– Оббо сен-эй, «Булар атайлаб менинг қаҳрамонлигимни йўққа чиқаришмоқчи, деб ўйлаб ўтирган бўлма тагин. Аммолекин юристпруденция тарихида шунаقا ҳодисалар ҳам учраб туради. Қотилликда гумон остига олинган одам биринчи сўроқ чоғидаёқ айбига иқрор бўлади. Буни исботлаш учун астойдил тиришади. Шўрлик терговчи эса унинг қотил эмаслигини исботлашга уринади. Сен ҳам шунга ўхшаб, судда: «Йўқ, Солини мен ўлдирганман», деб туриб олмасанг, гўргайди».

– Йўқ. Унақа қилмоқчи эмасман. Фақат Зарифанинг олдида нокулай бўлади-да, энди.

– Буни ўйлаб ҳам ўтирма. Зарифа қайтганга сенинг айбсизлигингни билса, хурсанд бўлади.

– Шунаقا деб ўйлайсанми? Арслон, айт-чи...

– Сўра, сўрайвер, уялма! – деди Арслон худди кўнглимга келган гапни сезгандек.

– Зарифа мен билан кўришишга рози бўлармикан?

– Нима дейсан кўришиб? Солини ўлдираолмаганинг учун кечирим сўрайсанми?

– Йўқ. Уни ҳалиям яхши кўришимни айтардим...

– Ие, бу қанақаси, ошна? Аввал Афифа Зокировани хорижга олиб қочиб, энди бу ёғи қанақа бўлди?

– Афифа билан ака-сингиллигимча қолдик, Арслон. У эрлик аёл. У билан орамизда ҳеч нарса бўлган эмас. Мен уни наҳс босган бир одамнинг чангалидан қутқариб қолдим, холос...

Арслон индамади. Чунки чиндан ҳам шундай эканини билар, ишонар эди. Айни пайтда у Зарифа билан учраштириш ҳақида ҳам ваъда қилмади.

– У ҳали бироз ўзига келсин.

– Ҳар ҳолда сен унга айт. Мен ҳаммасини тушунганимни, уни кечирганимни, уни ҳалиям худди аввалгидай яхши кўришимни айт. Агар шу гапларимга ишонса, у ҳам мени тушунса, кечирса, қамоқдан чиққунимча кутса, унга уйланаман. Шуни айтиб қўй, дўстим, илтимос, хўпми?

– Хўп, – деди Арслон...

Зарифа суд бошланган куни келди. Мен панжара ортидаман. У залнинг ўртарофига ўтириди. Мен билан бош иргаб унсиз саломлашди. Кўзи кўзимга тушди. Севинчдан юрагим кўкрагимни ёриб чиқиб кетадигандек ҳаяжонландим. Суд ҳам бир ёқда қолиб кетди. Икки кўзим унда. Афиға ёнимда ўтирибди. У сезди. «Ўшами?» деб сўради секингина. «Ҳа, ўша», дедим. «Чиройли экан» деди Афиға. «Мана, келибди-ку». «Тўғри айтган экансиз, Афиға, сиз башоратчи экансиз», дедим. Афиға маъюсгина кулиб кўйди.

Шу тариқа Зарифа суд охиригача ҳар куни келди. Ҳукм ўқилгач, панжара ёнига келди, қўлинни узатди. Қўлларини ушладим. «Хафа бўлманг, тез орада чиқиб кетасиз, акам айтди», деди. «Менинг гапларимни ҳам айтдими?» деб сўрадим. «Ҳа», деди у ерга қараб. «Кутасизми?» «Кутаман»...

Ана шу дақиқада дунёда мендан баҳтли одам йўқ эди, гўё! Ўзим панжара ортидаман-у, ҳаёт кўзимга гўё гўзал кўриниб кетди. Ҳали авф қачон чиқади, унгача мен қамоқда қанча ўтираман, авфга тушаманми-йўқми, эҳтимол муддатни охиригача ўташга тўғри келар – бу ҳақда ўйламасдим. Аксинча, худди ҳозироқ озодликка чиқадиган одамдек, энди ҳаётимни қандай бошлаш ҳақида телбаларча хаёл сурар, ўзимча бири-биридан чиройли режалар тузар эдим...

Афиға оқланди. Зоҳидийнинг нашафуруш гумашталари турили муддатларга кесилди. Афиға панжарадан чиқар экан менга:

– Худо омадингизни берсин, – деди. Менинг икки кўзим Зарифада эди. Шу боис Афиғага нима дейишни билмай бир зум каловландим. Зарифа зийраклик қилди. Менинг, тўғрироғи, икканишишимдан Афиға:

– Сиз ҳам баҳтли бўлинг! – деди...»

Мана, азиз ўқувчи, Абди ҳикояси ҳам айни нуқтада ўз ниҳоясига етди. Унинг кейинги тақдирни ҳақида батағсил тўхталиб ўтиromoқчи эмасмиз. Субут Сокин берган мухтасар маълумотта кўра, Абди орадан муайян муддат ўтгач, озодликка чиқсан ва

ўзи ният қылғанидек суратчи-мухбирлик фаолиятини қайтадан бошлаган. Зарифа билан турмуш қуришган. Яқында фарзанд күришмоқчы. Абди гоҳ-гоҳ Субутни күрганида «Афиға қалай, яхши юрибдими?» деб сүрар экан. Субут эса бу саволга жавоб беролмай қийналаркан. Ҳайҳот! Нега? Ахир...

Ана энди сүнги бобни очиб, ана шу саволга биргаликда жавоб излаб күрамиз.

### 31

Афиға панжара ортидан чиқыпдан олдин бир неча лаҳза залга термулиб туриб қолди. Чамаси, қайси томонга, кимнинг ёнига боришини билмай бир зум иккиланаарди. Холбуки, суд давомида у қатъий қарорга келган, мабодо қамалиб кетмай озод бўладиган бўлса, нима қилажагини аниқ белгилаб қўйганди. Шунга қарамасдан ҳозир иккиланиб қолди.

Шаҳина хоним олдинроқда тикка турар ва Афиғани қафасдан чиққан заҳоти ўзининг қайноқ қучогига босишга шай эди. Субут эса орқароқда. Ўйчан. Унинг суд ҳукмидан хурсандлигини ҳам, хомушлигини ҳам билиб бўлмасди. Жиддий. Афиғанинг нигоҳи ўша томонга тикилган бўлиб, ҳарчанд уринмасин, кўзини ундан узолмасди. Ҳибсда ўтган кунлар давомида: «Мен энди унга бегонаман» деган сўзларни минг марталаб такрорлаган эса-да, айни шу дақиқаларда бутун вужуди билан унга интилар, «Майли, кўкрагимдан итариб ташласа ҳам, «Бевафо, сингилтак», деб хақоратласа ҳам, унинг ёнига бораман, тиз чўкаман, «Яна бир марта, сўнгти, энг охирги марта кечиринг», дея оёқларини қучоқлаб йиғлайман, ялиниб-ёлвораман», деб турарди. Бунинг учун эса... Субутнинг ўзи томонга қарашини, нигоҳи нигоҳига тўқнаш келишини кутар, «Кўзларига бир қарай, биргина қарай», дея илҳақ бўлиб турарди. Субут эса уига эмас, унинг ёнидаги номаълум бир нуқтага тикилганича ҳайкалдай қотиб турарди. «Нега, нега у юзимга, кўзимга қарамаяпти?» дея ўртанарди Афиға. Гарчанд бунинг сабабини билса-да.

Субут «Қора қаср» вайронаси ўринида мўъжазроқ иморат қуришга киришган кунлар Шаҳина билан улар ўртасида бўлиб ўтган даҳанаки жанг тафсилотини ҳам Афиғага Зоҳидийнинг ҳуқуқшуноси ўша кунги сұхбат чоғида муфассал айтиб берган эди.

– Холангиз қош құйман деб, күз чиқардилар, аммо-лекин сиз ҳовлини тұласинча қайтариб оласиз, насиб этса. – Бунда сизга биз ёрдам берамиз... – деганды ҳукуқшунос.

Афиға айни лаҳзада Субутнинг ўша гаплар таъсирида эканини англаб турар, шунга қарамасдан «Күзи күзимга тушса эди», дея худога ёлворарди...

Чиндан ҳам у янглишмаганди. Субут ҳозир худди ўша жиркәнч манзараны хаелидан бирма-бир ўтказар, «Хүш, энди, бүёги қандоқ бўлади?» деган оғир савол оғушида эди...

Асосан гийбат ва яна бир қисми ошкора ҳақоратдан иборат бўлган ўша «мунозара» Субут Афифадан мактуб олишидан сал олдинроқ юз берганди. Субут ўша куни гарчанд қийналиб бўлсада, «Шу шаллақи хотиннинг гийбатларига зътибор бериб ўтираманми», дея қўй силтаб қўйган бўлса-да, Афифанинг талоқ сўраган хатини ўқигач, азбаройи сиқилгани ва охир-оқибат бир чимдимгина меҳр, бир оғиз ширин сўз истаб Фаризанинг ҳузурига йўл олгани ўша «мубосаҳа»нинг ҳосиласи эди, аслида.

«– Ҳорманг, куёв бола, – деди ўша куни Шаҳина хоним дарҳол ҳужумга ўтиб, – гулдай қизнинг умрини ҳазон қилиб (ўшанда «мехрибон хола» ҳам жиянининг тирик эканини билмасди) энди меросидан баҳраманд бўлишга жазм айлабсиз-да?»

Субут аввалдан яъни Фариза билан ҳовлини таъмирлаш юзасидан гапиришган чоғидаёқ Шаҳина хонимнинг даъво қилиб келишини билар, бунга тайёргарлик кўрганди. Шу боис «Афиғани ҳазон қилган менми, ё сизми?» деган аччиқ савол тилини учуда турган бўлса-да, қизишмади. Босиқлик билан: «Жаҳл қилманг, опа, сизни рози қиласман», деди. «Қанақасига рози қилмоқчисиз, ахир ҳовли аслида таги-туги билан менга тегишли-ку», деди Шаҳина хоним янада баландроқдан келиб. Субутнинг бундан жаҳли чиқди. Шунда ҳам ҳазиломуз гапириб: «Қонунан бу ҳовлида ҳеч қанақанги ҳаққингиз йўқ-ку», деди. Шаҳина хоним заҳарханда кулди: «Ҳо-о, бўлмаса бунинг пулини сиз берганимидингиз?» деди. Субут бўш келмади. «Сиз ҳам бунча пулни беролганингизга кўзим етмайди. Агар мабодо беролган бўлсангиз ҳам ўша пулларни Афиға ва унга ўхшаган бечораларнинг номусини сотиш эвазига ишлагансиз...» Субут бу гапни гапириб кейин хато қилганини тушунди.

Чунки Шаҳина хоним бу гапдан сўнг тутаб, бобиллаб кетди. Чамаси у энди ҳовлидан ҳақини айириб ололмаслигини тушун-

ганди. Шу боисми ёки аслан бешарм ва бефаросат бўлгани туфайлими, ичидаги заққумнинг ҳаммасини тўкиб солди: «— Ҳа, тўғри, — деди у — мен Афиғанинг номусини сотганман. Бу — менинг касбим эди. Мен бу шармисорликни ошкора бўйнимга олгандим. Лекин сиз-чи? «Қутқариб олдим, энди унга гард юқтирамайман», деб кеккайиб, нимага эришдингиз? Яна бурнингизни оқизиб, хотинингизни Даврбеку Зоҳидийларнинг қўйнига солиб, индамай юрдингиз-ку. Бўлмас билмасмидингиз, бу ҳовлиниг осмондан тушмаганини. Билардингиз, албатта! Мана, менга айтаяпсиз: «Бунга сизнинг пулингиз етмайди», деб. Демак, жуда яхши билгансиз. Билиб туриб хотиншурушилк қилгансиз. Афиға сизга теккандан сўнг ҳам Даврбек билан мунтазам учрашиб юрганини, кейин манови ҳовли эвазига Зоҳидийга сотиб юборганини ҳам билгансиз. Билиб туриб, индамагансиз. Хўш, энди айтингчи, сизнинг мендан қаерингиз авло? Сиз ҳам менинг ҳамкасбим, шеригим эмасмисиз? Щерик бўлгандан сўнг охиригача чидашингиз, ноинсофлик қилмасдан ҳовлиниг ақалли ярим пулини беришингиз керак эди. Майли, ҳамонки, номард экансиз, худога солдим. Илойим, бу ҳовли сизга ҳам буюрмасин!»

Шаҳина хоним кетгач, Субут бир муддат уят, алам, номус ўтида қоврилиб ўтирди. Сўнгра қўл силтади: «Шаллақи билан тенг бўламанми?» деди. «Ҳовлини эса, албатта, таъмирлаб, по-клаб, яшашим керак, ҳасадгўйлар куйиб ўлсии», дея аҳд этди. Бироқ Афиғани эслаб, бўғзига хўрсиниқ келди. Ичидан нимадир «чирт» этиб, узилгандек бўлди. «Наҳотки, шу гаплар рост бўлса? Наҳотки, у Муқимхонов билан яна учрашган?!» деб ўйлади. Шу чоққача у Афиғанинг Зоҳидий чангалига тушишини қайсиadir маънода тушунишга, кечиришга уриниб юради. Ва эҳтимол кечириши ҳам мумкиндек эди. Аммо ўзи илгари Афиғага бир неча марта айтганидек, Муқимхонов билан такроран хушторлик қилишини ҳеч қачон кечира олмасди. Бинобарин Субут шу қадар сиқилди, шу қадар аламландик, таърифлаш қийин. Тўйиб ичиб олгач, хаёлига аввал «Хотин зотининг уруғига ўт тушсин», деган лоқайд хulosса келди. Яна бирордан сўнг эса: «Бу қавмни алдаб, ўйнатиб, масхаралаб яшамоқ керак», деган бемаъни ўй пайдо бўлди. Пировардида ўзини босиб: «Аёлларнинг ҳаммаси бир хил эмас», деди. Бу ўйлардан қайси бири таъсирида Фаризанинг висолига боргани ҳозир эсида йўқ. Эҳтимол шунчаки, ичимлик таъсирида эркаклиги эсига тушиб кетгандир. Йўқса, ўша

куни қылгуликни қилиб, эрталабгача пушаймон чекиб чиққани нимаси зди?

Кейин эса у ўй-хаәлларини йифиб, мулоҳаза юритиб: «Ҳамасига фалсафий, айни пайтда оддий ва жүн қараң лозим», деган совуқ, жиддий хulosага келди. «Фариза билан шериклик қилиб пул ишлапшим, турмушимни изга тушириб, ижод қилишим керак», деди. Афиға ҳақыда ҳам совуққонлик билан сокин мулоҳаза юритди. «Үнга илдао, ўпка-гина қилиб жаңжаллашиб юрмайман. Қонуний ҳаққи – маҳрини бериб, расман ажрапшаман, кейин у ёғи бир гап бўлар», деда қарор қилди. Үзининг наздида у аввалти Субут эмасди. «Энди мен совуқкон, дийдаси қаттиқ бўлишим, фақат ишнимни, ижодимни ўйлашиб керак», дерди у. Ёлғиз ва тўқис яшаш, шунинг баробарида бир чимдимгина шоншуҳрат орттиришни кўнглига тукканди. «Одамдан нима қолади? Орттирган озгина шуҳратинг!» деган гапни тез-тез такрорлар зди ўзича...

Шу боисдан ҳам у ҳозир темир қафасни тарк этаётган Афиғанинг юзига қарамас, «Агар қарасам, яна иродасизлик қилиб қароримни, аҳдимни бузиб қўйишум мумкин», деб ўйларди...

Инчунун, Афиғанинг «Кўзларимга бир нигоҳ ташласа, биргина кўз тикса зди», деган илинж, илҳақлиги беҳуда эмасди. Субут уни ҳамон севарди. Гарчанд буни ҳеч қачон ҳеч кимнинг, ҳатто ўз кўнгли, ўз виждони қаршисида тан олмаслиги аниқ бўлсада, юрагининг тубида унга нисбатан ўжар, телбаваш бир фикр ҳамон тирик зди.

Афиға ҳам ички бир сезги билан буни билгани, ҳис этгани туфайли ундан иммод, тараҳдум кутмоқда зди. Қалбидаги илинжнинг, «Яна бағрини очар», деган умидни кучлантирган яна бир сабаб – ўша куни Зоҳидийнинг ҳуқуқшуноси Субутнинг Фариза билан «дон олишиб тургани» ҳақидаги масхараомуз гапи бўлди. «Ҳуқуқшунос» бу хабардан Афиға аламланди, Субутдан буткул ҳафсаласи пир бўлади, деб кутганди. Афиға эса, аксинча, қувониб кетди. «Ҳар тугул Субут акам ҳам «гуноҳ» қилиб юрган эканлар-ку», деб ўйлади. Гўё бу ўзининг гуноҳларини енгиллатадигандек туюлди. Яна ҳам чуқурроқ ўйлаб қараса, ўзининг айтарли гуноҳи йўқдек туюлди. «Зоҳидий мен билан ака-сингилдек муносабатда бўлди. Фақат холамнинг «Даврбек билан яна юрган, ҳовлини ўша совға қылган», деган гапи ёмон бўлибди. Субут акаси ҳамма гуноҳини кечирса ҳам ана шуни кечирмаслиги

мумкин. Яна алдаса-чи? «Холам тұұмат қылған», дег қасам ичса-чи? Бузилиб көтиш арағасида турған оила иморатини сақлаш үчүн охирги марта ёлғон галирса, минбаъд хиенат қылmasлика, ёлғон ҳам сүзламаслика қасамед қылса, Худои Таоло кечираг-микин? Яна биргина, сүнгти мартагина имкон берармikan Пар-вардиғор? Ишонармikan бунга Субут акаси? Ишонтираоларми-кан Афиға? Уриниб күриши керак...

Шу хаёлда у қағасдан чиқиб, түғриға – Субут томонға юрди. Секин, ботиңқирамай юрди. Шу боис Шаҳина хоним илдам бориб, унинг йўлини тўсди. Бағриға босди. Қўлтиғидан маҳкам ушлаб, эшик томон сурди. Афиға илҳақ бўлиб, елкаси оша Субутга қаради. Субут ҳамон ўрнидан жилмай ҳайкалдек қотиб турар эди. Афиға унинг нигоҳини тутишга, кўзига кўзини қадашга охирги марта уринди. Уддалай олмади. Холасининг стовида ташқарига чиқиб қолди.

– Хола, қаёққа олиб бораяпсиз? – деб сўради алам билан.

– Уйга болам, уйга, – деди хотиржамлик билан холаси. – Унга илҳақ бўлма, фойдаси йўқ. У энди сенга қарамайди. У билан энди бўлмайди. У билан энди бошқа жойда гаплашамиз...

Шу тахлит Афиға билан Субут сўзсиз айрилишди. Орадан бирон ҳафталар ўтғач, Субутнинг ишхонасига унга аввалдан бир-мунча таниш бўлған бир одам кириб келди. Бу одам – Зоҳидий-нинг ҳукуқшуноси эди.

– Мен Афиғаҳон Зокированинг адвокати бўламан, – деди у.

– Нега энди айнан сиз? – ҳайрон бўлиб сўради Субут. – Шу-нақа каттакон шаҳарда бошқа адвокат йўқ эканми?

– Бу саволингизга жавоб бермасам, хафа бўлмассиз?

– Майли, келинг, эшитаман, – деди Субут совуққонлик билан.

У ҳукуқшуноснинг ташрифидан мақсадини тушуниб турарди.

– У киши никоҳларингизни расман бекор қилиш ҳамда мулк масаласидаги баъзи муаммоларни бартараф этиш мақсадида...

– Қанақа муаммо бор экан мулк масаласида?

– У киши ҳозир сиз яшаб турған ҳовли-жойни харид қилиш чоғида холаларидан, түғрироғи, холалари орқали бир неча кишидан анчагина микдорда қарз кўтарғанлигини яхши билсангиз керак? Айни кунларда ўша қарз эгалари ўз пулларини талаб қилаётганлари боис Афиғаҳоним бир қадар мушқул аҳволга тушиб турибдилар. Шу боис у киши, сизнинг розилигингиз билан, албатта, ҳовли-жойни сотувга кўйиш ниятида...

Субут бир зум ўйланиб қолди. Ўйланиш баробарида Шаҳина хоним Муқимхонов ва Зоҳидийнинг одамлари билан биргалашиб, унга қарши кураш бошлаганини, Афиға эса уларнинг ноғорасига ўйнаётганини англади. «Мұхабbat ва нафрат оралиғи атиғи бир қадам», деганлари ҳақ гап экан-да, деб ўйлади. Нега ўзи келмади, деб оғринди. Нима деб келади, хат ёзіб талогини сұраган бўлса. Мулк масаласида эса, у чиндан ҳам холасининг ихтиёри билан ҳаракат қилишга мажбур. Ўшанда, ҳовли «сотиб олинаётган» чоғдаги спектаклда ҳам холаси бош ролни ижро этган. Қолаверса, Шаҳина хоним ким? Унинг ўзи ҳам бир қўғирчоқ-да! Ҳойнаҳой ҳамма ишнинг бошида яна Муқимхонов турган бўлса керак. Марказдаги юқори лавозимдан айрилиб қолгач, «тұхфаси»ни қайтариб олишга тушган. Бунақа шоввозлар манфаат ва мавқе учун хотинини совға қилишдан ва зарур пайтда берган совғасини қайтариб олишдан ҳам ҳазар қилмайди. Эҳ, Афиға, Афиға, қандай одамларнинг chanғалиға тушдинг-а, бекора севгилим. Сени уларнинг chanғалидан қутқараман, дедим-у, лекин уddyалай олмадим. Афсус...

– Шунақами? Қизиқ-ку... Афиғанинг сотиб олган ҳовли-жойи ёнғиндан сўнг вайронага айлангани, уни тамоман қайтадан қурганимизни у киши биларканларми?

– Албатта, билади ва сизнинг ҳовлини таъмирлаш чоғида қилган харажатларингизни қоплашга бажонидил рози. Агар сиз маъқул десангиз аввал, ҳовли-жой сотилиб, ҳар ким ўзига тегишли улушни олиб бўлгач, кейин никоҳ бекор қилинса... Ана шунда судга бориб юрмасдан ишни ЗАГСнинг ўзида ҳал этиш мумкин. Қонун бунга рухсат беради...

– Ҳаммасини ўйлаб, пишишиб, ҳисоб-китоб қилиб қўйибсизда, қойил, – деди Субут аламзада бир кулгу билан.

– Хафа бўлмайсиз-да, энди, бизнинг вазифамиз шу!

– Майли, ундей бўлса мен ҳам ўзимнинг ҳуқуқшунос биродарларим билан бир маслаҳатлашиб олай. Майлими?

– Майли, майли, бемалол! Аммо-лекин вақтни чўзмасак, дейман. Биласиз-ку, қарз ёмон нарса, унинг фоизи болалаб кетади. Ўзи шундоғам...

– Хотиржам бўлинг, чўзилмайди.

– Қачон келай?

– Индин

– Хўп бўлади!..

Хуқуқшунос кетди. Субут ўйланиб ўтири. «Ўша ҳовлига қайтиб қадам босмайман, деб айтган эдим-а, Фаризага. Мана энди булар ҳовлини сотиб, устимиздан кулишади, масхара қилишади. Ҳовлини ҳам ҳойнаҳой ўзлари сотиб олишса керак. Таъмирга кеттан харажатларни давлат нархида ҳисоблаб, арзимаган пул беришади... Қойил. Бу риё ва макр аҳлига қойил қолмасдан иложинг йўқ. Нима қилиш керак? Нима қилишим аниқ-ку. Валиненъматим ҳисобланмиш Фаризахоним ҳузурига маслаҳатга боришдан бошқа нима чора топардим...

Фаризага қўнгироқ қилиб, масалани тушунтирганда, унинг ўзи бетўхтов етиб келди. Субутнинг ранги оқариб, хомуш ўтирганини кўриб, кулди, далда берди:

– Қўйинг-е, шунгаям хафа бўлиб ўтирибсизми? Ҳовли кетса-кетар, садқаисар! Бош омон бўлсин!

– Менга ҳовлининг кетниши эмас, улар қўлида ўйинчоқ бўлганим, масхараланганим алам қиласяпти. Шунча қилган меҳнатимизга ачиняпман...

– Ачинманг. Агар жудаям ачинсангиз... Ҳовлини ўзимиз сотиб ола қоламиз...

– Қандай қилиб? – тушунмади Субут.

– Ҳовлини сотувга қўйишмоқчи, деяпсиз-ку, ахир. Демак, кимдир сотиб олади-ку. Ўша «Кимдир» сиз бўласиз-да!

– Ҳа, тушундим, – деди Субут. – Лекин менда унақа пул йўқ-ку?

– Пулни топамиз.

Субут кулиб юборди. Аччиқ ва аламли кулди. Ўз аҳволидан, ўз устидан кулди. Энди Фариза тушунмади.

– Нега куласиз, – деб сўради.

– Шу топда ўзимни худди Афифага қиёсладим, – деди Субут.

– У Шаҳина хоним, Муқимхоновлар қўлида ўйнаб ҳовлилик бўлган эди. Энди мен...

– Қўйинг-е, шу сентименталлигингиз ҳеч қолмади-қолмадида! Ахир келишганмиз-ку, сизнинг ҳеч кимдан тилингиз қисиқ бўлмайди, деб. Қарз топиб бераман сизга. Қарзни эса қутилиш мумкин-ку.

– Ўзи шусиз ҳам сиздан бир дунё қарздор бўлиб қолдим.

– Қўйсангиз-чи, қанақа қарз?

– Ҳовлининг қурилишига кеттан пуллар...

– Уларни қайтариб беришаркан, деяпсиз-ку?

– Барибир кеттан ҳақиқий харажатни тўла қайтаришмайди.

– Тупуринг, бунақа майды гапларга. Ордона қолсин, ўша харажатлар ҳам. Энг муҳими, озод бўлаётганингизга қувонмайсизми?

– Нимадан? Кимдан? Афиғаданми?

– Йўқ. Елкангизни зилдай босиб юрган хотиралардан.

– Хотиралардан қутилиб бўлмайди, Фариза. Гарчи, айтганигиздек, ҳаммасидан бир йўла воз кечиш керакмикан? Ҳовлидан ҳам. Сизга ўша берадиган пулинни қайтараман. Камини ҳам узарман...

– Мен розиман. Лекин ўзингиз «Меҳнатимга ачинаман, устимдан кулишлари алам қиласди», дейпсиз-у?

– Кулишса-кулишар...

– Майли. Ўйлаб кўринг, ўзингиз ҳал қилинг...

Субут Фариза кеттач, «Чиндан ҳам боя айтганимдек қиласман», деб ўйлади. Кейин эса маъюсланди. «Яна кўчада қоларканман-да, «бедананинг уйи йўқ...» «Агар нашриётимизнинг ишлари бундан кейин ҳам мана шундай ривожланиб бораверса, ходимларга уй сотиб олиб беришимиз ҳам мумкин, деганди Фариза бир куни. Банклар шунақа қилишаркан. Ходим билан шартнома тузиларкан. Уй берилган ходим камидаги беш йил давомида бошқа жойга ишга кетмаслик мажбуриятини қабул қилиб, шартномага имзо чекаркан...» Шунақа қилса бўлар...

Кечқурун уйга қайтиб келгач, фикри ўзгарди. Ўрганиб қолган жойини кўзи қиймади. Фаризанинг бир пайтлар айтган гапини эслади. «Уй ҳам – кичик бир Ватан. Унга кимнингдир ифлос қадами тегди, деб ташлаб кетиш ярамайди. уни тозалаб, поклаб, обод қилиш керак. Пул... Пул топилади. Ҳовлини қўлдан бериш керак эмас...» Яна Фаризага қўнғироқ қилди.

– Ўйдамисиз, ҳозир етиб бораман, гапим бор, – деди. Фариза ҳайрон бўлди. Ҳув ўша оқшомги ташрифдан сўнг неча бор таклиф қилганига қарамай, Субут унинг уйига қадам босмаганди. «Ортиқча гап сўзининг нима ҳожати бор», дерди нуқул. Шу боис улар асосан ишхонада, гоҳ-гоҳида эса бирон емакхонада учрашишар, муносабатлари ҳам иш билан боғлиқ судбатлардан нарига ўтмасди. Бундан иккиси ҳам бир қадар ҳайратланиб юришса-да, шундан ортиғига ё ботинишолмас ёки эҳтиёж сезишмасди. «Энди, мабодо биз яқинлашадиган бўлсан ҳам бунинг учун йиллар керак», деб ўйларди Субут. Негалигини эса ўзи ҳам билмасди. Чамаси Фариза ҳам шунга ўхшаш фикрда эди. Алҳол, бугун «Ҳозир етиб бораман», деганидан ҳайратланганинг боиси ҳам шу эди...

– Мен бояги масалада бошқача бир таклиф билан келдим,—  
деди Субут, хоним қуйиб берган чойни хўплаб. – Агар сиз рози  
бўлсангиз...

– Қанақа таклиф экан?

– Ҳовлини... уларга бермоқчи эмасман. Сиз айтганингиздек,  
уни ўзимиз сотиб оламиз. Фақат сизнинг номингизга.

– Нима фарқи бор? Унда барибир сиз яшайсиз-ку?

– Фарқи шуки, пулни сиз берганингиз учун мулк сизнинг но-  
мингизда бўлади. Пайти келиб, мен сарфланган пулларни тўплаб  
берсам, кейин менинг номимга ўтказиш мумкин. Шундай қил-  
сак, адолатли бўлади.

– Оббо, сиз-эй! Адолат учун курашишдан сира чарчамас экан-  
сиз-да-а?

– Чарчасам... Ҳаётнинг қизиги қолмасди мен учун. Хўш, так-  
лиф сизга маъқулми?

– Сиз нима десангиз – шу.

– Келишдикми?

– Келишдик.

– Мен кетдим бўлмаса!..

Фариза «Ҳой, овқат бор-ку», деганча қолди. Субут кетди. Кета-  
турив: Овқатни шу иш биткандан сўнг еймиз. Насиб этса, ҳовлини  
қонунан расмийлаштирганингиздан сўнг ювиб берарсиз, деди...

Кейинги воқеалар шиддат билан бошланиб кетди. Ҳовли-жой-  
ни Фариза Саъдиева олмоқчи эканини билгач, Шаҳина уйга ота-  
сининг баҳосини қўйди. Муайян тортишув ва савдолашувлар-  
дан сўнг бир тўхтамга келинди. «Олди-сотди» расмийлаштирил-  
ди. Қизиги – унда Субут ҳам Афифа ҳам қатнашмади. Субут сал  
олдинроқ ўша таниш ҳуқуқшунос ҳамроҳлигига нотариал идо-  
рага бориб, Аифанинг номига ҳовлининг сотилишига «Рози-  
лик хати» ёзил берганди. Афифа эса холасининг номига «Ишонч  
қофози» ёзган экан. Дарвоқе, аввалдан эришилган келишувга  
биноан ва Субут ёзган яна бир ишонч қофозига асосан Фариза  
хоним Субутнинг «Иморатни қайта қуриш учун кетган харажат-  
ларини» ҳовлининг пулидан чегириб қолди. Субут Аифани «Ҳар  
калай ЗАГСга, ажралув маросимиға келса керак», деб ўйлаган-  
ди. Янглишган экан. Афифа қелмади.

Субутнинг ўзи ўша куни саҳарга қадар ухламай тўлғониб чиқ-  
ди. Ўйлаб ўйига етолмади. Гоҳ ўзини койиди, «Мен нима қиласяп-  
ман, яна хотин қўйиб, субутсиз бир кимсага айланиб қолмаётир-

манми?» деб. Гоҳ ўз катъиятидан қониқиш ҳосил қилди. Ҳудди шундай қилишим, хиёнатни ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай сабаб бўлган тақдирда ҳам кечирмаслигим керак», деб. Пировардида эса «Юрагимга энг яқин, энг азиз бўлган одамимдан жудо бўляяпман», дея ўқинди. Ҳатто шунча гапдан кейин ҳам ўша куни чопиб келиб, бағримга ўзини отганида, тескари қараган юзимни ўзига қаратиб, бир оғиз: «Кечиринг», деганида кечириб юборардим-а, дея надомат чекди. Бироқ ўзи имдод қилиши кераклигини, Афиға барибир ҳам чорасиз бир ожиза эканини тан олишга ғурури йўл бермади.

«Мен ҳам ахир унга хиёнат қилдим-ку», деб ўйламади. Ўйланган бўлса ҳам: «Менини хиёнат эмасди, чунки мен Афиға қочиб кетганидан сўнг шунга мажбур бўлгандим», дея ўзини оқлади. Мудом кучли, деб ишонган савқи табнийси билан шу топда, ҳали-ҳануз Афиға ундан имдод кутаёттанини, яна «мөҳрибон» холасининг қайноқ исканжасида азоб чекиб, «Субут акам яна келади, яна қутқариб олади», дея оҳ чекаёттанини сезмади, ҳис этмади. Тўғрироғи, сезишни истамади. Зоро, тўқчилик, тўқис ҳаёт уни ана шу сезгидаи мосуво этиб қўйганди.

ФХДЁ да ҳам иш тез ва силлиқ битди. Яна ҳамма жараёнлар «Ишонч қофози» орқали ҳуқуқшунос томонидан амалга оширилди. ФХДЁ мутираси ҳар икки томонга «Никоҳ бекор қилинганилиги тўғрисида»ги гувоҳномани топширди.

– Мана, ҳаммаси... яхшиликча ҳал бўлди, – деди ҳуқуқшунос. – Раҳмат сизга!

– Шодман, – деди Субут. – Сизга бир саволим бор... Агар малол келмаса...

– Марҳамат, сўрайверинг.

– Афиға қалай яна ўша... Шаҳина хонимнинг қайноқ қучогида яшаяптими?...

– Афиға хонимдан хавотир олмасангиз ҳам бўлади, – деди ҳуқуқшунос. – Куни кеча шаҳар марказидан бир хонали уй ҳарид қилди. Бугун нотариусда расмийлаштирамиз. Энди ўқишини давом эттиради, ишга киради. Ҳуллас, эркин ва мустақил яшайди. Раҳматлик Абдуҳалим аканинг хотиралари ҳурмати уни энди хор қилиб қўймаймиз. Чунки ул муҳтарам зот тириклик чоғларида: бу қизимиз ҳаётда кўп машақат кўрибди, энди бундан бүен қийинчиллик кўрмаслиги керак, дегандилар.

– Нақадар улуғ олийжаноблик, – деди кесатиб Субут. Ҳуқуқшунос бу кесатиққа нима деб жавоб беришни билмай, бир

зум саросималанди. Кейин миясига келиб қолган фикрдан яй-  
раб, кулимсираб савол берди: – Дарвоқе, сўраганинг айби йўқ,  
дейдилар ўзингиз турар жой масаласини ҳал қилдингизми? Ё...

Чамаси у Субутдан «Ё Фаризахоним қайтариб сотиб олган  
муҳташам қасрда роҳат-фароғат ичра яшашда давом этасизми?»  
деган янада ҳақоратомуз саволни ҳам бермоқчи эди. Лекин бо-  
тиноғмадими, ё Субутни аядими, ҳар қалай гапини охиригача  
етказмади.

– Ҳал қиласиз, насиб этса, – деди Субут шоша-пиша унинг  
гапини бўлиб. – Хотиржам бўлинг.

– Худо омадингизни берсин, хайр бўлмаса! – деди ҳуқуқшу-  
нос ва чиқиб кетди. Субут ҳам унинг ортидан ташқарига чиқди.  
Ўпкасини тўлдириб нафас олди. Кузнинг илиқ, ёқимли ҳавоси.  
Осмон тиниқ. Машина томон юрди. Ҳайдовчи йигит чаққон ту-  
шиб, эшикни очди. Субут машинага ўтирди. Ҳайдовчи: «Қаёқҳа  
ҳайдай?» деб сўради. «Олдинга», деди ҳазиломуз оҳангда Субут.  
Ҳайдовчи индамасдан машинани елдириб кетди.

### Иккинчи қисм тугади

*Адабий-бадиий нашр*

**ҲАБИБ ТЕМИРОВ**

**ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ 2**

**Мұхаррір  
Насиба ЮСУПОВА**

**Бадиий мұхаррір  
Баҳриддин БОЗОРОВ**

**Техник мұхаррір  
Елена ДЕМЧЕНКО**

**Мусаққиң  
Дилрабо МИНГБОЕВА**

**Компьютерда сақыфаловчи  
Феруза БОТИРОВА**

Босишига 17.12.2010 й.да рухсат этилди. Бічими 84x108 1\32.

Босма тобоги 5,625. Шартли босма тобоги 9,45.

Адади 1000 нұсқа. Буюртма № 232.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбая марказыда тайёрланған.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасыда босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 368-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

## «ЯНГИ АСР АВЛОДИ» ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Ги де Мопассан. “Азизим”. Бичими 84x108 1/32. 24 б.т. Адади 2000 нусха. Қаттиқ муқовада.

“Шафқатсиз суратда ҳақиқатни сўйловчи қудратли асар” деб аталган ушбу роман ўз даврида катта шуҳрат қозонгай. Роман ўн тўққизинчи аср француз сиёсатдонларининг ва улар қўлида қўғирчоқ бўлган журналистларнинг ҳаёти, сиёсий найрангбозликларини, фаҳш ва разолат билан тўлган маънавиятларини аёвсиз суратда очиб ташлайди.

Таржимои: Иброҳим Фафуров



Иоганин Волфганг Гёте. “Ёш Вертер-нинг изтироблари”. Бичими 84x108 1/32. 8 б.т. Адади 2000 нусха. Юмшоқ муқовада.

Севги ҳақидаги бу ҳазин қисса Гётенинг шоҳ асарларидан биридир. Покиза қалбнинг яраланган муҳаббати ҳижрон дамларида янада оловланади. Бу изтироблар эса мактуб сифатида баён этилиши асар услубининг ўзига хослигини таъминлайди.

Таржимон: Янгилиш Эгамова



3509

Аҳмад Лутфи Қозончи. «Ўгай она». Бичими 84x108 1/32. 8 б.т. Адади 2000 нусха. Юмшоқ муқовада.



Ҳам ҳуснда, ҳам илму одобда намуна бўла оладиган қиз Фотимани икки етим фарзанди билан қолган оддий кишига ўз ихтиёри билан, ҳатто яқинларининг истакларига қарши ўлароқ турмушга чиқишига нима мажбур этди? Иисоннинг яшашдан муроди не? Хайрли дунё, саодат сирлари нимада? Фароғат кошонаси бўлмиш оила фаровонлигини асоси нималарга боғлиқ? Китоб ушбу саволларга жавоб топишинингизда асқотади.

Таржимон: Йўлдош Эшбек

Хусайн Раҳми Гурпинар. «Жинлар орасида қолган қиз». Бичими 84x108 1/32. 7,5 б.т. Адади 2000 нусха. Юмшоқ муқовада.



Муҳсенна исмли қизни алдаб, сирли ва кўрқинчли қасрда яшайдиган уч аёлга хизматкорликка олиб келишади. Қиз биринчи тундаёқ жинлар орасига тушиб қолади. Унинг учун изтиробли ва ваҳимали бир ҳаёт бошланади. Воқеаларнинг нақадар ҳаяжонли кечишини ва ҳайратланарли якунланишини ушбу ажойиб китобни ўқиб билиб оласиз.

Таржимон: Пошшахон Кенжаева



ҚОРА КАСР  
АСЫРАСИ

ISBN 978-9943-08-268-7

9 789943 082687